

ЯНГИ жамоатлар ташкىл қилиш

Бешинчи құлланма
Март 2003 й.



“Рұхий уйғониш“
Иттифокы



Барча жойда жамоат ташкил
қилиш уюшмаси

Сиз бу материалдан көнг имкониятларда фойдаланишингиз, уни қайта босмадан чиқаришишингиз ва тарқатишингиз мумкин. Биз умид қиласизки, бу материал яна күплаб хизматчиларни жамоатларни ташкил қилишда доимий қатнашишда ва уларни хизматга тайёрлаашда ёрдам беради. Март.2003.

Мундарижа

Курс учун сўз боши.....	5
Бешинчи Қўлланма учун сўз боши	9
Таълим бериш режаси	12
1 ҚИСМ: Ният (Мақсад)	13
1 Дарс Ният ва телескоплаштириш	14
2 Дарс Жамоатларни барча жойда жамоатлар ташкил қилиш учун жалб қилиш	20
3 Дарс Кейинги қадамлар	28
4 Дарс Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати доирасида таълим бериш	37
5 Дарс Ҳаракатда қатнашишлари учун жамоатларни бирлаштириш	40
2 ҚИСМ: Жамоат.....	48
1 Дарс Жамоатда Худога топиниш.....	49
2 Дарс Топинишни қандай олиб бориш керак	55
2А Илова: Топиниш хизматини режалаштириш бўйича қўлланма	61
3 Дарс Маҳаллий жамоат ва Масиҳнинг танаси.....	63
4 Дарс Жамоатдаги тартиб-интизом	68
3 ҚИСМ: Руҳий ўсиш.....	72
1 Дарс Муаммоларни ҳал қилиш	73
2 Дарс Миссионернинг бенуқсон ҳаёти.....	80
4 ҚИСМ: Уй гуруҳлари	87
1 Дарс Мавжуд бўлган жамоатларда уй гуруҳларининг хизмати	88
2 Дарс Уй гуруҳлари хизматини мувофиқлаштириш.....	94
2АИлова: Уй гуруҳлари: сўнгги қадам.....	101
5 ҚИСМ: Лидерлик.....	104
1 Дарс Маъсулиятни (вазифани) бўлишиш ва хизматни топшириш	105
2 Дарс Бошқаларни имон кўзи билан кўриш	112
2АИлова: М.К.нинг Кор.га биринчи мактубини индуктив усулда ўрганиш	117
3 Дарс Ҳаракатга лидер-хизматчилар зарур	119
3АИлова: Лидер.....	124

6 ҚИСМ: Оила.....	127
1 Дарс	
Оиласга хизматга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш.....	128
7 ҚИСМ: Ваъз	133
1 Дарс	
Муқаддас Китоб ваъзи I	134
2 Дарс	
Муқаддас Китоб ваъзи II	138
3 Дарс	
Муқаддас Китоб ваъзи III	143
8 ҚИСМ: Ибодат.....	151
1 Дарс	
Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ибодат.....	152
2,3 Дарс	
Ибодат семинари	160

Курс учун сўз боши

Бу ўқиши материали ҳақида

I. Бу материални тайёрлашдан мақсад

Танланган ва жамоат ташкил қилиш учун хизматга юбориладиган шогирдлар тайёргарликка муҳтождирлар. Жамоат раҳбарлари учун эса, хизматдаги қийинчиликларга қарамасдан Худонинг аниқ иродасини билиш зарур. Афсуски кўпчилик семинариялар, коллежларга бориб таълим олиш имкониятига эга эмаслар.

Бу қўлланмаларнинг мақсади — миссионерлар ва жамоат раҳбарларига хизматлари учун Худо иродасини очиб, уни Муқаддас Китоб асосида амалга тадбиқ этишда ёрдам беришdir. Унда жуда кўплаб фойдали маълумотлар бор, бундан ташқари бу қўлланмалар фақатгина "танишириш программаси" бўлиб чегараланиб қолмаган. Ундан фойдаланиш тўлиқ Муқаддас Китобга асосланган ва жамоатда хизмат қилиш учун, яна янги жамоатларни ташкил қилиш учун зарур бўлган билимларга эга бўлишда ёрдам беради.

Бу қўлланмалардан икки йўлда фойдаланиш мумкин:

Амалий таълим олиш ва янги жамоатларни ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашда. Масиҳ Танасида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини бошлаш учун.

Ривожланган бу даврда биз кўплаб мамлакатлар: Бразилия, Руминия, Филиппинда, Нигерия ва бошқа давлатларда янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатининг ривожланишини кўришимиз мумкин. Биз ишонамизки, Худонинг бутун дунёга Хушхабарни етказиш учун керак бўладиган куроли, бу маҳаллий жамоатлардир ва кўпайиш асосида ташкил қилинган янги жамоатлар Буюк Топшириқни амалга оширишнинг энг самарали йўли бўла олади. Янги жамоатлар бошиданоқ янги жамоатларни ташкил қилишни мақсад қилган ҳолда бунёд этилиши керак. Бундай ҳаракат бошланганидан кейин, бутун мамлакатда кўплаб одамларнинг ҳаётини ўзгартириб юборадиган уйғониш, янги жамоатлар ташкил қилиш бошланади.

Янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатида масиҳийликнинг ҳамма "даражасидаги" одамлар — янги имонга келганлар ҳам, доноликка тўлган бошқарувчilar ҳам, ҳамма-ҳамма иштирок этиши керак. Хушхабар тарқатувчilar ёлғиз ўзлари янги жамоатларни ташкил қилиш ҳаракатини бошлай олмайдилар. Шунинг учун бу қўлланмалар фақатгина янги жамоатларни ташкил қилишга чақирилган хизматчилар учунгина эмас. Фойдаланиш учун осон бўлган ва жамоатлардаги ҳар қандай одам учун янги жамоат ташкил қилишда қўлланма бўла оладиган, ва кўплаб жамоатларда самарали ишлатилаётган бу қўлланмалар, янги жамоатни ташкил қилиш имкониятига ва ҳоҳишига эга бўлган ҳар бир одам учун ажойиб қўлланма бўла олади.

II. Қўлланмадаги маълумотлар

Бутун материал умумий 125 та бир соатлик дарслардан ташкил топган бўлиб, ўз ичига янги жамоатни ташкил қилиш учун қилинадиган ишлар, мақсад, уй гуруҳларида хизмат қилиш, устозлик, жамоат тузилиши, воизхонлик, Муқаддас Китобни ўрганиш, ўйлбошчилик, ибодат, вазъхонлик, руҳий ўсиш, оиласа тегишли саволлар, руҳий жанг, бошқариш ва бошқаларни ўз ичига олган бешта қўлланмага бўлинган.

Кўлланмаларга бўлишдан мақсад таълим жараёнида "илгарилаб борадиган" яни ривожланиб борадиган характер кўзланган. Ҳар бир қўлланма курси тугаганидан кейин, ўрганганларни амалда ишлатиб кўриш учун танаффус қилиш зарур. Кейинги курслар эса кўпинча аввалги дарсларда ўрганганларни амалда ишлатиб олинган тажрибаларга асосланиб тузилган.

Шундай қилиб, материал бир вақтда ҳам таълим олиш, ҳам амалда ишлатиб, жамоатда хизмат қилиб бориш давомида ўрганиш имконини беради. Янги жамоатни ташкил қилар экан, хизматчи керакли тажриба ва билимнинг етишмаслиги, бундан ташқари турли хил саволларни ҳал қилишда дуч келадиган қийинчиликлар билан тўқнашади. Янги жамоатни ташкил қилишда керак бўладиган тажриба ва билим биринчи қўлланмага киритилган, дуч келиниши мумкин бўлган муаммо ва саволларга жавоблар эса кейинги қўлланмаларда берилган. Ҳар бир

қўлланма хизматчиларга жамоат ташкил қилишда дуч келадиган аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам берадиган қилиб тузилган.

Дарслар мавзулар асосида группаланган, ва ҳар бир қўлланма турли хил дарсларни ўз ичига олган бўлимлардан иборат. Бир неча мавзулар эса, мисол учун "Ният" ёки "Жамоат" кабилар, ҳамма беш қўлланмада ҳам берилган. Бошқалари эса мисол учун "Устозлик", "Бошқариш" каби мавзулар охирроқда, яни ўрганувчи учун энг керак бўладиган даврларда берилган. Бу бўлимнинг охирида бешта қўлланмага кирадиган дарсларнинг жадвали берилган.

III. МАТЕРИАЛДАН ФОЙДАЛАНИШ

A. Қатнашчилар учун

Ҳар бир қўлланмани тайёрлаш учун кўплаб куч, вақт ва ибодатлар сарфланган. Улардаги маълумотлар, миссионерлик принциплари, янги жамоатлар ташкил қилиш хизмати тажрибалари иложи борича юқори даражада беришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ўрганишни биринчи қўлланмадан бошлаб, тартиб асосида, қолгандарини ҳам ўрганишингиз зарур бўлади. Мана шу йўл билан ҳар бир дарснинг мазмуни диққат билан танланган ва жамоат ташкил қилишда фойдали, қулай ва зарур бўлган қурол бўла олишига ҳаракат қилинган. Дарсларни қолдириб кетиш сиз учун фойдали бўлмайди.

Эсингизда бўлсин, ҳақиқий таълим фақатгина сиз ҳаётингизда ва хизматингизда уни ишлатганингиздагина амалга ошади. Кўпчилик дарсларнинг охирида топшириқлар берилган. Улар, сиз ўрганган дарсингизни амалда қўллашингизда ёрдам бериш учун берилган ва уларни кейинги қўлланмани бошламасдан олдин бажариш тавсия қилинади. Бу амалий машғулотни бажараётганингизда устоз, ёки ўқитувчига эга бўлишингиз ва у сизнинг ўрганганларингизни ҳаётингизда ва хизматингизда амалда қўллаётганингизни кузатиб туриши жуда муҳим.

B. Ўқитувчилар учун

Бу материалдан ҳар қандай таълим жараёнларида фойдаланиш мумкин – Инжил мактабларида, семинарларда, жамоат семинарларида. Бундан ташқари у фақатгина ўкув дарслиги эмас. Бу қўлланмалардан фойдаланишдан мақсад – амалий йўл билан жамоат ташкил қилиш учун хизматчиларни тайёрлашдир. Материал билан ишлашда ўқувчига фақатгина маълумот берибгина қолмай, балки унда Муқаддас Китобга асосланган хизматга қизиқиш уйғотиш ҳамdir. Бу қўлланмалар—”бажарувчилар“ учундир.

Сиз ҳар бир материални шароитингизга қараб, қандай ўқитиш ва ишлатишни танлашингиз мумкин, биз фақатгина маслаҳат берамиз, ҳар бир қўлланмани семинарда бир ҳафта давомида ўрганиш жуда ҳам фойдали ҳисобланади. Ўқитаётгандан кўпроқ дарслар охирида берилган топшириқларни кейинги дарсгача бажарилганлигига алоҳида аҳамият бериш керак бўлади. Таълим бериш даврлари орасидаги фарқ — тўрт ойдан олти ойгача ҳисобланади. Бундай таълим беришнинг афзаллиги шундаки, ўрганилган билим, топшириқлар орасида амалда қўлланиб, тажриба ошиб боради.

Дарс олиб бориш давомида ҳар бир бўлимнинг ҳар бир абзацига эътибор бериш шарт эмас, чунки ўқувчилар ўзлари кейинроқ бу нарсаларни ўқиб олишлари мумкин. Энг яхши дарс бериш усули — бу ўқувчилар материални авал ўзлари ўқийдилар, ва ўз тажрибалари асосида дарсда уни муҳокама қиласидилар. Баъзан эса ўрганилаётган мавзуда кўплаб тажрибага эга бўлган кишининг фақатгина ваъзи фойдали бўлиши мумкин. Бу ўзингизга боғлиқ, сиз яратувчан бўлинг, материалларда берилган принцип ва билимларни турлича йўллар билан бошқаларга етказиб беринг.

Бешинчи Қўлланма учун сўз боши

Бу Қўлланма— курсимизнинг охирги қўлланмасидир. Унинг мақсади – сизнинг жамоатингизга “Жамоатлар ташкил қилиш цикли”нинг бешинчи босқичини (фазасини) ўташида ёрдам бериш (қуйида берилган схемага қаранг) — яъни, имкон борича кўпроқ лидерларни ва гурӯҳ раҳбарларини тайёрлаш ва уларга таълим бериш, токи бу етакчилар жамоатлар ташкил қилиш бўйича ўз командаларини тузга оладиган бўлишсин. Ва айнан мана шу босқич — маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш бўйича қудратли ҳаракатнинг бошланиши бўлади. Қўлланмадаги дарслар, асосан, жамоат раҳбарлигининг амалий аспектлариغا ва жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини шакиллантиришга бағишлиланган.

Бешинчи Қўлланманинг материалларини ўрганишга киришишдан аввал, “Жамоатлар ташкил қилиш цикли” схемасининг ўзини, ва шунингдек, аввалги Қўлланмаларда ўрганилган мавзуларни эсланг. Биринчидан, бу сизга жамоатлар ташкил қилиш бўйича ўз ютуқларингизни баҳолашга имкон беради (жамоатингиз ташкил қилинишининг бошланғич босқичи, қуйида келтирилган “Асослар” жадвалида баён қилинган ҳаракатларга қанчалик мос келганига солиштириб кўринг). Иккинчидан, жамоатлар ташкил қилишнинг бутун циклини кўриб чиқиш, сизга бутун материал ҳақида, яъни сиз ўрганадиган материал ҳақида, ва шунингдек таълим жараёни тамом бўлганидан сўнг, сиз амалга оширишингиз зарур бўлган амалий ҳаркатлар ҳақида умумий тасаввур беради. Бу материални ёзишда ва тайёрлашда қатнашган ҳамма сиз учун ва сизнинг хизматингиз учун ибодат қилишган ва сизнинг бу муҳим ишда муваффақиятга эришишингиз учун ибодат қилишда давом этмоқдалар.



Асослар

Мақсад: ўз-ўзини тайёрлаш, ниятни ишлаб чиқиш, жамоат ташкил қилиш бўйича ўз фаолияининг йўналишини белгилаб олиш.

Оят: “Ҳар ким, қандай қураётганига диққат этсин”
(1Кор.3:10-11).

<u>Харакат:</u>	<u>Тасвирилаш:</u>
<ol style="list-style-type: none"> Ибодатда ниятга эга бўлиш. Аҳолининг мўлжалдаги гурухини тадқиқ қилиш. Имонда мустаҳкамланиш. Каломни ўрганишда мустаҳкамланиш. Жамоат ташкил қилишнинг усуллари ва стратегиясини аниқлашни бошлаш. 	<p>Тасвирилаш:</p> <p>Жамоат ташкил қилиш учун одам маълум бир руҳий даражага ва билимга эга бўлиши керак. Ташкил қилинадиган жамоат қандай бўлиши ҳақида аниқ ниятга эга бўлмаслик ҳам ишга ҳалақит беради. Шунинг учун бу босқичда аниқ мақсадга эга бўлиш ва жамоат ташкил қилишнинг аниқ стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.</p> <p>Стратегияни ишлаб чиқишида эса мақсад учун танланган худудни тадқиқот қилиш ва керакли (потенциал) ёрдамчиларни аниқлаб олиш жуда қўл келади. Бундай тадқиқотнинг мақсади – сиз жамоат ташкил қилмоқчи бўлган жойдаги одамларни яхшироқ билиб олиш ва имконга қараб уларга хизмат қилишдир.</p>

Эгаллаш

Мақсад: муҳим одамлар билан алоқа ўрнатиш ва уларга Хушхабар етказиш.

Оят: “ҳаммага ҳамма нарса бўлдим”
(1Кор. 9:22-23)

<u>Харакат:</u>	<u>Тасвирилаш:</u>
<ol style="list-style-type: none"> Муҳим одамлар билан алоқа ва улар билан муносабат ўрнатиш. Хушхабар етказиш. Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича хушхабарчилар уй гурухини ташкил қилиш. Ўз наъмунаси билан янги имонга келганларни хизматга ўргатиш. Янги имонга келганларга устозлик қилиш. 	<p>Тасвирилаш:</p> <p>Жамоатда Хушхабар айтиш хеч қачон тўхтамайди, лекин бу даврда жамоат ташкил қилувчи бунга кўпроқ эътибор бериб, кўпроқ куч сарфлайди. Жамоат ташкил қилувчининг ушбу даврда кўрсатган шахсий наъмунаси бошқаларни Хушхабар айтишга тайёрлаш ишларида ва бу ишларни жамоатда амалга ошишида асосий роль ўйнайди.</p> <p>Хушхабар айтмасдан туриб жамоат ташкил қилиш мумкин эмас. Кўпгина жамоат ташкил қилувчилар кўпинча бутун дикқат эътиборларини Хушхабар айтишга қаратиш ўрнига, бошқа масиҳийларни ўзларининг янги жамоатларига жалб қилишга ҳаракат қиласидилар. Имонга келмаганларни Худонинг Ўзи, имонлиларнинг ҳаракатисиз жамоатга олиб келади, деган умид жуда камдан кам ҳолларда самарали ҳосилни беради.</p> <p>Жамоат ташкил қилувчилар хушхабарчиларнинг уй гуруҳларини ташкил қилишлари зарур. Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, Муқаддас Калом таълимотларини кундалик ҳаётда қандай қилиб тадбиқ этиш мумкинлиги ҳақидаги баҳс-мунозаралар, шахсий муҳтоҷликлар учун ибодат қилиш ва гуруҳ аъзолари ўзаро бир бирларини кўллаб-куватлашлари бу гуруҳларнинг дикқат марказида туриши керак. Агар одамлар очиқ муносабатларга ўрганишмаган бўлса, бу муаммони вақт ўтиши билан ҳал қиласа бўлади. Бу гуруҳ аъзолари билан шахсан мулоқот қилиш ҳам жуда фойдалидир. Уй гуруҳининг раҳбарлари иложи борича тезроқ шогирдларни (бўлажак лидерларни) тайёрлаш ҳақида ўйлашлари керак. Йиғилишларни иложи борича оддий кўринишида ўтказиш лозим, чунки кейинчалик шогирдлар ҳам бу кўринишини ўз гуруҳларининг йиғилишларида осонгина қўллай олсинлар. Агар йиғилиш гуруҳ раҳбарининг шахсий тажрибаси, билими ва унинг мулоқот услуги асосида олиб борилса, кейинроқ янги гуруҳлар учун лидерларни топиш жуда кийин бўлиши мумкин.</p>

Мустаҳкамланиш

Мақсад: имонлиларни ва гурухнинг бошқа аъзоларини Худога сажда қилиш учун йиғиш.

Оят: “..., йиғилишларимизни қолдирмайлик.”
(Ибр. 10:24-25)

<u>Харакат:</u>	<u>Тасирлап:</u>
<ol style="list-style-type: none"> Имонга келгандарга устозлик қилиш Лаёқатли лидерларни тайёрлаш Аъзоларнинг “ойкос”лари орқали Хушхабар айтишини кенгайтириш. Уй гурухларини кўпайтириш Йиғилишларни мунтазам ўтказишни бошлиш. 	<p>Бу жараёнга тайёрланиш бир йилдан кам бўлмаган вақтни олса ҳам, кўплаб чўпонлар айнан мана шу жараённи жамоатнинг расмий равиша дунёга келиши деб ҳисоблайдилар. Имонлилар гуруҳидан бутун бир маҳаллий жамоатга ўтиш жараёни ўзига хос ва индивидуал динамикага эга. Бу вақтга келиб энди уй гуруҳлари ўсиб, кўпайиб боришилари керак, чунки айнан ўшалар бошланишида вакти-вакти билан ўтказиладиган, кейинроқ эса мунтазам олиб бориладиган дастлабки биргаликда Худога топиниш йиғилишларининг асоси бўладилар. Агар имконият бўлса бирор кенг бинони ижарага олиш мумкин, лекин ёдингизда бўлсин бу қадамни кўйишга шошилиш ҳам ярамайди. Бинони ижарага олишдан олдин камида 30-40 аъзосига эга бўлган кучли уй гуруҳларига эга бўлиш керак.</p> <p>Устозлик хизмати жамоатда дастлабки кунлардан бошлаб то унинг кейинги бутун ҳаётида мавжуд бўлиши керак. Аммо бу босқичда жамоат ташкил қилувчининг бутун эътибори айнан мана шунга қаратилган бўлиши керак, зеро бу ушбу жамоатнинг келажакдаги барча устозларнинг хизматлари учун асос бўлиб хизмат қилсин.</p> <p>Бу босқичда кенг тарқалган муаммолардан бири янги имонга келгандарни унчалик хушламай қабул қилишдир. Баъзи миссионерлар эса ҳар бир янги имонга келган ҳам “ҳамма” каби бўлади, деб ҳисоблайдилар, ва акс ҳолда эса бундай одамга руҳий ўсишида ёрдам беришга тайёр бўлмайдилар. Бошқалар эса янги имонга келгандарга ҳаддан ташқари қаттиққўллик билан муносабатда бўладилар, руҳий гўдакларнинг тезроқ ўсиб улғайишларини ҳоҳлаб уларга қаттиқ туриб, турли хил қонун-қоидаларни илиб кўйишлари мумкин. Севги ва сабр — Исо Масиҳдаги гўдакларга нисбатан муносабатнинг асоси мана шудир.</p>

ТАЙЁРЛАШ

Мақсад: Жамоатда, ўз навбатида бошқаларни ҳам тайёрлай оладиган раҳбарларни ва хизматчиларни тайёрлаш.

Оят: „... сен мендан нимани эшитган бўлсанг...“
(2Тим.2:2)

<u>Харакат:</u>	<u>Тасвиirlап:</u>
<ol style="list-style-type: none"> Хизматнинг ҳар бир соҳаси учун раҳбарлардан талаб қилинадиган талаблар рўйҳатини тузиш. Ҳар бир аъзонинг руҳий инъомларини аниқлаш. Уй гурухлари раҳбарларини тайёрлаш. Раҳбарларга маъсулиятларни бўлиб бериш ва янги раҳбарларни 	<p>Жамоат ташкил қилишнинг биринчи учта даврида юкнинг асосий қисми миссионернинг елкасига тушади, худди болалари ҳали ёшлигига оилани тебратаетган ота каби. Худди ана шу оиласада болалар катта бўлган сари уларга кўпроқ ва кўпроқ мажбуриятлар юклангани каби, янги имонга келган масиҳий ҳам, руҳан ўсишига қараб, жамоатдаги хизматларда борган сари кўпроқ иштирок этиши керак. Мазкур даврда жамоат ташкил этувчи Хушхабар айтиш, устозлик ва янги лидерларни тайёрлашнинг бир қисмини янги раҳбарларга ишониб топширади.</p> <p>Биринчи навбатта, албатта Худога суянган ҳолда, жамоат ташкил қилувчилик бошқаларга кўпроқ ва етарли даражада ишонишлари зарур, чунки кейинроқ, янги ташкил қилинган жамоатга айан улар раҳбарлик қиладилар. Худо ҳар бир имонлига руҳий инъом ва хизмат олиб бориш учун мажбурият берган. Агар жамоат ташкил қилувчи мажбуриятни бошқалар</p>

хизматларга юборинг.	билин бўлишмаса, одамларни хизматга тайёрламаса ва бу хизмаатларни олиб боришга имкон бермаса, у холда жамоатнинг ўсиши бир одамнинг чўпонлик хизмати доирасида чегараланиб қолади.
-------------------------	--

КЎПАЙИШ

Мақсад: Жамоат ташкил қилувчилар гурухини тузиш учун раҳбарларнинг доирасини ташкил қилиш.

Оят: ”Лекин Муқаддас Рух устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар, Куддусда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар“
(ҳаворий. 1:8)

Харакатлар:	Тасвирилаш:
1. Жамоатлар ташкил қилиш түзилажак гурухларнинг раҳбарларини тайёрлаш.	Кўпчилик жамоат раҳбарлари жамоатларни кўпайтириш ўрнига, аввалдан мавжуд бўлғанларини қувватлаб, уларга янги одамларни қўшишга одатланишган. Жамоатдаги масиҳийлар сонининг ўсиши уларни тўлиқ қониқтиради ва улар кўпайишга унчалик интилмайдилар. Ушбу даврда “чинакам” жамоат бўлиш учун шахсий бино қуришга интилиш, кўпинча қолган барча муҳтожликларни ва мақсадларни четга суриб қўйилишига олиб келади, энг асосийси — кўпайиш жараёнини секинлаштиради. Раҳбарлар ўз жамоатлари шаҳарда ва вилоятда қандай қилиб янада кўпроқ ва аҳамиятлироқ таъсир ўтказиш мумкинлиги ҳақида ўйлашлари керак. Кўпинча “она” жамоатдан чиққан янги жамоатларнинг раҳбарлари, узокдаги диний семинариялардан ва Инжил мактабларидан келган раҳбарлардан кўра яхшироқ натижаларга эришадилар
2. Ҳар хил хизматлар учун бир неча даража ишчиларини тайёрлаш.	
3. Худо сизни хизмат қилиш учун олиб бораётган янги регионларда тадқиқот ишларини ўтказиш.	
4. Хушхабар етказиш бўйича стратегик тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш.	
5. Хизмат қилиш таркибини ташкил қилиш билан шуғуллана оладиган раҳбарларни тайёрлаш ва тайинлаш.	

БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАРАКАТИ

Мақсад: Минтақа, шаҳар ёки миллатларни жамоатлар билан тұлдириш ва миллатлараро жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатында қатнашиш.

Оят: "Менинг бутун құттуғ төғимдә ёвузың қылмайдылар ва зарар етказмайдылар: ер Раббимизнинг билан тұлади, худди сувлар деңгизни тұлдирғандай" (Чиқ. 11:9)

Ҳаракатлар:	Тасвирилаш:
<p>1. Минтақанинг ҳар бир этник (бирор халққа ва унинг маданиятига оид) гурухы орасыда жамоатлар ташкил қилиш.</p> <p>2. Ҳаракатни тарқатиши ва ривожлантириши режаларини ишлаб чиқиши.</p> <p>3. Минтақада мавжуд бүлгап гурухлар билан құллаб-қувватланиб (жумладан, молиявий тарафдан ҳам) туриладиган халқаро миссионерлик лойиҳалари устида ишлаш.</p> <p>4. Минтақадаги ҳамма имонлиларни бирлаштириш учун, йиғилишлар, ибодатлар ва улуғлашлар үтказиши.</p> <p>5. Минтақавий ва (ёки) миллий мақсадларни аниқлаш.</p> <p>6. Ҳаракатнинг мухим раҳбарлари учун, таълим беришнинг янада юксакроқ даражасини таъминлаш.</p>	<p>Жамоатлар ташкил қилишнинг мақсади — шунчаки яна битта жамоанинг пайдо бўлиши эмас, балки ҳар бир минтақани кўпаядиган жамоатлар билан тұлдириш. Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини маълум бир минтақада Муқаддас Рух раҳбарлигига янги жамоатларнинг одатдагидан кўра ғаройиб тарзда пайдо бўлиши ва тез ўсиши, деб тасвирилаш мумкин. Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатлар шу минтақадаги барча имонлиларни тайёрланишда ва хизматда қатнашишда, умумий тасаввур ва мақсадларда бирлашиши билан характерланади.</p> <p>Павлус, ҳаворий ва жамоат ташкил қилувчи, Асияда жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатни бошлаш ва ривожлантириш учун Муқаддас Рух томонидан йўналтирилган эди. Даслаб Эфесда жамоат ташкил қилиб, Павлус Тиранна мактабида шогирдларга мураббийлик қилиб, уерда иккى йилни үтказади. У амалга оширга ишларнинг ҳосили қўйидагилар бўлди, "шу тариқа иккى йил давомида хоҳ яхудий, хоҳ юноний бўлсин, Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси Раббимиз Исонинг каломини эшитдилар" (Ҳав. 19:10) Бутун Асия Раббимизнинг сўзини эшитганлигининг исботи ва у ерда жамоатлар ташкил қилиш бўйича бошланган ҳаракатнинг гувоҳлиги бу — у ерда янги жамоалар пайдо бўлганидир (Эфесда, Колосада, Лаодикиядада, Пергияда, Мирахда, Иерапольда, Смиренда, Пергамеда, Фиатиреда, Сардисе, Филаделфияда ва бошқа жойларда). Жамоатлар ташкил қилувчилар ва жамоат раҳбарлари ўз хизматларини жамоат ташкил қилиш ҳаракати бўйича тасаввурга эга бўлган ҳолда олиб боришлари зарур. Бир қанча мамлакатларда Хушхабар жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати орқали қанчалик тарқалаётганига замонавий мисоллар мавжуд. У ерда бўлаётган воқеаларни хизматнинг Муқаддас Китоб бўйича принциплари нуқтайи назаридан ўрганиб, жамоатлар ташкил қилувчилар бошиданоқ керакли томонга қараб ҳаракат қилишлари ва кўплаб ҳосиллар келтиришлари мумкин.</p>

Таълим бериш режаси

Бешинчи Кўлланма							
<i>Жамоат</i>	<i>Ният (Максал)</i>	<i>Рухий ўсиш</i>	<i>Үй гурухлари</i>	<i>Оила</i>	<i>Лидерлик</i>	<i>Ваъз</i>	<i>Ибодат</i>
1 дарс: Жамоатда Худога толиништескоплаштириш	1 дарс: Ният ва Жамоатларни хал қилиш	1 дарс: Муаммоларни жамоатларда уй гурухларининг хизмати	1 дарс: Мавжуд бўлган жамоатларда уй гурухларининг хизмати	1 дарс: Оилага ва хизматга нисбата бир хил	1 дарс: Маъсулиятни бўлишиш ва хизматни топшириш	1 дарс: Муқаддас Китоб ваъзи I	1 дарс: Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ибодат
2 дарс: Топиниши кандай олиб бориш керак	2 дарс: Жамоатларни барча жойда жамоатлар ташкил қилиш учун жалб килиш	2 дарс: Миссионер- нинг бенуқсон ҳаёти	2 дарс: Уй гурухлари хизматини мувофиқланти риш	2 дарс: Мунособатда бўлиш	2 дарс: Бошқаларни имон кўзи билан кўриш	2 дарс: Муқаддас Китоб ваъзи II	2,3 дарс: Ибодат семинари
3 дарс: Махаллий жамоат ва Масихнинг Ганаси	3 дарс: Кейинги кадамлар	3 дарс: Жамоатлар ташкил қилиш доирасида тавъим бериш	3 дарс: Харакатга лидер — хизматчилар зарур	3 дарс: Китоб ваъзи III			
4 дарс: Жамоатдаги тартиб- интизом	4 дарс: Жамоатлар ташкил қилиш доирасида тавъим бериш	5 дарс: Харакатда қатнашишлар и учун жамоатларни бирлаштириш					
4	5	3	2	1	3	3	3

Умумий дарслар вакти: 28 (4 соатлик-бошланиш, хулоса, топширикларни ҳам ўз ичига олган)

Бутун курсдаги соатлар: 148

1 Қисм: Ният (Мақсад)

Ният (Мақсад) 1 Дарс

Ният ва телескоплаштириш *Хушхабарни дунёда тарқатиши*

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади – маҳаллий жамоатларни маҳаллий, минтақавий, кўп миллатли ва бутун дунё хизматларида қатнашишга ундаш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материлини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Хушхабарни ўз жамоати жойлашган ҳудуддан бошлаб “дуёning чеккасига”ча тарқатиши учун Муқаддас Китоб ниятига қандай қилиб эга бўлиш кераклигини тушуниши керак;
- Бутун дунёга Хушхабар етказиш ишида, Жамоатнинг ресурсларидан максимал даражада фойдалана олиш учун телескоплаштириш принципини билиши ва уни қўллай олиши керак;
- Муқаддас Китоб ниятини маҳаллий, минтақавий, миллатлараро ва бутун дунё даражасида амалга оширишда қатнашиши керак.

Дарс режаси:

- I. “Ният” ҳамда “телескоплаштириш тушунчаларинининг таърифи.
- II. Худонинг ўрим–йифими нияти.
- III. Худонинг ўрим–йифими ниятини телескоплаштириш.
- IV. Руҳий куч ва ҳокимият.

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Ўқувчилар диаграмма (Расм. 13.2) хусусида ўйлашлари ва уни тўлдиришлари учун вақт ажратинг. Бу улар учун қайси вилоятлар ”Яхудия, Самария ва ер юзининг чеккаси“ни ташкил қилишини тушунишларига ёрдам беради. Ушбу дарс орқали Раббимиз баъзи ўқувчиларни миллатлараро миссионерлар ишида шахсий қатнашишга ёки ташкил қилаётган жамоатларида бўлажак миссионерларни тайёрлаш ҳақида ибодатга чақириши мумкин.

I. “НИЯТ” ҲАМДА “ТЕЛЕСКОПЛАШТИРИШ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ТАЪРИФИ

Ушбу дарс Жамоатни Буюк Топшириққа бўйсунишга, яъни ўз ҳалқининг олдига ва бутун дунё ҳалқларининг олдига боришга, шогирдлар орттиришга ва тарбиялашга чақиради. Бизнинг мулоҳазаларимизга Ҳав.1:8 ояти асос бўлади. Бу дарс жамоатларни қунт–матонат билан олға силжишига, маданий ва тил тўсиқларни ва шунингдек масофавий тўсиқларни енгишга даъват қилишга мўлжалланган. Сизнинг жамоатларингиз, худди биринчи масиҳийлар каби Ҳазрати Исонинг Қуддусда (маҳаллий), Яхудияда (ўз минтақасида) Самарияда ва ер юзининг чеккасидаги (янги мамлакатларда, янги ҳалқларда, маданиятларда ва тилларда) гувоҳлари бўлиши мумкин.

Буюк Топшириқни бажаришда муваффақиятли қатнашиш учун жамоатлар ниятга (мақсадга) эга бўлишлари керак. **Ният** – бу кўриш мумкин бўлган нарсанинг ёки воқеанинг чегарасидан нариёғини ҳам кўра олиш қобилиятидир. Руҳий ният, айнан у бу дунёни Исо Масиҳ ҳақидаги хабар билан тўлдириш учун зарур – бу дунёning минтақаларини ва мамлакатларини — худди у ерда Хушхабар тарқаладиган ва янги жамоатлар ташкил қилинадиган жойлар сифатида кўришdir, дунёning ҳалқларини эса — ораларида (ва улар орқали) Хушхабар тарқаладиган одамлар сифатида кўришdir.

Бу ниятни худди *олдинга, келажакка қараңдек*, Худо томонидан бизнинг олдимизга қўйилган буюк вазифани келажакда амалга ошишини кутиш, деб тасвирилаш мумкин. Бу вазифа — бутун дунёга Исо Масих ҳақида гувоҳлик бериш! Бу сўзларга яна қўйидагини қўшиш мумкин, ният имон/ишончни, яъни Худонинг Ўзи Унинг даъватига жавоб берган одамлар орқали ҳаракат қилишига бўлган имон/ишончни талаб қиласди.

Бироқ ният — бу амалга ошибб, ҳақиқийликка айланмагунча, шунчаки бир чиройли ғоя, шунчаки орзутир. Телескоплаштириш — бу одамга жуда узоқдаги обьектларни ҳам кўра олиш имконини берадиган телескоп сўзидан олинган тушунча. Ҳамма воеа 17 асрда ихтиро қилинган дурбиндан бошланади, унинг асосида Галилео Галилей антиқа бир асбоб тайёрлади, ва бу асбоб телескоп деб аталди. У ихтиро қилган телескопнинг тузилиши мураккаб эмас эди: катта диаметрли линза — объектив — узоқдаги кузатилаётган предметга қаратилган найчанинг охирига қўйиларди. Кичкина қалин линза — окуляр — оптик асбобнинг кўзга тутиб қараладиган томондаги шишаси — найчанинг тешигига кўз томондан солинарди. Линзалар тўғри ўзаро ҳаракат қилишлари учун ва асбобда ҳар қандай узоқликни (ёки яқинликни) кўра олиш мумкин бўлиши учун найчани икки ёққа суриладиган қилинарди. Окулярни объективдан узоқлаштириб ёки яқинлаштириб, кузатувчи шишалар оралиғида шундай масофани топиши мумкин эди, натижада тасвир анча йирик ва аниқ кўринарди. Вақт ўтиши билан телескопнинг ўлчамлари катталашиб борди ва ўз навбатида катталаштириш даражаси ҳам ўсди. Инсоннинг назари узоққа ва яна узоқроққа, коинотнинг чексиз чукурликларигача етиб борди. Биз гапираётган **телескоплаштириш**, — бизга дунёга кириб боришнинг турли усуслари ҳақидаги ниятни беради (турли минтақаларнинг географик ва маданий хусусиятларини назарда тутган холда). Жамоат Буюк Топшириқни бажариши учун шу усусларни қўллаши керак. Ўсаётган ва ўз таъсирини яқиндаги ва узоқдаги одамларга тарқатаётган жамоат, телескопга ёки узун дурбинга ўхшайди, жуда ҳам узоқдаги обьектларнинг тасвирини аниқ кўрсатади. Дунёга кириб боришнинг ҳар бир даври (Қуддус, Яхудия, Самария ва ер юзининг чеккасигача) маҳаллий жамоатлардан Хушхабарни тарқатиши учун иложи бўлган барча нарсани қилишга тайёр бўлишни ва маълум даражадаги қурбонликни талаб қиласди. Маҳаллий жамоатлар Хушхабарни уларнинг ёнида яшәётган одамларга етказишлари керак, улар Хушхабарни ўз мамлакатларининг бутун халқларига ва бошқа мамлакатларнинг халқларига етказишлари зарур.

II. ХУДОНИНГ ЎРИМ-ЙИҒИМИ НИЯТИ

Ҳазрати Исо жамоатни У дунёни қандай кўраётган бўлса, жамоат ҳам уни шундай кўришига даъват қиласди (Мт.9:38). Раббимиз учун дунё — бу йиғим-терим вақти етиб келган экинзорлардир ва одамларнинг жонлари ва қалбларидан иборат бўлган Худонинг экинзори учун юмушчилар зарур. Ҳазрати Исо шогирдларига, Худо Ўзининг буюк ҳосилини йиғиб-териб олиши учун етарли юмушчиларни юборишини сўраб ибодат қилишларини буюрди. Ва мана, Исройлнинг катта байрами — Ҳосил байрамида, бутун халқ бу байрамни нишонлаётган вақтда, Муқаддас Рух шогирларининг устига тушиб келди, ва Рухга тўлган шогирдлар бошқа тилларда гапиришни бошлайдилар. Бутруслар, ўн битта ҳаворийлар билан бирга, жасурлик билан ваъз қиласди, гуноҳлар кечирилиши учун Исо Масих номи билан тавба қилишга ва сувда чўмишга чақиради ва айтади: *“Муқаддас Рухнинг совғасини олинглар”* (Ҳав. 2). Муқаддас Китоб айтганидек, уч мингга яқин киши унинг сўзини қабул қилиб, сувга чўмдилар. Мана шу куни Жамоат дунёга келди! Худо одамларга кўрсатиб берди, яъни Унга қандай ўрим-йиғим керак, қандай ҳосил Уни кувонтиради — буғдойнинг ҳосилими ёки кутқарилган инсон юракларининг ҳосилими? Мана шу унутилмас куни Жамоат инсон жонидан иборат бўлган экинзорни ўриб-йиғиб, Худонинг шон-шуҳратини турли халқларга уларнинг ўз тилларида тантанали суратда билдири. Ният қиляпсизми, биринчи куннинг ўзида уч мингга яқин киши?! Барча кутқарилганлар *“...ҳаворийларнинг таълимотига, муштарак ҳаётга, нон синдиришга ва тоат ибодатларга астойдил берилиб борар эдилар. Бутун имон топғанлар ҳамжиҳат бўлиб, ҳамма нарсалари муштарак эди. Мол-мулкларини сотиб ҳаммага ҳар кишининг эхриёжига қараб тақсимлаб, ёрдамлашар эдилар. Ҳар куни яқдиллик билан маъбадда йиғилиб туришар, уйларида эса нон синдириб, шодлик ва соддадиллик билан овқатланишарди. Худонинг ҳамду-саноси уларнинг тилидан тушмас, бутун халқнинг кўнглини хушлардилар. Худо эса кун сайин нажот топғанларни имонлилар жамоатига қўшиб қўяр эди”* (Ҳав. 2:42, 44-47).

Хўш, биз ўз терминологиямизни қўллаб, Ҳосил байрами куни биринчи Янги Аҳд Жамоати ташкил қилинди, деб айта оламиزمи? Жамоат, ўзининг дунёга келишидан сўнг,

миллион мартадан ҳам кўп маротаба кўпайди ва ўша даврларда одамзодга маълум бўлган ер юзининг барча қитъаларига тарқалди! Бироқ, шунга қарамай йиғим—терим ҳали тугагани йўқ, меҳнат давом этаяти, бир неча миллион жамоатлар ўзларининг дунёга келишиларини кутаятилар. Жим Монтгомери ўзининг "Тонг 2000" номли китобида Ҳазрати Исо ҳақидаги Хушхабар бутун дунёга тарқалиши учун яна камида етти миллионга яқин жамоат кераклигини ёзади. Худонинг йиғим-терим нияти Хушхабар айтишдан, янги жамоатлар ташкил қилишдан ва дунё одамларининг Исо Масиҳ шогирдлари бўлишларидан ва Унинг Жамоати аъзоларига айланишидан иборат бўлиши керак. Жамоат бу ниятга "кўзларини очиб" ва дунёнинг "экинзорларига" қараб эга бўлиши мумкин, ва бу Жамоатнинг Буюк Топшириқни бажаришидаги саргузаштларга ва мўъжизаларга тўла бўлган йўлининг бошланиши бўлади.

III. ХУДОНИНГ ЎРИМ-ЙИҒИМ НИЯТИНИ ТЕЛЕСКОПЛАШИРИШ

Ҳаворий Павлус хайр-эҳсон ва жамоатлар ташкил қилиш ҳақида гапирап экан, у буларни қишлоқ хўжалик соҳасида ва хусусан, ўрим-йиғим соҳасидаги ишларга қиёслайди (1Кор.3:5–8 ва 2Кор. 9:6–7). Жамоат янги жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун одамларни ажратиши ва бу хизматни молия ва ибодат орқали қўллаб-қувватлаб туриши мумкин, буларнинг ҳаммасини: одамлар, молия, вақт, ҳаракатлар.... — жамоатнинг қурбонликлари деб ҳисоблаши мумкин, бу Буюк Топшириқни бажаришнинг аниқ ва амалий йўлларидир.

Бир вақтлар денгизчилар ўзларининг кўриш қобилиятларини телескопли дурбинлар ёрдамида кучайтирганлар. Бундай асбобнинг ҳар бир тирсагини силжитганда, оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган узоқдаги жойлар яқинлашарди ва аниқроқ кўринади. Бу ўхшашикни Буюк Топшириқнинг бажарилишига тадбиқ қилиб, биз тўртта секцияли дурбинни тасаввур қиласиз (Расм.13.1). Хар бир секция Ҳазрати Исонинг Ҳав.1:8 оятидаги буйруғининг битта таркибини акс эттиради: "...Қуддусда, Яхудия билан Самариянинг ҳамма жойида ва ҳатто дунёнинг энг олис ерларида ҳам Менинг шоҳидларим бўласизлар".

13. 1. Расм. Хушхабарни бутун дуёнга етказиш (телескоплаштириш)



1-секция: Маҳаллий хизмат

Дурбиннинг биринчи секциясини қўллаб, биз жамоатнинг маҳаллий хизматини кўрамиз. Бу курсдаги сизнинг энг биринчи вазифаларингиздан бири — бу "мақсад учун танланган ҳудудни" аниқлаб олиш ва хозир сиз айнан мана шу ҳудудда жамоат ташкил қилипсиз. Жамоат ташкил қилиш бўйича сизнинг хизматингиз мақсад учун танланган мана шу ҳудуддаги қишлоқ, шаҳар ёки унинг аторифига йўналтирилган. Ташкил қилинган жамоат мана шу географик районнинг ҳудудидаги одамларга хизмат қилишни давом эттиради. Бу — жой мазкур маҳаллий жамоат учун "Қуддусдир".

2-секция: Минтақавий хизмат

Дурбиннинг кейинги секциясини очиб, жамоат ўзининг бевосита чегарасидан нариёқдаги катта географик соҳаларни кўра бошлайди. Бу принцип Яхудияда гувоҳ бўлиш буйруғига мос келади. Бу мазкур жамоани яқин атрофда жойлашган ва маданияти, тиллари уларникадан унчалик фарқ қилмайдиган географик туманда янги жамоатлар ташкил қилишга ундейди. Бундай хизмат филиал (қиз) жамоатининг ташкил топишига олиб келади (уни ташкил қилган "она" жамоатга нисбатан).

Ўзининг пайдо бўлиш пайтидан бошлаб ҳар бир жамоат — унинг мақсади, ўзини қайта ишлаб чиқариш, бошқа сўзлар билан айтганда кўпайиш эканлигини ҳисобга олиши керак. Минтақада “қиз” жамоатининг ташкил қилиниши жамоат хизматининг табиий кенгайиши бўлиши керак. Масалан, Бразилияда 20 йил ичидаги битта жамоат ўз минтақасида 200 та жамоат ташкил қилинишни бошлаб берди. Шу жамоатлардан Албанияга юборилган бир миссионер, у ерда жамоат ташкил қиливчилик учун таълим жараёнини ўтказиб, шундай деган: “Бизнинг жамоатимиз бошқалар билан солиштирганда, секин ўсди, лекин шуни ҳисобга олиб биз зўрға янги жамоат ташкил қиласди, бу янги ташкил қилинган жамоат ҳам ўз навбатида дарров иложи борича тезроқ янги жамоат ташкил қилишни режалаштиришни бошларди. Бизнинг ҳамма жамоатларимиз бошидан уларнинг мақсади — янги жамоатлар ташкил қилиш эканлигини биларди.” Айнан мана шундай фикрлаш тарзи, жамоатларни ўзларининг ташкил қилинган пайтидан бошлаб, шахсий манфаатлари доирасида чегараланиб қолмасликка унрайди.

Қачонки жамоат “қиз” жамоаларини ташкил қилиб, ниятни ҳаётга тадбиқ қилиш учун етарлича истак ва имон/ишонга эга бўлса, у ҳолда бу жамоат бу учун зарур бўлган бир неча қадамларни ташлаши керак бўлади. “Киз” жамоатини ташкил қилиш мавжуд бўлган жамоа аъзоларидан куч ва ўзини баҳшида этишни талаб қиласди. Зарурий қадамлар юмушчиларни тайёрлаш, уларни хизмат учун ажратиш, маблағлар йигиши, ва энг муҳими, ниятни амалий тарзда ҳақиқатга айлантириш учун узлуксиз ибодатни ўз ичига олади. Телескоплаштириш бутун диққат-эътиборни аниқ вазифага янада аниқроқ ва яхшироқ қаратишга ёрдам беради.

3-секция: Бошқа маданиятларда хизмат қилиши

Дурбиннинг учинчи тирсагини силжитишни Самариядаги гувоҳлик билан таққослаш мумкин. У Хушхабарни бошқа маданиятларда тарқатишнинг рамзиdir. Гарчи географик жойлашиши бўйича Самария Қуддус ва Яхудиядан унчалик узоқда жойлашмаган бўлса ҳам, лекин Самария аҳолиси алоҳида маданий ва этник гуруҳни ташкил қиласди. Уларда яхудийлар учун бегона бўлган кўплаб урф-одатлар ва анъаналар бор эди, шулар жумласидан динлари ҳам бошқача эди. Яхудийлар Самарияликларга душманлик муносабатида бўлишига қарамасдан, Ҳазрати Исо икки томонни ҳам севги ва меҳри билан қабул қиласди! Ҳазрати Исога бўлган севги билан яшаб, биз яқин атрофда яшаётган этник гуруҳларга, улар ўртасидаги сиёсий ва этник кескинликларга қарамасдан Хушхабар айтишимиз мумкин.

Жамоат, унинг маданиятига қарашли бўлмаган турли гуруҳларга хизмат қилиши керак. Кўпинча бу жамоат томонидан бундай хизматга ажратилган одамлар бошқа маданиятларда ишлаш бўйича маҳсус таълим жараёнини ўташлари, янги жамоат ташкил қилинадиган жойда яшовчи одамларнинг маданиятини ва тарихини, тилини ўрганишлари зарур эканлигини билдиради. Айнан шундай қўшимча ҳаракатлар янги хизматларнинг ўсишига ва кўпайишига олиб келади.

4-секция: Бошқа мамлакатларда хизмат қилиши

Дурбинни тўлиқ очиб, биз Ҳав.1:8 оятида гапирилган “ер юзининг чеккасини” кўрамиз. Бу биздан географик жиҳатдан узоқда бўлган, бошқа маданиятда тарбияланган ва бошқа тилда гаплашадиган одамлар орасида жамоат хизматини тарқатишни назарда тутади. Ибодат, хайр-эҳсон ва миссионерларни “дунёнинг чеккасига” хизматга юбориши орқали жамоат телескоплаштириш жараёнини ниҳоясига етказади. Шундан сўнг у ҳамма даражалардаги хизматларга эга бўлади —“Қуддусда, Яхудия, Самария ва ер юзининг чеккасигача”.

Муқаддас Китоб барча одамзодлар учун ибодат қилишига катта аҳамиятга беради (Рим.10:1; 1Тим.2:1-2; Эф.6:19), ва шунинг учун жамоатлар ўзларининг ташкил қилиниш вақтларидан бошлаб, Хушхабар халқлар орасида тарқалиши учун ва Раббимиз ўрим-ийғим учун юмушчилар юбориши учун ибодат қилишлари керак. Хўш, сизнинг жамоатингизда ҳам шундай бўладими? Одамлар бошқа мамлакатлар учун ибодат қилаяптиларми?

Филиппин жамоати Павлуснинг Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун моддий томондан ёрдам берган (Флп.4:17-19). Шундай дейиш мумкин, бу жамоат телескопининг фокусида Павлуснинг хизмати ва унинг хизматини моддий томондан кўллаб-куватлаш турар эди. Шу тарзда, маҳаллий жамоатнинг телескоплаштирилиши узоқ

мамлакатларда ишлайдиган миссионерларнинг хизматига молиявий ёрдам беришга йўналтирилиши мумкин, хатто у миссионерлар уларнинг орасидан чиқмаган бўлса ҳам.

Қачонки жамоат ўзининг энг яхши хизматчиларини дунёдаги миссионерлик хизматига ажратса — бу ҳар доим улуғ ва қувончли воқеа бўлади. Ўзи учун қадрли бўлган одамларни бошқалар учун бериб, жамоа Худонинг бошқа халқларга нисбатан севгисини чуқурроқ ва юрагига яқинроқ хис қилишни бошлайди ва умумий ишга ўзининг алоқадор эканини янада тўлиқроқ англайди. Ҳар қандай жамоат ҳам ўз миссионерини қўллаб-қувватлаш учун имкониятга эга эмас. Лекин бунинг учун бир неча жамоатларнинг куч-харакатларини бирлаштириш мумкин. Миссионерлик хизмати учун ўз ораларидан одамлар жўнатиб, жамоат аъзолари бошқа халқлар орасида Хушхабарни тарғиб қилиш меҳнатининг оғирлигини ва қувончини янада кучлироқ хис қила бошлашади. Улар шу хизматга алоқадор бўлиб қоладилар.

IV. РУХИЙ КУЧ ВА ҲОКИМЯТ

“Қиз” жамоатни ташкил қилиш, хоҳ у мақсад учун танланга худудда бўлсин, хоҳ дунёнинг чеккасида, фақат Исо Масихнинг ҳокимияти ва Муқаддас Руҳнинг қурдати шарофати билан амалга ошиши мумкин. Ҳазрати Исо Ўз шогирдларига Буюк Топшириқни берар экан, У буни мана бу сўзлар билан бошлаган: “*Менга Осмонда ҳам ерда ҳам ҳар қандай ҳокимият берилган ...*” (Мт.28:18). Ва У буни шундай сўзлар билан тутатган: “...*Мен асрнинг охирнгача ҳар куни сиз билан биргаман.*” (Мт.28:20). Мана шу икки ваъда доирасида бизга — барча халқлардан Рabbимиз учун шогирд орттириш вазифаси берилмоқда.

Ҳазрати Исонинг осмонга кўтарилишидан олдин айтган охирги жўмаларидан бири бу мана бу сўзлар эди: “*Лекин Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар*” (Ҳав. 1:8). Айнан шу қувватни қабул қилгандан кейин, шогирдлари ер юзининг чеккасида ҳам Ҳазрати Исонинг шоҳидлари бўлишлари керак эди. Худонинг фарзандларига Унинг топшириғини бажариш учун Ҳазрати Исонинг ҳокимияти ва кучи берилган. Ҳаворийлар китобининг 2 бобидан бошлаб имонлилар ер юзидағи ҳокимларнинг қаршиликларига қарамасдан шу куч ва ҳокимиятни қандай қўллаганликлари ҳақида баён қилинади. Улар авваломбор одамларга эмас, балки Худога бўйсунишлари учун тайинланган эдилар. Ва қачонки шогирдлар Муқаддас Руҳ кучи билан ҳаракат қилганда, Худонинг Сўзи жуда кўп мамлакатлар ва минтақларга тарқаларди.

Бизга, замонавий имонлиларга ҳам, бизда яшаётган Ҳазрати Исонинг ҳокимияти берилган. Бизга Муқаддас Руҳнинг кучи берилган. Биз ўз мамлакатларимизда ва унинг чегараларидан нариёғида ҳам ишонч билан хизмат олиб боришимиз мумкин, зоро биз аминмизки, Худо бизга барча халқлардан шогирд орттириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани беради.

ХУЛОСА

Ният ва телескоплаштириш — Рabbимизнинг иродасига бўйсунган жамоатларнинг характеристикасидир. Ният бизга, Худо томонидан Жамоат олдига қўйилган буюк вазифани — Хушхабарни дунёнинг чеккасигача етказиши вазифасини амалга оширишимиз учун келажакни кўра олиш имконини беради. Телескоплаштириш бизга, Рabbимизнинг иродасига бўйсунган ва шу ирова бўйича ўзи учун тайинланган барча вилоятларда хизмат олиб бориб, Хушхабар билан дўёнга янада ичкарироқ ва ичкарироқ кириб борадиган жамоатнинг суратини беради. Бу — Хушхабарни тарқалиши учун аниқ қадамлар қўядиган (ибодат қилувчи, хайр-эҳсон қилувчи, бориб хизмат қилувчи) маҳаллий жамоатнинг қиёфасидир. У турли шаҳарлар, минтақлар, мамлакатларга боради; Хушхабарни одамларнинг кичик гуруҳларига ва бутун бир мамлакатларнинг халқларига етказади, турли маданиятларда ва турли хил тилларда Хушхабар айтади, токи бутун ер юзига “*Рabbимизнинг шон-шуҳрати тарқалсин*” (Ав.2:14). Кўпинча маҳаллий жамоат авваломбор ўзининг худудини тўла “тўйдириши” керак, ва шундан кейингина дунёнинг бошқа чекалларида жамоат ташкил қилиш учун ибодат қилиши, бу учун қадамлар қўйиши ва у томонларга миссионерлар жўнатиши керак, деб ўйлайдилар. Лекин шундай бўлиши шарт эмас, аксинча бу жараёнлар бир вақтда бажарилиши керак. Бундан ташқари, янги ташкил қилинган жамоатлар, уни ташкил қилган жамоатдан ўrnak олиб, ер юзининг ҳамма ерида Хушхабар айтиш истагига тўлган бўлишлари ҳам жуда муҳимдир. Битта маҳаллий жамоат, шу тарзда, Ҳав. 1:8 оятида айтилган ҳаракатнинг бошланиши учун хизмат қилиб Буюк Топшириқни бажаришда салмоқли ҳисса қўшиши мумкин.

САВОЛЛАР

- Ниятга эга бўлишга нима тўсқинлик қиласи ва сиз уларни қандай енгасиз?
- Сизнинг янги жамоатларингизда ният ва телескоплаштириш концепцияларини қандай қилиб яхшироқ тарзда етказиш мумкин?
- Сизнинг “дурбинингиз” ҳозир нечта секцияга “силжитилган”? Сизнинг жамоатингизнинг “дурбин”и-чи?

ТОПШИРИҚ

Дурбиннинг (телескопнинг) (Расм. 13.1) расмини қўллаб, жамоатингиздаги (жамоатларингиздаги) имонлиларга, жамоат қандай қилиб ўз таъсирини кенгайтириши ва Хушхабарни бутун дунёга етказиши кераклиги ҳақидаги ниятни беришни бошланг.

Пастроқда чизилган (13.2) расмни кўринг. Телескопдаги ҳар бир секциядаги ажратилган жойга сиз учун қайси жойлар “Куддус”, “Яхудия” “Самария” ва “ер юзининг чеккаси” бўлишини ёзинг. Бу секцияларнинг (жойларнинг) қайсиларида сизнинг жамоатингиз айни вақтда фаол иш олиб бормоқда? Агар сизнинг янги жамоатингиз бу соҳаларнинг бирида хизматга эга бўлмаса, аҳволни ўзгартириш учун нима қила оласиз?

Расм.13.2. Махаллий жамоатни телескоплаштириш



Ният (Мақсад) 2 Дарс

Жамоаларни барча жойда жамоатлар ташкил қилиш учун жалб қилиш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга масиҳий жамоаларни жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига жалб қилишнинг стратегик ролини тушунишларига ёрдам бериш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Хушхабарни бутун дуёнга тарқатиш учун ҳам алоҳида масиҳийларни, ҳам бутун жамоатларни жалб қилишнинг аҳамиятини тушуниши керак;
- Бошқаларни меҳнатга муваффақиятли чақириш учун масиҳий қандай фазилатларга эга бўлиши кераклигини билиши керак;
- Янги жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун алоҳида одамларни ва маҳаллий жамоатларни жалб қилишда қатнашиши керак.

Дарс режаси:

- I. Хушхабарни тарқатишга чақирган масиҳийларга Муқаддас Китобдан мисоллар
- II. Бошқа масиҳийларни меҳнатга муваффақиятли жалб қилиш учун одам эга бўлиши зарур бўлган фазилатлар
- III. Масиҳий жамоаларни хизматга жалб қилиш усуслари

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Дарсни баҳс-мунозара усули билан ўтказсангиз яхшироқ бўлади. Вазифаси — имонлиларни ҳалок бўлаётган дунёни кутқариш ишига жалб қилиш бўлган хизматнинг таърифини муҳокама қилиш учун вақт ажратинг, Муқаддас Китоб мисолларини кўриб чиқинг, маҳаллий жамоатларда қўлланилишини муҳокама қилинг.

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига имонлиларни қандай жалб қилиш мумкинлиги ҳақида ғоялар, тасвирлар (кўргазма қуроллар) ва мисоллар тайёрланг. Буларни ўқувчилар қўллай оладиган бўлишини ҳам ҳисобга олинг.

СўЗ БОШИ

Уруш бўлаётган даврда одамларнинг барча ишлари ва ҳаракатлари кучли хавф-ҳатар ҳис-туйғуси ва ўзини сақлаш инстинкти таъсирида бўлади. Фронтда ҳам, жанг алансасида, уйда ҳам, фронт орқасида — уруш одамларнинг фикрларига, уларнинг бир-бирига бўлган муносабатларига, вақтни бошқариш усувларига, хуллас ҳаётнинг барча соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Уруш даврида аҳолига бўлган асосий мурожаат — бу умумхалқ ишида қатнашиш учун САФАРБАРЛИККА ЧАҚИРИК бўлиб қолади! “Маълум бир ишга сафарбар қилиш” ибораси одамларни жалб қилиш ёки бирлаштириш ва умумий ишда янада самарали қатнашишга тайёр туриш ҳолатига келтиришни билдиради.

Жамоатнинг ўсиши милионлаб одамларнинг тақдирига таъсир қиласи. Унинг ўсиши — бу руҳий уруш, у ҳалок бўлаётган дунёning кўпроқ ва кўпроқ ҳудудини эгаллашга йўналтирилган. Ҳақиқий имонлилар Жамоатнинг вазифасини айнан мана шундай ният, мақсад қилишади. Улар ўзига хос иштиёқ билан шу мақсадни амалга ошириш учун янада кўпроқ ва кўпроқ масиҳийларни бирлашишга чақирадилар. Шайтон мамлакатлар ва халқларни босиб олган. Айнан шунинг учун инсоният фақатгина Хушхабарни тарқатаётган Жамоат орқали

ҳақиқатни англаши ва озод бўлиши мумкин. Бу нарсани бу ишда қатнашишга чақираётганларнинг ўзлари ҳам англаб етиб, руҳий урушда фақат ўзлари жанг қила олмасликларини тушунадилар. Худо Хушхабарни ер юзида тарқатиш учун бутун Жамоатни дъяват қилган, шунинг учун улар ҳаммани, кимки Исо Масиҳ Танасининг қисми бўлган бўлса, шайтонга қарши қаттиқ курашишга чақирадилар.

Худонинг ишида қатнашишга ЧАҚИРАЁТГАН масиҳийлар шуни чуқур англайдиларки, агар Исо Масиҳнинг бутун Жамоати Хушхабарни етказиши хизмати учун онгли тарзда бирлашса ва бу хизматни амалга оширишни бошласа, Жамоатнинг ўсиши ва Раббимизнинг топшириғи (шогирдлар орттириш) нафақат уларнинг ўз худудларида ёки юртларида, балки бошқа мамлакатларда ҳам жуда тез суратда тезлашади ва амалга ошади! Шунинг учун улар Исо Масиҳ Жамоатининг ҳар бир аъзосига ўзининг вазифасини англаб етишига, ҳар бир қобилият, руҳий инъом учун эса — ўз ифодасини топишига ёрдам бериш учун қўлдан келганча ҳаракат қилишади. Шу тарзда, Худонинг иши учун чақираётган одамлар, ҳар бир кишини умумий иш учун бирлашишга ва шу умумий мақсадга эришиб иш олиб боришга руҳлантирадилар. Улар шароитларнинг яратилишига ёрдам берадилар, бундай шароитларда жамоатлар табиий тарзда мана шундай кенг ниятга эга бўладилар, ҳамма жойда жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати бошланиши учун ибодат қиласидилар, жамоатдаги маъсулиятли хизматларни олиб боришга қобилиятли бўлган раҳбарларни ва ходимларни тайёрлайдилар.

Агар қисқача қилиб айтадиган бўлсак, имонлиларни умумий иш учун бирлашишга ва бу ишда қатнашишга чақирадиган жамоатнинг бу аъзолари, — Худонинг қуролларидир, Худо бу қуроллар ёрдамида Ўз Жамоатини ҳаракатга ундаиди. Бу дарсда биз Худонинг ҳалқини умумий ишга муваффақият билан чақирадиган масиҳийларнинг фазилатларини муҳокама қиласиз, шунингдек жамоатларни ҳамда алоҳида одамларни Буюк Топшириқни бажаришга ундан, уларни қандай рағбатлантириш мумкинлининг амалий йўлларини ҳам муҳокама қиласиз.

I. ХУШХАБАРНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШГА ЎЗГАЛАРНИ ЧАҚИРГАН МАСИҲИЙЛАРГА МУҚАДДАС КИТОБДАН МИСОЛЛАР

А. Барнабо

Барнабо – бошқа масиҳийларни хизматга жалб қилган ва бу йўналишда муваффақиятли иш олиб борган масиҳийларнинг энг яхши наъмунасиdir. Олдин унинг исми Юсуф эди, лекин у Хушхабар иши учун катта фойда билан ўзининг далда бериш руҳий қобилиятини қўллагани учун, ҳаворийлар унга Барнабо деган исм бердилар, бу “далда берувчи” деган маънони билдиради. У шунингдек, Куддусдаги Раббимиз хизмати учун хайр-эҳсон қилишда ҳам саҳий инсон эди (Ҳав. 4:36). Буларнинг барчасидан ташқари яна Барнабода, Ҳазрати Исонинг Хушхабарини бутун дунёга тарқатишга бўлган кучли истак бор эди. У ҳеч қандай иккиланишсиз Антиохиядаги жамоатда хизмат қилди, кейин Кичик Асияда Хушхабарни тарқатиш хизматида қатнашди.

Шунга қарамай, Барнабонинг бутун дунёга Хушхабар тарқатишга қўшган буюк ҳиссаси — бу ҳаворий Павлусни фаол хизматга “жалб” қилиши бўлди. Дамашқ йўлида имон келтирганидан кейин, Павлус Куддусга қайтиб келиб, у ердаги шогирдларга қўшилишга ҳаракат қилди, лекин шогирдлар Павлусни Ҳазрати Исонинг ҳақиқий шогирди бўлганига ишонмай, ундан кўрқишарди. Барнабо эса Павлуснинг ҳаётини ўзгартирган Худонинг кучига ишонди ва ўзининг меҳрибон номини ва шунинингдек Куддусдаги барча имонлиларни ҳавфхатар остига қўйиб, уни ҳаворийлар ёнига олиб келди. Барнабо уларга Раббимиз қандай қилиб Павлусга намоён бўлганини ва шундан сўнг Павлус Дамашқда қандай жасурлик билан Хушхабарни ваъз қилганини айтиб беради (Ҳав.9:27). Барнабонинг қўллаб-кувватлаши ёрдами билан ҳаворийлар Павлусни қабул қиласидилар.

Антиохияда жамоат ташкил қилинганидан кейин, хизмат қилиш учун катта имкониятларни кўриб, Барнабо Тарсга бориб, Павлусни олиб келади. Тез орада Павлус шу жамоатнинг раҳбарларидан бири бўлади. Айнан мана шу жамоат Павлуснинг Кичик Асиядаги хизматининг бошланиши бўлди (Ҳав.13:1-3).

Б. Павлус

Ҳаворий Павлуснинг ўзи Жамоатни Хушхабар тарқатиш хизматига жалб қилиш ишига бевосита тайинланганлигига шубҳамиз йўқ. Ўз мактубларида у кўпинча руҳий инъомлар ҳақида ёзади (Рим.12; 1Кор.12; Эф.4) ва жамоатларга Раббимизнинг иродасини бажариш учун улар қанчалик кўп ишлар қилишлари мумкинлигини эслатади (1Кор. 1:4-9; Рим. 15:14). Павлус жамоатлар ташкил қилди ва бу жамоатлар унинг ишончи бўйича, ўз минтақаларида Худонинг иродасини бажариш зарур бўлган барча нарсаларга эга эдилар. У Салоника жамоатининг масиҳийлари Масихнинг буйруғига қулоқ солиб (Ҳав.1:8), ўзларининг атрофидагиларга, ўз минтақаларида ва бошқа ўлкаларда Хушхабар ҳақида гувоҳлик берганлари учун уларни кўнглини кўтарди, рухлантириди (1Сал. 1:7-8).

Павлус ташкил қилган жамоатларнинг баъзилари руҳан заиф ва муҳтож эдилар. Коринфдаги жамоат, масалан, ҳasadга ва жанжалга тўла эди, руҳий қобилиятлар ва Кутлуғ Кечлигининг аҳамияти ва руҳий инъомлар ҳақида саволни нотўғри тушунарди, ўз ораларида пайдо бўлган жинсий муносабатлар соҳасидаги гуноҳларга қандай муносабатда бўлишни билишмасди. Павлус бу жамоатга йўллаган мактубларида, уларнинг камчиликларининг жиддийлигига қарамасдан, ундаги имонлиларга бўлган севгисини намойиш қилди.

Худонинг топширигини бажариб, Павлус хизматга кўплаб бошқа одамларни ҳам жалб қиласди. У Тимўтийга таълим берди, уни ўзининг руҳий инъомларини жасурлик билан қўллашга чақиради, шу билан бир вақтда хизматга янги ёрдамчиларни жалб қиласди. Тимўтий, Павлус Худонинг экинзоридаги меҳнатга жалб қилган ёлғиз одам эмас эди. Павлуснинг охирги миссионерлик саёҳатининг асосий мақсади таълим бериш, устозлик қилиш, хизматга жалб қилиш эди. Ҳаворийлар китобида ёзилишича, бу саёҳатда Павлус билан бирга яна етти киши ҳам бирга эди ва уларнинг кўпчилиги Павлуснинг шогирдлари бўлишган (Ҳав.20:4). Ўз мактубларида Павлус Епафрасни, Димасни, Архиппни, Титни, Фивани ва бошқа кўпларни эслатади. Римликларга мактубининг 16 бобида Павлус саломида 27 кишини эслайди ва бу одамларнинг кўпчилигига Павлус қандайдир тарзда таъсир кўрсатган ёки қандайдир йўл билан хизматга жалб қилган одамлар эди, бу эса бизга миссионерлик саёҳати даврида ҳаворийнинг масиҳийларни хизматга жалб қилишга йўналтирилган хизмати қанчалик самарали бўлганига қўшимча гувоҳлик беради. Биз кўрамизки, хизматда қатнашишга даъват қилиш, таълим бериш, руҳий инъомлар бўйича саволларга жиддий эътибор ва гуруҳ билан ишлаш Павлус хизматининг ажralиб турувчи хусусиятлардир.

II. БОШҚА МАСИҲИЙЛАРНИ ХИЗМАТГА САМАРАЛИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ОДАМ ЭГА БЎЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ФАЗИЛАТЛАР

A. Ният

Бошқаларни хизматга жалб қиладиган масиҳий, дунёнинг муҳтожлиги бўйича ниятга эга бўлиши керак. Бундай масиҳий кундалик эҳтиёжлардан қаддини кўтаришга қийналаётган одамларга ёрдам беради, Худонинг режалари, одам ўйлаганидан кўра каттароқ эканлигига ишонади.

Бизнез соҳасида тажрибали бўлган бир маслаҳатчи “ҳар қандай нарса икки марта яратилган” деб таъкидлайди. Биринчи марта у яратувчининг онгида пайдо бўлади, иккинчи марта — ҳайкалтарошнинг қўлларида. Уй қураётганда, одам олдин унинг лойиҳасини қоғозда яратади. Ҳар қандай иш корхонасини ташкил қилаётib, биринчи навбатда нимага эришиш кераклигини, ундан кейин эса буни қай тарзда амалга ошириш мумкинлигини аниқ белгилаб олиш керак. Рассомнинг мўйқалами билан чизилган суратнинг пайдо бўлишидан олдин, у суратда ифодаламоқчи бўлган фикр ёки ҳис-туйғу унинг миясида биринчи пайдо бўлади. Бу мисолларнинг ҳар бирида нарсалар икки марта яратилади. Дастреб исталган нарсанинг қиёфаси яратилади, кейин — шу қиёфа реалликда гавдаланади.

Баъзи минтақаларда жамоат ташкил қилиш ҳаракати мавжуд эмаслигининг ягона сабаби — бу Исо Масих Танаси (маҳаллий жамоатлар) бундай ниятга эга эмасликларида. Хўш, одамлар хатто ўз ақл-идрокларида фоя сифатида тасаввур қила олмаган нарсалари устида қандай ишлай бошлашлари мумкин? Хизматга чақираётган ва жалб қилаётган масиҳийнинг вазифаси — Худо амалга оширишни хоҳлаётган ишларни ҳамма тушуна оладиган тасвирини яратишdir. У умумий ишни белгилаб, жалб қилмоқчи бўлган одамларга “Якуний фикрлаш“ ни

эълон қилиши, уларга билдириши керак. Унинг вазифаси тассавур (ният)ни амалга оширишга йўналтирилган баъзи амалий қадамларни қўйишга ёрдамлашиш бўлиши керак ва бунда у гурӯҳ бўлиб ишлашни ўргатиш усусларидан фойдланиши ва одамларга ўзларининг қобилиятларини ва ресурсларини аниқлашларига, улардан хизматда фойдаланишларига ёрдам бериши керак.

Б. ИМОН

Худонинг экинзорини йиғиб-теришда қатнашишга одамларни чақирадиган масиҳий – бу имон одамидир. Имон, мазкур вазиятда, — эртанги кунни кўра олиш қобилияти, келажакда Худо нима қилади ва нимани қилишни хоҳлашини кўра олиш демакдир. Агар имон тоғларни қимирлата олса, наҳотки у Исо Масиҳнинг Танасини ташкил қилган масиҳийларни Раббимизнинг Буюк Топшириғини (Мт.28:18-20) бажариш учун уларни Худонинг экинзоридаги меҳнатда қатнашишга (Ҳав.1:8) уйғота олмаса?! Ҳақиқий имон одами Ҳазрати Исонинг, Мен Ўз Жамоатимни яратаман, деган сўзларига ишонади. Бундай масиҳий уни яратиш ишида қатнашишни жуда хоҳлайди.

Худо халқни меҳнатга жалб қилишни ва ундашни истаган масиҳийнинг имони, унинг бошқалар билан мулоқот қилиш усулига муқаррар таъсир кўрсатади. Бундай одам, бошқаларнинг руҳан баркамол бўлмаганига қарамасдан, уларнинг юракларида хизмат қилишга бўлган кучли ҳис-туйғу, шиддатли иштиёқ ва хоҳиш уйғотади. Айнан шундай юракларни Ҳазрати Исо номи учун бажариладиган ишга чақириш мумкин. Мақсади — бошқаларни Раббимизга хизмат қилишга жалб қилиш бўлган масиҳий, нафақат биродарларининг камчиликларини кўради, балки шу билан бирга Худо бу одам орқали нималарни амалга оширишни хоҳлаётганини ҳам тушунишга ҳаракат қиласи. Бунда у, суҳбаатдоши билан мулоқот қилиб, агар суҳбаатдоши Раббимиз учун хизмат қилишга ва ўзи тайнинлаган вазифани бажаришга тайёр бўлса, у билан суҳбаатни шунга мос тарзда қуришга ҳаракат қиласи.

В. РУҲИЙЛИК

Жамоатларни руҳий жангга фақат руҳий киши жалб қила олади. Руҳий киши дунёга Худонинг кўзлари билан қарайди. Худонинг халқини жалб қилиш хизматини бажаришга Раббимиз томонидан тайнинланган масиҳий айнан мана шундай бўлиши керак, — Худо дунёни қандай кўрса, у ҳам худди шундай кўриши керак. Жамоат нима ва қачон қилиши кераклигини билиши учун у Иссахар ўғиллари каби, ақлли ва Муқаддас Рух раҳбарлигига нисбатан етарли даражада сезгир бўлиши керак (1Пар. 12:32). Руҳий ҳаётда бундай даражага эришиш учун биз Жамоатнинг Яратувчиси, Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳ билан алоқада бўлиб, Муқаддас Китобни ўрганишга, ибодатга ва рўза тутишга етарли вақт ажратишимиш керак.

Г. РУҲАН КУВВАТЛАНТИРА ОЛИШ ҚОБИЛИЯТИ

Одамларни Худонинг экинзоридаги меҳнатга чақираётган кўпчилик масиҳийлар далда бериш қобилиятига эгадирлар ва зарур бўлган вақтларда қувватлай оладилар. Улар содир бўлган вазият, ҳодисаларнинг ижобий томонларини кўра оладилар ва агар одам умидсизланган бўлса унга далда бериш ёки муваффақиятсизликка учраган бўлса, уни кўнглини кўтариш қобилиятига эга бўладилар. Барнабога айнан шунинг учун “далда берувчи” деган ном бердилар. Ҳар бир хизматга чақираётган одам, масиҳийларга, уларнинг ноёб ва такрорланмас эканликларини тушунишларига ва ўзгаларга хизмат қилишлари учун Худо уларга маҳсус қобилиятлар берганини, шунинг учун, Худонинг инояти ва Унинг кучи билан ҳар қандай масиҳий дунёни ўзгартира олишга қодир эканини англашларига ёрдам бериши керак

Д. ТАЪСИР

Раббимиз учун хизмат қилишга чақираётган масиҳий, одамларга таъсир кўрсата оладиган киши бўлиши керак. У ўзининг мана шу қобилиятини Худонинг мақсадларини одамларга эълон қилишда фаоллик билан қўллаши керак. Қачонки бу масиҳий жамоатда яхши обрў-эътиборга, хизмат бўйича тажрибага ва Худога хизмат қилишга бахшида қилинган юракка эга бўлса, ана шундагина одамлар унинг фикрига қулоқ соладилар ва унинг чақириғини қабул қиласидар. Одамларни меҳнатга чақирадиган масиҳий ҳам жамоатнинг, ҳам унинг алоҳида аъзолари эга бўлган ҳақиқий ресурсларни аниқлай олиши ва шунингдек, мана

шу мавжуд бўлган ресурслардан Худонинг Шоҳлигини бу ерда, ер юзида тарқатишда самарали фойдаланишини ўргатиши керак. Буларни амалга ошириб, у одамлардан бажаришга имконлари бўлмаган курбонликларни талаб қилмайди.

Барнабо „*Муқаддас Рух ва имонга тўлган, хушфеъл одам бўлгани учун, халқнинг талай қисми Исони Рabbим деб қабул қилди*“ (Ҳав. 11:24). Шунингдек у жуда саҳий эди, чунки у ўз ерини сотиб, пулинни ҳаворийларнинг ихтиёрига топширади (Ҳав.4:37). Унинг ҳаворийлар орасида обрўси шунчалик улуғ эдикни, уларнинг олдига Павлусни олиб келиб, унинг ҳаётида бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳақида гувоҳлик берганда, ҳаворийлар ундан биринчи марта қўрққанларига қарамасдан, уни қабул қиласидилар (Ҳав.9:26-31).

Е. Жамоат

Раббимиз учун меҳнатга жалб қилиш ҳақида ғамхўрлик қилаётган масиҳий, Исо Масиҳнинг Танаси бўлмиш, Жамоатга нисбатан севги-муҳаббат ва ўзгача бир боғлиқлик туйғуси билан ажralиб туради. У, Жамоат — бу Худонинг хозирги кунда фойдаланётган иш қуроли эканини тушунади. Қачонки, бутун Жамоат жалб қилинса ва Худо томонидан унинг олдига қўйилган мақсад сари ҳаракат қилиб, фаоллик билан меҳнат қилса, Раббимиз, унинг ҳам ўз худудан, ҳам бутун дунёдан шогирд орттириш вазифасини бажаришини тезлаштиради (Юҳ.17:20-21).

Худо халқини уйғонишга бўлган муҳтожлигини қўрадиган ва уни Хушхабарни ёйишга чақирадиган одам, Худо Жамоатга, яъни бу ишни бажариш учун тайинланган Жамоатга, барча зарурий нарсаларни берганига ишонади. Бундай одам, агар мақсад чуқур англаб етилмаса ва агар Жамоат бу мақсадага эришиш учун бирлашмаса, Жамоатнинг ер юзидағи муваффақиятли хизмат олиб бориши, шунчаки мумкин эмаслигини тўла англаб етади. Шу тарзда, меҳнатга чақираётган хизматчи ёки шунчаки оддий масиҳий, бошқа имонлиларга мақсадни кўришларига ва у сари ҳаркат қилишларига ёрдам беради.

Ж. Гуруҳдаги иш

Жамоатни бирлаштириб, уни Буюк Топшириқни бажаришга йўналтириш учун хоҳишга эга бўлган масиҳий, янада қўпроқ ва қўпроқ одамларни хизматга жалб қилишнинг йўлларини ва воситаларини ҳар доим қидиради. У ёлғиз ўзи ишламайди. У учун гуруҳ — чинакам характер ишлаб чиқиладиган ва шаклланадиган, шунингдек гуруҳнинг ҳар бир аъзосининг маҳсус инъомлари очиладиган ўчоқдир. Агар одам гуруҳда, унга руҳан яқин кишилар билан ишлай олмаса, у бошқаларга қандай хизмат қиласи? Шундай қилиб, гуруҳ — бу жамоатда хизмат қилишнинг табиий моделидир.

3. Таълим бериш

Ер юзида Худо Шоҳлигини тарқатишга бошқаларни жалб қилишни ўзига мақсад қилиб қўйган хизматчи ёки масиҳий, одамларга ўзларининг руҳий инъомларини ва хизмат малакаларини ривожлантиришларига ёрдам бериш учун ҳар бир имкониятдан фойдалади. Ҳазрати Исо учун хизматчиларни тайёрлаш — унинг ишининг энг юксак йўналишларидан биридир. Худо халқи Унинг сўзларини, иродасини ва шу иродага эришиш йўлларини билмаслигига у йўл қўймайди. Худо иши учун меҳнатга қўпроқ ва қўпроқ имонлиларни жалб қилиш орқали Раббимизга хизмат қилаётган баъзи масиҳийлар таълим бериш учун табиий қобилиятига эгалар. Бошқалари эса бу соҳада унчалик истеъододли эмаслар, улар одамларга зарур бўлган билимларнинг манбаларини ўзларида топишларига ёрдам бериш қобилиятига эгалар.

III. МАСИҲИЙ ЖАМОАЛАРНИ ХИЗМАТГА ЖАЛБ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Агар маҳллий жамоатдаги одамлар Хушхабарни тарғиб қилиш ниятига эга бўлсалар ва бунга мувофиқ тарзда ҳаракат қилаётган бўлсалар, демак бу маҳллий жамоатни меҳнат учун тайёр, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳар қандай чақириқнинг обьекти фақат одамларнинг юраклари бўлиши мумкин, чақириқнинг мақсади — уларга дунёни Худонинг кўзлари билан кўришга ёрдам бериш. Жамоатни меҳнатга жалб қилиш бўйича ишнинг катта қисми “ташкил қилиш даражасида”, жамоатнинг оддий аъзолари орасида содир бўлади. Кейинги бобларда, маҳаллий жамоалар аъзоларини қандай қилиб энг яхши тарзда хизматга жалб қилишнинг,

уларга бутун дүёнга Хушхабарни тарқатишиңи ўз ичига олган кенг ниятта эга бўлишларига ёрдам берининг бир нечта оддий ғоялари таклиф қилинади. Бу таклифлар рўйҳатини мукаммал ва тўлиқ деб ҳисоблаш керак эмас, бу мисолларнинг мақсади — сизни шу савол устида мулоҳаза юритишга ундашdir.

А. Биргаликдаги ибодат

Бутун дунёга Хушхабар тарқатиши мақсадида, одамларни хизматга жалб қилишнинг энг муҳим усулларидан бири — уларни биргаликда ибодат қилишга ундашdir. Ўз минтақаңгиздаги ва бошқа мамлакатлардаги, ҳали Хушхабар етиб бормаган маълум ҳудудлар учун ибодат қилишларини рағбатлантиришинг, бунда хариталардан ва тадқиқот натижаларидан фойдаланинг. Аниқ миссионерлар учун ибодат қилинг. Ибодат қилиб ва имонга келмаганлар ҳақида янада кўпроқ билиб, одамларда уларга гувоҳлик беришда қатнашиш хоҳиши туғилади. Бошқа дарсларда эслатилгандай, ибодатли юриш ва ўзига хос ибодатли йиғилишлар орқали, Худонинг Руҳи одамларнинг юракларига кириб бориши ва уларда ёвузлик ва зулматда ҳалок бўлаётганларга хизмат қилиш истагини уйғотиши мумкин.

Бутун жамоатни битта мақсад учун — маълум бир аҳоли гуруҳига Исо Масиҳ ҳақида гувоҳлик бериш учун бирлашишга ибодат қандай ёрдам берганига бир мисол келтирмоқчимиз. Ибодат гуруҳининг ҳар бир учрашувида йиғилган гуруҳ аъзоларидан бири маълум бир мамлакат ёки ҳалқ ҳақида кичикроқ маъруза тайёрларди, шундан кейин бутун гуруҳ айнан мана шу жойда яшовчи одамларнинг юракларига ва онгларига Хушхабар етиб бориши учун биргаликда ибодат қилишарди. Улар ўз ибодатларида бу жойларда янги жамоатлар ташкил қилиниши учун у ерларда миссионерларга ишлаш имкониятини сўраб ҳам дуо қилишади. Шу билан бир вақтда гуруҳнинг барча аъзолари ҳали Хушхабар етиб бормаган ҳудудларда жамоат ташкил қилиш учун уларнинг жамоатларидан гуруҳ жўнатишга Раббимиз имконият берини сўраб ибодат қилишган. Гуруҳ аъзолари турли мамлакатлар ва ҳалқлар учун ибодат қилишни давом эттирганларидан кейин, Раббимиз уларга Марказий Осиёдаги қозоқ миллатига оид аҳоли орасида хизмат олиб боришларига даъват қиласи. Кейинги икки йил ичидаги шу ибодат гуруҳининг уч аъзоси Қозоғистонга миссионерлик хизматига жўнадилар. Кейин бутун жамоат меҳнатга чақириқни ҳис қилди ва ҳалок бўлаётганларни кутқариш учун қозоқ ҳалқига хизмат қилишга ўзларининг барча куч ва ҳаракатларини йўналтиришга қарор қиласи. Шу мақсад билан жамоат шу минтақага узоқ давом этмайдиган „командировкалар“ ташкил қилди, у ерга врачларнинг, курувчиларнинг, болалар билан ишлайдиган мутахассисларнинг, мусиқачиларнинг ва бизнесменларнинг маҳсус гуруҳларини жўнатади. Бу командировкаларнинг натижаси жамоат ташкил қилиш бўйича тайёрланган гуруҳ бўлди ва бу жамоат мана шу гуруҳни Қозоғистоннинг ғарбий минтақасига доимий хизматга юборди. Ҳозир бошланғич ибодат гуруҳи йўқ, лекин жамоатдаги жуда кўп сонли одамлар ҳар ойда қозоқ ҳалқи учун умумий ибодатга йиғилишади.

Б. Болалар ва ёшлар дастурлари, якшанба мактаби

Агар бизнинг фарзандларимиз катта бўлганда, дунёда содир бўлаётган воқеаларга бепарво бўлмасликларини ва бутун дунёда Худонинг Шоҳлигини тарқатиши бўйича ишга жалб қилинишини хоҳласак, унда биз уларга буни ҳали ёш бола бўлганларида қилишлари учун имконият яратишимиш керак. Болалар — бу бутун дунёга Хушхабар тарқатишига жамоатларни жалб қилиш ишининг муҳим таркибини ташкил қиласи. Имонга келмаган оиласарда, кўпинча айнан болалар биринчи бўлиб Хушхабарга эшикларни очадилар. Раббимизга содиқ бўлиб ўсаётган болалар, кўпинча кейин муваффақиятли хизматга эга бўладилар.

Кўшиқлар, саҳна кўринишлари, миссионерларнинг келиб туришлари, ролларга бўлиниб ўйнаш ва ижтимоий хизматда қатнашиш болаларнинг улар яшаетган дунё ҳақидаги дунёқарашларини кенгайтиришга ва ҳалок бўлаётган дунёга нисбатан Худонинг севгисини ва шунингдек, Раббимизнинг имонга келмаганларни кутқариш ҳақидаги истагини билишларига ёрдам берувчи воситалар бўлиши мумкин. Ҳалок бўлаётган жамиятни кутқариш учун жамоатни бирлаштириш истагига эга бўлган масиҳийлар, жамоатларнинг раҳбарлари билан биргаликда якшанба мактабларининг ўқитувчиларини ва болалар билан ишловчи хизматчиларини конференция ва семинарларга юборишлари керак, чунки улар у ерда қўшимча малакалар ва бутун дунёга Хушхабарни тарқатиши болаларга қандай қилиб самаралироқ

ўргатиш мумкинлиги бўйича янги усулларни ўрганадилар. Кўпинча болалар гуруҳида аниқ бир миссионер оила учун ибодат қилиш мажбуриятини олиш, бу оила билан доимий алоқани боғлаб туриш, маълум бир Хушхабар тарғиб қилиш лойиҳалари учун маблағ йигиши, болаларга Хушхабарни ёйиш ишига шахсан жалб қилинган бўлишларига ва миссионернинг ҳаёти ҳақида ниятга эга бўлишларида ёрдам беради.

Имонга келмаганлар орасида Хушхабар тарқатиш учун ёшларда қизиқиш уйғотишнинг энг яхши усулларидан бири — уларга амалий хизматда иштирок этишларига имкон беришдир. Жамоат раҳбарлиги улар учун ижтимоий хизматда қатнашишларига имкониятлар топишлари мумкин, масалан, болалар уйларида ишлаш, кекса кишиларга, ногиронларга ёки қочоқларга ёрдам бериш кабилар бўлиши мумкин. Бундай тажриба ёшларга ўзларининг шахсий эҳтиёжлари доирасидан чиқиб, бошақалар ҳақида ғамхўрлик қилишни бошлашга имконият беради. Ёшларнинг гуруҳлари миссионерлар гуруҳига мусиқа, театр кўринишлари билан ёрдам беришлари ва миссионерлар ишлаётган худуддаги ёшлар билан шунчаки алоқа қилиб, у ердаги аҳолига Исо Масих ва Хушхабар ҳақида сўзлаб беришлари мумкин. Шу тарзда, улар Хушхабар учун тингловчиларнинг юракларини тайёрлаган бўладилар. Жамоатдаги ёшларнинг ўз мактаблари ва имонга келмаган синфдошлари учун ибодат қилишга йиғилишлари — бу ҳам улар ўзларини мактабларида ва синфларида Худонинг вакиллари сифатида кўришларига катта ёрдам берадиган воситадир.

В. Катталарни жалб қилиш

Ёдингизда бўлсин, Рabbимиз учун хизматга одамларни жалб қилиш — бу уларни Худонинг Шоҳилигини бутун ер юзида тарқатиш ишида муваффақиятли қатнашиш учун тўплаш ва тайёрлашни билдиради. Катталар ҳамма жойларда Хушхабар айтиш (умумий мақсад) муҳим эканига астойдил ишонишлари ва бу меҳнатдаги ўз ўринларини кўра билишлари керак. Жамоатнинг катта аъзоларини Рabbимиз учун хизматга даъват қилиш Жамоатнинг ҳамда Буюк Топшириқнинг моҳияти ва вазифаси ҳақидаги Муқаддас Китоб таълимоти ва шу нуқтаи назардан бутун дунёга Хушхабарни етказишида ҳар бир имонлининг ролини бевосита ўрганиш орқали амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, одамларни Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш ишида қатнашига ундейдиган ва руҳлантирадиган Хушхабарни дунёда тарқалиши ҳақидаги мисоллардан ва миссионерларнинг таржимайи ҳолларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ва ниҳоят, одамларга Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизматининг амалий имкониятларини бериш зарур, зеро бу нарсалар уларга Худонинг экинзоридаги меҳнатда ўз ўринларини аниқлаб олишларida ёрдам беради. Масалан, бир маҳаллий жамоат Камбоджадан келган қочоқларга уй, уй жиҳозлари ва иш топишларига ёрдам берган. Шунда у одамлар бунинг эвазига сизларга нима беришимиз мумкин, деб сўрашганда, уларга: “Бизнинг жамоатдаги йиғилишларимизга келинглар”, деб айтишади. Комбоджаликлар келадилар, лекин тилни билмасдилар, улар битта ҳам сўзга тушунмасдан, хушмуомалалик билан скамейкаларда шунчаки ўтирадилар. Бундай вазиятни кўриб, жамоат улар учун нутқни нотик билан кетмакет тажима қилишни (синхрон таржимани) ташкил қилди. Шунда вьетнамликлар, хитойликлар ва испан тилида гаплашадиган одамлар, уларга ҳам шундай таржимани ташкил қилиб беришларини илтимос қилдилар, жамоат хурсандчилик билан бу ишни бажарди. Агар жамоатга қулоқлари эшитмайдиган одамлар келса, жамоат раҳбарлари улар учун сурдотаржима ташкил қилиб берадилар. Турли хил маданият ва халқларнинг вакиллари билан алоқа қилиб, бу жамоатнинг аъзоларининг юраклари уларнинг атрофларида содир бўлаётган воқеалар учун очилади. Бу жамоатнинг хизмати ва дунёга Хушхабар тарқатишнинг ўзига хос кўринишига айланади. Лекин бу фақат катта меҳнатнинг бошланиши эди. Ҳозирги пайтда бу жамоат йигирмата оилани дунёнинг турли жойларига миссионерлик хизматига юборди ва уларнинг молиявий муҳтоҷлигининг катта қисмини таъминламоқда!

ХУЛОСА

Жамоаларни Хушхабарни ҳамма жойларда тарқатиш ишига жалб қилиш — бу жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатининг муҳим омилидир. У барча куч-ҳаракатларни бирлаштиришга ва жамоатда мавжуд бўлган ресурслардан бутун дунёда Хушхабар тарқатиш

вазифасини, яни ҳали Хушхабар вәз қилинмаган халқтарда ва мамлакатларда янги жамоатлар ташкил қилишга ёрдам беради.

Хүш, Хушхабарни бутун дунёга вәз қилиш учун бирлашган ва бунга тайёр бўлган жамоа, ўзи қандай жамоа? Антиохиядаги жамоат мана шундай жамоага наъмуна бўлиб хизмат қилиши мумкин (Ҳав.13:1-3). Унинг раҳбарлари ўзларини Худонинг Сўзини вәз қилишга ва ўрганишга, Худога сажда қилишга бағишлишган, ўзларини диёнатда машқ қилдиришган. Бу жамоа Муқаддас Рухнинг бошқарувида сезгир ва бўйисинувчан эди. Жамоат ўзининг энг яхши одамларини бутун дунёга Хушхабар тарқатиш хизмати учун бағишлишга тайёр бўлган. Бу жамоат Павлус ва Барнабони Худо даъват қилган хизмат учун юборган. Бундай жамоат дунёда Хушхабарни тарқатиш учун хизмат қиласди.

Мақсади — Худонинг экинзоридаги меҳнат учун алоҳида масиҳийларни ва жамоатларни жалб қилиш бўлган хизмат — бу муҳим руҳий хизматдир. Павлус ҳам, Барнабо ҳам ўзларини айнан шундай хизматга бағишлидилар. Раббимиздан чақириқ ва меҳнатга тайёрлаш бўйича хизмат олган масиҳийлар — булар ният ва имон одамлари, жамоатни севадиган ва бошқаларга таълим беришга қобилиятли одамлардир. Улар бошқаларга далда берадилар, кўллаб-кувватлайдилар ва Худо уларга берган инъомдан амалда фойдаланишларига ёрдам берадилар. Улар бутун ер юзини Худонинг шон-шуҳрати билан тўлишини кўришга иштиёқмандлар. Бу хизматчилар шахсий дастурларини эмас, балки Худо Шоҳдигини тарқатиб ишлайдилар. Ҳалок бўлаётган дунёни қутқариш хоҳишида ёнаётган янада кўпроқ ва кўпроқ юракларни Худонинг иши учун муваффақиятли жалб қилмасдан жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати мавжуд бўла олмайди.

САВОЛЛАР

- Сиз Ҳав. 1:8 ва Мат. 28:18-20 оятларининг жуда муҳим эканлигини ҳис қиляпсизми?
- Сиз ўзингизни руҳий қобилиятынгизни худди Барнабо каби зўр иштиёқ билан кўллајапсизми?
- Сиз Хушхабар тарқатиш хизматига моддий томонидан мунтазам равища қурбонлик қиласизми?
- Шахсан сиз, Раббимизга хизмат қилишни ва кимдир уни бу ишга жалб қилишини ва шу ишга ўргатишини хоҳлаётган одамни биласизми?
- Сиз ўз жамоатингиздаги одамларни Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун жалб қилишда қандай аниқ йўллар билан қатнашишингиз мумкин?
- Меҳнатга чақира оладиган масиҳийнинг қандай фазилатлари сизда кўпроқ мавжуд? Қайси фазилатлар сиз учун қийин?
- Сиз ўз жамоатингизга Хушхабарни тарқатиш учун бирлашишга, “қиз” жамоатлар ташкил қилишига қандай ёрдам беришингиз мумкин?

ТОПШИРИК

- Раббимизга ўзингизнинг руҳий қобилиятынгизга мувофиқ тарзда хизмат қилишни ва Хушхабарни тарқатиш хизматига моддий қурбонлик қилишни бошланг.
- Худодан Унга хизмат қилишни хоҳлайдиган, лекин буни қандай қилишни билмайдиган одамни кўрсатишини сўранг ва у одам билан муносабат ўрнатиб, унга хизматини бошлашига ёрдам беринг.
- Ўз жамоатингизни Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун бирлаштириш ва жалб қилиш учун амалга оширмоқчи бўлган камида учта қадамингизнинг рўйхатини тузинг.

Ният (Мақсад) З Дарс

Кейинги қадамлар

Янги жамоатлар ташкил қилиш

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади – жамоат ташкил қилувчига шахсан ўзининг, гурухининг ва ташкил қилинган жамоатнинг келажакдаги хизматига оид қарорлар қабул қилишига ёрдам бериш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг мавзусини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Шахсан ўзининг, гурухининг ва ташкил қилинган жамоатнинг келажакдаги хизматининг мумкин бўлган йўналишларини тушуниши керак;
- Ўз гуруҳи билан биргаликда хизматнинг кейинги босқичига ўтиши керак;
- Эндиғина ташкил қилинган жамоатга янги жамоатлар ташкил қилиш учун миссионерларни тайёрлаш бўйича ўз маъсулиятини тушунишларига ёрдам бериши керак;
- Ўз шаҳрида ва минтақасида янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига бошқаларни жалб қилиш бўйича қадамларни ташлаши керак.

Дарснинг режаси:

- Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида янги ташкил қилинган жамоатнинг роли
- Жамоатлар ташкил қилиш бўйича гуруҳ хизматининг мумкин бўлган йўналишлари
- Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида бошқаларни қатнашишларига ёрдам бериш

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Бу дарсни баҳс-мунозара усулида олиб борсангиз яхшироқ бўлади. Жамоат ташкил қилинганидан кейинги хизматининг ривожланиши бўйича ўз тажрибаларингиз билан ўртоқлашинг. Ўқувчиларга саволлар беришга ва уларнинг хизматида пайдо бўлаётган муаммолар билан ўртоқлашишларига имконият беринг.

СЎЗ БОШИ

Шундай қилиб, сиз жамоатлар ташкил қилувчиларга таълим бериш жараёнининг охирига яқинлашдингиз. Бу вақтгача сиз жамоатлар ташкил қилишда шахсан ўзингиз иштирок этишингиз ёки қандайдир тарзда бу жараёнга ёрдам беришингиз керак. Хўш, ундан кейинчи? Бир жамоатни ташкил қилишдан (ёки ташкил қилишга ёрдам бериш) жамоатлар ташкил қилишнинг бутун бир ҳаракатига қандай қилиб ўтиш керак? Сизнинг икки жамоатингиз, яъни сизни бу хизматга юборган жамоат ҳам, янги ташкил қилинган жамоат ҳам, Худо томонидан кўпайишга даъват қилинган.

Жамоатнинг хизматини бутунлигича кўриб чиқиб, шуни бемалол таъкидлаш мумкинки, биринчи навбатда қилиниши керак бўлган иш — бу жамоат ташкил қилишдир! Ўзингиз ўйлаб кўринг, агар ҳали ҳеч ким жамоат ташкил қилмаган бўлса, чўпон қандай қилиб вазъ қиласи, ўқитади ва одамларга васийлик қиласи? Мазҳаблар раҳбарлари ҳали ташкил қилинмаган жамоатларга раҳбарликни қандай амалга оширишади? Хушхабар тарқатувчилар қаердан пайдо бўлади? ...бошқа қобилиятларга эга бўлган хизматчиларчи? Демак, аввал кимdir жамоат ташкил қилиши керак!

Худонинг топширигини бажариш, Жамоат миссионерларни — янги жамоат ташкил қилувчиларни тайёрлаб, уларни дуёнга юборишини талаб қиласи. Жамоатлар ташкил қилиш ва жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини бошлаш бўйича иш — бу Худонинг маҳсус топшириги,

Унинг бутун Жамоат учун даъватидир! Хушхабарни тарқатиш учун тайинлаган ҳар қандай хизмат, ўз олидига янги жамоатларни ташкил қилиш вазифасини қўйиши керак. Жамоатга бўлган севгимизда ва унга хизмат қилиш истагимизда, биз янги жамоатлар ташкил қилиш вазифаси учун ўзига мос ўрин ажратишмиз лозим.

Ушбу дарсда янги ташкил қилинган жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатидаги роли ҳақида, ва шунингдек, жамоатлар ташкил қилувчи гуруҳларнинг ўз шаҳарларида ва минтақаларида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига қўшадиган салмоқли ҳиссаларини таъминлайдиган, уларнинг хизматларининг кейнги, мумкин бўлган давоми ҳақида гаплашамиз.

I. ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН ЖАМОАТНИНГ ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДАГИ РОЛИ

Олдинги дарсларда айтилганидай, янги жамоат ўзининг дунёга келишидан бошлаб — бошқа жамоатлар ташкил қилиш ишига тайёр бўлиши керак. Бизнинг Худонинг мақсадини тушунишимизга кўра, кўпчилик имонлилар ўйлаганидан кўра анча кенг ва чукур ният талаб қилинади. Афсуски, ҳар қандай жамоат ҳам “қиз” жамоатларни ташкил қилишда қатнашмайди ва ўз хизматчиларини миссионерлар сифатида хизматга жўнатишга тайёр эмас. Лекин, хатто агар маҳаллий жамоат миссионерларни янги жамоатлар ташкил қилиш учун юборса ҳам, барибир бу етарли эмас. Авваломбор ҳаракат нияти яни мақсади зарур, ва унинг марказида — янги географик минтақаларни ва (ёки) бутун бир аҳоли гуруҳларини эгаллайдиган Худо бўлиши керак.

Янги ташкил қилинган жамоат ўзи жойлашга ҳудудда, бевосита ўзининг атрофида, қўшни вилоятларда ва дунёнинг бошқа чеккаларида Буюк Топшириқни бажариши учун, ўз вазифаси ва ролига эга (қаранг. “Ният” мавзуси бўйича 1-дарс “Ният ва телескоплаштириш”). Бунинг учун эса янги ташкил қилинган жамоат раҳбарлари олдиндан унинг аъзоларини хизматга тайёрлашлари, ўз ораларидан миссионерларни ва жамоат ташкил қилувчиларни топишлари, тайёрлашлари ва жўнатишлари керак ва шунингдек бошқа маҳаллий жамоатларга ҳалок бўлаётган одамларга Хушхабар айтиш бўйича Худо томонидан берилган топшириқни бажаришларига ёрдам беришлари керак

A. Жамоатни янги жамоатлар ташкил қилишга тайёрланг

1. Ниятга эга бўлинг: Худо сизнинг жойингиздаги аҳоли орасида қандай ишлар қилишни хоҳлади?

Жамоатга ўзига мана будай саволни бериши керак: Худо бу жойда, шу одамлар орасида нима қилмоқчи? Биз Унинг истагини биламиз, Ҳав.19:10 оятида бўлганидай, ҳамма одамлар Хушхабарни эшитсин “... Шу тариқа икки йил давомида хоҳ яхудий хоҳ юноний бўлсин Асия вилоятида яшаганларнинг ҳаммаси” Раббимиз Исонинг Каломини эшитдилар. Чўпонлик хизмати бевосита фақат бир маҳаллий жамоатнинг иши ва одамлари билан боғлиқ. Ўзининг вазифасини англаётган жамоатлар, бундан ташқари, бутун регионларни, мамлакатларни ва халқларни янги жамоатлар билан тўлдириш бўйича иш олиб бораяпти.

Қачонки ўзингизнинг маҳаллий жамоатингизнинг чегарасидан нариёғига қарасангиз, сиз анча катта масштабдаги тасвири кўрасиз. Айтиш мумкинки, бутун Кичик Асияда Хушхабарни ваъз қилиш стратегияси Павлуснинг ниятида географик эди. Сиз ҳам Хушхабарни алоҳида одамларга ёки бутун этник гуруҳга етказиш бўйича ниятга эга бўлишингиз мумкин. Гал.2:7-8 оятларидан биз кўрамизки, Бутрус асосан яхудийлар орасида ишларди, Павлус эса — мажусийлар орасида. Рим.11:13 оятида у ўзини — мажусийлар ҳаворийиси эканлигини бемалол таъкидлайди. Хўш, Худо сизни қайси жойда хизмат қилиш учун чақираяпти? Бу жойда яшаётган аҳолининг қайси гуруҳлари Хушхабарни эшитиб, руҳан ўзгаришга муҳтожлар.

Жамоат раҳбарлари жамоатнинг мақсадларини, унинг ролини ва Буюк Топшириқни бажариш учун жавобгар эканлигини доимо одамларга эслатиб туришлари керак. Имонлиларни хизмат ишига доимий тайёрлашни амалга ошириб, жамоат етакчилари уларнинг руҳан ўсишларига ёрдам берадилар ва бу амалий хизмат маҳоратини камолотга етказишда ва ниятни эгаллашда ўз аксини топади. Буларнинг натижаси Хушхабарни тарғиб қилишни ва имонга келмаганлар билан ишлашни ривожланиши бўлиши керак.

Огохлантириш: ҳар хил одамлар ниятни ҳар хил тезликда идрок қиладилар. Баъзиларга, тажрибани ва ахборотни ўзлаштириш ва кейин, ўзининг қатнашиши ҳақида қарор қабул қилиш учун кўпроқ вақт талаб қилинади. Ниятни иккиланишсиз қабул қиладиган одамларни ишни бошлашга фаоллик билан ундашнинг, ва шу билан бирга ниятни қабул қилиш учун кўпроқ вақтга муҳтоҷ бўлган одамларга дўстона муносабатда бўлиб, уларга далда беришнинг ҳеч қанағанги қийин жойи йўқ. Кўпинча Худо бундай одамлардан (ким узоқ фикрласа, таҳлил қилас...) хизмат ҳақиқийликдан ажралиб қолмаслиги учун, унга барқарорлик беришда фойдаланади.

Бутун жамоатнинг бирдамлиги ва олдинга қараб биргаликда ҳаракат қилиши Хушхабарнинг таъсирини кучайишига ёрдам беради. Ниятга эга бўлган одамлар, бошқаларнинг — ким ҳали ният мақсадга эга бўлмаса ёки уни қабул қилиш жараёнида бўлса, уларнинг олға силжишига ёрдам беришлари зарур. Буюк Топшириқни бажариш учун янги жамоатлар ташкил қилишнинг муҳим эканлигини чуқурроқ тушуниб боришгани сари, улар ҳар бир янги қадамнинг жиддийлиги ва соғлом фикрлигининг кафолати бўладилар. Жамоат Худонинг Сўзини етказишни давом эттира олиши ва Хушхабар билан янги ва янги вилоятларга ва туманларга кириб бориши учун (ўз атрофидагиларни ҳам унутмаслик керак), биринчи турдаги ҳам, иккинчи турдаги ҳам одамларнинг бирлиги ва ҳамкорлиги зарур.

Ўз жамоатингиз билан биргаликда, шу жамоатингизнинг бу дунёдаги вазифалари ва мажбуриятлари хусусида мулоҳаза юритиши бўйича ишланг. Сиз учун қайси жойлар — Куддус, Яхудия, Самария ва дунёнинг чеккаси эканлигини аниқлаб олинг (қаранг “Ният” мавзусининг 1-дарси “Ният ва телескоплаштириш”). Жамоатингиз аъзоларининг дунёнинг турли минтақаларига, турли мамлакат ва ҳалқларга бўлган қизиқишлиарини рағбатлантиринг, токи улар у ерларда яшовчи одамларнинг ҳаётлари, уларнинг Хушхабарга, янги жамоатлар ташкил қилишга ва миссионерлик ишларига бўлган муҳтоҷликлари ҳақида (агар бундай эҳтиёжлар бор бўлса) кўпроқ нарсаларни билишсин ва ўрганишсин. Агар доимо фаолият кўрсатаётган катталар учун якшанба мактаби мавжуд бўлса, ўқитувчиларга дарслар жадвалига, одамларга дунёнинг турли хил мамлакатлари, у ерларда иш олиб бораётган миссионерларнинг ҳаёти ва хизмати ҳақида маълумот берадиган маҳсус машғулотлар киритишиларини таклиф қилинг.

2. Бутун ер юзига Хушхабар тарқалиши учун ибодат қилишга чақиринг.

Ибодат — бу энг қудратли қуроллардан биридир. Бизнинг ибодатларимиз орқали Худо Ўзининг ҳалқини ҳалок бўлаётган дунёга хизматга чақиради (бу мавзу батафсил тарзда “Ибодат” номли бўлимда ва “Ният” мавзусининг 2-дарси “Жамоаларни барча жойларда жамоат ташкил қилишга жалб қилиш” дарсида кўриб чиқилган).

3. Жамоатлар ташкил қилиш бўйича бошқа жамоаларнинг тажрибасини ўрганинг, бу жамоатларга боринг.

Сиз янги жамоатларни қанда қилиб ташкил қилишинингизни аниқлаб ва белгилаб олинг. Юмушчиларни тайёрлаш, молиявий таъминлаш, ташқи ёрдамни жалб қилиш ва ҳок.лар бўйича сизнинг ёндашувингиз мана шунга боғлиқ бўлади. Бошқаларнинг тажрибаси билан қизиқинг ва у ҳақида ўз жамоатингиз аъзоларига етказинг. Бошқа жамоатлар бу хизматга (янги жамоатлар ташкил қилишга) қўшилганликларини билиб ва уларнинг меҳнатлари ҳосилини кўриб, сизнинг жамоатингиздаги масиҳийлар ўзларини янада ишончлироқ ҳис қиладилар, бу уларга катта далда ва мадад бўлади. Улар бошқа жамоатлар ҳам, яъни “худди бизнидек” жамоатлар ҳам, Худонинг меҳнатида иштирок этаётганларини кўришади, ва бу нарса уларга қатъий ишонч беради ва Худо янги жамоатлар ташкил қилишда, албатта сизларга ёрдам беришига ишонишга унрайди. Сиз ўз мазҳабингиздаги, бошқа мамлакатлар ёки қўшни юртлардаги тажрибали миссионер-жамоат ташкил қилувчилардан, ҳозирги кунгача бир қанча жамоатлар ташкил қилиб муваффақиятли тажрибаларга эга бўлган одамлардан ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишининг мумкин.

Б. Жамоатлар ташкил қилувчилар гурухини тайёрланг ва уларни хизматга жўнатинг

1. Худо жамоатлар ташкил қилишга даъват қилган одамларни фаоллик билан қидиринг ва ибодат қилинг.

Биз кўриб ўтгандек, Жамоат — бу бутун дунёга Хушхабар тарқатиш учун Худонинг асосий қуроли. Янги маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш — Худонинг бутун Жамоатининг вазифасидир, лекин жамоатлар ташкил қилиш учун одамлар керак. Демак, Худо сизнинг жамоангизнинг ҳам баъзи аъзоларини бу хизмат (янги жаматлар ташкил қилиш) учун ажратиб олишни хоҳлаши мумкин. Раббимиз сизнинг жамоатингиз аъзоларидан жамоатлар ташкил қилувчилар ва миссионерларни ажратиб олишини ва бу хизмат учун тарбиялашини сўраб ибодат қилинг (Мт.9:36-38). Жамоат раҳбарияти томонидан ташланадиган энг муҳим қадамлардан бири – ибодат қилиш, уларнинг жамоатидаги имонлилардан ўрим – йиғим учун юмушчиларни ажратиб олишини ва бу меҳнат учун жўнатишини Худодан сўраш, уларни меҳнатга тайёрлаш, уларга далда ва мадад бериб, жамоатлар ташкил қилиш хизматига юборишини сўраб ибодат қилишдир.

Жамоатингиздан, Худо уларни жамоатлар ташкил қилишда қатнашишга чорлаётганини ҳис қилаётган одамларни қидиринг. Ҳаворий Павлус кўпинча ўзининг Худо томонидан тайинланган ва чорлангани ҳақида айтарди (Рим.1:1; 1Кор.1:1; 2Кор.1:1; Гал.1:1, 15-16). Худонинг “даъватига” бўлган бу ишонч жуда муҳим, у одамга қийинчиликларга дуч келганида, уни давом эттириш учун объектив сабабларнинг йўқлигига ёки унинг барча ҳис-туйгулари: “мен бошқа чидолмайман” – деганда хизматни ташлаб кетишига йўл қўймайди!

Албатта, шундай вазиятлар ҳам бўладики, одам бир ғояга қизиқиб қолади ва у ўзини мана шу учун даъват қилингандек, бу унинг хизмати экандек туюлади. Унинг атрофидагилар эса, бундай эмаслигини яққол кўриб турадилар. Хўш, ҳақиқий “чорланиш” (руска таржимада “призвание”) қандай намоён бўлади? “Чорланиш, даъват қилиниш” ўз ичига қуидагиларни олади: хизматнинг ўсиб борувчи нияти; одамнинг шахсий фазилатларининг, унинг характерининг, унинг ниятини синаб ва текшириб кўрилиши; уни амалий хизматда текшириб кўрилиши; унинг мана шу хизмат учун Худо томонидан тайинланганини маҳаллий жамоат, унинг раҳбарлари ва бошқа жамоат ташкил қилувчилар томонидан тасдиқланиши; шунингдек одам бу даъватни амалда рўёбга чиқариши учун унга Муқаддас Рух томонидан куч ва қудрат берилиши (1Тим.4:5; Эф. 3:7; Кол. 1:28-29).

Бидан ташқари, Хушхабар учун ўзларини бахшида қилишга тайёр бўлган кўнгиллиларни қидиринг. Жамоатлар ташкил қилиш — бу Худо Шоҳлиги учун олиб борилаётган жангнинг энг олдинги чизиқларида содир бўлаётган меҳнатдир. Ҳаворийларнинг кўпчилиги имон учун азобли ўлим билан вафот этдилар. Жамоат ташкил қилувчилар ҳам ўзларини қурбон қиладилар. Бу ҳар доим ҳам ўлимни, кема ҳалокатини, қамоқҳоналарни англатмайди, лекин кўпинча тушунмовчилик, шахсий ноқулайликлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлади. Ҳаворий Павлус Хушхабарни тарғиб қилиш учун ўзининг шахсий ҳақ-хуқуқларидан ҳам воз кечишини айтади (1Кор. 9).

2. Жамоатлар ташкил қилувчилар гуруҳини қаерга юборишни аниқланг

Ибодат қилинг ва миссионерларни қаерга юбориш бўйича Худонинг раҳбарлигини қидиринг. Мақсад учун танлаган худуд ва бу жойда яшовчи аҳоли гуруҳларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боринг (қаранг: 1-Қўлланма, “Ният” мавзуси, 4-дарс “Тадқиқот ишларининг принциплари”). Тадқиқот ишларининг натижалари асосида жамоатлар ташкил қилиш бўйича гуруҳнинг аъзолари қандай тайёргарликларга муҳтоҷ эканликларини аниқланг. Бу натижалардан жамоатни ибодатга чақириш учун, молиявий ёрдам тўплаш учун, шунингдек мақсад учун танланган ушбу худудда Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш концепциясини ишлаб чиқиша фойдаланинг.

3. Жамоангизнинг барча ресурсларини жамоатлар ташкил қилиш ишларида қатнашиш учун йўналтиришинг.

Янги маҳаллий жамоатларни ташкил қилишни, фақат мавжуд бўлган жамоаларнинг ресурсларини бу иш учун жалб қилиш орқали амалга ошириш мумкин. Хўш, “ресурслар” тушунчаси ўзи нима? Ресурслар — жамоатлар ташкил қилувчи гуруҳларнинг аъзоларини, яъни одамларни, уларни қўллаб-кувватлаш учун молиявий маблағларни, зарурий ашёлар, транспорт ва алоҳида топшириқ ва вазифаларни бажарувчи кўнгилли ёрдамчиларни ўз ичига олади. Қисқа вақтга бўлса ҳам, жамоатлар ташкил қилишда қатнашишга иложи борича кўпроқ

одамларни жалб қилишга ҳаракат қилинг. Жамоалар аъзолари миссионерлар гурухига ибодатли юришда, мусиқали хизматда, Хушхабар айтишда ва турли хил ижтимоий хизматларда ёрдам беришлари мумкин. Бу нафақат жамоатлар ташкил қилувчи гурухнинг юкини енгиллаштиради, балки шу билан бирга “она” жамоа аъзоларига Хушхабар айтиш ва янги жамоатлар ташкил қилиш ҳақидаги ўз ниятларини кенгайтиришларига ҳам ёрдам беради.

4. Жамоатлар ташкил қилувчилар гурухини тайёрлаш, уларга устозлик ва ғамхўрлик қилиш.

Жамоатлар ташкил қилиш бўйича тузилган гурухни тайёрлаш учун зарур бўлган йўналишларни аниқланг. Сизнинг жамоатлар ташкил қилувчилар гурухингизнинг аъзолари қандай тайёргарликка муҳтожлар? Балки уларни жамоатлар ташкил қилувчилар учун мўлжалланган дастурлар бўйича тайёрлаш керакdir ёки улар бошқа маданиятга мансуб бўлган одамлар орасида ишлашни ўрганишга муҳтождирлар; уларга таълим бериш жараёни кечқурунлари олиб бориладими ёки таътил вақтида — сиртқи ўқиш тартиби бўйичами? Таълим бериш ва ўргатишнинг қайси усули сиз учун афзалроқ экани бўйича бир қарорга келинг. Гуруҳ амалий хизматни бошлаганидан кейин, унинг олдига вақти-вақти билан “она” жамоатнинг раҳбариятидан чўпонлик руҳий инъомига эга бўлган кимдир келиб туриши зарур. Бу жамоатга ҳам, миссионерлар гурухига ҳам бир-бирлари олдида жавобгарлик ҳисларини сақлаб туришларига ёрдам беради. Шунингдек, мана шундай хабар олиб туришлар вақтида руҳий ва амалий ёрдамлар ва гуруҳ биргаликда ишлаганидан кейин унда албатта пайдо бўладиган шахсий муносабатлар саволлари бўйича далда ва қўллаб қувватлашлар амалга оширилади. Чўпоннинг васиийлигига қўшимча тарзда, гурухга жамоатлар ташкил қилиш даврининг турли босқичларида ёрдам берадиган бир ёки бир нечта устоз-маслаҳатчиларга эга бўлишлари ҳам жуда муҳимдир.

В. Бошқа жамоатларни жамоатлар ташкил қилиш хизматига жалб қилиш

Ўз аъзолари билан ишлаб, миссионерларни тайёрлаб ва уларни янги худудларга хизматга юбориб, янги ташкил қилинган жамоат ўз тажрибасини бошқа маҳаллий жамоатлар билан ўртоқлашиши ва бўлишиши мумкин. Бундай хизматни “жалб қилиш” деб аташ мумкин, бу хизмат бутун минтақада ёки мамлакатда жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини бошлаш учун зарурдир. Бу ҳақида мазкур дарснинг III бўлимида батафсилроқ гаплашамиз.

II. ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ГУРУҲ ХИЗМАТИНИНГ МУМКИН БЎЛГАН ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жамоат ташкил қилинганидан кейин, энг муҳим нарса — бу раҳбарликни топшириш (жамоатлар ташкил қилувчилар гурухи янги жамоат раҳбарлигини — унинг чўпонига топширади) ва жамоат ташкил қилувчилар гурухи билан янги жамоа ўртасидаги кейинги муносабатлардир, десак адашмаган бўламиз. Ҳаворийлар китобида биз кўрганимиздек, ҳаворий Павлус ўзи ташкил қилган жамоатлар билан ўзаро муносабатларни ҳар доим ушлаб турган — уларга хат ёзарди, маслаҳат берарди ва уларнинг етакчиларини тарбияларди. Шунингдек, у мана шу жамоатларнинг ҳар бирига энг биринчи оқсоқолларни тайинлайди, бу одамлар янги жамоатларга раҳбарлик қилиш учун Худо томонидан даъват қилинган эдилар (қаранг: 3-Қўлланма, “Ният” мавзуси, “Янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатининг характеристикиаси” дарси). Жамоатлар ташкил қилувчилар, руҳий ота-оналар сифатида янги жамоатнинг аъзоларига айланган одамлар учун Худо олдидағи маъсулият ва жавобгарликларни тақсимлаб олишади. Жамоатни ташкил қилиш ва у руҳан етук бўлмасидан аввал уни ташлаб кетиши — бу деярли, худди ота-она ўз чақалоғини ташлаб кетиши кабидир. Гуруҳ хизматида кейинги қадамларни қўйиши бўйича қарорлар қабул қилганда, янги жамоат муваффақиятли равишда ривожланиши учун, уни ташкил қилган гуруҳ таъминлаши керак бўлган кейинги давом этувчи мадад ва қўллаб-қувватлаш ҳақидаги саволни кўриб чиқиши жуда муҳимдир. Келинг, биргаликда мумкин бўлган бир нечта вариантларни кўриб чиқамиз.

А. Гуруҳ тўлиқ таркибда янги хизматга киришади

Жамоат раҳбарлиги тўлиқ бошқага берилади, гуруҳ эса тўлиқ таркибда “она” жамоатга қайтади ёки бошқа жойда жамоат ташкил қилиш учун кўчиб кетади.

Бу ҳолда пайдо бўладиган асосий савол, — бу “янги жамоатнинг раҳбарлигини кимга топшириш керак?” Бу саволни хал қилаётганда қуидагиларни ҳисобга олинг:

Жамоат асосчилари, ўз фарзандларини келажакдаги мустақил ҳаётга тайёрлаётган отоналар каби жамоатни ҳам келажакка тайёрлашлари керак. Жамоат ўсиши, қўпайиши ва ўз вазифасини бажариши учун, янги раҳбарият тўғри ниятга эга эканлигига жамоат ташкил қиливчиларнинг ишончлари комил бўлиши керак.

Агар четдан келган янги чўпон хатто чўпонлик бўйича яхши қобилиятига ва руҳий инъомга эга бўлса ҳам, лекин у сиз янги жамоатнинг аъзоларини йўналтиришга ҳаракат қилган худди ўша ният, ишонч ва тажрибага эгами? Кўпчилик ёш жамоатларнинг бўлинниб кетишига асосий сабаби — бу вазиятни тушунадиган ва муносиб ниятга эга, деб ҳисобланган янги чўпонларнинг четдан келиши бўлади. Етарли даражада тажрибага эга бўлмай, жамоатдаги одамларни билмасдан, бундай чўпон унга таниш бўлган олдинги хизмат структурасини тиклашни бошлайди ва бу нарса жамоатнинг бошқа бутун аъзоларининг ниятига қарама қарши бўлиши мумкин, натижада одамлар ўртасида зиддиятлар пайдо бўлади, хатто жамоатнинг парчаланиб кетишига ҳам олиб келади. Бундай вазиятга тушиб қолмасликнинг йўлларидан бири — бу ваколатни бирорга топширишни олдиндан назарда тутиш ва бу одамни жамоатни ташкил қилишнинг биринчи қадамларидан бошлаб бу ишларда қатнашишга жалб қилишдир. Янги жамоатга раҳбарлар тайинлашда, мана шу жамоатнинг ҳаётида қатнашишда баъзи бир тажрибаларга эга одамларни танлаш анча тўғри йўл бўлади.

Одамларнинг янги раҳбарларга ўрганишлари тез ва осон бўлмайди. Янги раҳбарият ва одамлар ўртасида ўзаро шахсий муносабатлар пайдо бўлиши керак. Муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун вақт талаб қилинишини ҳисобга олиб, янги раҳбарни жамоатга аста-секинлик билан олиб киришнинг режасини тузиш фойдали бўлади. Худди совуқ сувга шўнғиши каби, жамоатни кескин ўзгаришларга йўлиқтириш керак эмас. Агар яхши муносабатлар ўрнатилмаса, одамлар сизларга мурожаат қилишлари мумкин. Бундай вазиятда чўпонга ҳам, жамоатга ҳам янги муаммолар туғдирмаслик учун, ўзингизни иложи борича янада сезгир ва ҳушёр тутганингиз маъқулдир.

Б. Гуруҳ янги жамоатда қолади

Бутун гуруҳ ёки унинг аъзоларининг бир қисми янги жамоатда қолади, миссионерлардан бири чўпон бўлади.

Бу ерда асосий савол — “гуруҳ раҳбари чўпонлик инъомига ва қобилиятига эгами?” деган саводир. Агар гуруҳ аъзоларидан бири, чўпон учун зарур бўлган руҳий инъомларга эга бўлмасдан чўпонлик лавозимини эгалласа, у ҳолда жамоат аъзолари зарур бўлган руҳий озуқа ва тарбияни етишмаётганини тўғридан тўғри ҳис қилишлари мумкин бўлган вазият юзага келади. Бундай вазиятда, гуруҳда чўпонлик хизматига кўпроқ тўғри келадиган бошқа одам йўқмикан, деб қараш мумкин. Яна, жамоатни ташкил қилган гуруҳ аъзоларидан баъзилари янги жамоатда жамоат ташкил қиливчиларнинг янги гурухини тушиб, уларни тайёрлаб ва хизматни бошлашларига ёрдам бериб бу ерда қолиши мумкин. Агар янги гурухларнинг раҳбарларидан бири ташкил қилинган жамоатларнинг бирида чўпонлик хизматини олиб боришга қобилиятли бўлса, бу кейинги жамоатларни ташкил қилиш орқали Хушхабарни янада кенг тарқалишига олиб келади. Бундай чўпон, кўпинча, ўзининг жамоаси билангина чегараланиб қолмайди, балки унда янги миссионерларни тайёрлайди ва яна янги ва янги жамоатларнинг ташкил топиши учун пойдевор барпо қиласи.

В. Гуруҳ тарқаб кетади

Гуруҳ аъзлари кейинги хизматнинг янги йўналишларини танлайдилар.

Гурухнинг баъзи аъзолари бунда янги жамоатда қолишилари, яна бир қисми — “она” жамоатга қайтишлари, яна бошқалари эса — яна бир янги жамоат ташкил қилиш бўйича ишлашлари мумкин. Бу вазиятда гурухнинг ҳар бир аъзоси: унинг хизматида кейинги қадамлар қандай бўлиши борасида бир қарорга келиши лозим. Қарор қабул қилганда, бу қадамлар унинг қобилиятлари ва даъват қилинганлиги, “она” жамоатнинг шароитларига ва янги жамоатнинг эҳтиёжларига қанчалик мос келишини ҳисоблаб кўриши керак.

Г. Жамоатлар ташкил қилувчилар гурухи мураббий-маслаҳатчилар гурухи бўлади

Жамоат ташкил қилувчилар гурухи ўз минтақларида жамоатлар ташкил қилиш хизмати бўйича мураббий-маслаҳатчилар гурухига айланади.

Хўш, мураббий-маслаҳатчилар гурухи ўзи нима? Бу бошқаларга, Худо улар орқали нималарни амалга оширишини хоҳлаши ҳақидаги ниятга эга бўлишларида ва бу ниятни ҳаётда рўёбга чиқаришларида уларга ёрдам беришга ҳаракат қиладиган одамлар гурухидир. Бундай гурухнинг роли одамларга ниятни беришдан, ресурсларни топишларида ёрдам беришдан, уларни тайёрлашдан ва имкон бўлган барча йўллар ва воситалар билан уларни йўналтиришдан, имонлиларни жамоатлар ташкил қилиш ҳаркатида қатнашишга даъват қилиш ва илҳомлантиришдан иборат бўлади. Ушбу дарснинг кейинги қисмида биз бу саволни анча батафсил тарзда кўриб чиқамиз.

III. БОШҚАЛАРНИ ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДА ҚАТНАШИШЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИШ

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида бошқаларнинг қатнашишларига ёрдам бериш дегани нимани билдиради? Буни қандай қилиш мумкин? Биз одамларга, шаҳарларни, минтақаларни ва мамлакатларни жамоатлар билан тўлдириш ишида, уларнинг роли нимадан иборат эканлигини кўришларига ёрдам беришимиз керак. Бундан ташқари, биз *улар буни қила олишлари мумкин эканлигини*, чунки Худонинг Ўзи уларда ҳаракат қилишини, уларга ўргатишини ва уларни бошқаришини кўрсатишмиз керак.

Бошқаларни жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида қатнашишга жалб қилиш ишида ҳам жамоат ташкил қилувчилар гурухи, ҳам янги жамоа иштирок этиши лозим. Бу Хушхабарни бутун минтақа бўйлаб тарқатиш учун мутлақо зарур бўлган стратегиядир. Хўш, бу стратегияга нималар киради? Биринчи навбатда одамларга жамоатлар ташкил қилиш ниятини бериш керак, ундан кейин уларни тайёрлаш, барча зарурий билим ва малакалар билан таъминлаш ва ниятни қабул қилган одамларни хизматга даъват қилиш керак.

А. Ниятни тарқатинг

Мураббий-маслаҳатчилар гурухи мазкур минтақа, шаҳарлар, миллатлар ёки аҳоли гурухи учун Худонинг мақсади ниятини (Худо бизнинг (сизнинг) шаҳарингиз, минтақангиз... учун нимани хоҳлайди) ҳар доим билдириб туришлари керак. Ниятни бериш жараёни: Жамоат нима учун барпо қилинганилиги ҳақида, маҳаллий жамоатнинг раҳбариятининг роли ҳақида ва Жамоат олдида турган вазифа ҳақида таълим бериш ва ваъз қилишни ўз ичига олади. Ниятни тарқатиш — мураббий-маслаҳатчилар гурухининг энг муҳим вазифаси, десак адашмаймиз. Жамоатлар ва алоҳида имонлилар, Худонинг қадриятлари, одамларни Ўзи билан яраштиришни хоҳлаши ва бунга ҳаракат қилиши ҳақида доимо эслатиб туришга муҳтожлар. Ниятни тарқатиш маҳаллий жамоатларга ўз қадриятларини ҳар доим ёдда сақлашларига ёрдам беради. Қачонки улар ниятни қабул қилишганда, маслаҳатчилар гурухи бу ниятни ҳаётда рўёбга чиқаришларида уларга ёрдам бериш имкониятига эга бўлиши керак.

Б. Ташкиллаштирилган ибодат хизматини бошланг

Ибодат — бу бизнинг куч-ҳаракатларимизни Худонинг куч-ҳаракатлари билан боғлаб турувчи бўғиндир. Жамоатларни ташкил қилиш — руҳий меҳнатни талаб қиладиган, руҳий ишдир. Қачонки одамлар ўз мамлакатларини, минтақаларини ёки шаҳрини жамоатлар билан тўлдириш ниятини қабул қилсалар, мураббий-маслаҳатчилар гурухи бу ниятни амалга оширилишини сўраб ибодат қилиш учун уларни бирлаштиришлари мумкин. Улар икки-уч имонлилар бўлиши мумкин, жамоатдаги алоҳида бир гурух, умумий ниятга эга бўлган бир неча жамоатларнинг азъзолари ёки биргаликдаги ибодат мажлисларига йиғиладиган бутун бир жамоалар бўлиши мумкин. Ташкиллаштирилган ибодат ҳаракатининг мақсади — янги жамоатлар ташкил қилиниши учун дуо қиладиган одамларнинг доимо кенгайиб борадиган даврасини йиғишидир.

В. Одамларни жамоатлар ташкил қилиш хизмати учун тайёрланг ва тарбияланг

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига бошқа жамоаларни жалб қилишнинг энг яхши воситаларидан бири — бу янги ташкил қилинган жамоатнинг базасида таълим бериш ва ўқитишининг минтақавий марказини яратишидир. Янги жамоатнинг ўзи шундай марказга айланади. Мехмондўстлик кўрсатиб, бундай ўқув маркази учун ўз жамоатининг эшикларини очиб, янги жамоатнинг раҳбарияти мавжуд бўлган жамоаларни минтақада жамоатлар ташкил ҳаракатига йўналтириб, уларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ушбу савол кейинги дарсларда батафсил кўриб чиқилади (“Тасаввур” мавзуси, 4-дарс “Жамоатлар ташкил қилиш доирасида таълим бериш”). Таълимни ўтаган жамоат ташкил қилувчилар, ўз жамоатлари ва мазҳаблари томонидан кейинги хизматларга йўналтириладилар.

Г. Жамоатлар ташкил қилиш учун ҳамкорликни ривожлантириш ва куч-ҳаракатларни бирлаштириш

Кўпинча маҳаллий жамоатлар, мутлақо мустақил тарзда миссионерларни тайёрлаш ва уларни маблағ билан таъминлаш учун етарлича ресурсларга эга эканликларини сезмайдилар. Лекин, барибир бу уларнинг маъсулиятларини камайтиrmайди ва уларга Буюк Топшириқни бажаришда қатнашмаслик ҳуқуқини бермайди. Мураббий-маслаҳатчилар гуруҳи жамоатларга, куч-ҳаракатларини бирлаштириб миссионерлар ва жамоат ташкил қилувчиларни маълум бир аҳоли гуруҳи орасида ёки маълум бир минтақада хизматга жўнатиб ва маблағ билан таъминлаб бирлашиб, ҳамкорликда ишлашларига ёрдам бериши мумкин. Бу, хатто унчалик катта бўлмаган жамоатларга ҳам Буюк Топшириқни бажаришда, мустақил ишлаганларидан кўра, анча юқори даражада қатнашишларига имкон беради.

ХУЛОСА

Янги жамоат ташкил қилинган вақтиданоқ, жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатидаги ўз ролини англаб ва тушуниб олиши керак. У кўпайиш истаги билан “туғилиши” керак, ўз аъзоларидан янги хизматчиларни тайёрлаб ва уларни миссионерлик хизматига ва жамоатлар ташкил қилиш бўйича хизматга жўнатиб, ўз-ўзидан кўпайиши керак. Янги ташкил қилинган жамоат ўзининг дунёга келишидан бошлаб бутун дунёга Хушхабар тарқалиши учун ибодат қилиши ва бошқа жамоатларни Буюк Топшириқни амалга оширишида қатнашишга жалб қилиши керак.

Жамоат ташкил қилувчилар гуруҳи ўз келажаги ва янги жамоатга раҳбарликни топшириш борасида олдиндан бир қарорга келиши керак. Одатда гуруҳ қуидаги тўртта вариандан бирини танлаши керак бўлади: а) гуруҳ янги жамоатни бошқаришни бирор бир ташқаридан келаги одамга топширади; б) бутун гуруҳ ёки унинг бир қисми янги жамоатда қолади, ва миссионерлардан бири чўпон бўлади; в) гурухнинг ҳар бир аъзоси ўз хизмати йўналишида ҳаркат қилиш учун тарқалиб кетади; г) жамоатлар ташкил қилувчилар гуруҳи минтақада жамоатлар ташкил қилиш бўйича мураббий-маслаҳатчилар гурухига айланади. Янги жамоатнинг ўсиши ва кўпайиши, гурухнинг жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида иштирок этиши — унинг хизмат бўйича кейинги қадамлари борасидаги чиқарадиган қарорини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади.

Мураббий-маслаҳатчиларнинг гуруҳи — бу одамларга, Худо улар орқали нималарни амалга оширишни хоҳлаши борасидаги ниятни етказиш учун биргаликда ишлайдиган одамлар гуруҳидир. Шундан сўнг, ниятни етказиб, улар мана шу ниятни қабул қилган одамларга уни ҳаётда рўёбга чиқарышларида ёрдам берадилар. Бундай гурухнинг роли — ниятни бериш, жамоатлар ташкил қилиш учун ресурсларни топиша ёрдам бериш, имонлиларни жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида қатнашишлари учун уларни тайёрлаш ва руҳлантириш, бу ҳаракатга жалб қилиш ва йўналтиришдан иборат. Буларнинг ҳаммаси жамоатлар ташкил қилишнинг минтақавий ва миллий ҳаракатининг вужудга келиши учун зарурдир.

САВОЛЛАР

- Энди сиз жамоатлар ташкил қилиш вазифасини бажаришда қайси ролни ўз зиммангизга олишни ният қилдингиз?

- Сиз ташкил қилаётган жамоатда “қиз” жамоа ташкил қилиш нияти мавжудми? Агар йўқ бўлса, унга ушбу ниятни бериш учун сиз қандай қадамларни ташлашни режалаштираяпсиз?
- Кўпаяётган жамоатларни кўриш учун, сизга қандай қурбонликларни беришингизга тўғри келади?
- Сиз ўз (“она”) жамоатингиз ёки янги ташкил қилинган жамоатдаги одамларга, жамоатлар ташкил қилиш ишида қатнашишларида қандай ёрдам бера оласиз? Сиз уларни янги жамоатлар ташкил қилувчилари бўлишларига қандай жалб қилишингиз мумкин?

ТОПШИРИҚ

- Жамоатлар ташкил қилиш бўйича ўз гуруҳингиз ва устозингиз билан биргаликда, маълум бир вақтни ўз хизматингизнинг келажаги ҳақида ибодат қилиш ва мулоҳаза юритиш билан ўтказинг.
- Ўзингизнинг янги жамоатингиздан битта ёки иккита жамоат ташкил қилувчиларни аниқланг. Улар билан бирга суҳбат қилиш, уларнинг ниятини муҳокама қилиш учун вақт ажратинг, уларни жамоатлар ташкил қилиш гуруҳи таркибида ишлаш учун тарбияланг ва тайёрланг.

**Ният
(Мақсад)**

4 Дарс

**Жамоатлар ташкил қилиш
ҳаракати доирасида таълим
бериш**

**Миссионерлар мураббий-ўқитувчилар
бўладилар**

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга, жамоатларнинг янги асосчиларини тайёрлашни қандай қилиб жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати доирасида давом эттириш мумкинлиги ҳақида амалий ғоялар ва кўрсатмалар таклиф қилишdir.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлашни нимадан бошлашни тушуниши керак;
- Ҳаракатга йўналтирилган тайёргарликнинг принципини билиши керак;
- Ниятни беришда, тайёрлашда ва жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатининг кўпайишида иштирок этиши керак.

Дарс режаси:

- I. Ҳаракат доираларида таълим бериш
- II. Янги миссионерларни тайёрлашда пайдо бўладиган саволлар

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Дарсни амалий машғулот шаклида ўтказиш керак. Кириш сўзи сифатида, жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлашнинг ушбу дастури қандай бошланганини ҳақида сўзлаб беринг. Таълим жараёнининг бошланнишидан олдин айнан қандай ҳаракатлар қилинганини таъкидланг: ибодат, ниятни бериш, раҳбарият билан сухбатлар, материалларни таржима ва нашр қилиш, бино топиш, ўқитувчиларни топиш ва ҳокозо. Ўқувчиларни кичик гурӯхларга ажратинг ва улардан, саволларга жавоб бериб ва жамоатлар ташкил қилиш даврининг кейинги босқичига ўтишни муҳокам қилиб дарс устида ишлашларини сўранг. Ҳар бир гурух ўз муҳокамаларининг хуносасини бутун синф билан ўртоқлашишлари учун дарснинг охирида вақт ажратинг.

Тайёрлашнинг ушбу дастури албатта ўз ҳосилини беришини ва бу ҳосил, қаерда керак бўлса, ўша ерда, жамоатларнинг янги ташкил қилувчиларини таёrlашга олиб борадиган, бундай таълим жараёни яна ва яна ўтказилиши билан намоён бўлишига нисбатан уларни имон/ишон билан тўлдиришини Худодан сўранг.

I. ҲАРАКАТ ДОИРАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ


Ҳамма жойларда жамотлар ташкил қилиш, янги жамоатлар ҳамма жойларда пайдо бўлишини назарда тутади! Бунинг учун эса уларни кимдир ташкил қилиши лозим, демак, етарлича жамоат ташкил қилувчилар мавжуд бўлиши керак.

Павлус Тимўтийга шундай насиҳат қиласди: “Кўп шоҳидлар хузурида сен мендан нима эшиштган бўлсанг, бошқаларга ҳам таълим беришга қобилиятли, ишончли одамларга топширгин” (2Тим. 2:2). Эътибор беринг, бу ерда тўрт авлод ҳақида гапирилмоқда: Павлус, Тимўтий, ишончли одамлар ва бошқалар (16.1 расмни кўринг). Кўпайиш айнан мана шундай содир бўлади.

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати кейинги авлодларда ҳам ривожланишни давом этиши учун, янги жамоатларнинг янги ташкил қилувчиларини доимо тайёрлаб бориш

зарур. Жамоатларга янги асосчиларни тайёрлаш зарур. Ҳаворийлар, раҳбарлар ва устозлар бўлгани каби, жамоатлар ташкил қилувчиларнинг баъзи бирлари миссионерларнинг, яни ўз навбатида бошқаларга ҳам ўргатиш қобилиятига эга бўлган миссионерларнинг ўқитувчилари бўлишлари керак.

16.1 Расм. Ҳаракат доираларида таълим бериш



II. ЯНГИ МИССИОНЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ПАЙДО БЎЛАДИГАН САВОЛЛАР

Мамлакат ёки минтақада жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлашнинг янги босқичларини режалаштириб, баъзи жуда муҳим саволларни ҳисобга олиш зарур. Ўз хизматдошларнинг билан биргаликда қуйидаги саволлар устида ишланг ва жамоатлар ташкил қилувчиларга таълим бериш ва ўргатишнинг келажакдаги режасини ишлаб чиқинг.

1. Жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлаш билан ким шуғулланиши керак?
2. 2Тим. 2:2 оятга бинонан, бошқаларга таълим беришда одам учун зарур бўлган икки фазилат — бу ишонч ва қобилиятдир.
 - а) Сиз ишончли одами қандай тасвирлаб берган бўлар эдингиз?
 - б) “Бошқаларга таълим беришга қобилиятли” дегани, одам таълим беришнинг руҳий инъомига эга бўлиши зарурлигини билдирадими? Яхши ўқитувчи яна қандай фазилатларга эга бўлиши керак?
3. Таълим бериш ва тайёрлаш орасида фарқ борми? Агар бор бўлса, қандай?
4. Бошқа руҳий инъомларга (ёрдам бериш, бошқариш, Хушхабар айтиш ва ҳок) эга бўлган одамлар, уларни жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлашда қандай қўллашлари мумкин?
5. Қуйидаги мисолларни ўқинг.

1- мисол: “Ҳақиқат Ҳабари” жамоатининг оқсоқоллари “қиз” жамоат ташкил қилиш бўйича иш бошлашга қарор қилишди. Йиғилишда улар одамлардан, Худо уларни жамоатлар ташкил қилиш гуруҳининг аъзоси бўлишига даъват қиляпдими ёки йўқми, мана шу ҳақда ибодат қилишларини сўрашади. Бундай қарорни қабул қилганлар тайёргарликдан ўтишлари лозим эди. Жмоат оқсоқоллари машғулотларни кечкурунлари — ҳафтада бир маротаба ўтказишар эди. Таълим беришга ва янги жамоат ташкил қилишга кетган харажатларнинг кўп қисмини жамоат «миссионерлик ишига ва миссияларга» маҳсус хайр-эҳсон ҳисобидан тўлади.

2 – мисол: “Масихдаги қувонч” жамоатининг аъзолари жамоатлар ташкил қилувчиларга таълим бериш ва ўргатиш ҳақида эшигтилар. Улар бу ҳақида ўз жамоатларидаги одамларга ва яқин шаҳарлардаги ўз мазҳабларига киравчи бошқа жамоатларнинг одамларига гапиришни бошлашади. Жамоатлар янги жамоатлар ташкил қилишга нисбатан жиддий

қизиқиши билдиригандар барча жамоатларнинг аъзоларини тайёрлаш учун куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга қарор қиладилар. Кўпчилик одамлар доимий иш билан банд эканликлари ва бу нарса ҳафталик семинарларга қатнашиш имконини бермаганини учун, ҳар бир қўлланмани дам олиш кунлари ўқитишга келишиб олинди: шанба ва якшанбада, икки марта (яъни икки шанба ва икки якшанба). Масалан, 1-Кўлланманинг 1-ярми сентябр ойида ўқитилди, 2-ярми октябрь ойида. 3-4 ойдан кейин худди шу тарзда 2 -Кўлланма бўйича таълим ўтказилди.

Жамоатларнинг ҳеч қайсиси, барча хоҳловчиларни сифдира оладиган бинога эга эмас эди. Машғулотлар дам олиш кунлари ўтказилгани учун, мактаб биносидан фойдаланиш имкони мавжуд бўлди. Мактабнинг раҳбарияти, унча катта бўлмаган ҳақ учун хатто тушлик ҳам етказиб беришга рози бўлдилар. Мактабга яқин жойлашган жамоатларнинг аъзолари бошқа шаҳарлардан келган биродарлари учун ўз уйларининг эшикларини очиб беришли.

Ҳар бир таълим даврида ҳаражатлар рўйхати хайр-эҳсон қутисининг тепасига илиб қўйиларди ва ҳар бир одам имконияти бўйича хайр-эҳсон қилиши мумкин бўларди. Таълим учун қилинган ҳаракажатлар мана шу хайр-эҳсонлар ҳисобига қопланарди.

З – мисол: Бир мамлакатдаги бир неча мазҳаб раҳбарлари ўз мазҳабларида жамоатлар ташкил қилувчилар учун таълим беришни ўтказишмоқчи бўлишди. Таълимни алоҳида-алоҳида ўтказишнинг ўрнига (ҳар бир мазҳаб ўз дастури бўйича), улар куч-ҳаракатларини бирлаштиришга қарор қилдилар. Ҳар бир мазҳаб зарур маблағларнинг бир қисмини ва ўқитувчиларни берди. Ҳар бир мазҳаб талабаларини ўзлари танладилар. Ҳар бир қўлланма бўйича ўтказиладиган семинар учун бир ҳафтага дам олиш уйини ижарага олишиб олинди, бу дам олиш уйида ҳам ўқувчилар, ҳам ўқитувчилар яшашлари керак эди. Семинарлар ўргасида оралиқ вақт 3 ой эди.

6. Нима деб ўйлайсиз, бу ёндошувларнинг қайси бири сизнинг вазиятингизда қўллаш учун кўпроқ мос келади?

7. Ҳар хил руҳий инъомларга эга бўлган ўқитувчилар гуруҳи ҳақида сиз нима деб ўйлайсиз?

8. Ўқитувчиларга таълим бериш учун қандай дастурни тузар эдингиз?

9. Ўқувчиларни қаердан қидирасиз? Жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлаш дастурига талабаларни танлаб олиш учун сиз қилишингиз мумкин бўлган аниқ ишларни айтиб беринг. Айтилган гапларни муҳокама қилинг.

10. Сиз ўқишини қаерда ўтказар эдингиз?

11. Бўлажак жамоат асосчиларининг мураббий/устози ким бўлади? Бу одамлар қандай маҳсус тайёргарликдан ўтишлари керак?

12. Ўқитувчиларни тайёрлаш учун қандай материаллардан фойдаланасиз? Жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлаш учун қандай материаллардан фойдаланасиз?

ТОПШИРИҚ

Мазкур семинарнинг хulosса ва натижалари асосида жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлаш бўйича ўз режангизни ишлаб чиқинг. Сиз бу таълимни қаерда ўтказмоқчи эканлигинги ҳақида ибодат қилиб қарор қабул қилинг. Ўз режангиз бўйича жамоатлар ташкил қилувчиларни тайёрлашни бошланг.

**Ният
(Мақсад)
5 Дарс**

Ҳаракатда қатнашишлари учун жамоатларни бирлаштириш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга мазҳаб раҳбарларини ва жамоат гурухлари лидерларини бутун мамлакат бўйлаб барча жойда жамоатлар ташкил қилишнинг систематик режасини ишлаб чиқиш учун жалб қилиш усувлари ва воситалари ҳақида сўзлаб бериш.

Кутилаётган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:
- Барча жойда жамоатлар ташкил қилишнинг умуммиллий ҳаркатини нимадан бошлашни тушуниши керак;
 - ТОНГ стратегиясининг таркибини ва зарур бўлган дастлабки шартларини билиши керак;
 - Ўз мамлакатининг бутун ҳудудини жамоатлар билан тўлдириш мақсадида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида шахсан ўзи иштирок этиши керак.

Дарс режаси:

- I. ТОНГ стратегияси
- II. ТОНГ стратегияси учун зарур бўлган дастлабки шартлар
- III. ТОНГ стратегиясининг ўн икки ташкил қилувчиси

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Агар “Тонг 2000” китоби сизнинг тилингизга таржима қилинган бўлса, ўқиш пайтида ўқувчиларга шу китобни топишларига имконият беринг.

Дарсни ўтказишнинг энг яхши усули — семинар, семинар ўтказилаётган пайтда ўқувчилар ўз мамлакатларида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатида қатнашиш имкониятлари ҳақида муҳокама қиласидар.

Семинарни ўтказиш бўйича кўрсатмалар:

1. Куйидаги саволни қайтадан кўриб чиқиш билан бошланг: “Сизнинг мамлакатингиз учун Худонинг иродаси қандай?”
2. Мамлакатнинг харитасини олиб, агар мамлакат жамоатлар билан тўлса, у қандай кўринишида бўлишини ният қилишларини ўқувчилардан сўранг. Шунингдек, асосий демографик маълумотларни ҳам беринг.
3. Ўқувчилар билан биргаликда ТОНГ стратегияси учун зарур бўлган ўн икки умумий ҳолатни муҳокама қилинг.
4. Ўз ҳалқингиз ҳақида умумий ибодат учун вақтга эга бўлинг, ибодатнинг мақсади — орзунинг рўёбга чиқиши, ҳар бир киши Хушхабарни эшитсин, бутун ер юзи жонли, ҳаракатда бўлган жамоатлар билан тўлсин.

ТОНГ стратегиясига пойdevor қўйиш учун зарур бўлган аниқ қадамларни ўйланг.

СўЗ БОШИ

Таълим курсининг бошида биз “Якуний- фикрлаш” ҳақида гапирган эдик. Биз мана бу саволга жавоб беришга ҳаракат қилдик: “Менинг минтақам, шаҳрим, маълум бир аҳоли гуруҳи, менинг юртим учун Худонинг иродаси/ҳоҳиши қандай?” Муқаддас Китобдан биз биламиз, бир кун келиб “... денгиз сув билан тўлгани каби, ер Худонинг шон-шуҳрати ва иродаси билан тўлади” (Ис.11:9) ва Худо бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб нажот

топишини истайди (1Тим. 2:3-4; 2Бутр. 3:9). Шунингдек, биз яна Муқаддас Китобдан биламизки, Худо Жамоатни Ўзининг ердаги вакили, Шоҳлигини кенгайтириш учун асосий қурол сифатида танлаган. Ва ўз навбатида, У бутун минтақалар, шаҳарлар, этник гуруҳлар ва халқлар жонли, фаол ҳаракаат қилувчи жамоатларга, Унинг улуғворлигини бутун атрофга эълон қилувчи жамоатларга тўлишини истайди.

Сизга ўз “Якуний фикрлаш“ингизни — Раббимиз сизни Унга хизмат қилишга жалб қилаётган жойни аниқлаш бўйича топшириқ берилган эди. Ҳозир биз бу мавзуни анач кенгроқ муҳокама қилишга ҳаракат қилиб қўрамиз. Қўйидаги саволларга жавоб беринг:

- Менинг халқим учун Худонинг иродаси/хоҳиши қандай?
- “Менинг мамлакатим Худонинг нияти билан тўлади” жумласи амалда нимани билдиради?
- Қайси ҳолатда менинг мамлакатимдаги ҳар бир киши ҳақиқатни англаб олиш ва нажот топиш учун чинакам имкониятга эга бўлади?
- Шахсан мен мамлакатим жамиятининг ҳамма табақалари орасида Хушхабарни тарқатиша қандай қилиб қатнашишим мумкин?

„ТОНГ“ СТРАТЕГИЯСИ

Бу дарснинг асосида Жим Монтгомерининг “ТОНГ 2000: яна 7 млн жамоат” номли китоби ётади. Бу китобда географик ҳудудларни жамоатлар билан тўлдиришнинг мураккаб бўлмаган стратегияси баён қилинган. Китоб, Монтгомери тили билан айтганда “бутун миллатларга устозлик” стратегиясини рўёбга чиқариш учун қўйиладиган қадамлардан иборат (бундай стратегиянинг инглизча аббревиатураси — DAWN. Ушбу аббревиатуранинг таржимаси “тонг” маъносини билдиради. Бизнинг Қўлланмамиизда DAWN стратегияси бошқачароқ — ТОНГ стратегияси деб аталади, бу тушунчага Монгомери берган айнан ўша ғояни назарда тутади). Ушбу стратегия алоҳида жамоатларга ва мазҳабларга ўзларининг куч-ҳаракатларини бирлаштириб, ғоялар ва уларни рўёбга чиқариш натижалари билан бўлишиб, ўз минтақаларида Хушхабарни тарқатишининг кейинги ҳаракатларига бир-бирларини рағбатлантириб ва қўллаб-куватлаб жамоатлар ташкил қилиш бўйича ўз ҳаракатларини бошлашларига ёрдам беради. Бунда уларнинг ҳар бири ўзига хослигини (индивидуаллигини) сақлайди ва шу билан бирга мамлакатни янги жамоатлар билан тўлдириб, улар бошқалар билан биргаликда ишлайдилар!

Мисол: Бундан 28 йил олдин Филлипинда бир неча мазҳаб раҳбарлари йиғилишиб, ўз олдиларига умумий мақсад қўйдилар — 25 йил ичида 50 минг янги жамоат ташкил қилиш. Орадан йигирма уч йил ўтиб, яъни, 1998 йилда улар бу мақсаддага эришдилар! Филлипиндан кейин, мамлакатни жамоатлар билан тўлдиришга йўналтирилган стратегия, яъни биз ТОНГ стратегияси деб атаган стратегия, бошқа мамлакатларда ҳам муваффақият билан қўлланилди, масалан Гватемала, Сальвадор, Гана, Зинбаба ва Ҳиндистонда. Санаб ўтилган мамлакатларнинг ҳар бирида маҳаллий жамоатларнинг сони сезиларли даражада анча кўпайди. Хатто Европа мамлакатларида, одатда Хушхабар учун берк деб ҳисобланадиган мамлакатларнида ҳам, ҳозирги кунда ТОНГ стратегиясининг усуслари қўлланила бошланяпди. Бундай мамлакатларга Норвегия, Буюк Британия, Дания ва Бельгия каби давлатлар киради — ва бу мамлакатларнинг барчасида бундай стратегия биринчи хосилни беришни бошлаган.

II. ТОНГ СТРАТЕГИЯСИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ДАСТЛАБКИ ШАРТЛАР

ТОНГ стратегиясининг муваффақияти шундаки, бу маълум бир мамлакатда айни вақтда мавжуд бўлган ҳаракатларга асосланади, уларни янада ёрқин ният билан бойитади *ва натижада бу ҳаракатларга, эга бўлинган ниятни рўёбга чиқаришда аниқ қадамларни ташлашига ёрдам беради*. ТОНГ — бу илгаридан мавжуд бўлган руҳий фаолият ҳаракатининг йўналишини кўрсатиб берувичи қуролдир. Шундай қилиб, “бутун миллатлар учун устозлик” стратегиясини қўллаш учун, мамлакатда қўйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

A. Мавжуд бўлган ҳаракатлар

Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш бўйича ишлар амалга оширилиб бўлинган бўлиши керак. Айнан шундай хизмат, мамлакатда гуноҳкорларни тавба қилишга чақираётган ва имонлиларни Худонинг шон-шуҳрати учун хизмат қилишга даъват қилаётган Муқаддас Рух ҳаракат қилаётганига энг яққол гувоҳлик бўлади. Кўпинча

унча катта бўлмаган ҳаракатлар мавжуд бўлади, аммо улар бир-бирларидан ажралиб қолишади. Мамлакат учун кам фойдали бўлган ҳаракатлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш, ТОНГ стратегияси бўйича улар ўртасидаги ўзаро таъсирни мустаҳкамланишига, куч-ҳаркатларни бир мақсад сари йўналтирилишига, ва охир оқибат, Хушхабарнинг бутун мамлакатда тезлик билан тарқалишига олиб келади. Мана шундай кичик ёки маҳаллий ҳаракатларсиз бутун мамлакат миқёсида Хушхабар айтиш вазифаси, худди бутун бир тоғни оддий белкурак ёрдамида силжитишга уриниш кабидир.

Б. Исо Масиҳ бутун Танасининг бирдамлиги

Алоҳида-алоҳида бўлиб Тананинг аъзоларини, биргаликда эса бутун Масиҳ Танасини ташкил қилувчи турли гуруҳлар раҳбарлари ўртасида чукур ва самимий бирдамлик мавжуд бўлиши лозим, чунки улар бир-бирларига ишда ҳалақит бериш ўрнига, вазифа ва режаларни биргаликда муҳокама қилиш учун ва бу вазифа ва режаларни амалга оширишда бир-бирларига далда ва руҳлантириш манбайи бўлиш учун ҳар доим тайёр бўлишлари керак.

В. Ҳосилни йиғиб териш учун даланинг тайёрлиги

ТОНГ стратегияси, қаерда “ҳосил пишиб етилган” бўлса, қаерда аҳоли Хушхабарни қабул қилишга тайёр бўлса, ўша ерда энг яхши тарзда қўлланилади. “Бутун миллат учун устозлик” стратегиянинг сўнгги мақсади — жамоатларнинг тезлик билан кўпайиши, токи даладаги пишиб етилган ҳосилни нобуд бўлмасидан аввал уни йиғиб териб олишдир.

Тарқоқ ҳолдаги руҳий ҳаракатларни даладаги ўйноқи отларга таққослаш мумкин. ТОНГ стратегияси, бизнинг таққослашимиз бўйича — эгар ва жиловлардир, ва булар ёрдамида югурушга тайёр турган отларни, чавандозлар ўзлари хоҳлаган йўналишда ҳаракатлантирадилар. Бунинг шарофати билан, чавандозлар ўз отларининг бутун куч ва энергиясини тўла ишлатиш, ва шунингдек, битта йўналишда ҳаракат қилиш имкониятига эга бўладилар. ТОНГ стратегиясининг шарофати билан масиҳий раҳбарлар худди шу тарзда, ўз минтақаларида айни дамда мавжуд бўлган руҳий ҳаракатларнинг бутун имкониятини амалга оширишлари ва уларни Хушхабарни маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш орқали тарқатишга йўналтиришлари мумкин.

III. “ТОНГ” СТРАТЕГИЯСИННИГ ЎН ИККИТА ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИСИ

ТОНГ стратегияси ўн иккита таркибий қисмдан, яъни ташкил қилувчидан иборат. Муқаддас Китоб, Жамоат ўсиши лозим, деб ўргатади. Бу Худога мақбулдир, У кимнингдир ҳалок бўлишини хоҳламайди, лекин ҳамма Унга келишини истайди. Ҳазрати Исо Ўзининг Жамоат барпо қилиш ҳақидаги ниятини аниқ тарзда баён қилган. У Ўз Жамоатини масиҳийларнинг садоқати ва ибодати орқали барпо қиласди, ва шунингдек Ўз халқининг қобилиятларидан ҳам фойдаланади. Мана шу улкан имкониятни бошқариш учун, жамоат ва жамоат уюшмаларининг раҳбарлари ТОНГ стратегиясидан “жилов” ва “эгар” сифатида фойдаланишлари мумкин. Бу стратегиянинг ўн икката компоненти жамоатлар ташкил қилиш хизматининг мақсадларини белгилаш ва уларга эришиш учун хизмат қиласди. Ҳар бир жамоат ва хатто мазҳаблар ўзларининг мақсадлари ва усусларини кўядилар ва буларнинг таркибида, бутун мамлакатларни жонли, фаол жамоатлар билан тўлдириш ниятига эга бўлган одамларнинг бирдамлигига эришиш мумкин бўлган умумий вазифанинг фақатгина баъзи бир қисмлари мавжуд бўлади холос.

1. Хушхабарни тарқатишнинг муҳимлиги ҳақидаги ниятни ҳар доим бериб туриш

Имонлилар, Худонинг Ўз халқи ва бутун дунё учун иродаси/хоҳиши ҳақида эслатиб турилишга муҳтоjlар. Ниятни бериш — бу имон/ишончни бўлишиш, яъни қандай қилиб қишлоқлар, шаҳарлар, бутун мамлакатлар ҳалок бўлаётганларни кутқариш истагида ёнаётган имонлиларнинг жонли, фаол жамоалари билан тўлаётганини бошқаларга билдиришдир. Бундай ниятни ўзгалар билан бўлишишга қобилиятли бўлган масиҳий, — бу мана шу ниятни жамоат раҳбариятининг барча даражаларида — маҳаллий жамоатлардан бошлаб, то миллий иттифоқ, ташкилот ва мазҳабларда ваъз қилиш учун Худо томонидан маҳсус қобилият ато қилинган одамдир.

Лекин, барибир, ниятни тарқатиш бўйича энг кўп куч-ҳаракатлар, ҳар қандай маҳаллий жамоатнинг ёки имонлиларнинг кичик гурухларининг “пойдеворини” ташкил қилувчи оддий масиҳийлар ўртасида олиб борилишига қаратилиши керак. Агар ният масиҳийлар ўртасидаги бу қатламни эгалласа, у албатта жамоат раҳбарларининг эътиборига тушади. Қачонки мана шу буюк орзу ва бепоён ният барча жамоатлар раҳбарларининг ишига айланса, у энди орзу ва ният эмас, балки, рўёба чиқариш мумкин бўлган ҳақиқийлик бўлади.

Бир жамоат бирлашмасининг раҳбари, унинг вилояти жамоатлар билан тўлиши учун қизгин хоҳишга эга эди. Натижада юзлаб жамоатлар ташкил қилинди ва минглаб одамлар имонга келиб, тавба қилдилар. Бошқа бир Хушхабар масиҳийлари уюшмасининг раҳбари шундай деган: “Айни вақтда биз минтақадаги энг йирик жамоат стурктурасини ташкил қиласиз ва шунинг учун бизга ўсишнинг кераги йўқ”. Бугунга келиб эса, мазкур мазҳабни катта ёки йирик дейиш... анча қийин.

2. Маълумотларнинг ахборот баъзасини яратиш ва ундан хизматда фойдаланиш

Маълумотларнинг ахборот баъзасини яратингва ундан фойдланишни бошланг, уни доим янгила буринг. У ўз ичига турли шаҳарлар, минтақалардаги “йигим-терим майдонлари” ва “ўроқчилар” ҳақида олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, шунингдек қўшни аҳолининг кичик гурухлари ҳамда бутун мамлакатдаги вазиятни ўрганиш натижаларини олиши керак. Хушхабарни ёйиш учун нафакат буюк ният керак, балки шунингдек бизнинг ниятимиздаги жамиятда мавжуд бўлган ҳақиқий вазиятни яхши тушуна билиш ҳам зарур. Фақатгина ҳис-туйғули ва эмоционал фантазиялар, хатто энг яхши ниятни ҳам рўёбга чиқара олмайди, мақсадга эришиш учун хизмат жойида мавжуд бўлган вазиятни аниқ тушуниш зарур.

Энг яхши суратда ўсиш кузатилаётган ўша масиҳий уюшмалар ва мазҳабларда, ким Хушхабар учун анча очиқлигини ва қандай қилиб одамларга энг яхши тарзда гувоҳлик бериш мумкинлигини кўрсатиб бериши мумкин бўлган нарсалардан ҳар доим ўрганишга ҳаракат қилишади. Улар ўзларининг ресурларини ўрганишади, улар қанчалик улкан эканини текширишади, ўсиш суратини кузатилаётган ҳақида маълумотларни ўз хизматларининг қайси усуслари самара келтираётганини, қайслари эса самарасиз ва кам фойдали эканини аниқлашади, ва ҳокозо. Улар бошқа ўсаётган жамоатлар ва мазҳаблар наъмунасидан ўrnak олишади, уларнинг тажрибаларидан ўз ишлари учун мос келадиганларини танлаб олишади. Тадқиқот — бу Хушхабарни тарқатишида биринчи даражали қуролдир.

ТОНГ стратегияси доирасидаги тадқиқот ишлари ўз ичига қўйидагиларни олиши керак:

- мамлакатдаги масиҳий Хушхабар мазҳабларининг сони ҳақидаги маълумот;
- ҳар бир мазҳаб бўйича маҳаллий жамоатлар ва уларнинг аъзолари сони ва (ёки) ўртача давомат ҳақида маълумот;
- ҳар бир мазҳаб бўйича жамоатларнинг йиллик ўсиши ҳақида ўртача маълумотлар;
- ҳозирда катта ўсиш кузатилаётган жамоатларда қўлланилган усуслар ҳақида маълумот;
- жамоатлар сонининг бутун мамлакат аҳолиси сонига нисбати, яна шунингдек, мамлакатдаги аҳолининг ҳар бир аниқ миллат ва этник гурухларининг сонига нисбати;
- тарихий, иқтисодий, диний, маданий, сиёсий омилларга таалуқли бўлган тўлиқ маълумотлар, яна одамларнинг Хушхабарни қабул қилиш учун очиқ бўлишларига у ёки бир тарзда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли табиий оғатлар ва бошқа ижтимоий ҳодисалар, ва шунингдек аҳолига Хушхабар етказиш мақсадида муваффақиятли қўлланилиши мумкин бўлган маълум бир усул ва фаолият йўналишларини кўрсатувчи омиллар.

Мана шу каби тадқиқотлар натижасида тўплантган маълумотларни таҳлил қилиш ва мамлакатда Хушхабарни тарқатиш бўйича уларга берилган баҳо одатда мазҳаблар раҳбарларининг маслаҳатларида ва умуммиллий қурултойларида фойдаланилади, бунда мақсад —иш олиб борилиши мўлжалланган худуддаги вазият ҳақида қатнашчиларни хабардор қилишдан иборат бўлади.

3. Ибодатга боғлиқлик

Ўсиш режаларини қураётган жамоатларни, бაъзиди рақамлар орқасидан қувишида ва Муқаддас Рухнинг ишига нисбатан ишончнинг етишмаслигига айблайдилар. Лекин айни вазиятда шуни яхшилаб англаб, тушуниб олиш муҳимки, *жамоатнинг хатто сезилмас, яъни жуда кичик ўсиши ҳам қудратли ибодат қўллаб-қувватлашисиз содир бўла олмайди.* Жамоат ибодат қилса, Муқаддас Рух ҳаракат қиласи. Соң жиҳатдан ўсиш, янги жамоатлар ташкил қилиниши — булар Унинг Худога мақбул бўлган ва эзгу фаолиятининг натижасидир. Ушбу савол “Ибодат” мавзуси дарсларида батафсил кўриб чиқилган (5-Қўлланма, “Ибодат” мавзуси 1-дарс “Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ибодат”).

4. Илҳомлантирадиган, эришиб бўладиган ва ўлчаб бўладиган мақсадлар

Илҳомлантирувчи мақсадлар одамларни ҳаракатга ундаиди. Шунда оддий акасингиллар, биродарлар фаол хизматга нисбатан қизиқиши намоён қила бошлашади. Мунособ ва илҳомлантирувчи мақсадга олиб борадиган ҳамкорликдаги иш, ҳар доим қониқиши ҳиссини уйғотади. Ўтказилган тадқиқот ишлари натижасига асосланиб, ибодатни унутмасдан, ҳар бир Хушхабар мазҳаби, миссия ёки қандайдир масиҳий ташкилот жамоатларнинг сонига, яъни маълум бир вақт мобайнида ташкил қилиш керак бўлган жамоатлар сонига нисбатан ўз мақсадларини қўядилар ва бу мақсадларга эришиш режаларини ишлаб чиқадилар. Бу мақсадлар умуммиллий қурултойда эълон қилинади, уларнинг ҳаммаси бирликда қурултой делегатлари томонидан бир овоздан қабул қилинган “умуммиллий мақсадлар”га айланади.

Эришиб бўладиган мақсадлар одамларни умидсизлантирайди, уларнинг ҳафсаласини пир қилмайди. Ҳақиқий асоси бўлмаган, имкониятларга мувофиқ бўлмаган мақсадлар, мақсадларнинг умуман йўклигидан ҳам ёмонроқдир. Илҳомлантириш учун етарли даражада аҳамиятли мақсадлар қўйинг, лекин одамларни умидсизлантирмаслик ва ҳафсаласини пир қилмаслик учун етарли даражада ҳақиқий мақсадларни қўйинг.

Ўлчаб бўладиган мақсадлар, уларга эришиш томон силжишни кўришга имкон беради. Аниқ рақамлар ва саналар одамларни жалб қиласи.

Лекин барибир, Худонинг иродасига суюниб, бошқаларни меҳнатга *таъсирлантирадиган ва илҳомлантирадиган* катта мақсадларни қўйиш жуда муҳимдир, лекин олдингизга фақат осон эришиладиган вазифалар қўйманг. Муқаддас Рух раҳбарлигига таяниб қўйилган мақсадлар — бу “умидвор бўлган нарсаларнинг мужассамланиши ва кўринмайдиган мавжудотга амин бўлишдир” (Ибр.11:1). Бошқа сўзлар билан айтганда, масиҳий учун мақсадларни қўйиш — бу имон қўядиган қадамдир, ва усиз *Худонинг розилигини топмоқнинг имкони йўқ* (Ибр. 11:6).

Марказий Америкада, маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш хизматининг мақсадларини белгилаш учун тўпланган жамоат раҳбарларининг йиғилиши вақтида, бир лидер белгиланган мақсадлар жуда осон эканини ҳис қиласи. У буни куйидагича ифода қиласи: “Бу ишни башарий табиатимиз кучи билан ҳам бажаришимиз мумкин!” ва шундан сўнг, анча юксак, анча қийин ва анча илҳомлантирувчи мақсадларни таклиф қиласи, ва бу мақсадларга Худонинг иштирокисиз, фақатгина инсоний куч билан эришишнинг иложи йўқ эди. Олдингизга қўйган мақсадларингиз хаддан ташқари фантастик эмаслигига ишончингиз комил бўлсин, токи муваффақиятсизликка учраганингизда ҳафсалангиз пир бўлиб, умидсизликка тушиб қолманг, ва шу билан бирга, шундай мақсадларни қўйингки, уларга фақат Худонинг кучи билан эришиш мумкин бўлсин ва ана ўшанда бутун шон-шуҳрат Унга тегишли бўлади!

5. Мақсад қўйишда қатнашиш

Ҳар бир масиҳий ташкилотларнинг миллий раҳбарлари мақсадларни қўйиш жараёнида *бевосита қатнашишлари ва шахсан қизиқиши билдиришларига* ундаш жуда муҳимдир, айниқса уларнинг минтақасида амалга ошириш мўлжалланаётган мақсадларни кўриб чиқишида. Катта мазҳабларга тегишли дастурларнинг бирида чет эл миссионерлари йиғилиб, ўн йилга мўлжалланган маълум бир иш режасини ишлаб чиқдилар. Лекин бу режани ишлаб чиқиши жараёнида маҳаллий раҳбарлар қатнашмаган, чунки улар ўз минтақалари учун шу каби мақсадларни ишлаб чиқишида олдиндан жалб қилинишмаган. Натижада чет эллик миссионерлар ишлаб чиқилган режани амалга оширишга киришишганда, улар учун маҳаллий жамоатларни қизиқтириб, уни бажариш учун қатнашишга ундаш жуда қийин бўлди.

Бошқа бир ҳолатда, яъни иш режасини ишлаб чиқишида ва мақсадларни белгилашда барча бирлашма, уюшма ва бошқа масиҳий ташкилотларнинг, маҳаллий жамоатларнинг ҳамма раҳбарлари қатнашади. Қизғин баҳслар, мунозаралар, белгиланган мақсадлар барча қатнашчиларни қониқтиргунча олиб борилди. Бу иш режасини ишлаб чиқишида ҳамма томонлар қатнашгани учун у ҳаммага “тегишли” эди ва ҳар бир қатнашчи бу мақсадларнинг бажарилишида манфаатдор эди. Тайёргарлик ишнинг бу детали, мақсади — минтақа ва мамлакатларда жамоатларни ўсиши ва кўпайиши бўлган режани ишлаб чиқишида жуда муҳимдир, аксинча, бу деталга бепарво муносабат келажакда пайдо бўладиган катта қийинчиликларни олиб келади.

6. Хизматчиларни меҳнатга тайёрлаш

Жамоат аъзоларини хизматга тайёрлаш ва уларга таълим бериш жамоатларни кўпайтиришга йўналтирилган ҳар қандай жиддий режанинг ажралмас қисми бўлиши лозим. Муқаддас Китоб бизга хизматчиларни тайёрлаш учун кўрсатма беради, бу тайёргарликнинг мақсади — “...имонлилар хизматга керак бўладиган таъминотни оладилар ва Масиҳнинг уммати обод бўла боради” (Эф.4:11,12). Энг яхши тарзда ўсиш кузатилаётган ўша масиҳий мазҳабларда, аъзоларни ҳам жамоатларда, ҳам жамоат ташқарисида — ҳалок бўлаётганларни кутқариш иши учун жиддий ва доимий тайёргарлик ўтказилади. Ушуб таълим бериш ва тайёрлаш жараёни жамоатлар ташкил қилиш малакалари, чўпонлик васийлиги, уй гуруҳларини ташкил қилишнинг принциплари ва уларга тўғри раҳбарлик қилиш, якшанба мактабида машғулотларни ўтказиш қоидалари, ёшлар хизмати, Хушхабар айтиш ва устозлик, ибодат гуруҳларини ташкил қилиш, молия бошқаруви, ижроя раҳбарлигининг вазифаси ва принциплари, ижтимоий алоқалари ва ҳокозо йўналишларини ўз ичига олади.

Таълим бериш турли шаклларда олиб борилиши мумкин — Инжил коллежларида ва семинарияларда, маҳсус ташкил қилинган конференцияларда ва сиртқи курсларда. Имонлилар учун яхши ташкил қилинган таълимсиз ва уларни ишга тайёрламасдан, жамоатларнинг ўсиши ва кўпайиши мумкин эмас.

7. Жойларда маслаҳат қурултойларини ташкил қилиш

Жойларда маслаҳат қурилтойларининг мақсади — аниқ минтақа (регион) раҳбарларини йиғиши ва авваломбор уларга бир-бирлари билан яқиндан танишиш, шунингдек маълум бир аниқ қийинчилик ва муаммолар ҳақида билиш имкониятини беришдир. Бу нарса уларга бир-бирлари учун ибодат қилишларига ёрдам беради. Бундан ташқари, шундай қурултойлар минтақанинг аниқ вилоятларида ўтказилган тадқиқот ишлари натижаларини муҳокама қилиш ва Хушхабарни муваффақиятли тарқатишда уларни қўллаш вариантларини ҳамкорликда муҳокама қилиш учун энг яхши жой бўлади. Мана шундай ўзаро маслаҳат беришлар қўйидаги мақсадларни назарда тутади: — умумий ниятни муҳокама қилиш учун имконият беришини, таълим беришнинг воситалари ва усусларини аниқлаш ва ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш, жамоатлар ташкил қилишга нисбатан асосий ёндашувларни аниқлаш. Маслаҳат қурилтойлари ёки конференциялар — бу масиҳийларнинг барча қатламлари, айниқса ҳар қандай жамоатнинг асосини ташкил қилувчи оддий масиҳийлар орасида ниятни тарқатиш учун муҳим қуролдир. Мана шундай ҳамкорликдаги конференцияларнинг бошқа бир вазифаси янги масиҳий жамоатларни ва уюшмаларни жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун бирлаштириш бўлиши мумкин.

Қачонки раҳбарлар, жамоатлар ўртасида мавжуд бўлган анъаналарга ва шаклларга нисбатан қарашлардаги фарқни четга қўйиб, бир-бирларини “муҳаббатга ва хайрли ишларга” ундан (Ибр. 10:24), ҳаммалари бирга йигилсалар, Худо мўъжизаларини яратади.

8. Умуммиллий қўмитани ташкил қилиш

ТОНГ стратегиясини қўллаш босқичларининг бирида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини қуйидагилар билан қўллаб-қувватлаш учун умуммиллий қўмитани тузиш зарур бўлади:

- қўмита қошида ташкил қилинган ва доимо фаолият юритувчи умуммилий тадқиқот маркази орқали узлуксиз ахборот йиғиш;
- босма ахборот нашрлари, уларнинг вазифаси —жамоатларнинг ўсиши ва кўпайиши хусусида қизиқ воқеалари ҳақида ҳикоя қилиш, шунингдек, қайсиdir марказнинг ўз мақсадларини бажаришда дуч келаётган қийинчиликлари ҳақида хабар бериш;
- марказ ўюшмалари ёки мазҳаблар раҳбарлари, шунингдек ҳар хил минтақлардаги маҳаллий жамоатлар чўпонлари ўргасида семинар ва консультациялар;
- умуммилий кенгаш ва қурултойларни режалаштириш, бу кенгаш ва қурултойларда эришилган муваффакиятларга баҳо берилади ва келажак учун янги режалар ва мақсадлар ишлаб чиқилади;

Хозирги кунда ТОНГ стратегияси муваффакиятли ишлаётган мамлакатларда умуммилий қўмиталар турли хил Хушхабар мазҳабларининг вакилларидан иборат бўлади, баъзи ҳолларда уларнинг таркиби чет эл миссионерлари ҳам киради.

9. Маблағ йиғиш

Жамоатларнинг ўсишига ва кўпайишига йўналтирилган янги кучли дастурлар яратадиган мазҳаблар, ўзларининг бутун молиявий структураларини қайтадан кўриб чиқиш зарурияти билан тўқнашдилар. Баъзида барча ҳаражатларни қайтадан ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади. Кўпинча шунга ўхшаш тафтиш пайтида аниқланадики, маблағларнинг бир қисмини қандайдир миқёсдаги Хушхабар айтиш муассасаларнинг, ташкилотларнинг фойдасига ўтказиш мумкин. Молиявий бошқариш соҳасида ёки менеджментда яхши билим, тажриба ва ижодий режалаштириш талаб қилинади. (Бу мавзу батафсилоқ “Бошқарув” мавзусининг 2-дарсида кўрилади “Молия бошқаруви” дарсида.) Яхши ўсиш ташкил қилинган жамоатларда хизмат молиявий хизматсиз бўлиши мумкин эмас.

10. “ТОНГ” стратегияси бўйича ишлаётганлар учун кенгашни ташкил қилиши

ТОНГ стратегиясини рўёбга чиқаришнинг муҳим воқеаси— бу умуммилий кенгаш ёки қурултойдир ва бу кенгашга асосий мазҳаблар, жамоат ўюшмалари раҳбарлари, шунингдек жамоатларнинг лидер оқсоқоллари ўз мамлакатларида Буюк Топшириқни амалга оширишни муҳокама қилиш, қилинган ишга баҳо бериш ва тадқиқот ишларининг натижаларини таҳлил қилиш учун йиғиладилар. Масиҳий Хушхабар мазҳабларининг 50 тадан 1500 тагача вакиллари йиғилишлари мумкин, улар умумий мақсад учун — ҳалок бўлаётган дунёни қутқариш мақсадида узоқ муддатли ҳамкорликда ишлаш хоҳишида яқдил ва ҳамфир бўлган одамлардир. Катта қурултойлар ТОНГ стратегиясини одамларга билдириш ва бу лойиҳада иштирок этиш учун кўпроқ ва кўпроқ одамларни жалб қилиш учун зарурдир, лекин бундай кенгаш ва қурултойларнинг яна бир муҳим вазифаси шодон ва қувончли муҳит яратиш ва имонлилар ўргасидаги бирдамлик ҳақида гувоҳлик беришдир.

Бу кенгашни ўтказиш учун тўғри вақт танлаш жуда муҳимдир. Шунингдек, бу кенгашда барча Хушхабар айтиш йўналишларининг вакиллари қатнашишлари ҳам муҳим. Энди сиз яхши тушунганингиздек, Жамоат бу каби бирдамликка эришиши учун етарлича вақт ўтиши керак. Масалан, Финландияда шундай вақтни 8 йил кутишга тўғри келди.

11. Кенгашнинг қарорларига амал қилиш зарур

Қурултойдан кейин унинг қарорларини амалга оширишни бошлаш керак. Раҳбарият қандай аниқ қадамларни қўйиш кераклигини аниқлаб олиши керак: таълим беришни ўтказиш керакми ёки жамоатларни бу ишда қатнашишга жалб қилиш бўйича ишлар олиб бориш керакми, балки жамоат ташкил қилувчиларни даъват қилиш керакдир. Кейин улар маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш хизматига ўзини бағишлиш истагида бўлган одамларни топишлари керак.

12. Ютуқларни қайта баҳолаш ва янги режалар тузиш

Вақти-вақти билан ТОНГ кенгашида қўйилган умуммиллий даражадаги ҳамда масиҳий мазҳаблар ёки жамоат уюшмаларининг ҳар бирининг ички мақсадлари сари иш қандай кетаётганига баҳо бериш керак. Умуммиллий қўмита ўзларининг доимий босма нашрларида эришилган натижалар ҳақидаги маълумотларни эълон қилишлари мумкин. Бу одамларга мақсадлар ва ниятни ёдда сақлашларига ёрдам беради.

Қўйилган мақсадларга эришиш бўйича муваффақиятли иш олиб борилаётган жамоатлар гурухлари ёки хатто бутун бир масиҳий уюшмалар, ўзларининг янги мақсадларини мустақил белгилаб олишлари мумин. Бир масиҳий мазҳаб ўз мақсадларини мунтазам равишда янгилаётган турган ва шу мақсадларга мос ҳолда кейинги йигирма йил учун режаларни ишлаб чиққан. Қўйилган мақсадларга эришишда, ишда қатнашган барча хизматчилар ҳамда раҳбарлар унча катта бўлмаган қурултойларни ўтказишган ва бу қурултойларда эришилган муваффақиятлар учун Раббимизга биргаликда миннадорчилик билдириш учун йиғилишган. Ва шунингдек, улар янги мақсадлар ва уларни амалга ошириш режаларини муҳокама қилишган.

Агар жамоатларнинг қандайдир алоҳида уюшмасида ўсиш режаларини доимо янгилаётган, амалга оширилса — бу Хушхабар айтиш ва жамоатлар ташкил қилиш, шу каби ишда қатнашаётган ҳар бир жамоат ҳаётининг ажралмас ва таббий қисми бўлиб қолади. Бу хизмат “фавқулотда ҳолат” таасуроти эмас, балки одатий ишга айланади. Ўсишни мунтазам баҳолаб бориш, зарурий ўзгартеришларни киритиш ва янги хизматчиларни тайёрлаш жамоат ҳаётининг соғлом ва жўшқин жиҳати бўлиб қолади.

ХУЛОСА

Биз яна ўзимизнинг ўша ўхшатишимизга, яъни Хушхабарни тарқатиш бўйича руҳий ҳаракатни асов, серҳаракат отга ўхшатишимизга қайтамиз. ТОНГ стратегиясини, аввал айтганимиздек, биз бу ўхшатишда юган ва эгарга тенглаштишимиз мумкин. Улар чавондозга отни тўғри йўлга йўналтиришга имкон беради. ТОНГ стратегиясининг руҳий ишларини режалаштириш муҳим эканлиги бўйича талаби, умуман Муқаддас Руҳнинг ҳаракатларини инкор этишини билдирамайди. Маълумки, ҳар қандай маҳаллий жамоатда ҳар сафар ашулачилар гуруҳи мадҳия куйлагандага ёки чўпон минбарда ваъз қилаётганда, Худо ҳар сафар у ерда бўлади. Лекин бу умуман ашулачилар гуруҳига ашулаларни ўрганишнинг зарурлигини ёки чўпонга ваъзга тайёрлаш учун вақт ўтказиши зарурлигини бекор қилмайди. Қандайдир тарзда Худо бизнинг инсоний кучларимиздан Хушхабарни ваъз қилишнинг буюк вазифасини бажариш учун фойдаланади ва бунинг натижаси — ҳалқларни ва мамлакатларни жамоатлар билан тўлдиришни билдиради! Келинг, Худони улуғлайдиган ва У амалга оширган ишларни кўришга имкон берувчи мақсадларни ўз олдимишга қўямиз, лекин шу билан бирга Худо бизга топширган меҳнатда — ҳамма ҳалқларга Унинг Шоҳлигини тарқатиш меҳнатида қатнашиш мажбуриятини унутманг!

САВОЛЛАР

- Сиз қаердадир чопқир отга ўхшаган ва эгарга муҳтоҷ бўлганга ўҳшаб пайдо бўлаётган руҳий ҳаракатнинг белгиларини қўряпсизми?
- Сизнинг қайси ресурсларингиз ва атрофдаги шароитларингиз ўз хизматингиз учун фойдали? (Муҳимлиги бўйича санаб беринг.)

ТОПШИРИК

Ўйлаб кўринг, сизнинг танишларингиздан кимлар ТОНГ стратегиясининг ниятини қабул қила олиши мумкин. Уларнинг исмларини ёзинг, улар ҳақида ибодат қилинг ва суҳбат қилиш мақсадида улар билан учрашишга имконият топинг. Уларга ҳамма жойларда жамоатлар ташкил қилиш нияти ҳақида гапириб беринг ва шу дарсни ўқиш учун беринг.

ТОНГ стратегиясининг 12 қадамини ўрганинг. Уларнинг қайсиларини сизнинг жамоатингизда қўллаш осонроқ? Уларни ўрганинг, улар ҳақида ибодат қилинг ва уларни амалга ошириш учун режа тузинг.

2 Кисм: Жамоат

Жамоат

1 Дарс

Жамоатда Худога топиниши

Сажда қилишнинг шакл ва вазифалари

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоатлар ташкил қилувчиларга маҳаллий жамоатдаги биргаликда топинишнинг шакл ва вазифалари бўйича саволлар ҳақида мулоҳаза юритишиларида ёрдам бериш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:

- Топинишнинг шакллари ва вазифалари орасидаги фарқларни тушуниши керак;
- Янги ташкил қилинан жамоат учун топиниш фалсафасини аниқлай олиши керак.

Дарс режаси:

- I. Топиниш вазифалари
- II. Топиниш шакллари
- III. Топиниш раҳбарининг фазилатлари
- IV. Топиниш фалсафасини ишлаб чиқиши

Ўқитувчилар учун маслаҳатлар:

Бу дарс талабаларнинг фаол қатнашувида ўтиши керак. Дарснинг бошида ўқувчилардан, улар иштирок этишларига тўғри келган турли хил топиниш хизматлари (русча “богослужение” иборасини биз “топниш хизмати” деб таржима қилдик) ҳақида сўзлаб беришларини сўранг. Улар сажда қилишнинг қайси шаклларини кўришган, қайсиларида шахсан ўзлари қатнашишган ва бу шакллар тўғрисида нима деб ўйлайдилар? Булардан қайсиларини ўзларининг янги жамоатларида ишлатишни хоҳлайдилар? Муҳокама пайтида бу дарснинг охирида келтирилган саволлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

СўЗ БОШИ

Шахсан сиз қатнашишингизга тўғри келган турли хил топиниш хизматлари ҳақида ўйланг. Тасвирлаб беринг, улар қандай олиб борилган, ўзи ичига нималарни олган: мусиқа (қандай), ибодатлар, ваъз, Калом ўқиши ва ҳок. Худога сажда қилишда сизга нималар ёрдам берган ёки аксинча нималар халақит берган?

Топиниш масаласи Жамоатда энг кўп бўлинишларга сабаб бўлади. Баъзи жамоатларда бу борада анча мушоҳадали кайфият ҳукм суради, бошқаларида эса анча фаол мухитни маъқул кўришади. Баъзи бир жамоатларда мусиқа асбоблари умуман ишлатилмайди, бошқаларида эса фақат орган ёки пианинодан фойдаланилади. Яна шундай жамоатлар борки, уларда турли туман мусиқа асбоблари ишлатилади — гитаралар, трубалар, ғижжаклар, найлар ва доиралар ва бошқалар. Яна баъзи бир жамоатларда ҳамду-саноларни олиб борадиган хор ёки гурухлар мавжуд. Бошқаларида эса ҳамду-саноларни биттта одам олиб боради.

Кўпчилик одамлар учун жамоатдаги сажда қилиш, Худо билан муносабатни ҳис қилишда илҳомлантирувчи ва қуч берувчи восита эмас, афсуски, шунчаки бир шартли дастурнинг бир қисми ёки сабр билан бажариш керак бўлган мажбуриятдир. Бутун дунё бўйлаб шундай жамоатлар ўсиб кўпаймоқдаки, улардаги одамлар сажда қилишга келиб, бу ерда Худо ва Унинг халқи билан маҳсус тарзда учрашиш имкониятига эга бўлишларини

билидилар. Қачонки одамлар сажда қилишга шунчаки чўпоннинг олдидаги бурчлари хисси билан ёки “Худони хурсанд қилиш” учун келишса, жамоат мутлақо ўсмайди.

Сиз ташкил қилган жамоат умумий йиғилишларни ўтказиш даражасига яқинлашгани сари, у учун Топиниши вазифаларини чукур ва аниқ тушуниш масаласи янада муҳимроқ бўлиб боради. Жамоат, одамларга тирик Худо билан жонли мулоқотга кириша олишларига (яъни сажда қилиш вазифасини энг яхши тарзда амалга оширишларига) ёрдам берадиган сажда қилиш шаклини танлай оладими ёки йўқми? — бу мана шу саволни қанчалик тушунишга боғлиқ бўлади. Шунингдек, сизнинг топиниши хизматингизни режалаштиришни ва тайёрланишни бошқарадиган сажда қилиш фалсафасини ҳам аниқлаб олиш жуда муҳимдир.

I. ТОПИНИШНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Топиниши — бу топинишининг энг тантанали қисмидир, бунда Худонинг ҳалқи бутун қалби билан Худога мақтов ва ҳамду санолар айтади. Парвардигорни ва борлиқда ажойиб тартибда ҳозир бўлган Унинг донолигини шарафлайди. Худога ҳамма сажда қилиши лозим, зеро У бунга лойиқдир. Борлиқдаги барча нарса бутунлай Унинг бошқаруви остида. Худо Ўз ижодини ва Ўзи яратган мавжудотни чукур, покиза ва ҳақиқий муҳаббат билан севади. У бизни бу ерда, ер юзида Унинг оиласининг бир қисми бўлишга даъват қилди. Буларнинг ҳаммаси — буюк шодлик ва тантана учун етарли сабаб бўла олади. Шундай қилиб, Топиниши — бу бизнинг қувонч ва миннадорчиликка тўлиб, Худонинг мутлақо устунлигини ва Унинг маънавий мукаммал эканлигини тан олишимиздир. Сажда қилишда бизнинг бутун борлиғимиз — бизнинг онгимиз, иродамиз, ҳис-туйғуларимиз ва хатто бизнинг танамиз ҳам иштирок этади, биздаги ҳамма нарса, ўша чукур қувончнинг, оддий сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган шодликнинг ҳеч бўлмаса бир қисмини бўлса ҳам намоён қилишга ҳаракат қиласи, бу шодликни бизнинг “мен”имизнинг фақат руҳий қисмигина ҳис қила олади.

A. Худога ҳамду санолар, мақтовлар айтиш ва миннатдорлик билдириш

Имонлиларга Худога ҳамду санолар, мақтовлар ва раҳматлар айтишлари кераклиги бўйича буйруқ Муқаддас Китобнинг ҳамма жойларида учрайди. Ўз Яратувчисига шон-шарафлар ва ҳамду-санолар айтган одамларни (Ибтидо китобида Иброҳимдан тортиб, Патмос оролида Юҳанногача) биз Муқаддас Китобда кўп учратамиз. Яҳудий ва юонон тилида Худога айтилган ҳамду-саноларни тасвирлаш учун бир қанча турли хил сўзлар ишлатилган. Уларнинг маъносини ўрганиб, биз ҳамду-саноларнинг моҳияти, мазмуни ва табиатини яхшироқ тушунамиз.

1. Яҳудийча терминлар

“Ҳаллал” ва “Техилла”. “Ҳаллал” — мақтовни билдирувчи, Эски Аҳдда энг кўп учрайдиган сўз. У 88 марта ишлатилган. Унинг асосий маъноси — “тоза/тиниқ овоз чиқариш”. Шунингдек у “мақташ, байрам қилиш, завқланиш, улуғлаш, шарафлаш...” маъноларини ҳам билдиради. Ҳақиқий мақтов аниқ ва равшан янграши керак. Унинг маъноси ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслиги керак. “Техилла” (“Ҳаллал” сўзидан келиб чиққан) ашула айтишда юқори акцентга эга. Биз Худога аниқ ва тиниқ ашулани айтамиз. Баъзан ашулалар ва Топиниши мадхиялари ноаниқ ва мавҳум бўлади. Топиниши ашулалари шубҳасиз Худога айтиладиган ҳамду сано мадхиялари бўлиши керак (2Сол. 20:19-22; Забур 70:8; Забур 106:31-32).

“Самар” (Замар). Маъноси — торларга тегмоқ ёки уларда чалиш. Яна шунингдек — “мусиқа асбобларининг жўрлигига ҳамду-сано айтиш” (Забур 9:3; 32:2-3; 149:3).

“Яда” ва “Тода” — “иззат кўрсатиш ёки чўзилган қўллар билан Топиниши”. Ҳамду санолар айтиш ёки миннадорчилик билдириш. Қўлларни чўзиб, таъзим қилиш (1Сол. 16:8-9, Забур 62:5, 96:12, 98:3).

“Шача” — “кимнингдир олдида эгилиш, юз тубан ерга ташлаш, шарафланилаётган одамнинг олдида ҳурмат билан эгилиш”

2. Юонон терминлари

- “Проксунео” — шарафланилаётган одамнинг олдида юз тубан ерга йиқилиш ва унинг оёқларини ўпиш.

- “Айнео” ва “эпанеио”— Худони улуғлаш ёки мақташ (Ибр. 13:15, Вах. 19:5).
- “Харис” ва “Евхаристия”— Худога миннатдорликни билдириш (Лк.17:16; Ҳав. 2:47; 1Сал. 5:18; Вах. 7:12, 11:17).
- “Хумнео”— мадҳия куйлаш.
- “Псалло”— чолғу асбобида куй чалиш ва куйлаш.
- “Доксазо”— улуғлаш/шарафлаш.
- “Эулогео”— ҳамду-сано айтиш ва мақташ.

Б. Худога хизмат қилиш

Үз ҳаётимизни тўла Худога бўйсундирмасдан, ўз-ўзимиздан бутунлай воз кечмасдан ҳақиқий сажда қилишнинг иложи йўқ, бу эса бизнинг Унга бўлган шахсий ва умумий хизматимизда намоён бўлади. Қуйида сажда қилишнинг ушбу вазифасини тасвирилаш учун Муқаддас Китобда ишлатилган муҳим терминлар келтирилган:

“абад” (Ибр.) —Худо учун ишлаш; Худога хизмат қилиш; Унинг амрларига итоат қилиш (Чик. 7:16; 2Қонун 10:12; 1Шоҳлик 7:3; 2Пара. 33:16; Забур 99:2).

“латрево” (грек) — Худога бўйсуниш ёки хизмат қилиш (Мт. 4:10; Ҳав. 27:23).

“латрейа” (грек) — хизматга бориш; Худонинг олдида туриш (Рим. 12:1; Ваҳий 7: 9-17).

В. Ҳазрати Исоning топинишга нисбатан муносабати

Ҳазрати Исо самариялик аёл билан бўлган сухбатида Худога сажда қилиш ҳақидаги бир нечта ҳақиқатни очиб беради. У бизга руҳ ва ҳақиқатда топиниш Худога маъқул эканини айтади ва буни яна тақрорлайди. Одамлар эса кўпинча мана бундай усууллар билан топинишга мойил бўладилар:

- *Руҳда* — бу кўпроқ Худога жўшқинлик билан, жуда эмоционал тарзда топинадиганларга, лекин Хушхабар ҳақида аниқ тушунчага эга бўлмаган ва Худо Ўзи ким эканини билмаган одамларга хос. Уларнинг ният ва ҳаракатлари яхшилик бўлишига қарамасдан, улар адашган ҳолатда топинадиалар ва бу Худога мақбул бўлолмайди.
- *Ҳақиқатда* — кўпчилик нажот ҳақидаги хабарни яхши тушунади ва бунга қўшилади. Улар ҳақиқатни биладилар. Уларнинг қарапашлари тўғри. Лекин уларнинг топинишида ҳис-туйғу ва самимилик етишмайди. Бундай топиниш ҳам Худога мақбул эмас.
- *Руҳда ва ҳақиқатда* — Худога мақбул бўладиган ягона топиниш бу икки таркибни ҳам ўз ичига олиши керак. Худо, биз ҳақиқатни бутун онгимиз билан англаб етишимизни ва Унга бутун юрагимиз билан топинишимиз хоҳладайди.

Г. Биргаликда топиниш ва жамоатлар ташкил қилиш

Биз таълим жараёнининг аввалида кўрганимиздек, Худони улуғлаш — бу Жамоат барпо қилишдан кўзланган мақсадлардан биридир. Шу тарзда, биргаликда сажда қилиш — бу Жамоатнинг муҳим вазифасидир. Биргаликда йиғилиб сажда қилиш — бу шунчаки ҳар бир одамнинг кўпчилик йиғиладиган жойда шахсан сажда қилиши эмас. Хушхабар ҳақиқатини бундай тарғиб қилиш одамнинг эмоционал муҳитига кучли таъсир кўрсатади. Худо халқининг ердаги топиниши, осмондаги ҳақиқийликни акс эттириши лозим. Эски Аҳд, хусусан унинг шеърий қисми — забурлар, Худога биргаликда топиниш бўйича мисолларга тўла. Инжилда, ҳаворийлар мактубларида муҳокама қилинган кўпгина саволлар (мас. 1–2 Кор.), хизмат вақтидаги топиниш тажрибаси (ҳар хил шаклдаги) билан боғлиқ бўлган. Жамоатда сажда қилишга таълуқли бўлган саволларни тушуншдаги фарқларга ва юзага келадиган қийинчиликларга қарамасдан, Муқаддас Китоб имонлиларни биргаликдаги йиғилишларни қолдирмасликка, аксинча мулоқотга интилишга чақиради (Ибр.10: 25). Бунда шуни ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак, ҳар қандай биргаликдаги сажда қилиш — бу шунчаки кўнгилхушлик ёки ўйин эмас. Имонлилар жамоаси — томошибинлар зали эмас, жамоатдаги одамлар — бир вақтнинг ўзида ҳам осмонда, ҳам ерда содир бўлувчи буюк ҳаракатнинг — Худога сажда қилишнинг бевосита қатнашчилариdir.

Биргаликда сажда қилиш Худони улуғлайди, дунёга Масих Танасининг бирдамлигини намоён қилиш имкониятини беради (Юх.17; Ҳав.2) ва руҳий инъомларни амалда қўлланилиши

орқали ҳар бир жамоатни мустаҳкамлайди (1Кор.12:7; Эф. 4: 11–13). Бу —Худо Ўз халқининг орасида эканлиги ҳақида дунёга гувоҳликдир. Йиғилишга қатнаш — Хушхабар етказишдаги асосий восита бўлмаса ҳам, Худо биргаликдаги топинишдан гуноҳкорларни Ўзига жалб қилиш воситаларидан бири сифатида фойдаланади. Бунинг учун эса, сажда қилиш шунчаки анъана ёки чиройли маросим бўлиб қолмасдан, аксинча жуда самимий ва юракдан чиқиши керак. Одамларнинг юракларини Худога талпинтирадиган сажда қилиш, бу юракларни Унга янада яқинроқ бўлишига ёрдам беради.

II. ТОПИНИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

Дарснинг бошида айтиб ўтганимиз ва Муқаддас Китобдан кўрганимиздек, сажда қилишнинг жуда кўп шакллари мавжуд. Хўш, жамоатда ўтказиладиган Худо хизматларини режалаштиришда қайси факторларни ҳисобга олиш керак? Бу савол янги жамоат ташкил қилишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Сажда қилиш шакллари жамоат мавжуд бўлган халқнинг маданияти ва географик жойлашувига боғлиқ бўлади. Хатто битта шаҳардаги, турли ёшдаги одамлар гуруҳи, турли хил савод даржаларига эга бўлган одамлар ва турли хил этник, маданий гуруҳларга ва мазҳабларга тегишли бўлган одамлар ҳам жамоатдаги Худо хизматларини турлича ўтказадилар ва Худога турли хил кўринишида топинадилар.

Инжилда, Юҳ.4:23-24 оятларида Ҳазрати Исо ҳақиқий топинувчилар Отага Рух ва ҳақиқатда топинишларини таъкидлайди. Биз жамоатимизда қўллайдиган топиниш шакллари одамларнинг Худога бўлган имонларини (ҳақиқат) ва нажот топган одамнинг ўз Раббига нисбатан тўлиб тошган ҳис-туйғусини намоён қилишига (Рух) нафақат имкон бериши, балки шу билан бирга буларни ифодалашида унга ёрдам ҳам бериши лозим.

Шундай қилиб, топиниш шаклининг вазифаси — одамларнинг Худога яқинлашишларига ёрдам бериш. Шу тарзда, Худо хизматини режалаштиришда биринчи навбатдаги масала — бу сизнинг мақсад учун танлаган худудингизда яшовчи одамларнинг севгиси, қувончи, ишончи ва чуқур ўзаро муносабатлари нималарда табиий равишда намоён бўлишини текшириб кўришдан иборат. Бу жуда муҳимдир, зоро айнан мана шу хусусиятлар ҳақиқий топинишини ифода қиласи. Эсингизда бўлсан — топиниш ҳеч қачон дабдабали, совук ёки имонлиларнинг идроклари ва ҳиссиётлари учун ғайритабиий бўлмаслиги лозим. У Худога нисбатан бизнинг ҳис-туйғуларимиз ва фикрларимизни табиий ва самимий тарзда ифода қилиши керак.

Қўлланилаётган шаклларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакат ва маданиятдаги Худо хизматлари ўз ичига қўйидаги компонентларни олади:

- Мадҳиялар — Каломни ва қувонч қўшиқларини, ҳамду саноларни ва миннадорчиликларни куйлаш (ўз ҳис-туйғуларимизни ва руҳимизни Худога қаратишимизда бизга ёрдам беради).
- Ваъз — Каломдан ўқиш, ўрганиш, панду-насиҳат айтиш (хизматларимизни Худонинг иродаси бўйича бажаришимизга ёрдам беради).
- Муқаддас Китобни ўқиш — Худо Каломини оммавий ўқиш (онг ва идрокимизни Худога қаратишимизда ёрдам беради).
- Ибодат — Худо билан мулоқот (улуғлаш ибодати, сажда қилиш, гуноҳлар учун тавба қилмоқ, бошқалар ҳақида ғамхўрлик қилиш).
- Маҳсус чиқишилар — мусиқали соло (якка соз учун ёзилган мусиқа асари) шеърлар ўқиш, саҳна кўринишлари, гувоҳлик бериш ва ҳокозо.

III. ТОПИНИШ РАҲБАРИНИНГ ФАЗИЛАТЛАРИ

Топиниш раҳбари шуни англамоғи керак, унинг хизмати Худога сажда қилиш пайтида бутун жамоатнинг диққатини тортади. Топиниш раҳбари, унинг асосий мақсади — сажда қилишни шундай бошқариш керакки, токи ҳамма диққат-эътибор унга (раҳбарга) эмас, балки Худога қаратилсин. Раҳбар шундай бўлиши керакки, одамларнинг у билан мулоқоти, уларга Худога яқинлашишларига ёрдам бериши керак. Жамоатдаги ҳар бир одамга, ўзи учун қандай эмоционал даража мутлақо самимий бўлса, худди мана шу эмоционал даражада бутун қалби билан биргаликдаги топинишда қатнашиш имкониятини бериш учун зийраклик билан талаб қилинади. Одамларни юракларида ҳис қилмаган нарсаларни қилишга ва гапиришга мажбур қилиш нотўғри, бу уларнинг ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам Худога яқинлашишларига ёрдам бермайди (кўпинча хатто ҳалақит беради). Бундай топиниш Худога

шараф келтирмайды. Раҳбарнинг ўз даражасига асосланиб мажбуриятларни тақсимлаши нотўғри. Умумий хизматда ҳар бир одамнинг ўрнини ва ишини белгилашда, яхшиси одамларнинг руҳий инъомларига асосланиш маъкулдир. Куйида топиниш раҳбари учун хос бўлган фазилатларни санаб ўтамиш.

А. Худога топиниш бўйича шахсий тажриба

Одамларни саждада қилишга бошлаш учун даъват қилинган одам, авваломбор ўзи Худога бутун қалби билан саждада қиливчи садоқатли масиҳий бўлиши керак. У бу хизматга мувофиқ малакаларга ҳамда шахсий ва биргаликда саждада қилиш санъатига эга бўлиши лозим. Бошқаларни ўзинг яхши эга бўлмаган нарса бўйича бошқариш мумкин эмас, шунинг учун саждада қилиш бундай одамнинг кундалик ҳаётининг муҳим қисми бўлиши керак.

Б. Мусиқий қобилятлари

Саждада қилишнинг яхши раҳбари мусиқа соҳасида ҳам яхши қобилятларга эга бўлиши керак. Айниқса қўшиқ куйлашда бошқаларни эргаштира олиши, чолғу асбобларида ижро этиш ва мусиқа фонограммасидан фойдаланиш каби қобилятларга эга бўлиш бундай одам учун жуда муҳимдир. Эски Аҳдда биргаликда Топиниш тажрибали мусиқачилар бошчилигига олиб борилган.

В. Руҳий етуклик

Янги имонга келган масиҳий, хатто мусиқа соҳаси билимдони бўлса ҳам, топиниш раҳбари бўла олмайди. У Масиҳдаги ҳаётнинг маълум тажрибасига ва У билан мустаҳкам ўзаро муносабатга эга бўлиши лозим. Унинг руҳий даражаси, камида, ўша жамоанинг, яъни биргаликда саждада қилишларига раҳбарлик қилмоқчи бўлган жамоанинг ўртacha руҳий даражаси билан тенг бўлиши керак. Топиниш раҳбарининг руҳий етуклиги унинг ўзига нисбатан ишонч ва жамоага ўз хис туйгуларини Худо ва одамлар олдида ифода қилиб, ўзини ҳавфсиз ва эркин хис қилишига имкон беради.

Г. Руҳий сезгирилк

Яхши топиниш раҳбари Муқаддас Руҳнинг раҳбарлигига нисбатан сезгири бўлиши керак. Барча топиниш хизматлари Руҳда ва Унинг бошқарувида ўтиши лозим. Раҳбар ўз жамоасининг саждада қилишини Муқаддас Руҳ ҳаракатлари йўналишида бошқариш учун, Унинг йўналишларини ҳис қилиши ва фарқлай олиши керак.

Д. Ҳақиқий итоаткорлик

Яхши раҳбар ҳар доим “Масиҳ паноҳида яширинган”. Йиғилишни олиб боришга халақит бермаслиги учун, раҳбар ўзининг шахсий фикри, ҳис-туйғулари ва руҳий кечинмаларини назорат қилиши керак. Худо хизматининг руҳий муҳитини ўзини ўйлайдиган (эгоист) раҳбардан кўра бошқа ҳеч нарса тезроқ барбод қила олмайди. Одамларнинг дикқат-эътиборини Худога қаратиш учун, раҳбар ҳар доим имконият қидириши лозим.

Е. Топинишда бошқаларни эргаштира олиш маҳорати

Топинишни олиб борувчи яхши раҳбарлар, уларнинг асосий роли — бошқаларни эргаштириш эканлигини унутмасликлари керак. Улар саждада қилиш вақтда имонлиларнинг ҳолатини худди “томири уришини ўлчаётгандек” бўлишади, шунинг учун улар кўзларини яширмасдан ёки юмид олмасдан ва атрофдаги ҳақиқийликдан “узоқлашиб” кетмасликлари, балки саждада қилишда тўла иштирок этишлари ва бир вақтнинг ўзида ён-атрофда содир бўлаётган ҳаракатларни ва жамоатдаги одамларнинг қайфиятларини ҳис қилиб, англаб етган ҳолатда бўлишлари лозим. Албатта, бу жуда қийин, бу катта моҳирлик талаб қиласди, лекин буни албатта улдаласа бўлади. Раҳбар Муқаддас Руҳнинг бошқарувига нисбатан сезгири бўлиши ва шу билан бирга муҳитга ва хизматнинг боришига юмшоқ таъсир кўрсатиши керак.

IV. ТОПИНИШ ФАЛСАФАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Топиниши режалаштиришда ва тайёрлашда, сизнинг топиниши фалсафангиз қандай бўлиши ҳақида аниқ ниятга эга бўлишингиз жуда муҳимдир. Сизнинг сажда қилиш фалсафангиз ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: биргаликда сажда қилишнинг Муқаддас Китоб бўйича вазифалари формулировкасини, ўзингиз танлайдиган сажда қилиш шаклини, сажда қилиш раҳбарларини танлаш бўйича сизнинг даражангиз (критерийингиз) ва сизнинг жамоатингизда ўтказиладиган сажда қилиш хизматининг компонентларига таълуқли бўлган тавсиялар.

Мазкур элементларларнинг баъзилари сизнинг жамоатингиз қайси мазҳабга тегишли бўлганидан келиб чиқиб белгиланади. Лекин, шу нарса муҳимки, сиз (жамоатнинг бошқа раҳбарлар билан биргаликда) ўз жамоатингиздаги одамлар томонидан қабул қилинадиган сажда қилишнинг умумий фалсафасини ишлаб чиқишингиз керак. Буни қилишнинг йўлларидан бири — уй гурӯҳларида биргаликда сажда қилиш мавзуси бўйича Муқаддас Китобни ўрганишни олиб бориш ва Худога сажда қилишда одамларга нималар энг яхши тарзда ёрдам беришини муҳокама қилиш (сизнинг жамоатингизнинг маданий ва мазҳабон хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда). Топиниши раҳбари фазилатларини муҳокама қилишда, уй гурӯҳлари аъзолари ўз сафларидан бу хизмат учун қобилиятли бўлган номзодлари тавсия қилишлари мумкин.

САВОЛЛАР

- Нима учун биз бошқа худоларга топинмаслигимиз керак? (Чиқиш 34:14).
- Топинища гуноҳларни эътироф қилиб, тавба қилиш қандай ўринни эгаллади? (ІШоҳ, 15: 30-31).
- Худога топинища Унинг Муқаддас „хушбичимлиги“ нимани англатади? (1Пар. 16:29)
- Ўз жамоатингизда ёки мазҳабингизда Худога хизмат қилишда қатнашиш тажрибангиздан фойдаланиб, топиниши ва тиз чўкиб сажда қилиш ҳақида нима дейсиз? (Забур. 94:6). Бу нима — топиниши вазифасими ёки шаклими? Бу шакл бўлса, унда вазифаси қандай?
- Жамоатингизда ёки мазҳабингиздаги хизматларда иштирок этиб орттирган тажрибангиздан фойдаланиб, топинища қўлларни қўтариб сажда қилиш ҳақида нима дейсиз? (1Тим. 2:8). Бу нима — шаклми ёки вазифа? Бу шакл бўлса, унда вазифаси қандай?

ТОПШИРИК

- Ваҳ.4: 8-11 ва 5: 9-14 оятларини индуктив усул билан ўрганинг. “Ким?”, “Нима?”, “Қачон?”, “Қаерда?”, “Нима учун?” ва “Қандай?” каби саволларга жавоб беринг.
- Ўз гурӯҳингиз (жамоатлар ташкил қилиш бўйича) ёки жамоат раҳбарлари билан биргаликда ўз жамоатингиз учун топиниши фалсафасини ишлаб чиқишини бошланг. У ўз ичига қўйидагиларни олиши керак: сажда қилишнинг Муқаддас Китоб вазифалари формулировкаси, сизнинг муҳитингиз учун мос бўлган сажда қилиш шакллари ва сажда қилиш раҳбарларини танлаш бўйича тавсиялар (яна қаранг: ушбу Қўлланманинг 2- дарси “Топиниши қандай олиб бориш керак”.)

Жамоат

2 Дарс

Топинишини қандай олиб бориш керак

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга ўзларининг маҳаллий жамоатларида топиниши хизматини ташкиллаштириш ва ўтказиш учун зарур бўлган билимларни бериш.

Кутилаётган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:
- Маҳаллий жамоатда ўтказиладиган топиниши хизматининг ташкил қилувчиларини ва сажда қилиш раҳбарининг ролини тушуниши керак;
 - Топинишини қандай қилиб самарали ўтказишни билиши керак;
 - Яқинда ташкил топган жамоатда топиниши хизматларини ўтказишида қатнашиши керак.

Дарс режаси:

- Топиниши бошқарувига таълуқли тавсияномалар
- Топиниши хизматини режалаштириш бўйича амалий машқ

Илова:

2А “Топиниши хизматини режалаштириш бўйича қўлланма”.

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Ушбу дарснинг асоси муҳокама бўлиши зарур. Топинишига раҳбарлик қилиш бўйича тажрибага эга бўлган ўқувчилардан, улар бу ишни қандай бажаришлари ҳақида тажриба алмашишларини илтимос қилиб сўранг. Агар иложи бўлса, четдан топиниши бўйича тажрибали раҳбарларни (ўқишида қатнашмайдиган) таклиф қилинг. Улар ўқувчилар билан қандай ишлашлари, ўз жамоатлари чўпонлари билан қандай ҳамкорлик қилишлари, улар сажда қилиш хизматларини қандай режалаштиришлари ва тайёрлашлари ҳақида ўртоқлашсинлар.

Ўқувчилар кичик групкаларга бўлиниб, жамоатда бажариладиган топиниши хизматларини режалаштириш бўйича машқ устида ишлашсин. Ҳар бир груп ўз ишларининг натижаларини бошқа талабалар билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлиши керак.

СЎЗ БОШИ

Маҳаллий жамоатнинг асосий вазифаларидан бири — Худони улуғлашdir. Биргаликда топиниши бизга амр қилинган ва Муқаддас Китобда Худо халқи наъмунасида кўрсатилган. У дунёга Худо Ўз фарзандалари орасида ҳозир экани ҳақида гувоҳлик беради. Ўтган дарсда биз сажда қилиш вазифаларини, маълум бир маҳаллий жамоат учун мос бўлган сажда қилиш шаклларини қандай танлаш кераклигини, сажда қилиш раҳбарига бу хизматни олиб бориш учун зарур бўлган фазилатларни ҳамда сажда қилиш фалсафасини қай тарзда ишлаб чиқиш кераклигини муҳокама қилган эдик.

Ушбу дарс эса жамоатда ўтказиладиган топиниши хизматининг ташкил қилувчиларини муҳокамасига, уни режалаштириш ва тайёрлашга бағишлиланади, шунингдек бу дарсда сажда қилиш хизматини ўтказишга оид тавсия ва маслаҳатлар берилади. Жамоат

раҳбарияти сажда қилишнинг умумий фалсафасига эга бўлиши керак. Жамоатда ўтказиладиган топиниш хизмати ибодатда чўпон ва сажда қилиш раҳбари ёки чўпон ва жамоат хизматчилири (бу хизматни ўтказишига жавобгар шахслар) билан ҳамкорликда режалаштирилиши керак.

I. ТОПИНИШ РАҲБАРЛИГИГА ОИД ТАВСИЯЛАР

Чуқур, бекаму қўст топиниш руҳий қобилиятини, Муқаддас Рухнинг бошқарувига нисбатан сезгирликни ва муносиб тажрибани талаб қиласди. Сизнинг жамоатингизда сажда қилиш шакли шубҳасиз, кўп жихатдан сизнинг мазҳабингиз анъаналарига ва шахсий тажрибангизга боғлиқ бўлади. Шунга қарамай бир нечта умумий тавсияномалар мавжуд ва бу маслаҳатларга амал қилиш имонлиларнинг Худога муносиб тарзда сажда қилишлари учун ҳар қандай топиниш хизматига ёрдам бериши мумкин.

A. Мавзу

Умумий мавзуни танлаш ва бу мавзу топиниш хизматининг барча компонентларида намоён бўлади – мусиқада, ваъзда, ибодатда ва бошқалар..., топиниш хизматини янада самаралироқ бўлишига ёрдам беради.

B. Боғланишлар, ўтишлар

Нутқ сўзлашлар орасида боғланишлар ва ўтишлар жуда муҳим. Йиғилганларнинг фикрларини йўналтирадиган бир неча ўйлаб айтилган гаплар, шахсий иштироқдан актив эътиборга, мулоҳаза қилишдан ҳаракатга ўтишни анча юмшатиши мумкин. Топиниш бўйича раҳбар Худо нима истаётганини ва нима қилаётганини сезиши ва имкон қадар топиниш хизматининг боришига кичикроқ ўзгартиришлар киритиши керак. Ўтишларни юмшатиш учун баъзида мусиқа кўллаш ҳам яхши.

B. Кетма-кетлик

Топиниш хизматининг асосий қисмларининг тартиби мантиқан тўғрими? Топиниш вақтида табиий ҳис-ҳаяжонли чўққи вужудга келяпдими унга топиниш хизматининг қолган барча қисмлари ўша чўққи томон олиб боряптими ва бунга ўзининг ҳиссасини қўшяптими? Ҳамма ўтирган пайт ва ҳамма турган пайт оралиғида, шунингдек жамоатнинг барча аъзолари ваъз ёки кимнингдир нутқини эшитаётган пайт ва уларнинг барчаси фаоллик билан Худога сажда қилишда қатнашаётган пайт оралиғида мувозанат мавжудми?

Г. Мадҳиялар/мусиқалар

Мусиқа ва ашула — одамларга ўзларининг ҳис-туйғуларини очиқ-ойдин ифодалаб, бутун борлиқлари билан Худони улуғлашларига ёрдам берадиган топинишининг асосий шаклидир. “Жамоат” мусиқаларининг ҳам анъанавий, ҳам замонавий турлари жуда кўп. Қўйида, топиниш хизмати учун мусиқаларни танлашда ҳисобга олиш лозим бўлган ҳолатлардан баъзилари келтирилган:

1. Мадҳияларни куйлаш/ мусиқа

Жамоатда ўрганиш ва биргаликда ижро этиш учун етарлича оддий бўлган мадҳияларни танланг. Булар жамоат ташкил қилувчилар гурӯҳи яхши биладиган мадҳиялар бўлиши керак. Умумий куйлаш учун янги мадҳияни беришда, уни бир нечта топиниш хизматларида тақорорлаб бир неча марта ижро этинг, токи одамлар қўшиқнинг оҳангини ва сўзларини яхши ёдлаб олсинлар. Ҳамма одамлар кўра олишлари учун мадҳия текстларини кўрсатувчи проекцион аппарат ёки плакатлардан фойдаланиш, одамларга топиниш хизматида фаол иштирок этишларига ёрдам беради. Бир йиғилиш пайтида биттадан ортиқ янги мадҳияларни берманг, кўпи билан иккита бўлгани маъқул. Агар одамларни нотаниш мусиқа ҳаддан ташқари ҷалғитиб турса, улар Худога муносиб тарзда сажда қилиш ҳолатига кириш, Унинг қаршисида ҳурмат билан туриш қийин бўлади.

2. Ранг-баранглик

Иложи борича ҳам анъанавий, ҳам замонавий мадҳияларни куйлашга ҳаракат қилинг. 90 – йилларнинг бошида Эстониядаги асосий мазҳаблардан бири ўзининг мадҳиялар тўпламини кўриб чиққанидан кейин, бу тўпламни қайтадан ишлаб чиқиши учун қўмита ташкил қилишга қарор қилди. Кўмитанинг вазифаси мадҳиялар тўпламига анъанавий мадҳияларнинг энг яхшиларини киритиш, шунингдек кўпчиликка манзур бўлиб ултурган ва янги жамоатлардаги топиниш хизматларида кенг қўлланилаётган янги қўшиклар билан тўлдириш эди. Ушбу мадҳияларнинг янги тўплами эски ва янги жамоатлар ўртасида, топиниш услубларининг ҳар хиллиги туфайли пайдо бўлган тўсиқларни енгиб ўтишда катта ёрдам берди.

3. Кайфият

Ҳар хил кайфиятдаги гимнларни танлашга ҳаракат қилинг. Топиниш хизматининг бошида янграган қувноқ қўшиқ ва охиридаги тантанали мадҳия ўртасига, топиниш хизматининг мавзусига мувофиқ бўлган бошқа мадҳияларни жойлаштириш мумкин.

4. Чолғу асбоблари

Муқаддас Китобда биз Худони олқишлаш ва улуғлашни ифодалаш учун, турли хил чолғу асбобларидан фойдаланилганлиги ҳақида ўқиймиз. Эски Аҳда эсга олинган арфалар (чертеб чалинадиган катта чолғу асбоби), трубалар (карнайсимон чолғу асбоби), миrrалар (юононларнинг чертиб чаладиган торли чолғу асбоби) ва бошқа мусиқа асбоблари, ўша давр одамлари учун энг одатий чолғу асбоблари бўлган. Албатта, орган (клавиатура ва ҳаво найчалари бўлган катта роялсимон мусиқа асбоби) пианино ёки гитарада “илоҳий” ёки “дунёвий” ҳеч нарса йўқ. Уларнинг ҳаммаси жамоатда қўлланилиши мумкин. Гоҳида биз ўзимиз баъзи бир предметларга, жумладан мусиқа асбобларига ҳаддан ташқари катта аҳамият берамиз. Босния – Герцеговинадаги унчалик катта бўлмаган жамоатга Ғарбдаги турли жамоатлар, одамлар Худони “тўғри” улуғлай олишлари учун, олтита (!) орган совға қиладилар. Афсуски, бу жамоат аъзолари орасида орган чалувчилар йўқ эди, шунинг учун бу чолғу асбоблари ҳалигача чанг босиб ертўлада ётибди. Орган – бу минтақада кенг тарқалган чолғу асбоби эмас, шунинг учун имонлилар уни топиниш учун камдан кам ишлатишади. Лекин Муққаддас Китоб Худога топинишини ифодалаш учун мусиқа асбобларини қўллашда бизга жуда муҳим бир нарсани айтади: топинишида қатнашаётган мусиқачилар ўзларининг чолғу асбобларида “гўзал оҳанг” чалишлари керак (Забур 32:3 ўзбекча таржимада; “моҳирона” – инглизча тарж; “тўғри, яхши” — ибр.тарж). Биз қандайdir нотўғри, соҳта чалмаслигимиз керак, биз ҳали яхшилаб ўрганмаган куйни ижро этмаслигимиз керак. Бизнинг мақсадимиз — Раббимизни улуғлаш ва бунга жиддий ёндашиш керак. Балки бизда опера қўшиқчилариникидек овозимиз йўқдир ва турли конкурсларнинг лауреатлари каби тажрибали чолғучилар эмасдирмиз, лекин биз қўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз, Худога энг яхши нарсаларни кўрсатишимиш керак. Бунинг учун эса фақат Худони севишимиз керак, биз берилган хизматга жиддий муносабатта бўлишимиз ва барча ишни яхши бажаришга ҳаракат қилишимиз керак. Сизнинг жамоатингизда кимнинг мусиқага қобилияти бор? Сизнинг минтақангизда қайси мусиқа асбоблари кенг тарқалган?

Жамоатда ижро этилаётган мусиқа, эътиборни санъаткорларнинг таланти ва қобилиятига эмас, балки Худонинг улуғворлигига ва қудратига жалб қилиши керак. Худони улуғлаш пайтида ҳар қандай мусиқанинг ижро этилишидан мақсад – одамларни Худога яқинлашишларига ёрдам беришдир.

Д. Анжомлар

Сизнинг жамоатингизда топиниш хизматини ўтказишда зарур бўлган анжомлар борми? Агар топиниш хизматини ўтказиш пайтида проектор ёки товуш системаси билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлса, бу одамларни сажда қилишда қатнашишларига жиддий халақит беради ва кўпинча одамларнинг эътиборини Худодан узоклаштиради. Агар сиз зарурий асбоб-ускуналарнинг ҳолатини текшириш учун олдинроқ келсангиз, йиғилишнинг боришига ижобий таъсир кўрсатишингиз мумкин.

Е. Репетиция

Худога топинишини репетиция қилиш мумкинлиги ҳақидағи фикр қандайдыр ёқимсиз, нотүғри тасаввурни уйғотиши мүмкін. Топиниш — бу бизнинг Худога құрбонлигимиз ва биз Унга эң яхши нарсаларни беришимиз керак. Яхши тайёрланган мусиқа, сақна қўринишлари, гувоҳлик бериш одамларга Худога яхшироқ топинишиларига ёрдам беради. Одамларнинг диққат-эътиборлари бошқа нарсаларга чалғимайды, гапирганда сўзларни айтишда адашмайдилар, ёки бирор нарсани қалбаки ижро этиб, уларда норозичилик ҳисси (ёки ноўрин кулгилар) пайдо бўлмайды. Бундан ташқари, репетициялар бўлажак йиғилишнинг умумий оқимини баҳолашга ва унинг таркибидагиларни мантиқан, ўзаро тўлдирувчи тартибда жойлаштиришга ёрдам беради. Репетициялар топиниш бўйича раҳбарга ва гурухга, танлаган мадҳияларни ижро этишга етарли даражада тайёрланиш имкониятини беради, натижада топиниш бўйича раҳбар Муқаддас Рухнинг бошқарувига янада эътиборлироқ бўлиши мүмкін. Акс ҳолда (кўпинча шундай бўлади) унинг бутун эътибори мусиқанинг тўғри ижро этилишига қаратилади.

Ж. Ибодатдаги тайёргарлик

Топиниш хизматини ўтказишдан олдин, унинг ҳамма қатнашчилари (топиниш бўйича раҳбар, жамоат раҳбарлари ва бошқалар) биргалиқда ибодат қилиш учун йиғилишлари керак. Хизматни Раббимизга топширинг, Муқаддас Рух бўлажак йиғилишни олиб бориши ва йўналтириши учун Унинг марҳаматини сўранг. Топинишида қатнашиши мүмкін бўлган, имонга келмаганларнинг кутқарилиши учун ибодат қилинг, уларнинг юраклари тавбага келиши ва Раббимиз Исога имон келтириши учун ибодат қилинг. Имонлилар Ҳазрати Исога янада кўпроқ яқинлашишлари учун ва Раббимиз топиниш пайтини шайтоннинг ҳар қандай хужумларидан ҳимоя қилиши учун ибодат қилинг.

II. ТОПИНИШ ХИЗМАТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҚ

Топиниш хизматини режалаштиришда тажрибага эга бўлиш учун сиз (ва жамоатлар ташкил қилиш бўйича сизнинг гуруҳингиз) қуйидаги қадамларни қўллашингиз мүмкін.

1 – қадам: Мавзуни танланг

Топиниш хизматининг асосий мавзуси қандай бўлади? Кўпинча у ваъз қилишнинг асосий мавзуси билан тўғри келади. Масалан, ушбу Қўлланманинг “Ваъз” мавзусининг дарсларида сиз Эф.5:15–21 оятлари бўйича ваъз тайёрлашингиз керак. Бу оятларнинг асосий мазмуни қўйидагича: *Худо бизнинг Рух билан тўлишимишни истайди, чунки бу донолиқдир ва ҳаётга қувонч беради*. Шунга кўра, бу кун учун топиниш хизматининг умумий мавзуси “Рух билан тўлган ҳаёт” деб жааранглаши мүмкін. Мавзуларни танлашга байрамларнинг яқинлиги таъсир қилиши мүмкін, масалан “Ҳосил байрами”, “Раббимиз туғилган куни” ва бошқалар.

2 – қадам: Ашгулаларни ва ўзига хос хизматларни танланг

Йиғилиш пайтида қандай мадҳияларни кўйлайсиз? Уларни шундай танлангки, токи улар умумий мавзуга мос келсин ва ўз ичига анъанавий ва замонавий ашгулаларни олсин. Бундан ташқари қувноқ ашгулалар ва кўпроқ мушоҳадали услубда ёзилган ашгулалар ўртасидаги мувозанатга риоя қилишга ҳаракат қилинг. Сиз Худога хизмат қилишга алоҳида хизматлар (чиқишлилар) киритасизми, масалан якка овоз билан айтиладиган ашула ёки чолғу мусиқасини? Сизнинг жамоатингизда ваъзнинг қандайдир жиҳатларини ифода қилиб берувчи бирор сақна қўринишларини саҳналаштириш мүмкінми? Гувоҳликлар бўладими? Гувоҳликлар ҳам умумий мавзуга мос келишига ҳаракат қилинг.

3 – қадам: Топиниш хизматини батафсил режалаштириш

Топиниш хизматининг бошланиш ва туталланиш вақтини белгилант. Топиниш хизматининг ҳар бир ташкил қилувчиларини — ашула, ваъз, ўзига хос хизматлар, ибодатлар, Муқаддас Китобни ўқиши ва бошқалар учун ўз вақтини режалаштиринг. Қуйида шундай режанинг наъмунаси берилган (жадвалга қаранг), бу жадвални сиз қандай берилган бўлса шу

тарзда қўллашингиз ёки ўз йиғилишингизни режалаштириш учун уни ўзгартиришингиз мумкин. Шундан сўнг, бу жадвал топиниш бўйича раҳбар ёки чўпон томонидан бевосита топиниш жараёнида қўлланилиши мумкин.

Худога хизмат қилишини режалаштириш жадвали.

Топиниш хизмати тартиби	Сана	Жамоатнинг номи
Вақти	Хизматнинг тури	Жавобгар шахс

4 – қадам: Зарур бўлган жиҳозларни санаб ўтинг

Топиниш хизматини ўтказиш жараёнида сизга керак бўладиган жиҳозларнинг ва анжомларнинг рўйхатини тузинг (проектор, ашуланинг сўzlари ёзилган вароқлар, микрофонлар, саҳна кўринишлари учун костюмлар ва ҳокозо). Йиғилишдан олдин шу жиҳозларни етказиш ва созлаш учун ким жавобгар бўлади, шуни аниқланг. Агар сиз проектор қўлламоқчи бўлсангиз, аниқланг: ким вароқларни алмаштиради, ким қўяди, ким ўчиради. Вақтида ҳар бир навбатдаги қўшиқнинг сўzlари ёзилган вароқни қўйиб туриш учун, бу одам йиғилишнинг аниқ жадвалини билиши керак. Буларнинг ҳаммаси топиниш бўйича раҳбарга ва чўпонга ўз диққат-эътиборларини кўпроқ бевосита топиниш хизматини олиб боришга қаратишларига имкон беради.

5 – қадам: Репетициялар ўтказиш кунини ва вақтини аниқланг

Сиз топиниш репетицияларини қачон ўтказмоқчи эканингизни аниқланг. Ҳамма қатнашчилар репетицияни олдиндан билишлари ва келишга имкониятлари бўлиши кераклигини ҳисобга олинг.

6 – қадам: Топиниш хизмати ҳақида ибодат қилишга вақт ажратинг

Худодан топиниш хизматини олиб боришини ва бошқаришини сўранг. Одамларнинг юраклари Раббимизга самимий ва қувонч билан таъзим қилишга тайёр бўлиши учун ибодат қилинг. Сизнинг жамоатингизга келиши мумкин бўлган имонга келмаган одамлар ҳақида, уларнинг юраклари Раббимизга очиқ бўлиши учун ибодат қилинг. Баъзи жамоатларда ибодат қиласиган гуруҳлар мавжуд, улар йиғилиш бошланиб тугагунча ибодат қиласилар. Бошқа жамоатларда ибодат қиласиган гуруҳлар олдинроқ келиб, бўлажак йиғилиш ва бинога кираётган одамлар учун дуо қиласилар.

7 – қадам. Бўлиб ўтган топиниш хизматига баҳо беринг

Топиниш хизматини ўтказгандан кейин, уни баҳолаш учун йиғилинг. Топиниш хизмати қай тарзда ва қандай муҳитда ўтди? Нимани ўзгартириш керак? Келажакда нимани қўллаш мумкин? Йиғилганлар Худонинг улар билан ҳозир эканини ҳис қилдиларми? Бирор киши најот топдими? Бу таҳлиллардан билганларингизни кейинги топиниш хизматиларини тайёрлашда ва ўтказишида ҳисобга олишга ҳаракат қилинг. Балки сиз ўйлаб топган ва қўллаган нарсалар ва хизматлар жуда фойдали бўлгандир, ва сиз уларни келажакда яна қўллашда давом этарсиз, лекин шундай ҳам бўлиши мумкинки, сиз нимадандир воз кечишингиз тўғри келади, чунки улар фойдали бўлиб чиқмади. Топиниш хизматини таҳлил қилиш ва баҳолаш сизга зийрак, эпчил бўлишга ёрдам беради ва сизнинг жамоатингиздаги топиниш хизматининг боришига яхши таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Худога биргаликда топиниш – Жамоатнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу ҳам унга кўрсатилган буюк марҳамат. Топинишга раҳбарлик қилиш — муҳим вазифа ва унга енгилтаклиқ билан муносабатда бўлиш мумкин эмас. Топинишнинг моҳир раҳбарлари — Худонинг Ўз Жамоатига берган инъомидир. Уларни топиб, тайёрлаб, хизматга қўйиш керак. Топиниш хизматини керакли тарзда ибодат билан тайёрлаш ва режалаштириш жамоанинг Ўз Яратувичисига сажда қилишини бир неча карра бойитиши мумкин. Мавзуни, мадҳияни ва маҳсус хизматларни танлаш, топиниш хизматини босқичма-босқич батафсил режалаштириш — булар ҳаммаси муҳим жиҳатлар, улар керакли муҳитни яратишга ва маҳаллий жамоатда имонлиларнинг сажда қилишларини ўтказишга ёрдам беради.

САВОЛЛАР

- Нима учун топиниш хизматини олдиндан режалаштириш муҳим?
- Топиниш хизматини режалаштиришда чўпоннинг роли қандай бўлиши керак? Топиниш бўйича раҳбарнинг роли қандай бўлиши керак?
- Сиз учун айниқса муҳим ҳисобланган топиниш хизматининг қандай ўткани ҳақида айтиб беринг? Унинг таркибидаги қайси томонлари кўпроқ фойдали бўлди? Сиз келажакда ташкил қиласидан жамоатда шу топиниш хизматидан олган таассуротларингиздан нималарни қўллар эдингиз?

ТОПШИРИК

- Ўзингизнинг топиниш бўйича раҳбарингиз ва жамоатнинг бошқа лидерлари (хизматчилари) билан биргаликда топиниш хизматини режалаштиринг, тайёрланг ва ўтказинг. Ўтказилган топиниш хизматини таҳлил қилинг ва баҳо беринг. Бу йиғилишда қайси томон яхши ўтди? Келажакда сиз шу йиғилишнинг қайси томонларини қўллайсиз? Нималарни ўзгартириш керак бўлади? Йиғилишнинг натижаларини устозингиз билан маслаҳатлашинг.
- Иложи борича ўзингизнинг мақсад учун танлаган жойингиз ёки у ерга яқин жойдаги жамоатларни бориб кўришга ҳаракат қилинг. Бу жамоатларда топиниш хизматлари қандай ўтар экан, кузатинг, топинишнинг услубларига эътибор беринг. Ўзингизнинг фикрингиз бўйича, сиз бу кузатувлардан янги жамоатингизда қандай фойдаланишингиз мумкин? Нимани ўрганиш мумкин?

**Жамоат
Илова
2A**

Топиниш хизматини режалаштириш бўйича қўлланма

I. ЎТКАЗИЛГАН ТОПИНИШ ХИЗМАТИГА БАҲО БЕРИШ

УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАЛАР

Муҳит:

Қайғули

Кувончли ва илҳомлантирувчи.

Мусиқа:

Уйғун эмас

Ёқимли, бошқа хизмат билан мувофиқ.

Оҳанги йўқ

Тил:

Диний иборалар

Тушунарли, ҳамма ишлатадиган.

Мавзу:

Аниқ эмас

Бутун хизматга жуда мос ва муносиб

ТАРКИБИДАГИЛАР:

Боғланишлар, ўтишлар:

Кескин ва ноўрин

Енгил ва ўринли

Эълонлар:

Тартибсиз

Йиғилиш боришига мос тарзда қўшилган

УМУМИЙ ХИЗМАТ:

Одамларнинг муносабати:

Намоён қилиш имконининг йўқлиги.

Ўринли, қизиқарли имкониятлар.

Бориши

Текис эмас:

Барча ташкил қилувчиларининг яхши бирикмаси.

II. ТОПИНИШ ХИЗМАТИ РЕЖАСИННИГ НАЪМУНАСИ

Топиниш хизмати тартиби 20 сентябрь 2001й. Душанбадаги Халқаро жамоат

Вақти	Йўналинувчи	Таркиби	Илова
10:30–10:35	Дон Педрик	<ul style="list-style-type: none"> - Саломлашиш. - Ўзини, бошқа раҳбарларни ва меҳмонларни таништириш. - Ўқувчилар учун бугун кечқурун соат 6 да Будапештдаги Халқаро мактаб ўқувчилари 	

		билин учрашув. - Бугун кечқурун соат 6 да Рон Миллерни чўпон вазифасига тайинлаш маросими бўйича ашулачилар гуруҳининг repetицияси. - 4 октябрь 6:15 кечқурун "Регина" меҳмонхонасида дўстона учрашув. - 11–октябрь кечқурун соат 5 да Рон Миллерни чўпонлик вазифасига тайинлаш маросими. - Тез орада бизнинг жамоатимиз аъзоларининг янги рўйхати чиқади, агар сизни шу рўйхатга киритишларини хоҳласангиз, илтимос, анкетани тўлдириб, уни хайр-эҳсон қутисига ташланг.	
10:35–10:37	Дон	Ибодат	
10:37–10:40	Джо	Умумий қуйлаш учун: "Сенинг Номингга ҳамду санолар".	144 бет.
10:40–10:41	Джо	Тушунтиришлар.	
10:41– 10:53	Джо	Умумий қуйлаш: "Муқаддас, Муқаддас, Муқаддас". "Подшоҳлар Подшоҳига шон–шарафлар" "Исо Масихга ҳамду санолар бўлсин" 1,2,4 куплетлар. "Исо Масихнинг номини улуғланг" "Нурингни соч Раббимиз, нурингни соч". "Тирик Худонинг Рухи"	262 бет. 224 бет. 87 бет 200 бет. 2 бет. 247 бет.
10:53 –10:56	Лори	Муқаддас Китобни ўқиши – Юҳ. 16: 1–15	
10:56 – 11:2	Джо	Умумий қуйлаш учун "Биздан құдратли бўлган Зот". "Худонинг Рухи бор жой". "Худонинг ҳозирлиги"	
11:02 –11:06	Дон\Карлин	Хайр-эҳсон йиғиши\ мусиқа	
11:06 –11:11	Дон	Ибодат	
11:11 –11:16	Лори	Муқаддас Китобни ўқиши – Юҳ. 16:16–33	
11:16 –11:20	Джо	Умумий қуйлаш учун: "Мен Сенда паноҳ топаман". "Сенинг Муқаддаслигинга қараб".	205 бет 206 бет.
11:20 –11:55	Фил МакОун	Ваъз – "Қайғудан қувончга"	
11:55 –11:57	Фил	Умумий ашула: "Фақат Унга ишон".	330 бет.

Охириги редакция: 18–сентябрь 2001йил.

Жамоат

3 Дарс

Махаллий жамоат ва Масиҳнинг Танаси

Биргаликдаги меҳнат/ҳамкорлик

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади – ўқувчиларга махаллий жамоатнинг Исо Масиҳ Танасининг бошқа аъзолари, яъни бошқа жамоатлар, мазҳаблар ва жамоат уюшмалари ва ҳ.к.злар билан самарали ҳамкорлик қилиш принципларини тушунишларига ёрдам бериш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Худога хизмат қилишининг турли хил мақсадларига эришиш учун самарали кўп даражали ҳамкорликни ривожлантиришнинг принципларини тушуниши керак;
- Серҳосил ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш принципларини билиши керак;
- Жамоатлар ташкил қилиш хизматини кенгайтириш учун Исо Масиҳ Танасининг бошқа аъзолари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришда қатнашиши керак.

Дарс режаси:

- Хамкорлик учун сабаб
- Ҳамкорлик чуқурлигининг даражалари
- Самарали ҳамкорликнинг фарқланувчи ўнта сифатлари

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Дарс маъруза ва муҳокама элементларини жамлаши керак. Ўқувчилардан ўзаро муносабатларнинг концентрик айланалар саволини муҳокама қилишларини сўранг. Биз мана шу ёндашувни амалиётда, ўзимизнинг ҳаётимизда қўллаймизми? Ҳамкорликнинг ҳар бир савиаси ҳар бир иштирокчидан (ҳамкордан) қандай “ҳаражатларни” талаоб қиласди? Ҳар бир вазиятнинг қандай устунликлари (фойдаси) бор?

I. ҲАМКОРЛИК УЧУН САБАБ

Бизнинг жавобгарлик доираризга кирадиган мамлакатда ёки жойда хизмат қилаётган бошқа жамоатлар ва масиҳий ташкилотлар билан бизни ҳамкорлик қилишга ундейдиган икки сабаб бор. Сабабларнинг бири Муқаддас Китобга оид, иккинчиси амалиётга.

A. Муқаддас Китобга оид сабаб

Муқаддас Китобга оид сабаб – бу Исо Масиҳ Танасининг бир бўлиш зарурати. Юқоридан туғилган ҳар бир одам, Худо оиласига қабул қилинган (Юҳ.1:12,13). Бу оила ҳам Тана деб номланади ва бу Тана – битта, бир нечта эмас (Эфес. 4:3–6). Ўзининг биринчи муқаддас ибодатида Исо Масиҳ биз учун, бизнинг бирлигимиз учун, Уни Отаси юборганига дунё ишониши учун (Юҳ. 17:20–21) ибодат қиласди. Ҳақиқатдан ҳам, Хушхабарнинг сири ва мўъжизаси шундаки, Худо одамларни ажратиб турган тўсиқларни бузиб, ҳамма инсонларни Исо Масиҳда бирлаштириди (Эфес. 3:2–6, Гал. 3:26–28). Жамоатнинг турли аъзолари ўртасидаги ажратишлар ва рақобат Хушхабарнинг тарқатилишига доим тўсиқ, имонга келмаганлар учун васваса ва Худо учун ҳақорат бўлиб келган.

Агар биз, масиҳийлар, қанчалик турли хил бўлмайлик, барибир Масиҳнинг ягона Танасига мансуб эканмиз, унда биз ўзимизни мана шу ҳолатимизга мувофиқ тутишимиз керак.

Дунёда одамлар бизнинг бирлигимизни ва бир–биримизга бўлган севгимизни кўрсалар, бу уларга Исо Масихга ишонишларига ёрдам беради.

Б. Амалий сабаб

Масихийлар ахолининг умумий сонининг 2% дан камини ташкил қилган мамлакатларда, қандайдир битта мазҳаб ёки миссия мустақил равишда, якка ўзи бировларнинг ёрдамисиз Буюк Топшириқни бажара олишига умид қилиш жуда қийин. Бутун мамлакатни имонлиларнинг Хушхабар тарқатувчи жамоатари билан тўлдириш вазифаси, бу халқ орасида Худонинг ҳамма фарзандаларининг қатнашишини талаб қиласди.

Бунининг устига, агар биз синчилаб тадқиқот олиб борсак шуни аниқлашимиз мумкинки, турли жамоатлар ва ташкилотлар бир–бирлари учун зарур бўлган ресурсларга эгадирлар. Баъзи жамоатларда янги имонга келганлар учун яхши материаллар ишлаб чиқилган. Бошқа жамоатларда эса — жамоат таълими бўйича яхши дастурлар мавжуд, бошқалари эса — бугунги кун эҳтиёжига жавоб берадиган топиниш соҳасида яхши тажрибага эга бўлиши мумкин. Баъзи бир ташкилотлар оммавий ахбарот воситалари билан ишлашга иқтисослашиши мумкин, бошқалари – ёшлар ўртасидаги хизматда, спорт хизматида, “Исо Масих” номли фильм орқали Хушхабар тарқатишига ва ҳоказо. Бу ресурслардан ҳамкорликда фойдаланиш имконияти, бутун Танани ҳар тарафламан бойитади.

Агар биз биргаликда ибодат қилсак, биргаликда тадқиқотлар ўтказсак ва ўзимиз эга бўлган ресурсларни бир – биримиз билан бўлишсак, Раббимиз бизни қўйилган вазифани бажариш учун ҳақиқатдан ҳам барча зарур нарсалар билан таъминлаганини қўришимиз мумкин. Биз бу ерда ҳар хил мазҳаблар аралашиб кетсин ёки бир-бири учун жамоатлар ташкил қилсин, демаяпмиз. Марҳамат, ўрталаридағи фарқларни сақлашсин ва ўзларининг анъаналарига эргашадиган жамоатларни ташкил қилишсин. Бироқ улар буни қилишлари ва шу билан бирга ўзларидан фарқ қилувчи гуруҳлар, жамоатлар ёки масихий уюшмалар билан ҳамкорлик қилишлари ҳам мумкин.

Кўпчиллик, бизнинг жамоатимиздан кескин фарқ қилувчи жамоатлар ва уюшмалар билан амалда ҳамкорлик қилиш мумкинкими, деган савол беришади. Албатта, бу шундай ҳамкорликки, сиз унда ўз индивидуаллигингизни йўқотмайсиз ва ўзингизнинг анъаналарингиз ва қадриятларингиздан воз кечмайсиз.

Бу саволга жавоб беришда концентрик айланалар (битта умумий марказга эга бўлган бир нечта айланана) чизмаси фойдали бўлиши мумкин.

17.1 ўзаро муносабатларнинг концентрик айланалари.



Бу айлананинг марказида – бизнинг маҳаллий жамоатимиз, ёки жамоатлар ташкил қилиш бўйича гуруҳимиз, ёки масиҳий уюшма/ташкилот турибди. Унинг аъзолари баъзи асосий, мухим саволлар бўйича бир хил фикрда бўлишлари лозим, зеро бусиз уларнинг ҳаётида ва хизматида уйғунлик мавжуд бўлолмайди. Лекин барибир, бизнинг минтақамиздаги бошқа Хушхабар жамоатлари ва ташкилотлари билан улар ўртасида, бу минтақада маҳаллий жамоатлар ташкил қилиш учун ҳамкорлик ўрнатилиши мумкин. Бундай ҳамкорлик тадқиқот ўтказиш, ибодат, ресурслардан биргаликда фойдаланиш ва биргаликда таълим бериш каби соҳаларда бемалол мавжуд бўла олади. Бир бирларидан фарқлари бўлган ташкилотлар ҳамкорликнинг маълум даражасида бирлашишлари мумкин, бунда улар ўзларининг ажralиб турувчи хусисиятларидан воз кечмайдилар ва шу билан бирга бошқа гуруҳларга уларни кўллаб-куватлаш имкониятини берадилар.

Хушхабар тарқатмайдиган гуруҳлар билан ҳам ишда (ташаббусда) ҳамкорлик қилиш мумкин ва бу бутун миллатга фойда келтиради. Бунда мисол бўлиб Хушхабар тарқатмайдиган масиҳий гуруҳлар (ташкилотлар) билан бўладиган ҳамкорлик хизмат қиласи, яъни маҳаллий ҳокимиятлар жамиятда Муқаддас Китобда айтилган ахлоқий принципларни ва қадриятларни кўллаб-куватлайдиган қонунларни қабул қилишлари мумкин. Табиий оғатлардан зарар кўрганларга ёрдам беришда куч-ҳаракатларни бирлаштириш ҳам яна бир мисол бўлади.

В. Ҳамкорлик наъмунаси

Руминияда ҳар бир мазҳаб ўзининг жамоатларини ташкил қиласи. Шунга қарамай, улар қуйидаги соҳаларда ҳамкорликда ҳаракат қиласидар:

- Ибодат
- Тадқиқотлар
- Жамоат ташкил қилувчиларни тайёрлаш
- Туманларда хизмат қилиш стратегилари

Ҳар бир мазҳаб ўзига хослигини (индивидуаллигини) сақлайди, лекин ҳамкорликдан, ғоялар ва ресурсларни эркин алмашинишидан ютади (таълим бериш учун, Хушхабар тарқатиши тадбирлари учун ва ҳок.). Биргаликда ишлаш шарофати билан ҳар бир мазҳабда катта ўсиш ва кўпайиш содир бўмоқда.

II. МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Мумкин бўлган ҳамкорликнинг ҳар хил даражалари бор, уларнинг ҳар бири томонлардан (ҳамкорлардан) кўпроқ иштирок этишни талаб қиласи. Уларнинг орасида ”яҳшилари“ ёки ”ёмонлари“ йўқ, муносиб ҳолатларда уларнинг ҳар бири энг яхши бўлиши мумкин. Айтмоқчи, кўпинча потенциал ҳамкорлар учун ҳамкорликни мухокама (консультатив) босқичидан бошлаганлари маъқул, ва ўзаро тушуниш ва ўзаро ишониш кучайиб боргани сари, ҳамкорликнинг юқорироқ даражаларга ўтиш керак. Ҳамкорлик ўзаро муносабатларда қурилгани учун, агар сиз дарров амалий ҳамкорлик босқичидан бошласангиз, қийинчиликлар пайдо бўлса, сизнинг ўзаро муносабатларингиз ва ишончингиз ҳали заиф эканлиги номоён бўлиб қолиши мумкин. Куйида ҳамкорлик чукурлигининг даражалари санаб ўтилган.

А. Даража 1: ҳамкорлик ҳаракатларининг умуман йўқлиги

Биринчи босқич, ҳамкорлик ҳаракатларининг умуман йўқлиги, афсуски, кўп учрайди. Масиҳий хизматчилар битта шаҳарда ёнма–ён ишлаб, атрофларида ўша имонга ва тасаввурга эга бўлган бошқа одамлар ҳам меҳнат қилаётганини, хатто сезмайдилар. Натижада хизматлар бир-биридан ажralиб, алоҳидалашиб қолади, ва бу ўз навбатида қарама-қаршилик, зиддиятларни чиқарib ва имкониятларни йўқотишга олиб келади.

Б. Даража 2: Хабардорлик

Қачонки бир соҳада ишлайдиган турли жамоатлар ва миссиялар бир–бирларининг мавжуд эканликларини билсалар ва бир–бирларини масиҳий деб тан олсалар, натижада бирдамлик ва умумийлик мухити пайдо бўла бошлайди.

В. Даражада 3: Консультация/ Консилиум – “Юмалоқ стол”

Консультатив ҳамкорлик шуни билдирадики, икки томон вакиллари вақти–вақти билан учрашадилар, ўзларининг режалари ва ҳаракатлари ҳақида бир-бирларини хабардор қилишади, бир-бирларига ибодат илтимослари билан алмашадилар, бир–бири учун ибодат қилишади.

Г. Даражада 4: Биргалиқдаги ҳаракат

Биргалиқдаги ҳаракат қачон содир бўлади? Қачонки, томонлар (ҳамкорлар) доимо ахбарот алмасиб турсалар ва биргалиқдаги ибодат хизмати ўрнатилса. Шундан кейин икки томон маълум бир муддатга мўлжалланган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олишади. Бунга мисол қилиб шаҳарда тадқиқот ишларининг кенг миқёсдаги дастурларини ўтказиш ёки рўза ва ибодат қилишга ҳамма учун умумий кунни ташкиллаштириш кабиларни келтириши мумкин.

Д. Даражада 5: Доимий ҳамкорлик

Мисол — жамоат ташкил қилувчиларни тайёрлашни олиб бориш учун куч-ҳаракатларни бирлаштириш ёки хизматчиларга таълим берадиган мазҳаблараро Инжил мактабларини ташкил қилиш ва бу ишларга томонларнинг (ҳамкорларнинг) ҳар бири ўз ҳиссасини қўшади.

Е. Даражада 6: Бирлашиш

Бу икки ёки бир неча жамоат, ёки миссиялар бирлашишга қарор қилишганда содир бўлади.

III. САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎНТА ФАРҚЛИ СИФАТЛАРИ

Қўйида самарали ҳамкорликнинг ўнта фарқланувчи сифатлари санаб келтирилган. Ўзаро ишонч, айтиш мумкинки, катта натижаларга олиб борадиган ўзаро муносабатларнинг энг муҳим хусусиятини ташкил қиласди. Ва шунингдек, ўзининг олдида аниқ тасаввур ва мақсадларга эга бўлмаган ҳамкорлик, узоққа чўзилмайди. Бошқалар билан ҳамкорлик қилиш бўйича шахсий тажрибангиз асосида ўйлаб кўринг, иш бўйича ўзаро муносабатларда қайси сифатлар кийинроқ берилади? Агар сиз ҳамкорликнинг бузилишини бошингиздан кечирган бўлсангиз, қўйида келтирилган хусисиятларнинг қайси бири унда етишмасди?

1. Самарали ҳамкорлик ўзаро самимилиқда, ишончда ва ўзаро ғамхўрлиқда қурилади.
Ҳамкорлик – бу шунчаки ўзаро мувофиқлаштириш, режалаштириш, усуслар ва ёндошувлардан кўра бошқачароқ нарса.

2. Узоқ давом этувчи ҳамкорлик етакчи (мувофиқлаштирувчи) ёки ташкилотчининг бўлишини талаб қиласди – бу одамга икки томоннинг ҳам розилик билан, ўзаро муносабатларда ҳаёт ва оловни ушлаб турадиган рол берилади.

3. Самарали ҳамкорлик маълум бир тасаввурни рўёбга чиқариш ёки аниқ қўйилган вазифани бажариш учун барпо бўлади. “Қандай?” (структураси) саволдан кўра, “німа?” (мақсадларга) саволига ҳар доим қўпроқ эътибор берилади. Шакллар ҳар доим вазифадан келиб чиқади.

4. Самарали ҳамкорлик хизмат қаратилган одамларнинг муҳтоҷлигини аниқлашдан бошланади. У умумий қоидаларни ёзишдан бошланмайди. Мана шу муҳтоҷликлар, Шоҳлик қадриятлари (приоритет) асосида ҳамда монтакадаги руҳий таянчларни ва зарур ресурсларни бор-йўқлигини аниқлаш билан амалий дастур ва ҳаракат принциплари ишлаб чиқилади.

5. Ҳамкорлик – бу бир марталик тадбир эмас, балки бутун бир жараёндир.
Биринчи қадамлар, танишиш ва ўзаро муносабатларни шакллантириш, кўпинча, узоқ вақт давом этади. Хатто бир-бирини билиш учун ҳаддан ташқари эрта ҳаракат қилиш ҳам ҳамкорлик қилиш имкониятини йўққа чиқариши мумкин. Натижада ҳамкорликнинг пайдо бўлиши учун ўзаро ишонч талаб қилинади, бунинг учун эса вақт керак.

6. Самарали ҳамкорликни бошлашдан кўра, уни сақлаб туриш қийинроқ. Ниятнинг муҳимлигини, мақсадларнинг аниқлигини, ахборот билан алмашиш сифатларини сақлаб туриш ва ўз навбатида қимматли натижаларга эришиш катта меҳнат, ўзини бағишлишни ва доимий эътиборни талаб қиласди.

7. Самарали ҳамкорлик, фақатгина, агар томонларнинг (ҳамкорларнинг) хизмати ўз олдига аниқ мақсадлар ва ниятга эга бўлсагина мавжуд бўлиши мумкин. Томонларнинг, яъни ҳамкорларнинг ҳар бирлари ўзларининг хизматларининг аниқ формулировкасига эга бўлишлари ва мана шу бўйича яшашлари керак. Акс ҳолда ҳамкорлар бир–бирининг хизматига қандай “мос тушаяптилар”, қандай қилиб ҳисса қўшаётганларини ва ҳамкорликдан қандай фойда кўраётганларини ҳеч қачон тушуна олмайдилар.

8. Самарали ҳамкорликда томонларнинг (ҳамкорларнинг) тарихи, нияти ва хизматлари ўртасидаги фарқлар тан олинади ва қадрланади. Лекин, барибир, томонлар дикқат–эътиборларини кўпроқ бир–бирлари ўртасидаги фарқларга эмас, балки уларнинг ниятларида нималар умумий бўлса, ўша нарсаларга, қадриятларга, хизмат вазифаларига қаратишади.

9. Самарали ҳамкорликда дикқат–эътибор доимо сўнги мақсадга ва тасаввурга қаратилган бўлади. Ҳамкорлик қатнашчилари кундалик ишларга, ўзларини асосий ишдан чалғитишига имкон бермайдилар. Маблағлар кўпинча бизни мақсаддан чалғитади.

10. Самарали ҳамкорликда муаммоларнинг пайдо бўлиши ва уларни енгиш олдиндан ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Ўзаро муносабатларда албатта пайдо бўладиган камчиликларни, муаммоларни, ҳафсала пир бўлишини, бажарилмаган ваъдалар ва шунчаки кутилмаган вазиятларни ҳал қиласиган механизм ўрнатилиши керак.

САВОЛЛАР

- Сиз билан жойингиздаги бошқа масиҳий ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатлар ва ўзаро ишончни ўрнатишни бошлаш учун амалий йўлларини таклиф қилинг.
- Бир шаҳарда ҳаракат қилаётган ҳар хил мазҳабларнинг жамоатлар ташкил қилувчиларни, ҳамкорликда ишлаб конкрет аниқ нималардан ютишлари мумкин?
- Масиҳий Хушхабар тарқатувчи хизматчилар ўртасида мавжуд бўлган рақобатга Худо қандай муносабатда бўлади?
- Хушхабар тарқатувчи масиҳийлар ўзларининг минтақаларидағи православ ёки католик жамоалари каби уюшмаларга қандай муносабатда бўлишлари керак?

ТОПШИРИҚ

- Ўйлаб кўринг, сизнинг жойингизда қайси жамоатлар ёки ташкилотлар (сиз учун) 17.1. чизмадаги ҳар бир айлананинг ичига кириши мумин, яъни биринчи айланана — сизнинг ички айланангиз, иккинчи айланага ва ҳок.
- Ўзингизнинг тадқиқотларингиз натижасига қайting, сизнинг минтақангизда ҳаракат қиласиган жамоатларни ва бошқа хизматларни санаб беринг.
- Иккита ички айланага кирган хизматларнинг раҳбарлари билан шахсан боғланинг ва улар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишни бошланг. Ишни, уларнинг сизнинг минтақангизга нисбатан ниятларини билишдан бошланг. Сизнинг жойингизга қарашли уларнинг фикрларини билишга ҳаракат қилинг.
- Бошқалар билан маслаҳатлашиш, ахборот алмашиш ёки сизнинг минтақангизни жамоатлар билан тўлдиришга йўналтирилган тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш ҳакида ўйланг.

Жамоат

4 Дарс

Жамоатдаги тартиб-интизом Тавба қилиш ва тикланиш

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади – маҳаллий жамоадаги жамоат тартиб-интизомларининг Муқаддас Китоб бўйича принциплари билан таништиришdir.

Кутиладиган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:
- Маҳаллий жамоатда интизомий жазолашнинг Муқаддас Китоб бўйича принципларини тушуниши керак;
 - Олган билимларини амалда жамоатда қандай қилиб қўллашни билиши керак.

Дарс режаси:

- I. Жамоат интизомининг Муқаддас Китоб принциплари
- II. Жамоатда интизомий жазолаш тартибига оид кўрсатмалар

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Дарснинг бошида ўқитувчиларга ўзларига таниш бўлган жамоатдаги жазолаш усуллари ва тартиблари билан бўлишишларини сўранг. Жазолаш амалга оширилган жамоатлар ёки мазҳаблар раҳбарларини айблашга ўтиб кетмасликка ҳаракат қилинг.

СЎЗ БОШИ

Жамоанинг руҳий ҳаётида ўта муҳим маънога эга бўлишига қарамай, жамоат интизоми, жумладан жазолаш масаласи ҳанузгача кам ўрганилган ва камдан кам ҳолларда қўлланилади. Бунга исбот Руминиялик чўпоннинг берган гувоҳлиги яққол исбот бўлади:

“Биринчи бор “ЖАМОАТ ИНТИЗОМИ” — мавзуси ҳақида мулоҳаза юритиб ва жамоатда бу соҳада катта тажрибага эга бўлиб, бу масала шахсан мен учун ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, деб ўйлардим. Лекин бунинг акси бўлиб чиқди. Муқаддас Китобни зўрга қўлимга олиб ва уни жиддий ўрганишни мақсад қилишим билан, мен дарҳол айнан мана шу соҳадаги бир неча қийинчиликларга дуч келдим.

Мен ўзимнинг диний таассуротларим билан Муқаддас Китобнинг бу масала бўйича таълимоти орасида; менинг жамоатимда мустаҳкам ўрнатилган анъаналар ва жамоат интизомининг Муқаддас Китоб бўйича ҳақиқий модели ўртасида баъзи бир қарама-қаршиликлар борлигини ҳис қилдим. Бир вақтнинг ўзида мен интизомий жазолаш жараёнiga нисбатан умумий қабул қилинган нуқтаий назар унчалик тўғри эмаслигини тушундим.

Муқаддас Ёзувни ўрганар эканман, мен бу саволга тегишли бўлган жуда кўп маълумотлар тўпладим. Лекин, қанча ажабланмай, жамоатдаги интизомий жазолашга тўғридан тўғри тегишли бўлган ҳеч нарса тополмадим.

Мен бу мавзуда кўп чўпонлар ва жамоат бошқарувчилари билан суҳбатлашиб, уларнинг бу маслага оид фикр-мулоҳазаларини ва тажрибаларини билишга интилдим. Фақат битта жамоатдагина интизомий жазо жараёни ёзма тарзда рўйхатга олинган экан. Кўпчилик жамоатларда, интизомий жазони қўллаш заруриятига дуч келсалар, бу борада ишончни ҳис қилмайдилар ва муаммони ҳал қилишда қандайдир ҳавотир билан қарор қабул қилдилар, ёки бўлмаса муаммони юзаки ҳал қилишади”.

Агар биродаримиз гапи бўйича, Муқаддас Китоб жамоатдаги интизомий жазо мавзусини тўғридан очиб бермаса, унда қуйидаги саволлар туғилади:

- Муқаддас Китоб бизга жамоатда интизомий жазолаш ҳуқуқини берадими?
- Жамоатдаги интизом чоралари нима дегани?
- Муқаддас Китобга асосланган ҳолда, жамоат ўзининг аъзосига интизом жазоларини кўллашда қандай қадамлар қўйиш керак?
- Жамоат интизомининг, жумладан жазолашдан кўзланган мақсадлар нималардан иборат?

I. ЖАМОАТ ИНТИЗОМИНИНГ МУҚАДДАС КИТОБ ПРИНЦИПЛАРИ

Гарчи Муқаддас Китобда “жамоат интизоми” ибораси ҳатто, ишлатилмаса ҳам, Янги Аҳдда у ҳақида, камида, уч маротаба эслатилади: 1Кор.5; Мт.18 ва 2Кор. 2 бобида. Бу оятлар бизга жамоат интизоми принципларини ўргатади, бунга жамоатдаги тартиб-интизомни сақлаш мақсадида кўлланиладиган жазолаш ҳам киради ва бу принципларни замонавий масиҳий жамоаларда ҳам кўлланилиши мумкин.

A. Жамоатдаги интизом чоралари Муқаддас Китобга қарама-қарши эмас (1Кор.5)

Коринф жамоатидаги биродарлардан бири зиногарлик гуноҳига аралашиб қолган эди. Ҳаворий Павлус ўзининг мактубида жамоатга бу биродар билан қандай муносабатда бўлишни кўрсатади:

- ораларидан чиқариб ташлаш (2 Оят)
- шайтонга топшириш (5 оят)
- бундай одам билан ёки зинокор, тамагир, бутпараст, ҳақорат қилувчи, майхўр ёки талончи бўлган ҳар қандай бошқа одам билан алоқа қилмасликни, ҳатто бундай одам билан бирга овқат емаслик (11 оят).
- Фосиқ одамни ўз ораларидан қувиб чиқариш (13 оят)

Павлус, шунингдек бу интизом чораларининг мақсади ҳақида шундай дейди — “тана тинкасини қупитиш учун шайтонга топшириш керак, токи Рabbимиз Исо Масиҳ келган кунда унинг руҳи халос бўлсин” (5 оят).

B. Жамоатда интизом чоралари кетма-кетлик билан бажарилиш керак (Мт.18).

Бу ерда ҳазрати Исо, агар биродаримиз гуноҳ қилса, биз кетма-кетликда қўйидаги қадамларни қўйишимиз кераклигини уқтиради:

- биринчидан, у билан шахсан сухбатлашиш ва айбини кўрсатиш керак. Агар у қулоқ солса ўзаро муносабат тикланиши лозим (15 оят);
- агар қулоқ солмаса, икки ёки уч гувоҳнинг олдида у билан яна гаплашиш керак (16 оят);
- агар шундан кейин ҳам қулоқ солмаса, жамоатга айтиш керак (17 оят),
- агар жамоатга ҳам қулоқ солмаса, уни имонсиз қаторида санаш керак (17 оят).

Эслатма: *Муқаддас Китобнинг баъзи таржималарида “Сенга қарши гуноҳ қилса” жумласи кўлланилган. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, баён қилинган принциплар гап шахсан сизга қаратилган ҳаракат, ёки сизга маълум бўлган гуноҳ ҳақидами, бундан қатиъй назар тўғридир.*

B. Тавба қилган биродарни қайта тиклаш — жамоатдаги интизом жазосининг мақсадидир (2Кор.2)

Павлус Коринфдаги жамоатга йўллаган ўзининг иккинчи мактубида, жазоланган биродар гуноҳига тавба қилган тақдирда нима қилиши кераклиги ҳақида ёзади:

- уни кечириш ва тасалли бериш керак (7оят);
- унга бошқатдан муҳаббат қўйинг (8оят).

Сабаби, Павлус айтганидек: “Шайтоннинг панд беришига йўл қўймаслик” (11 оят). Кечирим ва муҳаббат — бу Ўзи билан гуноҳкор инсонни Исо Масиҳ орқали яраштирган Худонинг сифатидир. Агар жамоат Масиҳнинг сифатини намоён этишини истамаса, шайтонга жамоат устидан ғалаба қилиш имкониятини берган бўлади. Кечирмаслик гуноҳини рад этиб ва тавба қилганларни яна жамоатга қабул этиб, биз шайтоннинг ниятини барбод қилган бўламиз.

II. ЖАМОАТДА ИНТИЗОМИЙ ЖАЗОЛАРГА ОИД КҮРСАТМАЛАР

Расм.2.1 жамоатда жазолашга оид Мұқаддас Китоб күрсатмаларини акс эттирувчи жадвал ҳисобланади. Ундағы ҳар бир квадрат бир қадамни билдиради. Күрсатгичлар эса гунохкорнинг фош бўлишига нисбатан муносабатига боғлиқ ҳолда кейинги қадамларни күрсатади. Ана шу жадвал сизнинг жамоатингизда интизомий жазолашда қўлаш учун фойдали бўлиши мумкин. Эътибор беринг, қайта тиклаш жараёни зарур ва бу ҳар қандай гуноҳ қилиш учун бир хилдир. Аммо одамни раҳбарлик лавозимига қайта тиклаш учун яна қўшимча қадамлар зарур.

ХУЛОСА

Жамоат интизоми Мұқаддас Китоб таълимотига зид эмас, балки жамоат ҳаётининг ажралмас қисмидир. Интизомий жазонинг мақсади — гунохкорни ҳукм қилиш эмас, балки ҳам маълум бир одамнинг, ҳам бутун жамоанинг руҳий саломатлигини қайта тиклашдир. Ҳар бир маҳаллий жамоат синчилкаб, ибодатда жамоатдаги жамоат интизомини ва уни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқиши лозим.


САВОЛЛАР

- 1Кор. 5:5 оятида Павлус, жамоатда берилган жазонинг мақсади ҳақида шундай дейди — “тана тинкасини қуритиш учун шайтонга топшириш керак, токи Рabbимиз Исо Масих келган кунда унинг руҳи холос бўлсин”. Бу нимани англатади? Бу бизга жамоатда интизомий жазолаш бўйича Мұқаддас Китоб табиатини тушунишимизда қандай ёрдам беради?
- Расм.2.1 да кўрсатилган жамоатда жазо бериш жараёнини кўриб чиқинг. Нимага оддий жамоат аъзолари учун қайта тиклаш тартиблари ва раҳбарларга интизомий жазо бериш жараёни бошқача?
- Жамоатда қўлланилаётган интизом чораларига боғлиқ бўлган ўзингизнинг ижобий ва салбий тажрибангизни тасвирлаб беринг. Бу вазиятларда интизомий жазолаш бўйича Мұқаддас Китобнинг қайси принциплари қўлланилган ёки қўлланилмаган ?
- Жамоат интизомининг мақсади нимадан иборат?

ТОПШИРИҚ

- 1Кор. 11:29-32 оятларини ўқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 1. Нима учун имонлилар орасида заиф ва хасталар бўлган?
 2. Интизомий жазонинг якуни қандай эди?
 3. Нима учун Рabbимиз Ўз фарзандларини жазолайди?
- Гал. 6:1-5 оятларини ўқинг ва саволларга жавоб беринг:
 1. Павлус гуноҳ қилган биродаримизни тўғрилаш учун зарур бўлган қайси сифатларни санаб ўтган?
 2. “Масихнинг Қонуни” – деб Павлус нимани айтади?
 3. Бу қонун гуноҳ қилган биродаримизга нисбатан қандай амал қилиши керак?

Сур. 2.1. Жамоатда интизомий жазо қўллашнинг чизмаси.



3 Қисм: Рухий ўсиш

Рұхий үсіш

1 Дарс

Муаммоларни ҳал қилиш

Яраштириш хизмати

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади – масиҳийларни можароли вазиятларни иноят ва марҳамат асосида, одамнинг ишончини барбод қилмасдан, ўзаро ҳафагарчиликлар ва муносабатларни бузилишига йўл қўймасдан ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўринишига тайёрлаш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Бизнинг ҳаётимиздаги можароли вазиятларга Хушхабар қай тарзда таъсир кўрсатишини тушуниши керак;
- Хатто ўша одамга, яъни ўрталарида низолар мавжуд бўлган одамга ҳам қандай муҳаббат кўрсатиш кераклигини билиши керак;
- Можаро ва низоларни соғлом, Муқаддас Китоб йўллари билан ҳал қилишда иштирок этиши керак.

Дарснинг режаси:

- I. Можаро ва низоли вазиятларни ҳал қилиш бўйича баъзи мулоҳазалар
- II. Хушхабар ва низоларни ҳал қилиш
- III. Ҳаракатдаги севги
- IV. Низоларни ҳал қилиш бўйича амалий маслаҳатлар

Ўқитувчиларга тавсияномалар:

Бу дарсда биз зиддият ва низоларни Муқаддас Китобга асосланган ҳолда кўриб чиқами. Бу биз уларни ҳал қилиш бўйича янги йўлларни кўришимизга ёрдам беради. Талабаларда саволлар пайдо бўлиши мумкин, хатто баҳс-мунозарлар ҳам, жумладан, масиҳий ҳал қилинмаган низоларнинг қайси босқичида у одам билан муносабатларни узиши мумкин, деган масала юзасидан. Бу савол мазкур дарсда муҳокама қилинмайди. Ҳозир биз, низоларни ҳал қилиш учун нима қилиш кераклигини муҳокама қиласиз.

Бу дарсда келтирилган асосий концепциялар, ҳаммасидан яхшироқ ҳақиқий ҳаётий мисоллар билан тасвирлаш орқали тушунтирилиши мумкин. Агар шахсий мисоллар келтирангиз, жуда ҳам яхши бўлади.

СЎЗ БОШИ

Гунохи ювилган гуноҳкорлар бўлиб, сиз билан биз мукаммал ва баркамол бўлмаган дунёда яшаяпмиз. Муқаддас Китоб бизга шундай дейди: “... яшайдиганларнинг биронтаси Сенинг олдингда оқлана олмас” (Забур.142:2). Биз ўзимиз қодир бўлгандан ҳам яхшироқ ишлар қилиб, барибир, биз номукаммал ва ноетукмиз, биз Раббимиз Исо Масиҳнинг суратига аста-секин, қадам-бақадам ўзгариб бормоқдамиз (2Кор.3:18). Бу йўлда биз вақти– вақти билан кўпинча ўйламасдан гапирамиз ва иш қиласиз – бу ишимиз бошқа одамларни хафа қиласи. Бундай сўзлар ва ҳаракатлар одамларнинг қалбларини қаттиқ яралайдилар ва низо ва зиддиятлар келиб чиқади. Гарчи низо ва жанжаллар — бу ҳалок бўлаётган дунё учун одатий бўлса ҳам, ҳақиқат шундан иборатки, агар биз бу низоларни ҳал қилишга ҳаракат қилмасак, охир-оқибат бир-биримизни йўқ қиласиз.

- “Душманнинг ширин сўзи эмас, дўстнинг калтаклаши садоқатни кўрсатади” (Ҳик.27:6).
- “Темир–темирни ўткирлайди, инсон эса дўстини” (Ҳик.27:17).
- “Аммо сизлар бир–бирингиз билан тишлашиб, ғажишсангизлар, эҳтиёт бўлинглар, тағин бир–бирингизни еб битирманглар!” (Гал.5:15).

I. МОЖАРОЛИ ВА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ МУЛОҲАЗЛАР

A. Бизнинг табиатимиз баркамол эмаслиги учун низолар албатта келиб чиқади

Ҳаворий Ёқуб айтганидек, фақат мукаммал комил инсон ҳаётдан можаросиз ўтиши мумкин (Ёқуб 3:2). Бизнинг ҳар биримиз ўзининг ҳаётидан можароли ва низоли вазиятларга саноқсиз мисоллар келтириши мумкин. Гарчи бизнинг ҳар биримиз Гал.5:24 оятига теологик жиҳаттан қўшилсак ҳам: *“Исо Масиҳга тегишли бўлганлар эса ўз табиатини, хирсу эҳтирослари билан бирга, хочга михлаб қўйганлар”*, биз яхши биламизки, ҳар биримизнинг ҳаётимиз мукаммал ва баркамол эмас. Шунинг учун биз зиддият ва низоли вазиятларни пайдо бўлганда ҳайрон бўлмаслигимиз керак. Лекин шунингдек, бу — бизнинг масиҳий ҳаётимизда низо ва можоролар албатта пайдо бўлар экан, унда биз бунга кўнишишимиз керак, дегани эмас. Сал кейинроқ мана шу дарсда, биз қандай қилиб (Исо Масиҳнинг хоҳиш-иродасига мувофик) низо ва можороларни ҳал қилишишимиз ва бир биримиз билан ярашишимиз кераклигини билиб оламиз.

B. Муносабатларни ойдинлаштириб олишга (очиқчасига гаплашиб олиш) бориш нима учун бунчалик қийин

Баъзи можароли вазиятлар етарли даражада осон ҳал қилиниши мумкин, фақат хатосини тан олиб, у одамдан кечирим сўраш ва ўзининг ҳулқ-атворига муносаб үзгартиришлар киритиш керак холос. Бошқа можаролар муносабатларни очиқчасига ойдинлаштириб олишни талаб қилиши мумкин. Низони ҳал қилиш учун, унинг ҳақиқий сабаби нимада эканлигини тушуниш зарур, бунинг учун эса муносабатларни ойдинлаштириш керак (вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш, очиқчасига гаплашиб олиш). Сиз “муносабатларни ойдинлаштириш”, яъни оддий қилиб айтган “разбор” қилиш деган ибораларни эшигттанингизда нима ҳақида ўйлайсиз? Одатда бизда салбий қарашлар пайдо бўлади. Муносабатларни ойдинлаштириш ҳақида ҳақиқийликка мутлақо тўғри келмайдиган етарлича кенг тарқалган тасаввурлар мавжуд. Бундай ёлғон тасаввурларни афсона деб атайдилар. Куйида одамларга бир-бирлари билан очиқчасига гаплашиб олишларига ҳалақит берадиган муносабатларни ойдинлаштириш бўйича бир неча ўша “афсоналар” келтирилган:

- 1 Муносабатларни ойдинлаштириш ҳар доим деструктив бўлади.
- 2 Агар сиз муносабатларни ойдинлаштириб олишга жалб қилинган бўлсангиз, унда сиз учун энг муҳими — ғолиб чиқиш.
- 3 Можарода ва муносабатларни ойдинлаштиришда ҳар доим куч ғолиб чиқади.
- 4 Муносабатларни ойдилаштириш ва можаролар ўзаро муносабатларни бузади (батамом чек қўйилишигача олиб боради).

Лекин, қачонки биз, масиҳийлар, бирор бир одам билан, яъни маълум бир сабабга кўра ўртамизда низо келиб чиққан одам билан муносабатларни ойдинлаштириш, очиқчасига гаплашиб олиш ҳақида гапирганимизда, биз бу севги руҳида ва ярашиш истаги билан бўлиб ўтиши кераклиги ҳақида гапирамиз. Бу биз ҳақиқатдан кўзларимизни юмишимиш керак ва чуқур саволларни – муаммонинг моҳияти (унинг илдизи) ва можарога сабаб бўлган нарслар ҳақидаги саволларга эътибор бермаслигимиз керақ, дегани эмас. Кўпинча одамлар энг қаршилик кўрсатадиган йўлдан борадилар — улар ёқтиргмаган одамлар билан учрашиш ва мулоқот қилишдан қочишга ҳаракат қиласидилар, ёки низоли вазият келиб чиқмаслигига ҳаркат қилишади, бу мулоқот юзаки характерга эга бўлади. Бу йўлларнинг биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам — нотўғри. Биз бир–биримизга ҳақиқатни гапиришимиз керақ, чунки биз ҳаммамиз бир Тананинг аъзоларимиз (Эфес. 4:25). Биз гапираётган мунсабатларни ойдинлаштиришнинг мақсади — ҳақиқатнинг кўзига, можароли вазияга ва унга ҳамроҳ бўлган ҳамма нарсага Инжил асосида қараш ва бу можорони севги руҳида ҳал қилиш учун муаммога Муқаддас Рухнинг

кучи билан қарши туришдир. Биз ўз-ўзимини назорат қилишимиз керак, токи бизнинг оғзимиздан “хеч қандай ярамас сүз чиқмасин“, „лекин әхтиёжга күра тингловчиларниг жонига оро кирадиган яхши сүзлар гапириングлар”(Эфес. 4:29).

В. Можароли вазиятларни ҳал қилишдан қочишига интилишнинг оқибатлари

Жамоатда, уйда, ишда ёки дўстлар билан бўлган можароларни ҳал қилишга уринишдан бош тортиш, катта зарар келтириши мумкин. Балки сизга яххиси индамаслик керак, деб айтишгандир, лекин бу одатда шу нарсага олиб келадики, бизнинг ичимиизда жаҳл, ғазаб ўса бошлайд ва худди рак ўсимтасидай бизни ейишни бошлайди. Инжил бизга шундай маслаҳат беради: “Газабланиб, гуноҳ қилманглар. Куёш болтунча, ғазабдан қайтинглар. Иблисга фурсат берманглар”(Эфес. 4:26–27).

1 мисол: Сизнинг яқинда ташкил қилган жамоатингизда бир кишининг шундай одатлари борки, бу одатларга бошқаларнинг кўнизиши қийин бўляпти. У одам жамоатдан дўстлар топишга ҳаракат қиласи, одамлар билан ўзаро муносабатлар боғлашга интилади, лекин барчаси муваффақиятсиз. Одамлар ундан қочадилар, лекин нима учунлигини тушунтирмайдилар. Охир-оқибат бу одам ўзининг бу ерда керак эмаслигини тушунади, ва ёки жамоатга келмай қўяди, ёки бошқасини топади.

2 мисол: Жамоатдаги аёлларнинг бирида гигиена билан боғлиқ бўлган баъзи муаммолари бор эди, бу муаммолар одамларга у билан мулоқот қилишларига ҳалқит берарди. Унга бу ҳақда айтиш зарур эди. Жамоатдаги кимдир у аёл билан гаплашишга қарор қиласи. Лекин бу одам аёлнинг жаҳли чиқишини ва жуда уялиб қолишидан ҳавотиради. Бироқ суҳбат барибир бўлиб ўтди ва севги руҳида ўтди, аёл ўзининг муаммосини тушунди. Севги бу воқеада шундай ифодаланадики, аёлнинг олдига ёрдам бериш мақсади билан борилди, у билан алоқани узиш ва унинг муаммоси ҳақида гапириш мақсадида эмас.

II. ХУШХАБАР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

Хушхабар бизга одамлар билан барчамизни ҳаяжонлантирадиган ва барчамизга тегишли бўлган саволлар ҳақида гаплашиш учун эркинлик беради. Лекин, бу эркинликни тўла ҳис қилишимиз учун, биз авваламбор ўзимизнинг шахсий комплексларимизни ва қўрқувларимизни тушуниб олишимиз керак. Бизга таъсир қўрсатувчи бу савол ва муаммоларни англаб етганимиздан кейин, биз уларни муносабат тарзда, ҳеч қандай қўрқувсиз кутиб олишимиз мумкин.

Биз уларни кўра бошлаганимиз сари, Хушхабарнинг низоларни ҳал қилишдаги ҳақиқий ролини тушунишни бошлаймиз.

А. Можарони очиқча ҳал қилишга қўрқишининг сабаблари

Куйида одамлар очиқча можароли вазиятлардан нима учун қочишига урнишларининг энг кўп тарқалган сабаблари келтирилган. Улар яширин низолар ҳолатида бўлишлари ва бу вазиятларнинг ташкил этиувчилари бўлмиш саволлар ёки муаммолар ҳақида очиқчасига гаплашишни истамасликлари мумкин. Улар учун “яхши жанжалдан ёмон муроса яхши” ва ҳеч нарсани ойднишлаштиришни кераги йўқ, чунки бу очиқ можарога олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Бундай хулқ-авторнинг сабаблари қуйидагича:

- Ноҳақ бўлиб қолишидан қўрқиши
- Баҳсда ютқазишидан қўрқиши
- Рад қилинишидан қўрқиши.
- Бошқалар нима ўйлайди, деб қўрқиши.
- У одам менинг хатоларимни қўрсатади, деб қўрқиши.

Айнан ман шу қўрқувлар бизга можароли вазиятларни ҳал қилишларида одамларга ёрдам беришга, яъни ярашиш хизматини олиб боришга тўсқинлик қиласи. Ўйлаб кўринг, сизда ҳам шу қўрқувлардан борми? Агар бор бўлса, муаммо сизнинг ўзингизни баҳо беришингизда бўлиши мумкин. Бу қўрқувларни бошидан ўтказаётган одамга, балки бошқа одамларга хизмат қилиш ёқар, лекин уни ўзининг шахсий обрўси ва тинчлиги ташвишлантиради. Агар одам обрў ҳам, солиҳлик ҳам Исо Масихдан келишини англаб етса, унда юқорида санаб ўтилган қўрқувлар у учун катта муаммолар бўлмайди. Бизнинг обрўйимизнинг беҳавотирлиги — Исо

Масиҳда. Бизнинг ҳаракатларимиз қўрқув, жазоланишдан чўчиш ёки солиҳ бўлиб кўринишга уриниш билан эмас, балки севги ва хизмат қилиш истаги билан йўналтирилиши керак. Ким ўзининг шахсий обрўси учун хаддан ташқари ташвишланмаса, одамлар улар олдида ўзларини анча хавфсизроқ сезадилар. Исо Масиҳдаги ўз ҳолатингизни тушунишингиз, сизга одамларнинг кўзларига тик қараш ва улар билан очиқчасига мулоқот қилишингизга ёрдам беради.

Б. Ҳазрати Исо ва Павлус можароли вазиятларда

1. Мф. 18:15–17

Ҳазрати Исо бу ерда Унинг шогирдлари низоларни ҳал қилишда қандай йўл тутишлари кераклигини аниқ қилиб айтиб ўтган. Бу оятларни ўқиб чиқинг ва низоларни ҳал қилиш бўйича Раббимиз ўргатган принципларни ажратиб кўрсатинг.

- Бу оятлардан топган принципларингизни санаб беринг.
- Эътибор беринг, бу лавҳадан олдин адашган қўй ҳақида матал келтирилган, ва ундан кейин эса — 10000 олтин ёмби ва 100 динорни кечириш ҳақидаги матал келтирилади. Сиз нима деб ўйлайсиз бу маталлар 15-17 оятларнинг мазмунига нима қўшади?

Шарқий Европада ишлаётган масиҳий ташкилотларидан бири, бу оятларга асосланиб, ўз хизматчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлари ҳақида қуидаги битимни ёзди. Сиз бу наъмунадан ўз жамоатингизда ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Можароларни ҳал қилиш бўйича битимнинг намунаси.

Можароларни ҳал қилиш ҳақидаги битим

Биз гуруҳ аъзолари _____, Муқаддас Китобнинг Масиҳдаги биродалар бир-бирлари билан уйғунликда яшашлари ва бир-бирларига кўрсатган муҳаббатлари орқали Масиҳнинг севгисини дунёга намоён қилишлари кераклиги ҳақидаги амрига жиддий муносабатда бўлиб, ўзаро муносабатимиз бўйича қуидагиларга келишдик:

- Мен гуруҳнинг бошқа аъзоларининг муқаддаслиги ва ҳурматини сақлашга ҳаракат қиласман, улар ҳақидаги ғийбатларда иштирок этмайман.
- Мен гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳақидаги ижобий мулоҳазарни қўллаб-қувватлайман ва тарқатаман.
- Мен можароларни ҳал қилиш (Мф. 18:15–17) ва кечирим (Мф. 6:12, Эф. 4:32) ҳақидаги Муқаддас Китоб принципларига риоя қиласман.
- Мен бу ҳақда гуруҳ аъзоларининг бирортаси ҳақида нотўғри гапираётган ҳар қандай одамга эслатаман, ва унга шахсан ўзи ўша одамнинг (ким ҳақида шундай гапирган бўлса) олдига боришига ва можарони унинг ўзи билан ҳал қилишга ҳаракат қилишига ундайман.
- Мен бу битимни бузган ҳар қандай одам билан ярашишга ва муносабатларни қайта тиклашга фаол ҳаракат қиласман ва ўзимга нисбатан ҳам шундай муносабатни кутаман.

Гуруҳ аъзоларидан бири бошқасига нисбатан гуноҳ қилиши оқибатидан вужудга келган низоларни Муқаддас Китоб принциплари бўйича ҳал қилиш (Мф. 18:15–17).

- Ҳамма можаролар бирга бир ҳал қилиниши керак. Ҳеч ким, жумладан гуруҳ раҳбарлари, бир кишининг иккинчи киши устидан қилган шикоятини тингламаслиги керек, токи у ибодат қилиб, камтарлик билан низони шахсий суҳбатда ҳал қилишга ҳаракат қилиб кўрмагунча.
- Можарони ҳал қилиш жараёнида фақат бевосита бу можарога боғлиқ одамлар қатнашиши мумкин.
- Агар можарони шахсий суҳбатда ҳал қилишга эришилмаган бўлса, у ҳолда гуруҳ раҳбарининг иштироки зарур (агар можаро унга ҳам боғлиқ бўлса, ҳакам сифатида гуруҳнинг бошқа аъзосини танлаши керак, лекин бундай одам можарога бевосита алоқадор бўлганларнинг эри ёки хотини бўлмаслик керак).
- Агар можарони ҳал қилишга бу ҳам ёрдам бермаса, уни гуруҳ раҳбари ва бошқа икки гувоҳ (лекин можарога алоқадор бўлганларнинг эри ёки хотини эмас) ҳал қилишга уриниб қўриши керак.
- Агар яратиришга эришилмаса, муаммо бир қарорга келиши учун бутун гуруҳнинг олдига қўйилиши керак.

2. Эф. 4:26.

“Газабланиб гуноҳ қилмандар”. Масиҳий ғазабланиши мумкин, лекин ёдигизда бўлсин, ғазаб осонлик билан сизни гуноҳга олиб келиши мумкин. Айниқса бу ҳақда Гал. 6:1-2 оятида яхши гапирилади. Биз одамни мулоим рух билан тузатишимиш керак, чунки биз ҳам, у каби гуноҳ қилишимиз мумкин. Ўзимизнинг бундай заифлигимизни тушуниб етишимиз, ғазабни бартараф қилишга ёрдам беради.

III. ҲАРАКАТДАГИ СЕВГИ

Қачонки можароли вазиятларни кўрсак, биз ўзаро муносабатларни тиклаш учун фаол ҳаракат қилишимиз жуда муҳим. Биз ҳар доим муносабатларни ойдинлаштиришга (вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш, муаммони текшириб кўриш орқали) одамларга ёрдам бериш имконияти сифатида қарашимиз керак, ва буни ҳеч қачон одамни жазолаш ёки камситиш чораси деб қарамаслигимиз керак. Биз ёрдам бераётган одамларга қандай муносабатда бўламиз — мана шу принципиал аҳамиятга эга. Биз нимаики қилмайлик, ҳаммасини уларга нисбатан севги ва муҳаббат билан қилишимиз керак.

A. Ҳазрати Исонинг таълимоти (Мт.5)

Мазкур боб Инжилдаги энг ажойиб боблардан биридир, унда ҳазрати Исо бизга қарши ҳаракат қилувчи одамларга қандай муносабатда бўлишимиз кераклигини ўргатади. Биз душманларимизни севишимиш керак, бизга жабр-зулм ўтказганларни, бизни қувғин қилганларни дуо қилишимиз керак (Мт.5:44). Бизга бу дунёнинг нуқтайи назари бўйича одатдан ташқари, ғайритабиий бўлган ишларни қилишимиз кераклиги айтилган, масалан, ким бизни бир чақирим йўл юришга мажбур қилса, биз икки чақирим йўл юришимиз керак (Мт.5:41) ёки ким биз билан даъволашиб кўйлагимизни ечиб олмоқчи бўлса, биз унга тўнимизни ҳам бериб юборишимиз керак (Мт.5:40). Бу — бизни Рabbимиз Исо Масиҳ даъват қилган фаол севги, ҳаракатдаги севгидир. Бу — курол, ва у билан Рabbимиз бизни жангга юборади.

B. Ҳаворий Павлуснинг таълимоти (Рим.12:14—21)

Рим. 12:14—21 оятларида биз ҳозиргина ҳазрати Исонинг сўзларида кўрган ўша фикрларни ҳаворий Павлус қандай ифодалаб берганини кўрамиз. Чинакам масиҳий унга душманлик муносабатида бўлган одамларни дуо қилиши, ёмонлик эвазига яхшилик қайтариши керак. Одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечириши ва унга ёмонлик қилганлардан ўч олишга ҳаракат қилмасдан, ёмонликни яхшилик билан мағлуб қилиши лозим.

B. Замонавий ҳаётдан мисол

Ёш масиҳий қиз, врач, давлат касалхонасида ижтимоий хизмат бўйича бир йиллик иш муддатини ўтаётган эди. У қизнинг барча бошлиқлари имонга келмаган одмлар эди, ва ёш масиҳий учун улар билан бирга ишлаш жуда қийин эди. Бир неча ойдан кейин у таслим бўлишга ва уйига қайтиб кетишига тайёр эди. Зиддият ва можароларни ҳал қилиш бўйича маслаҳат олиш учун жамоатга келганида, унга “ким сизга ёмонлик қилаётган бўлса, уларга яхшилик қилинг, ва шу орқали ёмонликни яхшилик билан мағлуб қилинг” деган маслаҳат беришади. Масиҳий қизнинг миясига келган энг оддий фикр, бошлиқ аёл учун торт пишириш бўлди. Шу ният билан қилинган ҳаракат ва кучли ибодат раҳбар аёлнинг бу масиҳий қизга нисбатан салбий муносабатини енди ва қолган ойлар масиҳий қиз учун анча енгил ўтади. Албатта, ҳамма можароли ва зиддиятли вазиятлар шу каби осон ҳал қилинмайди. Лекин биз ҳар қандай низоли, можароли вазиятларни ҳал қилиш мумкин эканлигига ишонишимиз керак, чунки Исо Масиҳ — бутун мавжудоднинг Ҳукмдоридир.

IV. ЗИДДИЯТ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАСЛАҲАТЛАР

A. Можарони қандай қабул қилиш керак

1. Шахсий хоҳишистакларингиз ҳақида мулоҳаза қилинг.

Можароли вазияда ўзимизнинг шахсий муносабатимизни, бу вазият бўйича шахсий фикрларимизни тушунишимиз жуда муҳимдир. Ўйлаб кўринг, сизнинг ҳаракатларингиз асосида мағурурлик ётибдими ёки севги ва бошқалар учун хизмат қилиш истагими? Сизнинг мотивларингиз ҳеч қачон бенуқсон тоза бўлмайди, лекин ўзингизнинг муаммоларингизни англаб етишингиз ва Худодан, можарони бошқа ким биландир муҳокама қилишдан аввал ўзингизнинг камчилик ва муаммолингизни кўрсатишини сўрашингиз жуда муҳимдир. Ҳазрати Исонинг чўп ва хода ҳақидаги сўзларини эсланг (Мт.7:3-5).

2. Можароли вазиятни тўлиқ тушунамиз деб олдиндан ўйламанг

Тахмин қилиш — мажарони ҳал қилишдаги энг катта тўсиқлардан биридир. Мен ҳамма нарсани биламан деб, ҳеч қачон олдиндан ўйламанг; ва ҳеч қачон можаро ҳақида фақат бир томондан эшитиш билан чегараланманг. Сиз фақат бир нарсани тахмин қилишингиз мумкин — сиз ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтган барча воқеа-ҳодисаларни тўлиқ билмайсиз, ва сиз учун барча нарсани аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Ўзгаларни тинглай олиш ва керакли саволларни бера олиш, бу хизмат учун ўта муҳимдир.

Мисол: Европада ташкил қилинаётган жамоатларнинг бирида якшанба кунги топиниш хизматидан сал олдин маълум бўладики, жамоатдаги проектор жойида йўқ, қаергадир йўқолган. Ҳамма уни ўғирлаб кетишган, деб ўйлашади. Бунинг оқибатида бутун мусиқали қисмни ўзгартиришга тўғри келади ва йиғилишнинг бошланиши кечикади. Ниҳоят жамоатнинг бир аъзоси проекторни кўтариб келди. Табиийки, раҳбарлар проекторни шу киши сўрамасдан олган деб тахмин қиладилар ва уни етарлича қўполлик билан уришадилар. Лекин кейинроқ маълум бўладики, ўша проекторни шу бинода жойлашган бошқа миссиянинг хизматчилари олган эканлар ва ўzlари ноқулай ахволга тушиб қолмаслик учун, у кишига праекторни олиб боришни илтимос қилган эканлар.

3. Ўзингиздан бошланг.

Агар сиз билан бошқа бир одам ўртасида муаммо пайдо бўлса, бошиданоқ “балки мен уни қандайдир ҳафа қилиб қўйгандирман” деб тахмин қилганингиз яхши. Агар сиз Хушхабарни тўғри тушунсангиз, унда сиз ўзингизни мана шундай тахминдан ортиқ қўймаслигингиз керак. Бу сизга зиддиятли вазиятни тўғрилаш учун ўша одамни айнан қандай қилиб ҳафа қилиб қўйганингизни тушунишингизга ёрдам беради. Можаронинг чуқур (негиз) сабабларини аниқланг. Афсуски, одатда одамлар фақат юзаки, кўриниб турган томони билан чегараланиб қоладилар. Мисол учун, биз бирор киши ҳақида, унинг орқасидан ғийбат қилдик, ва буни у одамга етказишиди, энди эса унинг биздан жаҳли чиқаяпти. Кўриниб турган томони шундаки, балки биз кимнингдир нотўғри айтган сўзларини тақрорлаб ғийбат қилгандирмиз. Лекин чуқур, ҳақиқий муаммо — у кишининг ҳалол эканига шубҳаланишингизга ундовчи сизнинг шу кишига бўлган муносабатингиз. Айнан мана шу муносабат билан курашиш керак. Балки сиз бу кишига нисбатан ҳасад қилганингиз учун ва уни қандайдир маҳсус мансабдан маҳрум қилиш истаги билан у ҳақида ғийбат қилишни бошлагандирсиз. Бундай вазиятда яна ҳасадгўйлик билан курашишингиз, буни эътироф этиб тавба қилишингиз керак.

4. Одам ҳақида қандай ижобий нарсаларни айтишингиз мумкин бўлса, суҳбатни ана шулардан бошланг

Одамга унинг қандайдир хатосини кўрсатишини хоҳласангиз, гапни, сиз шу одам ҳақида қандай ижобий нарсаларни айтишингиз мумкин бўлса, ана шулардан бошлаган маъқул. Ҳар бир одамнинг қандайдир яхши томонлари бўлади, ва сиз у одамнинг ўша ижобий ҳаракатлари ёки сифатлари ҳақида гапириб, ўз танбеҳингизни мувозанатда сақлашингиз мумкин. Самимий айтилган, яхши сўзлар, юракни кувонтиради (Ҳик.15:30; 25:11).

Б. Бошқалардан танқидни қандай қабул қилиш керак

1. Танқидга объектив (холисона) муносабатда бўлинг

Танқид яхши ва ёмон, фойдали ва заарарли бўлади. Танқидни дарров юракка яқин олиш керак эмас. “Уни олдингизда ушлаб туринг” ва уни таҳлил қилиб кўринг, ҳақиқатлигини текширинг. Одатда, ҳар қандай танқидда ҳақиқат уруғлари бўлади. Фойдали қисмларини танлаб олинг, ўзингизнинг ҳаётингизда қўлланг, қолганини ташлаб юборинг.

2. Тасдиқларни олмагунча, танқидни юрагингизга яқын қабул қилманг

Танқидий мұлоқазага жиддий муносабатда бўлишдан олдин, унга бошқа одамларнинг муносабатини аниқланг. Ўзингиз ишонган одамлардан сўранг, улар сизнинг ҳаракатларингизни шундай баҳоланишига розимилар?

3. Танқидий мұлоқазларни мана бу ҳолатдан келиб чиқиб эшитинг: “Яхшиям улар ҳали ҲАММАСИНИ билмайдилар!”

Хушхабарни тушиниш танқидни енгилроқ кўтаришга ёрдам беради. Биз биламизки, ҳар биримизнинг ҳаётимиз Исо Масихда ва биз ҳаммамиз – “гуноҳкорлармиз”. Бошқаларда ва ўзимизда гуноҳни кўриш — биз учун қандайдир одатдан ташқари нарса бўла олмайди. Баъзида бизнинг гуноҳларимиз бошқаларни қандай ҳафа қилаётганини ва яралаётганини кўриш қийин, лекин уларни англашимиз ва эътироф этиб, тавба қилишимизнинг ўзи Исо Масихни фақат янада қўпроқ улуғлади, ва биз айнан мана шуни хоҳлаймиз. Хушхабар айтадики, танқид биз учун ўлим келтирмайди ва у кутилмаган бўлиши керак эмас. Танқид — бизга Исо Масих берадиган илоҳий иноятда үсіш воситасидир. Биз учун асосий нарса — шу воситадан тўғри фойдаланиш.

САВОЛЛАР

- Нима учун одамлар, одат бўйича, бошқалар билан муносабатларни ойдинлаштириб олишни ва вужудга келган вазиятни таҳлил қилишни уччалик исташмайди?
- Сизнинг ҳаётингизда кимdir сиз билан муносабатини ойдинлаштириб олганми ва бу сизга ҳақиқий барокат олиб келганми?
- Масихдаги биродарларингиз билан муносабатларингизни (вазиятларни) ойдинлаштириб олишни рад қилишингиз уларга қандай заарлар келтириши мумкин?
- Сиз бу жараённи (муносабатларни ойдинлаштириб олиш, очиқчасига гаплашиб олиш, вужудга келган вазиятни таҳлил қилиш жараёни) енгиллаштириш учун нима қила оласиз?
- Сизга берилган танбехларни қабул қилишни енгиллаштириш учун нималар қила оласиз?

ТОПШИРИҚ

Куйидаги машқ сизга шахсий муносабатлардаги можароли вазиятларни ҳал қилиш бўйича амалий тажрибаларга эга бўлишингизда ёрдам беради:

- 1 Ўзингизнинг одамлар билан ўзаро муносабатларингизни таҳлил қилинг ва ўйлаб кўрингчи, улар орасида сиз ҳафа қилганлар ёки сизни ҳафа қилганлар борми?
- 2 Можаронинг чукур сабабларини (муаммонинг илдизини) аниқланг ва уларни ечишга ҳаракат қилинг.
- 3 Ўрталарингизда вужудга келган низони ҳал қилиш ва ярашишга эришиш мақсадида ўша одам (лар) билан гаплашишга ҳаракат қилинг.

Рұхий үсиш

2 Дарс

Миссионернинг бенуқсон ҳаёти

*Пул, жинсий муносабат, ҳокимият:
васвасаларни енгиш*

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади — жамоатлар ташкил қилувчиларни пул, жинсий муносабат ва ҳокимиятта нисбатан нотұғри муносабатда бўлиш оқибатида осонгина шайтоннинг тўрига тушиб қолмаслик учун, улар Худонинг берган барча бойлик ва инъомларидан фойдаланишда эҳтиёткор бўлишлари кераклигига ишонтириш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:

- Раббимиз берган бойлик ва инъомлардан роҳатлана олмаслигимиз учун бизнинг олдимизга шайтон қўядиган баъзи қопқонлар ҳақида билиши керак;
- Дунё энг кўп алдайдиган соҳаларда бенуқсонликни сақлаш мақсадида фаол тақводорликнинг асосий принципларини билиши керак;

Дарс режаси:

- I. Пул, жинсий муносабат, ҳокимият
- II. Тақводорликнинг умумий принциплари
- III. Бенуқсонсиз ҳаётнинг афзаллилари
- IV. Бенуқсон ҳаёт қурбонлик талаб қиласи

Ўқитувчиларга тавсиялар:

Дарсни тушунтириш жараёнида кўпинча йўл қўйиладиган кенг тарқалган бир хатолик мавжуд — биз яшаётган жамиятнинг жуда кўп сонли хатоларини батафсил муҳокама қилишга киришиб кетиш, ёки замонавий дунёда тарқалган ёвузликка қарши қаратилган ваъз айтиш. Булар фақат сизни мақсаддан четга чиқаради холос. Биз ўз давримизда мавжуд бўлган барча муаммоларни яхши биламиз, лекин шунчаки билишнинг ўзи етарли эмас, муаммоларни ҳал қилиш лозим. Дарсни, Муқаддас Китоб ҳамда шахсий ҳаётингиздан ижобий наъмуналар келтириш билан олиб боринг.

СЎЗ БОШИ

Инглизча “integrity” сўзи, яъни бенуқсонлик, ҳаллоллик, тозалик, бузилмаган каби маъноларни билдирувчи сўз, лотинча “integritas” сўзидан келиб чиққан, бу сўзниң маъноси эса: “бутунлик”, “мукаммаллик”, “тўлиқ”. Ушбу “integer” сўзининг негизи “ ифлосланмаган, бузилмаган, бутун, тўла” каби маъноларни билдиради. Бу дегани, мана шу фазилатларга эга бўлган инсон қатъиятли, носохта, самимий бўлади. Қизиги шуки, Эски Аҳдда одатда “бенуқсонлик” деб таржима қилинадиган ибронийча сўз (*тоум*), “бутун, тўла, солиҳ, аҳлоқий соғлом” каби маъноларга эга. Муқаддас Китоб контекстида бу сўз гаплари ва ҳаракатлари Каломда келтирилган Худонинг мезонларига тўғри келувчи одамни тасвирлайди. Бенуқсон одам — бу гапида ва ишида Исо Масих, каби бўлган одамдир.

Шайтон унчалик зўр ихтирочи эмас. Масихийликнинг энг қаттиқ йиқилишларига қаранг: уларнинг энг кўпи пул, жинсий муносабатлар ёки бўлмаса ҳокимият сабабли содир бўлган. Худо Ўз фарзандларига уларнинг барокати учун ажойиб инъомларни берган, лекин бизнинг гуноҳқор табиатимиз, худбинлигимиз ва танавий ҳузур-ҳаловатларга бўлган интилишимиз кўпинча бу инъомлардан нотұғри фойдаланишимизга олиб қелади. Лекин, шунга қарамай, агар биз Худони улуғлашга интилсак, унда бизнинг моддий бойликларимиз ҳам,

таббий жинсий алоқалар ҳам, бошқаларга таъсир күрсатиши мүмкін — хуллас буларнинг барчаси Худонинг Шоҳлигини кенгайтириш иши учун яхшилик бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Люцифер учун, одам, фаришталардан паст қилинган ўша одам (Ибр.7:6,7) уни ҳукм қилишда иштирок этишини англаб етиш жуда қийин бўлса керак. Бизни васвасага солувчи ўша маккор, маънавий бенуқсонлигимизни тушунишимизда бизни иккиланишимизни хоҳлади. Қачонлардир Худонинг шон-шуҳратини эгаламоқчи бўлган ўша исёнкор фаришта, биз ташкил қилишда иштирок этаётган жамоатлардан янграйдиган ҳамду-сано ва топинишлардан Уни маҳрум қилишга ҳалигача уринмоқда. Жамоатлар раҳбарияти — бу зарба бериш учун ҳар доим яхши нишондир. Имонимиз душмани бизнинг пок номимизни ва обрўйимизни барбод қилишга ва бизни бошқарувдан четлатишга ҳар доим уринади. Бунинг учун у, ҳар доимгидек, пул, жинсий муносабатлар ва ҳокимит орқали йўлдан оздирувчи васвасаларни таклиф қиласи.

Жамоат ташкил қилувчиларнинг ҳаёти хизматнинг чуқурлигига ва ўлчовларига бевосита таъсир кўрсатади; жамоат ташкил қилувчиларнинг ҳаётларидан Хушхабарни қабул қилинган, имонда тарбияланган, хизмат учун тайёргарликдан ўтган одамлар ўрнак оладилар. Жамоатлар ташкил қилувчиларнинг обрў-эътибори ташкил қилинган жамоаларнинг кейинги ривожига ҳамда анча катта миқёсдаги, минтақавий ва миллий ҳаракатларнинг ривожига катта таъсир кўрсатади. Биз ожизмиз, бироқ бизда мавжуд бўлган Зот, дунёнинг ҳокимидан минг чандон кучлидир (1Юҳ. 4:4).

I. ПУЛ, ЖИНСИЙ МУНОСАБАР, ҲОКИМЯТ

A. Бизнинг мулкимиз

Биз фақат пул ҳақида эмас, балки ҳар қандай мулкчилик, ҳам шахсий ва ҳам жамоат маблағлари тўғрисида гапирамиз.

1. Огоҳлантириш

Азалда инсониятга бутун ер юзига эгалик қилиш ва уни бошқариш топширилган эди; Яратувчи ҳаммасини Ўз ижоди маҳсули бўлмиш одамзодга берди (Иbt. 1:28-30). Биз Худонинг садоқатли бошқарувчилари сифатида мулкка эгалик қилишимиз ва ундан фойдаланишимиз керак. Бизга пуллар, ҳар хил мулклар ва бошқа ресурслар беришган ва Худо бизнинг булардан донолик билан фойдаланишимизни кутади. Қийини шундаки, биздаги бор нарсаларни ҳамиша етарли ҳисобламаймиз, ва шу билан Худонинг донишмандлигига ўзимизда шубҳа уйғотамиз. Муқаддас Китобда пулпастликни барча ёмонликнинг томири дейилади (1Тим. 6:10). Ўзганикини ўзиники қилиб олиш истаги, ҳасад, очкўзлик ва бошқа гуноҳлар одамни ўзига тортаверади. Муқаддас Китобда бошқа ҳар қандай масаладан кўра, хатто нажот мавзусидан ҳам кўра пул ҳақида кўпроқ эслатмалар мавжуд эканлигига ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади. Бизнинг Нажоткоримиз одамзоднинг муаммоларини тушунади ва бойлик кетидан кувиш ҳафвали экани ҳақида жуда кўп огоҳлантиришлар беради. Худо одамга мулкни эзгулик учун берди (ва бизнинг мулкимиз ҳам эзгулик учун хизмат қилиши МУМКИН), лекин биз кўпинча шайтонга бу эзгуликдан ёвузлик йўлида фойдаланишига имкон берамиз.

2. Приоритет

Қачонки ҳазрати Исо сахрова бўлганидан, У дуч келган биринчи васваса моддий эҳтиёж билан боғлиқ эди (Мт. 4:1-11). Тошни нонга айлантириш таклифига Раббимизнинг жавоби: “инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқсан ҳар бир сўз билан яшайди” деган сўзлар бўлди. Биз еб-ичишини, пулларни ва бойлик ортиришни ҳаётимизнинг мазмуни қилмаслигимиз лозим. Бу ҳавфдан узоқ бўлишга ёрдам берадиган восита — Худонинг Сўзини ҳар доим ўрганиш ва амалда қўллашдир. Ўз моддий эҳтиёжларимизни таъминлаш, шубҳасиз ҳаётимизнинг мухим қисмидир — шогирдлар балиқ овлаганлар ва шу орқали ўзларига егулик ва пул топганлар, ҳазрати Исо ўз шогирдларига солиқларни тўлаш кераклигини айтади, биринчи масиҳийлар умумий мулкка эга эдилар. Бизнинг юрагимиз, бойлигимиз қаерда бўлса у ҳам ўша ерда бўлади. Хўш, шундан кейин баъзи масиҳийларнинг

юраклари совуқ эканлигига, қимматбақо, лекин ушлаб күрсанғыз мутлақо совуқ эканига ҳайрон қолиши керакмикан?!

“...мәхнаткаш үз мәхнатига яраша тақдирланмоққа муносибдір” (Лк. 10:7), ва “кім үз қавму-қариндошлары, хусусан оила аязолари ҳақида ғамхүрлик құлмаса, ... имонсиздан ҳам баттар ҳисобланаді” (1Тим. 5:8). Инжилдан бізга маълум бўлган воқеадаги ўша Луқо “бошлиқлардан бири” деб атаган одам, балки ўзини шу принциплар бўйича яшаяпман деб ҳисоблагандир (Лк.18:18-30). Лекин, ҳазрати Исо унинг абадий ҳаёт тўғрисидаги саволига жавоб бериб, унга нимага эга бўлса ҳаммасини сотишни ва пулинни камбағалларга бўлиб беришини айтади. “Бошлиқ” эса бундай қиломас эди — мулк, бойлик унинг ҳаётида биринчи ўринда турарди ва шунинг учун унинг приоритетлари бошқа нарслар эди.

Ҳаётимиздаги бирор нарсага биринчи даражали муҳимлікни бериш, бизда бор бўлган ҳамма нарса Худога тегишли экани ҳақидаги фактга асосланиши керак. Биз қиммат бақо өвазига сотиб олинганимиз ва энди биз ўзимизга тегишли эмасмиз. Ўнликлар ва хайр-эҳсонлар — бу Худога тегишли бўлган нарсаларнинг бир қисмини Унинг хизмати учун беришнинг фақат воситалари холос. Шунга қарамай, ҳар биримиз, айниқса жамоат раҳбарлари, бизга ишониб топширилган пуллар, ҳар қандай мулк кўриниши ва бошқа ресурсларга нисбатан Худонинг садоқатли бошқарувчилари бўлишимиз керак. Масихийлик хизматида, маълум бир мақсад учун ажратилган маблағларни, кўпинча бошқа нарсалар учун ишлатишга тўғри келади. Доно бошқарувчи бундай вазиятларда маблағни берганлар билан ва бу маблағ учун жавобгар бўлган бошқа одамлар билан албатта маслаҳатлашади. Бунда бошқарув принципларини қўллаш, маблағларнинг кам ёки кўплигига боғлиқ бўлмаслиги керак. Шундай қилиб, янги лидерларга бақо беришда қўйдаги оят жуда яхши ўлчов бўлиши мумкин: “...Сен кичик ишда ҳам содиқ бўлганинг учун, энди сени катта ишларга муносиб кўраман”(Мт. 25:21).

Б. Жинсий поклик

Одамлар жинсий томондан бир-бирларидан фарқ қиласидилар ва бизни шундай яратгани учун биз Худодан миннадор бўлишимиз керак; эркаклар ва аёллар бир-бирларидан фарқ қиласидилар ва шу билан бирга улар бир-бирлари учун яратилганлар. Биз мулоқот учун яратилган эканмиз, демак Худо бизнинг Масиҳдаги ўзаро муносабатларимиз: эр-хотин, ота ва қиз, эркак ва аёл орасидаги муносабатлар қандай бўлиши кераклигиги ҳақида кўрсатмалар бергани мантиққа тўла мос келади. Ўзаро муносабатлар қилишга майилнинг бўлиши — табиий, чунки бундай майил — Худо ижодининг бир қисмидир. Биз Худо яратган барча нарсаларнинг фақат бошқарувчиларимиз холос.

1. Огоҳлантириши

Адан боғида Одам Ато ва Момо Ҳаво яланғоч юрар эдилар. Улар бир-биридан ҳам Худодан ҳам уялмас эдилар; уларнинг жинсий фарқланиши Худонинг ажойиб режасининг бир қисми эди. Худонинг хоҳиши бўйича, хотинни эркакдан олиб яратилган ва ажойиб кўринишдаги эркак учун ёрдамчи эди. Бироқ, дунёга гуноҳ кириб келганда, у туфайли пайдо бўлган кўрқув ва айборлик хисси, Одам Ато ва момо Ҳавони биринчи навбатда, ўзларининг жинсий фарқларини беркитишга ундаш бўлди. “Шу онда икковининг кўзлари очилиб, яланғоч эканликларини пайқадилар” (Ибт.3:7) — бу Худонинг ажойиб режаси бузилганини билдиради эди. Худо одамларга турли хил даражада муносабат қилиш имкониятини берган ва бу ўзаро муносабатларни рағбатлантиради, лекин бунда У бу муносабатларнинг принципларини кўрсатиб берган ва уларнинг энг маҳфийлари (интимные) ўзаро баҳшидаликтининг энг юқори даражаси билан бирга содир бўлишини талаб қиласиди. Масихий лидерлар ҳам шаҳвоний ҳисларга берилишлари мумкин. Одам, ўзининг ўжарлиги билан, ҳамма нарсани Худодан кўра яхшироқ биламан деб ўйлади, шахсий ҳузурланиш учун ўзига тегишли бўлмгана нарслардан фойдаланиш ва билиш мақсадида анжир баргларини ўйламасдан туриб узиб олаверади. Лекин Худо ҳақоратланмайди; Унинг йўлилари ҳар доим мукаммал бўлади.

2. Приоритет

Агар ҳазрати Исо шайтоннинг дунёнинг бутун салтанатини бериш ҳақидаги васвасига берилганида, Уни гедонизмда — шахсий ҳузур-ҳаловатини мутлақо ҳаётий мақсадга айлантириш гуноҳида айблаш мумкин бўларди. Масих, “ўзингга ёқкан ишни қилгин”, деган ақидани рад этди ва Муқаддас Китобдан шу оятни келтиради: “Йўқол кўзимдан, шайтон!

Чунки Тавротда: “Раббинг Худовандга сажда қил, биргина Үнга итоатда бўл” (Мт. 4:10). Биз, жамоат ташкил қилувчилар, мақсадни ҳаракатта келтирувчи лидерлармиз. Биз мақсадимизни аниқ биламиз ва қайси йўлдан боришни ҳам биламиз ва айнан шунинг шарофати билан биз ишда ташаббускор бўлишимиз керак, шароит қийин бўлса ҳам ҳаракат қилиш лозим. Бу бенуқсонлигимизни, покизалагимизни сақлашга ҳам таълуқли — биз атайлаб енгилтаклик, шошма-шошарликдан узоқроқ юрамиз ва “васвасалардан қочамиз”. Юсуфни эсланг. У бой отанинг севимли ўғли бўлиб ҳам, шунингдек мусофири юртда кул бўлиб ҳам Худога садоқатли бўлиб, Унинг мезонлари бўйича яшади. Юсуф гуноҳга берилмади.

Жинсий муносабатлар соҳасида бизнинг муносабатларимиз содик масиҳий даражада бўлиб қолиши учун, биз қарама-қарши жинсдаги одмларга Исо Масиҳ каби муносабатда бўлишимиз керак — уларга ҳурмат-иззат кўрсатишимиш лозим. Муносабатларимиз мулоҳазали, онгли ва “етти марта ўйлаб, бир кесилган” қарорлар асосида бўлиши керак. Ҳар қандай муносабатда ва айниқса жинсий муносабатда ҳурмат-иззат қилиш — бу иноятнинг инъомидир. Ҳурмат, эътибор кўрсатиб, ўзингизга яқин одам сиз учун ҳақиқатдан ҳам қадрли эканини кўрсатасиз. Ҳурмат-икром кўрсатиш — одамнинг ишига қараб эмас, балки унга бўлган ҳис-туйғуларимиздан келиб чиқиб кўрсатган ёки бизга кўрсатилган иззатдир. Эфесликларга мактубининг 5 бобида Масиҳ Жамоатга қандай муносабатда бўлган бўлса, биз ҳам аёлларимизга худди шундай муносабатда бўлишимиз — уларга ҳурмат-икром кўрсатишимиш кераклиги айтилади. Шуни қўшимча қилиш керакки, биз ҳурмат ва иззатни ҳамма қарама-қарши жинс вакилларига кўрсатишимиш лозим.

Кўпчилик одамлар ўзгаларни уларнинг шахсий фазилат-сифатларига қараб баҳолайдилар. Эр-хотиннинг бир-бирига садоқати — ҳар қандай эркак ёки аёл характеристининг энг муқаддас имтиҳонидир. Никоҳнининг энг яхши ҳимояси — ўзаро муносабатларни севги асосида қуришдир. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Муқаддас Китобнинг кўрсатмаси фақат никоҳда бўлган одамларга таълуқли эмас, чунки ҳар қандай жамоат ташкил қилувчи — хоҳ у оиласи бўлсин, хоҳ ёлғиз, барибир бу соҳадаги васвасага учраши мумкин.

B. Обрў ва ҳолат

Раҳбар ва лидер бўлиб, шу тариқа обрў-эътиборга эга бўлган биз масиҳийлар у ёки бу тарзда барибир одамларга таъсир кўрсатамиш. Бу таъсирнинг сабаби — ҳокимият. Афсуски, биз бу ҳокимиятдан ўзимизнинг маънфатимиз учун фойдаланамизми ёки бошқаларнинг маънфати учунми, буни бизнинг мағрурлигимиз белгилаб беради. Ҳокимият ёвуз куч ёки меҳрибон донишманд бўлиши мумкин. Биз, жамоат ташкил қилувчилар, бизнинг ҳокимиятимиз Худонинг қурратли қуроли бўлишини ва У бу қурол орқали одамларга Унинг иродаси бўйича ўзгаришларига ёрдам беришини хоҳлаймиз.

1. Огоҳлантириш

1986 йил Дювальєр, Гаитининг диктатори Кариб оролларини тарк этганда, учта фуқаро ва битта ҳарбий амалдор демократия асосида сайлов ўтказиш ниятида эканликларини ва бу сайловгача эса улар ҳокимиятни ўzlари бошқариб туришларини эълон қилишади. Давлат органларининг коорупциясига оид бунданда ёрқинроқ мисолни топиш қийин бўлса ажаб эмас. Атиги бир неча ойдан кейин, улардан бири, ҳар доим камтарона кийинадиган, зиёли ва юмшоқ фъельли бўлган армия генерали қўпол, сурбет ва ўзбошимча диктаторга айланади. Унинг омма олдида пайдо бўлиши ҳар доим унга янада кўпроқ орден, медаллар ва мукофотлар бериш билан ўтар эди, унинг башараси эса ҳар доим шунчалк қовоғи солинган ҳолатда бўлар эдик, натижада унинг юз тузилиши қисқа вақтда бутунлай ўз ифодасини ўзгартиради. Ҳокимият ва коорупция бирлашиб, янги ҳокимият ҳаётининг мазмунига айланди, ўз обрўси ва ҳолатидан озодлик ва адолат учун фойдаланиш ўрнига, такаббурлик ва очқўзлик қурбони бўлдилар.

Хушхабар айтиш, мураббийлик ва лидерлар тайёрлаш билан машғул бўлиб, ҳар бир жамоат ташкил қилувчи, албатта одамларнинг ҳаётига Худонинг иродасига кўра ижобий ўзгаришлар киритишига умид қиласи. Токи биз раҳбар, лидер бўлар эканмиз, унда қандайдир ҳокимиятга эга бўлмаслигимиз мумкин эмас. Лекин ҳокимият — жуда ўтқир устарадир; у Масиҳга хизмат қилишнинг янги йўлларини очиб бериши мумкин, ёки бўлмаса, аҳлоқан бузилиб шахсий манфаат учун хизмат қилиши мумкин. Рухсат этилган чегаралардан чиқиб кетган ва ўзига билдирилган ишончдан ўз манфаати ва мағрурлиги учун фойдаланадиган лидер учун, ҳокимият ҳамиша хавф туғдиради.

2. Приоритет

Раббимизнинг ердаги Ўз хизматининг дастлабки вақтида шайтон Уни бир неча марта васвасага солади. Маъбад тепасидан Ўзини ташлашини ва Отаси Уни қутқариш учун фаришталарини юборадими, йўқми, шуни текшириб кўришни таклиф қилиб, шайтон ҳазрати Исога имонни рад этиб, Ўзининг шахсий кучи орқали ҳаракат қилишини таклиф қилади. Агар ҳазрати Исо Масиҳ ҳам имонсизлик қилиб гуноҳ қилганда, Хоч ҳам, нажот ҳам бўлмас эди. Ўзбилармонлик ва ўз кучига ишониш, гарчи баъзан тез кўринадиган натижаларни берса ҳам, лекин улар аслида фойдасиз ва хатто бузғунчидир. Масиҳ Худонинг Каломи билан жавоб берди. Биз, жамоат ташкил қилувчилар, кўпинча худди шундай васвасага дучор бўламиз — ўз кучимизга ишониб ҳаракат қилишга, бир онлик фойдани қидирамиз. Лекин, лидерлик ҳақидати бизнинг тасаввуримиз, бу дунёда мавжуд бўлган тушунчадан тубдан фарқ қилиши керак. Ҳокимиятдан Муқаддас Китоб бўйича фойдаланиш Масиҳ каби раҳбар бўлиш нима эканлигини тушунишга олиб боради, ва шунингдек, мана шундай лидер бўлишимизга ёрдам беради. (5-Кўлланманинг “Лидерлик” мавзуси, 2-дарсига қаранг.)

Агар жамоат ташкил қилувчи ўз хизматининг Худо берган тасаввурига эга бўлса, ўзи интилаётган натижаларни доим ёдда сақласа, унда у Худога умид қилишда ва Унга таянишда ҳам доим ўсиб боради. Фақат Унинг кучи бизга бу ниятни рўёбга чиқаришимизга имконият беради. Ва қачонки биз, лидерлар, ўз орқамидан жуда кўп сонли одамларни эргаштирас эканмиз, шуни унумаслигимиз керакки, биринчи навбатда биз, ўзимиз, шунингдек биз эргаштираётган одамлар Масиҳга итоат қилмоғимиз керак. Одамлар ҳокимиятга бўлган ўз истакларини қондириш учун ёки алоҳида одамларнинг шуҳратини ошириш учун яратилмаганлар. Айнан шунинг учун, жамоатлар ташкил қилиб, биз маъсулият ва жавобгарликларни тақсимлашимиз ва бир-биrimizga жуда боғлиқ эканимизни ва хизматнинг барча йўналишларида бир-биrimizга ҳисоб беришимиз кераклигини рағбатлантиришимиз лозим.

II. ТАҚВОДОРЛИКНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Биз “аввало Осмон Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайидан” бўлишимиз керак (Мт. 6:33). Токи энг боши ўз жойини эгалламас экан, иккинчи тоифа ҳеч қачон бўлмайди. Мўъжизавий яхшилик қилувчилар йўқ экан, табиийлари ҳам йўқолади. Худонинг иноятисиз биз ҳеч қандай яхшилик қила олмаймиз. Севгисиз эса адолат ёвузылкка айланади. Умидсиз мардлик – худди беҳуда афсусдек. Имонсиз донишмандлик эса Худонинг кўзи олдида нодонликка айланади. Иккита даража, табиий ва ғайритабиий, бир бирига ўзаро боғлиқдир (Крифт 72-73 бетлар).

Васвасалар келиши муқаррар, лекин биз умидсизланмаслигимиз керак — уларни енгиш мумкин. Биз Худонинг Каломидаги бу ҳақдаги ваъдаларининг ҳақиқатлигига суюнган ҳолда вассасаларни енгиб, ҳам масиҳийлар, ҳам имонга келмаган бошқа одамлар учун қудратли гувоҳлик бўла оламиз. Келинг Масиҳдан ўрнак олайлик, “У бизлар каби ҳар томондан вассасага солинган, лекин гуноҳ қилмаган”(Ибр. 4:15).

Кўпчилик учун руҳий тушкунликлардан энг яхши ҳимоя ва далда олиш воситаси — бу ўзаро ҳисоб беришдир. Биз ўзимизга яқин бўлганларга, атрофимиздаги дўстларимизга ёки ҳамкасларимизга ҳисобот беришимиз мумкин. Шундай гуруҳлар борки, у ерда бўладиган мулоқот, ибодат, Муқаддас Китобни ўрганиш билан бир қаторда ўзаро ҳисобот беришнинг шу каби системаси йўлга қўйилган, бу ҳам яхши натижаларни беряти. Баъзи одамлар ўзаро ҳисобот беришнинг расмий структурасини маъкул кўришса, бошқлари анча эркинроқ бўлган шаклни қўллашади, лекин принцип ўша-ўша: “бир кишидан кўра икки кишига яхшироқ ...” (Еккл. 4:9,10). Ўзаро ҳисобот бизга покликнинг ва тақводорликнинг энг юқори даражаси учун курашда янада яхшироқ тайёргарликка эга бўлишимизда ёрдам беради.

Пойгода ким биринчи бўлиб марра чизиғини босиб ўтса ўша ютади. Кўпчилик лидерлар яхши бошлашади, лекин озчилиги муваффақиятли якунлайди, чунки кўпчиликда матонат ва чидамлик етишмайди. Муқаддас Китоб бунга кўп мисоллар келтиради. Келинг, фақат ғалаба қозониш учун ишлайлик. Биз Аюбнинг ҳаётини мисол тариқасида эслашимиз ва шунга асосланган ҳолда, атрофимиздаги вазиятлардан қаддимизни кўтариб келажакка қарашимиз мумкин. “Лекин У менинг йўлимни билади; майли мени синаб кўрсин, - олтин каби тоза бўлиб чиқаман”(Аюб. 23:10). Шундай матонатли ва чидамли бўламиз, агар:

- Агар тұлық ички бенуқсонликка интилсак. “Шунинг учун ҳар бир оғирилкни, айниқса ҳадеб бизни пойлаб турған гуноҳни бир четта улоқтириб, тақдиримиздаги мусобақада сабртоқат билан чопайлик” (Ибр. 12:1).
- **Доимийликка** интилсак ва бунда имонимизнинг Илғори ва уни камолга етказувчи Исо Масихға құз тиксак. (Ибр. 12:2)
- **Хизмат қилиш** учун имконият қидиришга интилсак, бунда “хамма билан тинч-тотув яшаш ва муқаддас бўлишга” ҳаракат қылсак ва “ҳеч ким Худо иноятидан қуруқ қолмаслиги учун” доим кузатиб юрсак (Ибр. 12:14-15).
- **Умид билан олдинга** интилсак ва ўткинчи эмас, балки боқий подшоҳликка мұяссар бўлишимиз учун Худодан миннатдор бўлиб, Унга хос эҳтиром ва кўрқув билан хизмат қылсак (Ибр. 12:28).

III. БЕНУҚСОН ҲАЁТНИНГ АФЗАЛЛИГИ

A. Тинчликдаги ҳаёт

Қачонки одамнинг қилган иш-ҳаракатлари қалbidаги ишончига тўғри келса, у тинчлик топади. “Рұхий тушқунлик” деб аталмиш ҳолат, кўпинча фақатгина диёнат, тақводорлик йўлидан чиққанимиз оқибатида юз беради.

B. Тартибга солинган ҳаёт

Шахсий тартиб-интизомсиз яхши лидер бўлиш мумкин эмас. Бенуқсонлик ва тақводорлик бизнинг ҳаётимиздаги ҳар бир соҳанинг пойдевори бўлиши керак. Маънавий бенуқсонлигига ҳавф келтираётган КАТТА муаммо устидан ғалаба қилиш учун етарлича шахсий тартиб-интизомга эга бўлган миссионер учун, ҳаётининг бошқа соҳаларидаги муаммолар устидан ғалаба қилиши осон бўлади.

B. Издошларнинг ҳурмати

Яхши миссионер шуни тушунадики, ҳурмат ва обрў-эътибор, фақатгина одамлар пок ва тақводорликка тўла ҳаётни кўрганларидағина пайдо бўлади. Маънавий поклик – хизматнинг узоқ йўлидаги хизматдошларига (издошларига ҳам) бўлган ҳурматни сақлаш калитидир.

Г. Яхши мерос

Жамоат ташкил қилувчинининг тақводор ва диёнатлилиги ҳақидаги хотира, кўпинча унинг тириклик пайтида қилган хизматларидан кўра, ўлимидан кейин ҳам кўпроқ натижалар келтиради.

IV. БЕНУҚСОН ҲАЁТ ҚУРБОНЛИК ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Жамоат асосчилари уйланганми ёки бўйдоқми, ёлғиз ўзлари ишлайдиларми ёки гуруҳ биланми бенуқсон ва пок ҳаёт йўлини қийинчиликсиз топадилар деб ҳисоблаш нотўғридир. Баъзи бир энг кучли синовлар шундай синовлар бўлиши мумкин, улар ёрдамида Исо Масих бизнинг характеримизни ўзгартириши, уни янада мукаммал қилиши мумкин, токи биз У ҳақда ва Унинг најжот йўли ҳақида янада яхшироқ гувоҳлик беришимиз учун. У билан алоқада бўлиб, Унинг ҳар доим биз билан бирга бўлиши, ва бизга куч-қувват бериши ҳақидаги ваъдаларига таянишимиз мумкин. Лекин ташки мұваффақият биз учун кафолатланмаган. Заккейнинг олдинги бойлиги қайтиб келдими, ёки йўқми, бу ноъмалум (Лк. 19:8). Пўтифарнинг хотинига рад жавобини берган Юсуф ҳам тухматга қолиб умрини узоқ вақт турмада ўтказган (Ибт. 39:19-20). Довуд Шоулни, “Худо томонидан мойланган”ни ўлдириб, ҳокимиятни эгаллаш имкониятини рад этиб, ундан қочиб горларда яшириниб юрди (1Шоҳ. 24).

Балки, сиз ҳам тақводорликни унугиб қўйиб, энди эса қандайдир гуноҳ хукмронлиги остидададирсиз. Унутманг ростгўйлик — қимматли ва жуда фойдали фазилатдир. Келинг, Худонинг Сўзларига амал қилиб, бизга доғ тушираётган гуноҳимизни эътироф этиб, тавба қиласайлик (Иб 12:1). Худо эса содиқ ва солихдир, ва У бизнинг гуноҳларимизни кечиради. Шунга қарамай, бизда тўланмаган қарзларимиз, тузалмаган яраларимиз, одамлар билан тикланмаган муносабатларимиз ҳали ҳам қолган бўлиши мумкин. Келинг ўз ўтмишимизга жавобгарлик билан муносабатда бўлайлик, лекин бунда кечаги нарсларга ўзингизнинг бугунги

ва әртанғи Худога итоаткорлигингизни белгилаб беришіга йўл қўйманг. Ҳозирги дақиқадан бошлаб ва келажакда бизнинг маънавий бенуқсонлигимиз ва поклигимиз ўз раҳбарлигимизнинг ажралиб турувчи, ажойиб хусусиятлари бўлиб қолишига ҳаракат қилишимиз мумкин, ва шунда жамоатлар ташкил қилиш хизмати ўз хизматчиларининг бенуқсон характеристерининг барча барокатларига эга бўлади.

ХУЛОСА

Жамоат ташкил қилувчи биродарлар — келинг алданмайлик. Балки биз Нуҳга ўхшамасмиз, лекин дунё ҳали ҳам масихийлар устидан куляпти, имонга келмаган одамлар эса ўз гуноҳлари билан мақтанишпти. Бизнинг давримизда, дунёнинг аҳлоқи ўз рулини (поклик ва солиҳлик мезонлари йўқолган) йўқотган кемага ўхшайди, ундан ҳам баттари, бу кеманинг гурӯҳи йўлни билмайди (мутлоқ ҳақиқат мавжудлигини рад қиласди). Биз билан сиз эса кутқарув миссиясини амалга оширишга даъават қилинганмиз ва бу иш учун танлаб олинганмиз. Бу миссияни амалга ошириш учун эса, авваломбор биз ўзимиз Масиҳнинг характеристеридан ўrnak олиб баркамоликка ва аҳлоқий бенуқсонлик ва покликка эга бўлишимиз керак. Худонинг Сўзи, Муқаддас Китоб биз учун йўлни кўрсатувчи харитадир. Маҳаллий жамоатлар — нур ва туз манбайдир ва улардан фойдаланиб, Худо бутун жамиятни аҳлоқий поклик ва тақводорликка йўналтиради. Хушхабарни тарқатиш хизматини бажарувичи Масиҳнинг ҳар бир издоши, гуноҳкор одамларни Худо билан — бу дегани, бир-бирлари билан ярашишга чақириши керак.

Жамоат ташкил қилувчи — сен Худонинг ер юзида амалга оширадиган буюк режасининг бир қисми бўлиш учун танлаб олингансан ва даъават қилингансан. Кимга тегишли эканингни унутма ва шунга хос хизмат қил. Маънавий бенуқсонлик, бутунлик ва бузилмаганлик, миссионер учун — бу ҳаётй мухим заруриятдир.

САВОЛЛАР

- Шахсий маънавий йиқилиш хизматга қандай таъсир этади? Агар одам бошқа бир хизматчининг гуноҳини билса нима қилиши керак?
- Агар биз бирор соҳада осонгина васвасага берилиб гуноҳ қилиб қўядиган бўлсақ, бу соҳадаги заифлигимиз бошқа соҳаларда ҳам гуноҳ қилишимизга сабаб бўлиши мумкинми? Бир соҳадаги бенуқсонлигимиз ҳаётдаги бошқа соҳаларда келадиган вассасалардан қандай химоя қилиши мумкин?
- Қандай қилиб бир-биrimiz олдида ҳисобот беришимиш тақводор ҳаёт тарзимизни ривожлантиришга ва шундай ҳаёт кечиришимизга олиб боради?
- Жамиятнинг аҳлоқий нормалари ҳар доим ўзгариб туришини ва бу бизга ҳам ўз таъсирини кўрсатишини ҳисобга олиб, биз ўзимизнинг масиҳий қадриятларимиз чегараларидан чиқиб кетмаслигимиз учун қандай амалий қадамлар қўйишимиз мумкин?
- Биз, асосан, пул, жинсий муносабатлар ва ҳокимият соҳаларига оид вассасалар ҳақида гапирдик. Булар ва бенуқсон, тақводор ҳаётнинг бошқа соҳалари — ростгўйлик, содиқлик, ўртамиёналик, ўзини бошқариш, донолик, кувониш, қатъийлик ва сабр-тоқатлилик ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган боғлиқликлар ҳақида ўйлаб кўринг.

ТОПШИРИҚ

- Турмуш ўртоғингиздан ва/ёки бир-иккита яқин дўстларингиздан маънавий бенуқсонлик бўйича камчилигингиз бор бўлган бир соҳани айтишларини сўранг?
- Улардан билғанларингиз (ёки ўзингиз ўтказган текширишлардан сўнг Худо сизга очиб берган камчиликлар) бўйича ибодат қилинг ва камчиликларга эга бўлган ҳар бир соҳада баркамол ва бенуқсон бўлишга ҳаракат қилиш учун аниқ руҳий машқлар режасини тузинг. Балки бу муаммо сиз тушунмаган гуноҳга таалуқлидир. Унда ҳаётингизнинг бу аниқ соҳасидаги ички ўзгаришлар атрофдагилар учун ҳали кўринмаган бўлиши табиий.
- Ўз режангиздан камида икки ҳафта мобайнида фойдаланинг. У жуда қийин бўлмаслиги, лекин аниқ бўлиши керак.
- Агар оилали бўлсангиз турмуш ўртоғингизга, ва бир нечта яқин дўстларингизга сиз нима қиланингиз ва бу вақтгача нималарни ўрганганингиз ҳақида сўзлаб беринг.
- Юқорида санаб ўтилганларни, бу дарсдан кейин, уч ой мобайнида бажаришни давом этинг.

4 Қисм: Уй гурұхлари

Уй гурухлари

1 Дарс

Мавжуд бўлган жамоатларда уй гурухларининг хизмати

Дарснинг мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — айни вақтда мавжуд бўлган жамоатларда уй гурухлари хизматини қандай режалаштириш ва амалга ошириш кераклигини тушунтириш.

Кутилаётган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Уй гурухлари ҳозирда мавжуд бўлган жамоатни қўйидаги соҳаларда мустаҳкамлаши мумкинлигини тушуниши керак: мулоқотда, устозликда, Хушхабар айтиш ва лидерларни тайёрлашда;
- Унинг ҳозирда мавжуд бўлган жамоати хизматига уй гурухлари кўрсатиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсиrlар ҳақида мулоҳаза юритиши керак;
- Ҳозирда мавжуд бўлган жамоатдаги уй гурухларининг хизматини режалаштириш ва амалга ошириш учун зарур бўлган қадамларни тушуниши керак;
- Ҳозирда мавжуд бўлган жамоатда уй гурухларининг хизматини бошлаш учун энг содда режани тузишни билиши керак.

Дарс режаси:

- I. Баҳолаш
- II. Хизматни режалаштириш ва бошлаш

СЎЗ БОШИ

Ниятлари кўпайишга йўналтирилган жамоатлар уй гурухларидан янги “қиз” жамоатларини ташкил қилиш, шунингдек ўз ҳаётига ўсиш ва янгиликлар киритишида фойдаланишлари мумкин. Мулоқот, устозлик ва Хушхабар айтиш, яъни жамоат вазифаларининг кўпчилиги, уй гурухларида табиий ва яхши тарзда амалга ошади. Бу гурухлар — мавжуд бўлган жамоат янги “қиз” жамоатлар барпо қилиш учун муҳтож бўлган қурилиш ғишиларидир. Албатта, уй гурухлари — янги жамоаларни яратишнинг ягона йўли эканлигига шубҳа йўқ, лекин шу билан бирга бу мавжуд бўлган жамоатларни янгилашнинг ва янги маҳаллий жамоатлар ташкил қилишнинг жуда самарали усулидир.

Уй гурухлари мавжуд бўлган жамоатларни янгилашда самарали деб айтиб, нимани назарда тутяпмиз? Биринчидан — улар бундай жамоатларнинг аъзоларига ўзаро муносабатларни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашларига ёрдам беради. Одамлар вақтларини бир-бирлари билан қанча кўп бирга ўтказгандарни сари, улар бир-бирлари ҳақида яна ва яна кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Улар бир-бирлари билан ўзларининг қувончларини ва қайғуларини, умидларини ва қўрқувларини бўлиша бошлайдилар; орадан маълум бир вақт ўтгандан кейин улар Муқаддас Китобнинг бир-бирингларни севинглар (Юҳ. 13:34–35) ва бир-бирингизнинг оғирликларингизга ёрдамлашинглар (Гал. 6:2) деган амрини бажаришга қодир бўладилар.

Иккинчидан, уй гурухларининг хизматида қатнашиб, жамоат аъзолари ўзларининг руҳий инъомларини қандай аниқлашни ўрганишлари ва кейин уларни жамоат маънфати учун ривожлантиришлари ва қўллашлари мумкин. Агар илгари жамоат ишларининг катта қисмини

жамоатнинг фақатгина бир нечта лидерлари ўз зиммаларига олишган бўлса (кўпинча улар мутлақо иш билан банд бўлиб қолишади), эндиликда эса жамоатнинг кўпроқ ва кўпроқ аъзолари устозлик, шогирдлик, тарбия ва Хушхабар тарқатиш хизматига кўшилишлари мумкин бўлади. Бундай гурухлар жамоат аъзолари орасидан янги лидерларнинг пайдо бўлишига ва ривожланишига ёрдам беради. Уй гурхларида амалий тарзда доим амалга ошириладиган Хушхабар айтиш натижасида эса, жамоатнинг аъзолари сони жиҳатидан ўсиши содир бўлади.

Шунингдек, таъкидлаб ўтиш зарурки, вужудга келиб ултурган структурага киритиладиган ҳар қандай янги ўзгартириш каби, уй гурухларидан фойдаланиш одамлар учун одат бўлиб қолган жамоат бошқаруви, хизмати ва ўзаро муносабатлари динамикасини ўзгартиради. Жамоат лидерлари бу хизматга жиддий муносабатда бўлишлари ва унда фаол ўринни эгаллашлари керак. Жамоатда уй гурухларининг хизматини бошлашдан аввал, баъзи муҳим саволларни ибодат билан ўйлаш ва муҳокама қилиш зарур. Агар жамоатда бундай гурухларнинг иши бўйича бир қарорга келинган бўлса, жамоат лидерлари режа ишлаб чиқишилари ва шундан сўнг, Муқаддас Рухнинг бошқаруви остида бу режани ўзларининг маҳаллий жамоаларида амалга оширишлари керак.

I. БАҲОЛАШ

Ҳозирда мавжуд бўлган жамоатга уй гурухларининг хизматини киритишдан аввал, баъзи бир вазият ва ҳолатларни баҳолаб кўриш зарур. Бу дарсда биз, оддий бўлиши учун, кўриб чиқиладиган ҳар бир вазиятда, уй гурухлари билан ишлашда тажрибага эга бўлган жамоат ташкил қилувчи, бу тажрибаларини ўзининг бутун жамоати билан бўлишишни хоҳлайди, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун у биринчи навбатда, жамоат раҳбарияти билан биргаликда уй гурухларининг асосий принципларини, уларнинг афзалликлари ва камчиликларини муҳокма қилиб олиши керак, чунки бу нарса жамоат хизматининг бу қўринишини қабул қиласидими ёки йўқми, деган масала бўйича қарор қабул қилишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Муҳокамада қўйидаги масалаларга батафсил тўхталиб ўтиш керак:

A. Ният (Мақсад)

Раҳбарлар ўз жамоатларига нисбатан қандай ниятга эгалар? Уй гурухларидан бу ниятни қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқаришда фойдаланишнинг иложи борми? Биз биламизки, гурухлар хизматининг анча катта миқёсдаги турлари учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Агар, гурухларда Хушхабар айтиш ва ўсиш содир бўлади, деб ҳисобласак, унда булардан хизматнинг умумий стратегиясида қандай фойдаланиш мумкин? Жамоат шахсий сон жиҳатдан ўсишга интиляптими ёки у “қиз” жамоатларини ташкил қилишни хоҳлайдими? Балки у бошқа шаҳар ва қишлоқларга миссионерларни хизматга юборишни хоҳлар? Жамоат раҳбарияти хизмат ниятини бир шаклга солиши (қисқа ва лўнда қилиб ифода қилиш) ва уй гурухларининг стратегиясини, уларнинг жамоатнинг умумий ниятидаги ролини белгилаши керак.

Б. Бу хизматга муносабат

Мавжуд бўлган жамоатда уй гурухлари хизматининг муваффақиятини ёки барбод бўлишини аниқлаб берадиган муҳим омилларидан бири — бу унга нисбатан раҳбариятнинг муносабатидир. Раҳбарият уй гурухлари хизматининг мақсадини, вазифасини ва афзалликларини тушуниши керак. Раҳбарият, уй гурухлари — бу одамлар Муқаддас Китобни ўрганиш учун мунтазам йиғиладиган шунчаки бир кичик гуруҳ эмаслигини англаб етиши керак. Тўғри, Муқаддас Китобни ўрганиш уй гурухларининг йиғилишларида албатта бўлади, лекин бу — бу хизматнинг энг бош мақсади эмас, фақат бу хизматнинг таркибидаги бир вазифа. Уй гурухлари хизматининг энг бош мақсади — одамларга Исо Танасининг барча вазифаларини бажаришда бевосита амалий тажрибаларни бериш: Худога топиниш, имонлиларга насиҳат бериш ва тарбиялаш, имонга келмаганларга Хушхабар айтиш. Жамоат раҳбарлари уй гурухларининг бу мақсадларини қабул қилишга ва қўллаб-қувватлашга тайёрми? Уй гурухлари хизмати олиб келиши мумкин бўлган жамоат структурасидаги ўзгаришларга раҳбарлар

тайёрми? Бу ерда жамоат раҳбарияти томонидан маълум бир ўзгарувчанлик ва мослашув талаб қилинади, хўш, раҳбарлар уни намоён қилишга тайёрми?

В. Ҳозирда мавжуд бўлган хизматлар

Жамоатда уй гурухларидан фойдаланиш Хушхабар айтиш, устозлик ва лидерларни тайёрлаш хизматига самарали таъсир кўрсатади. Уй гурухларининг хизмати жамоатда олдиндан мавжуд бўлган бошқа хизматларга қай тарзда таъсир кўрсатишини яхшилаб, синчиклаб ўйлаб кўриш керак. Баъзан уй гурухлари хизматнинг бошқа йўналишларига фақат ёрдам берадилар холос. Бироқ, шундай ҳам бўладики, гурухлар “рақобатлашишни” ёки аввалдан мавжуд бўлган хизматларга халақит беришни бошлайди. Ва яна шундай ҳам бўлиши мумкинки, уй гурухлари хизматни олдинги структурадан кўра яхшироқ бажаради. Мисол учун, жамоатда Хушхабар айтишнинг ягона усули анъанавий тарзда катта миёсдаги Хушхабар тарқатиш тадбирларини ўтказиш эди, гарчи у кам самарали бўлса ҳам. Уй гурухлари пайдо бўлганидан кейин, гурух аъзоларининг ўртоқлари ва танишлари орқали Хушхабар етказиш жуда яхши натижалар олиб кела бошлади. Бундай вазиятда илгаридан мавжуд бўлган Хушхабар етказиш хизмати ёки унинг лидери уй гурухлари томонидан “ҳавф”ни ҳис қилиши мумкин, бу эса одатий хизмат (“ҳар доим шундай қилган”) тарафдорлари ва уй гурухлари ўртасида муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Жамоатдаги ҳар бир хизматнинг раҳбари билан уй гурухларидан фойдаланишни муҳокама қилинг ва уларнинг бу хизматга нисбатан нуқтий назарлари ва муносбатларини билинг. Потенциал зиддиятли соҳалар мавжудми? Агар уй гурухлари хизмати киритилса аввалдан мавжуд бўлган қайси хизматлар (масалан, устозлик хизмати) ўзгаради ёки тутатилади? Бу саволларга жавоблар уй гурухларининг жамоатдаги хизматларини бошлашларидан бевосита олдин олиниши керак.

Г. Анъаналар ва янгилик киритиш ўртасидаги қарама-қаршилик

Мавжуд бўлган жамоатдаги баъзи одамларга уй гурухлари концепцияси ғалати туюлиши ва хатто қўркувга солиши ҳам мумкин. Улар бу хизматни киритилишига қаршилик қилишлари мумкин, айниқса, агар улар гуруҳида ишлаш бўйича ҳеч қандай тажрибага эга бўлмасалар. Баъзан одамлар уй гурухларининг хизматига шу сабабдан қаршилик қилишадики, улар ўтмишда шунга ўхшаш гуруҳда ишлашган ва бу тажриба муваффақиятсиз бўлган — гурух самарасиз ишлаган бўлади. Жамоат аъзолари гурух хизматининг концепциясини тушунишлари ва улардан жамоатда фойдаланишнинг афзаллilikлари ва устунликларини кўришлари учун вақт ва эътибор ажратиш, маълум куч ва ҳаракатларни сарф қилиш керак бўлади.

Гуруҳда Хушхабар айтишнинг асосий принципи бўлмиш — дўстлар ва танишлар орқали Хушхабар тарқатиш, жамоатнинг баъзи бир аъзолари учун қийин бўлиши мумкин. Агар жамоатда илгари бундай тарзда Хушхабар тарқатиш мавжуд бўлмаган бўлса, агар кўпчилик одамлар Хушхабар айтишни бошқача қабул қиласалар ёки агар уларга имонга келмаган одамлар билан ўзаро муносабат қилиш фикри шунчаки ёқмаса, бундай одамларга уй гурухларининг, яъни Хушхабар айтишнинг улар учун нотаниш бўлган кўриниши биринчи ўринда турадиган гурухларларнинг зарурлиги ҳақидаги ғояни қабул қилиш жуда қийин бўлади.

Д. Жой

Жамоатда нечта гурухлар пайдо бўлгани аҳамиятга эга эмас, ҳар бир гурухга ўзларининг ҳар ҳафта бўладиган йиғилишлари учун маълум бир жой керак. Баъзи мамлакатларда йиғилишларни уйларда ва квартиralарда ўтказиш маданий нормаларга ва анъаналарга тўла мувофиқ ва муаммо туғдирмайди. Лекин, бундай бўлмаган вилоятларда, йиғилишни ўтказиш учун жойни танлаш катта муаммо бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда жамоат раҳбарияти дастлабки гурухлар айнан қаерда йиғилиш ўтказишлари ҳақида бошданоқ бир қарорга келиши керак. Бу савол уй гурухлари хизматининг бевосита бошланишидан аввал ҳал қилиниши керак, токи гурухлар кўпайиш учун тайёр бўлишганда, бу савол улар учун кутилмаган муаммо бўлмасин.

E. Раҳбарлик

Жамоат раҳбарияти энг бошидан, ким етарли қобилияtlарга эга ва ким биринчи уй гурухларига раҳбарлик қилини ҳал қилиши керак (қаранг: З-Қўлланма, “Уй гурухлар” мавзуси, З-дарс “Уй гурухларининг янги раҳбарларини тайёrlаш”). Бу одамлар олдиндан муносиб тайёргарликдан ўтишлари керак ва бу таълим жараёнига бизнинг курсимиздаги “Уй гурухлари”, “Лидерлик”, ва “Муқаддас Китобни ўрганиш усуслари” мавзулари бўйича берилган дарсларни киритиш мумкин. Курснинг бошқа дарсларидан раҳбарликка номзод бўлган кишиларнинг шахсий эҳтиёjlари ва тажрибаларидан келиб чиқиб фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, дастлабки уй гурухлари ташкил қилиниши вақтидан бошлаб, уй гурухлари раҳбарларига устозлик қилиш структурасини режалаштириш ва шакллантириш керак. Бир одамни уй гурухлари раҳбарларининг устози этиб тайинлаш керак, токи у раҳбарлар билан, камида ойда икки марта учрашсин, уларга доимий амалий ёрдамларни ва қўллаб-куватлашни амалга оширсин. Бунинг учун устоз “лидерлар” уй гурухини ташкил қилиши мумкин.

Эсда туting, сизнинг жамоатингизда қанча раҳбарлар мавжуд бўлса, шунча гурух ташкил қилишингиз мумкин. Баъзи жамоаларда раҳбарият бутун жамоат аъзоларини гурухларга бўлишга қарор қиласди, бошқа жамоаларда — хизматнинг бундай қўринишига қизиқиш билдирган одамлардан бошлашади. Янги гурухларга барча хоҳловчиларни очиқча таклиф қиласидан жамоат, агар барча гурухлар учун раҳбарлар етишмаса қийин ахволда қолиши мумкин.

Мазкур барча саволларни, уй гурухларининг хизматини жамоатда йўлга қўйишдан бошлаб ҳисобга олиш керак. Раҳбарият ўз жамоатида уй гурухларидан фойдаланишининг имкониятлари ва истиқболини муҳокама қилганидан кейин, бу хизматни бошлаш керакми, ёки йўқми, бу ҳақда ибодат қилиш учун маълум бир вақт ажратилиши керак. Бу жуда муҳим пайт, чунки уй гурухларини ташкил қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш, ўзи билан бирга жамоат ҳаётида чуқур ўзгаришларни олиб келади ва шунинг учун бу ишга юзаки муносабатда бўлиш керак эмас. Агар Муқаддас Рух жамоатда уй гурухларининг хизматини бошлаш зарурлигини тасдиқласа, жамоат раҳбарияти дастлабки гурухларини ташкил қилишни режалаштиришини бошлаши мумкин.

II. ХИЗМАТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БОШЛАШ

Уй гурухлари хизмати режаси, ҳар бир жамоатнинг ўзига хослигини (индивидуаллигини) намоён қилиб, ўзига хос ва ноёб бўлади. Лекин, шунга қарамай, мавжуд бўлган жамоатга уй гурухлари хизматини киритиш учун режалаштирилиши ва амалда бажарилиши керак бўлган баъзи бир умумий қадамлар мавжуд.

1-босқич: Уй гурухларини киритган хизмат ниятини ишлаб чиқиш

Чўпон(лар) ва жамоат раҳбарияти уй гурухлари хизматининг мақсадларини тушунишлари лозим. Яна улар уй гурухларининг вазифаларини ва уларнинг хизмати механизмини яхши тушунишлари керак. Улар уй гурухлари ҳақида билмайдиган одамларга, бу гурухларнинг афзалликларини тушунтириб бера олишлари керак. Улар ўз жамоатларида уй гурухлари хизматини ривожлантиришда ва қўллаб-куватлашда фаоллик билан ҳаракат қилишлари лозим.

Хизматнинг умумий стратегиясини ибодатда яхшилаб ўйлаб чиқиш зарур. Уй гурухлари жамоатнинг нияти ва мақсадлари билан қандай бирлаштирилади? Улардан фақатгина жамоатга устозлик хизматида ва унинг аъзолари сонини кўпайтиришда ёрдам бериш учун фойдаланиладими? Жамоатнинг битта ёки бир нечта “қиз” жамоатларни ташкил қилиш истаги борми? Жамоат миссионерлар гурухини бошқа вилоятларда уй гурухлари хизматини ташкил қилиш учун юборишга розими (ва шуни истайдими)? Умумий стратегия уй гурухлари билан уйғунликда ва биргаликда ҳаракат қилиб, уларнинг хизматини йўналтириши лозим.

2-босқич: Ўз жамоангизга ниятни беришни бошланг

Чўпон(лар) ва жамоат раҳбарияти жамоат аъзоларига уй гурухлари хизматининг ниятини беришни бошлайдилар, бундай гурухлардан жамоатда фойдаланишининг афзалликлари ҳақида гапирадилар. Улар бундай гурухлар жамоатнинг мақсадлари ва режаларини амалга

оширишда қандай ёрдам бериши мумкинлигини, улар жамоатни ва унинг хизматини қандай мустаҳкамлашлари мумкинлигини кўрсатиб беришлари керак. Шунингдек, уй гурухларининг афзаллик томонларини жамоатнинг ҳар бир аъзосига бирма-бир тушунтириб бериши керак.

3-босқич: Гурухларда раҳбарлик қиласидиган номзодларни танлаш ва уларни тайёрлаш

Жамоатдаги қайси одамлар гурухлар раҳбарлигига ярайди ва бу иш билан шуғуланишга қодирлар, шуларни аниқланг. Бундай одамларни танлаб олиб, уларга уй гурухларининг мақсадлари, афзалликлари, принциплари ва ҳок.ларни тушунтириб, уларга таълим беринг. Улардан гурухларнинг бирига раҳбарлик қилиш бўйича ибодат қилишларини ва ўйлаб кўришларини сўранг.

Уй гурухлари учун устозлар структураси бўйича бир қарорга келинг. Лидерларга устозлик қилишга жавобгар бўлган, камида, битта одам бўлиши керак, токи бўлажак раҳбарлар бу одамга ҳисобот беришсин, муаммолар пайдо бўлганда унга ёрдам сўраб мурожаат қила олишсин. Бундай устозликнинг шаклларидан бири — раҳбарликка номзод бўлганлардан тузилган “бошланғич” уй гуруҳини ташкил қилиш. Бундай гурух, жамоатда яна бир бошқа уй гурухлари ташкил қилинишидан аввал, бир неча ой мобайнида йиғилиб туриши керак. Бундай “лидерлар” гуруҳига, кейинчалик лидерлар гуруҳи учун устозлик хизматини бажарадиган одам раҳбарлик қилиши керак. “Лидерлар” гуруҳининг мунтазам йиғилиши дастлабки гурухлар ташкил қилинганидан кейин ҳам тўхтатилмаслиги керак (масалан, улар ойда бир марта йиғилишиб туришлари мумкин). Бу учрашувлар вақтида ўзаро фикр алмасиш, мулоқот қилиш, таълим олиш ва гурухларда пайдо бўлган муаммо ва саволларни муҳокам қилиш мумкин.

Уй гурухларининг бўлажак раҳбарларини хизматнинг барча соҳаларида тайёрланг. Улар, энг камида, бизнинг курсимиздаги “Уй гурухлари”, “Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари” ва “Лидерлик” мавзулари бўйича берилган дарсларни ўрганишлари керак.

4-босқич: Янги уй гурухларнинг ташкил топиши

“Лидерлар” гуруҳининг йиғилиши бошланганидан бир неча ой ўтганидан кейин бўлажак раҳбарлар ўзларининг гурухларини ташкил қилишни режалаштиришга киришишлари керак. Бунда улар, ҳар бир гурух қаерда йиғилишини (яъни қайси кунларда ва қайси вақтда) ва уларни ташкил қилиш қандай принцип асосида содир бўлишини аниқлаб олишлари керак (агар жамоатдаги одам гурух аъзоси бўлишни истаса, у қайси гурухга бориши керак?).

Ҳар бир гуруҳнинг энг биринчи йиғилишидан олдин яхши тайёргалик зарур (қаранг: 2-Қўлланма, “Уй гурухлари” мавзуси, 2 ва 3-дарслар: “Уй гурухларига раҳбарлик қилиш принциплари” ва “Уй гуруҳнинг ташкил қилиниши”). Уй гурухларининг устози уларнинг ҳар бирига гуруҳнинг энг биринчи, хизматнинг кейинги ривожи учун жуда муҳим бўлган йиғилишга тайёрланишида ёрдам бериши керак.

Янги уй гурухларининг иш бошлаш кунини олдиндан белгилаш ва бу ҳақда жамоатга олдиндан эълон қилиш жуда фойдали бўлиши мумкин, чунки бунда одамлар бу янги хизмат учун ибодат қилиш имкониятига эга бўладилар ва уни бошланишини кутадилар. Бу эса янги гурухларга нисбатан иштиёқ ва қизиқиш уйғотишга ёрдам беради.

5-босқич: Уй гурухлари хизматининг боришини баҳолаш ва зарурат бўлганда керакли ўзгартеришларни киритиш

Жамоат раҳбарияти вақти-вақти билан уй гурухлари хизматининг ривожланишини баҳолашлари керак. Хизматнинг ҳар қандай турида бўлгани каби, баъзида дастлабки режалар ва ғояларга ўзгартеришлар киритиш зарурати туғилади. Муқаддас Рухнинг бошқаруви учун доим очиқ бўлинг, гурухлар ва уларнинг раҳбарлари ҳақида доим ибодат қилинг, токи Худо улардан жамоатлар ташкил қилишда фойдалансин ва уларга жамоатнинг мақсадларини ва вазифаларини бажаришда иштирок этишларида ёрдам берсин.

САВОЛЛАР

- Мулоқот, устозлик, Хушхабар айтиш ва лидерларни тайёrlаш соҳаларида уй гурухларининг барча ижобий томонларини ва афзаликларини ҳисобга олиб, сиз нима деб ўйлайсиз, нима учун бундай гурухлар ҳар бир жамоатда мавжуд эмас?
- Фараз қиласиз, бир жамоат уй гурухларининг хизматини бошлашга қарор қилди. Бундай вазиятда илгаридан мавжуд бўлган устозлик ва Хушхабар айтиш хизмати билан уй гурухларидаги бу хизматлар ўртасидаги “рақобатдан” қандай қутулиш мумкин?
- Нима учун жамоатда уй гурухлари раҳбарлари учун устоз бўлиши муҳим? Унинг роли ва вазифалари нимадан иборат бўлиши керак?
- Бошқа ҳар қандай гурухларни ташкил қилишдан аввал “лидерлар” гурухини ташкил қилиш нимага керак? Жамоат раҳбариятининг бундай “лидерлар” гурухида иштирок этишининг афзалиги нимада?
- Мавжуд бўлган жамоатларнинг структурасида уй гурухларидан фойдаланишнинг умуний, асосий мақсади нимадан иборат?

ТОШИРИК

- Сиз “ўз жамоатим” деб ҳисоблаган жамоат ҳақида ўйланг. Унинг нияти қандай? У ўзининг олдига қандай мақсадларни қўйган? Бу мақсадларга эришиш учун уй гурухларидан фойдаланиш имконияти борми?
- Агар бу жамоатингизда уй гурухлари хизмати йўлга қўйилса қандай қийинчилик ёки муаммоларга дуч келиш мумкин?
- Бу жамоатингизда (ёки бошқа, сиз учун яхши таниш бўлган жамоатда) уй гурухларидан фойдаланишнинг қисқача режасини ёзиб чиқинг. Сиз бу режани амалда бажаришни нимадан бошлаган бўлардингиз?
- Ўйлаб кўринг, сизга таниш бўлган қайси жамоатлар агар уй гурухларининг хизматидан фойдалансалар яхши натижаларга эришган бўлардилар. Сиз бу жамоатларни мустаҳкамланиши ва ўз олдига қўйган мақсадларга эришишига ёрдам бериш учун, уй гурухлари хизматидан фойдаланишни қандай таклиф қилган бўлардингиз? Сиз уларга уй гурухлари хизматини бошлашларига ёрдам беришга тайёрмисиз? Бу ҳақда яхшилаб ўйлаб кўринг ва ибодат қилинг.

Уй гурухлар 2 Дарс

Уй гурухлари хизматини мувофиқлаштириш Уй гурухлари раҳбарларига ёрдам

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ҳар бир ўқувчини ўз уй гурухлари хизматини қўллаб—куватлаш, ривожлантириш ва мувофиқлаштириш учун бошқарув структурасини ишлаб чиқишига ундашдан иборат.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Уй гурухлари хизмат учун қандайдир бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи структура зарурлигини тушуниши керак;
- Бундай структурага киритилган ҳар бир одамнинг роли ва мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг ҳар бирининг уй гурухларининг ўсиши ва ривожланиши учун қўшган ҳиссасини билиши керак;
- Агар бундай структура мавжуд бўлмаса, унинг уй гурухлари хизматини мувофиқлаштирувчи қандайдир структурани вужудга келтиришнинг содда режасини ишлаб чиқиши керак.

Дарс режаси:

- I. Уй гурухлари хизматини бошқариш ва мувофиқлаштириш
- II. Уй гурухлари бошқарувини ташкил этиш
- III. Ўз уй гурухлари хизмати учун бошқарув структурасини танлаш

Илова:

2А “Уй гурухлари: Сўнгги қадам”.

Ўқитувчиларга тавсиялар:

“Топшириқлар” бўлимида, ўқувчилар 13А “Уй гурухлар: Сўнгги қадам” иловасини ўқиб чиқишилари керак, ҳамда ўз хизматлари учун бошқарув ва мувофиқлаштириш структурасини яратишнинг содда режасини тузишлари керак. Ушбу дарс — “Уй гурухлар” мавзуси бўйича сўнгги дарс бўлганлиги сабабли, режани сиз ёки бошқа устоз (ментор)– ўқитувчи текшириб чиқишига ишонч ҳосил қилинг.

СЎЗ БОШИ

Учта миссионердан иборат гурух (Фарҳод, Алишер ва Мансур) сўнгги уч йил ичидага аҳолиси 35.000 атрофида бўлган шаҳарда ишлаган. Улар бир неча уй гурухларини ташкил этгандар, бу гурухларининг баъзилари бир неча марта кўпайган. Гурухлар, инғилишлар ва тавба қилгандар сони бир қараща хизматнинг улкан муваффақияти ҳақида таассурот беради.

Шунга қарамай, гурухлар ўсиб, кўпайиб боргани сари Фарҳод, Алишер ва Мансур кўпроқ ва кўпроқ чалкашиб кетардилар. Уларнинг ҳар бирида янги етакчиларни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган ўз муаммолар ва саволлари бор эди, аммо маслаҳат берадиган ҳеч ким йўқ. Уларнинг ҳаммаси шунчалик бандки, ҳатто камдан–кам учрашадилар, хизмат уларни борган сари кўпроқ банд қиласиди, бунинг устига уларнинг ҳар бири ўзича, мустақил равища ҳаракат қиласиди. Иш фаолиятининг бошланишида Фарҳод уй гурухлари асосида бир неча янги жамоатлар ташкил қилиш ҳақида ниятга эга эди. Аммо сўнгги вақтда ҳаммалари хизматнинг муҳим муҳтожликлари билан шу қадар бандларки, бу тўғрисида ҳатто ҳеч ким эсламайди ҳам.

Уларнинг ҳеч бири янги гурухларнинг ўзлари қанчалик муаммоларга эга эканлигини хатто сезмайдилар ҳам. Бу муаммоларни ҳал қилишда уларга баъзи бир тажрибалироқ лидерлар ёрдам беришлари мумкин эди, бироқ ҳеч ким ҳеч қачон уларга бу муаммолар ҳақида гапирмаган, ёрдам сўраб мурожаат ҳам қилмаган. Иккита гурух битта шаҳарнинг битта туманида Хушхабар тарқатиш тадбирини ўтказиши режалаштирган, лекин улар бир бирларининг режаларини билмайдилар. Шаҳарнинг қолган қисми эса бунда Масих ҳақидаги ҳар қандай гувоҳликдан бенасиб қолмоқда. Фарҳод уй гурухлари ўсиб, кўпайиб бораётганидан хурсанд, аммо у биладики, агар мувофиқлашган ҳолда ҳаракат қилиш усулини топиш мумкин бўлганда, натижга янада кўпроқ бўлар эди.

Юқорида келтирилган воқеада Фарҳод англамаяпти, унинг уй гурухлари хизматида маъмурий бўғин (звено) етишмаяпти. Шаҳарда Хушхабарни тарқатиш ишларини ташкил этиб ва йўналтириб, уй гурухлари хизматини кимдир мувофиқлаштириши керак.

Афсуски, кўп одамларда “маъмурият” ва “маъмурий ишлар” (администрирование) сўзлари ҳолдан тойдирувчи қоғозбозлик ва чинакам муҳим бўлган ишларга ҳалақит берувчи бефойда чалғишилар билан боғлиқ тасаввур ўйғотади. Баъзан бу ҳокимиятни, мансабни ҳурмат этишни ва қаттиқ назоратни билдиради, имонлилар эса ўз хизматларида булардан имкон борича қочадилар. Шундай бўлса—да, яхши йўлга кўйилган маъмурий иш хизматга янада кўпроқ ҳосил келтириш имконини бериб, Худонинг воситаларидан энг яхши тарзда фойдаланишга ёрдам беради.

Маъмурийлаштириш уй гурухлари хизматининг муҳим аспекти ҳисобланади, бусиз уй гурухлари асосида жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини **мутлақо бошлап** мумкин эмас. Мувофиқлаштириш структураси кўринишидаги маъмурият — хизматнинг кенг ниятини қуришнинг зарурий компонентидир, айниқса уй гурухларининг ўсиши ва кўпайишининг охирги босқичларида.

II. УЙ ГУРУХЛАРИ ХИЗМАТИНИ БОШҚАРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Бошқарувчининг иши бошқаларнинг ҳаракатини мувофиқлаштиришдан иборат. У хамма нарсани сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун жавоб беради. Уй гурухлари хизматида бундай “бошқарувчилар” гурух раҳбарларига ёрдам бериш учун зарур. Бунда уларнинг роли “назорат” қилиш ва гурух раҳбарларини ҳамма нарсани улар айтгандек қилишга мажбур қилиш эмас, балки заруратга қараб, ҳар бир гурухнинг янада каттароқ мувваффақиятларга эришиши учун доно, амалий маслаҳат беришдир.

A. Бошқарувнинг муҳимлиги

Уй гурухларини бошқариш ва уларнинг хизматини мувофиқлаштириш, улар томондан бажарилаётган аниқ хизматнинг қандай бўлишидан қатъий назар муҳим аҳамият касб этади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

Мувофиқлаштириш (кооринация). Умумий бошқарув назоратида бўлган гурухлар маълум бир бошқарув, яъни алоҳида гурухларнинг фаолиятини умумий стратегияга мос тарзда мувофиқлаштирувчи структурага эга бўладилар. Гурухларнинг индивидуал хизматига қаршилик қилмаган ҳолда, у ҳаракатни шундай йўналишга соладики, токи уларнинг ҳар бири хизматнинг улканроқ умумий мақсадларига ўз ҳиссасини қўшсин. Бунда мувофиқлаштириш — шунчаки алоҳида уй гурухларида содир бўлаётганлардан кўра, анча кенгроқ “горизонтларни” кўриш қобилиятининг натижасидир.

Айтайлик, масалан, уй гурухлари маълум хизматининг умумий мақсади шаҳар ёки қишлоқнинг барча аҳолисига Хушхабар етказиш ва учта янги жамоат ташкил қилиш. Агар турли гурухлар ҳаракати мувофиқлаштирилган бўлса, бир—бирларининг йўлини тўсмаган ҳолда, улар шаҳар бўйича бир текис тарзда тақсимланган бўлиши мумкин. Шаҳарнинг мақсад учун танлаган ҳудудларида тадқикот ишлари ўтказилади ва ҳар бир уй гурухи ўз туманида “мажбуриятлар доираси”га эга бўлади. Шундай тарзда, вақти келиб уй гурухлари шаҳарнинг барча ҳудудида хушхабар тарқатишга мувваффақ бўладилар. Жамоатлар ташкил қилиш вақти етганда, гурухлар фаолиятинининг мувофиқлаштирилиши, гурухларни жамоатларга оқилона меъёрида бирлаштириш усулини танлаш имконини беради.

Рухий ёрдам. Бирон бир раҳбарлик ва мувофиқлаштириш структураси мавжуд бўлса, ҳар бир уй гурухи раҳбари саволлар, муаммолар ва қийинчиликлар юзасидан мурожаат

қилиши мумкин бўлган одамга эга бўлади. У лидерларга ташкилий равишда тажриба алмашишга ва тажрибалироқ раҳбарлардан ўрганишга имкон беради. Улар ўз қийинчиликлари билан яккана—якка қолмайдилар, ёрдам ва маслаҳат олиш имконини қўлга киритадилар.

Кўпинча, уй гурухларида шундай ҳолатлар юзага келадики, гурух раҳбари гурух аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб бериши учун доим хизмат қиласди—ю, лекин унга эса ҳеч ким хизмат қилмайди. Бошқарув ва мувофиқлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири — уй гурухлари раҳбарларининг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш ва эътибор кўрсатишдан иборат. Буни тадбиқ этишнинг амалий йўлларидан бири — “лидер” уй гуруҳини ташкил этишдир, бунда уй гурухи раҳбарлари йигиладилар, хизмат қилиш ва бир—бирларига хизмат обьекти бўлишни ўрганадилар.

Хисобот бериш. Ҳар бир уй гуруҳи ўз мақсадига эга бўлиши керак ва бу мақсадлар хизматнинг умумий бўлган мақсадларига эришишга ўз ҳиссасини қўшади. Уй гуруҳи раҳбарлари ўз гурухларининг бу мақсадларига эришиши учун кимнингдир олдида шахсан маъсул бўлишга эҳтиёж сезадилар. Вақт ўтиши билан у мақсадлар қайта баҳоланиши ва ўзгартирилиши мумкин. Бу айниқса янги гурухлар ва лидерлар учун жуда муҳим, бу уларга ибодат қилиш ва Худонинг уларнинг гуруҳи хусусидаги хоҳиш-иродасини ўйлашга ўргатади, токи кейинроқ гуруҳ олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйилсин. Маъсулиятни ҳис этадиган гуруҳ раҳбари, ўз хизмати бўйича юкори раҳбариятга ҳисоб беради, нимадир содир бўлишини “кутиб ўтирамайди”, балки унинг олдига Худо қўйган мақсадни амалга ошириш учун ўз гуруҳига фаол ёрдам кўрсатади.

Яхлитлик. Гурухлар хизматининг устувор томонларидан бири янги имонга келгандарни тарбиялаш ва уй гурухларининг ўзида лидерларни тайёрлаш учун яхши шароитдир. Афсуски, кўпинча етуклиknинг этишмаслиги ҳамда ҳаддан ортиқ интилиш бир-бирига қўшилганда хавфли “аралашмага” айланади. Уй гуруҳи йўлдан адашиши ва Муқаддас ёзувларни нотўғри талқин этиши ёки қўллаши мумкинлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи структура даврий равишда ҳар бир гуруҳда “текширувлар” ўтказиб туриши мумкин, бу эса ҳаддан ошиш, четга чиқиш ва хатто, бидъатчиликнинг ҳам ўсиб катта муаммога айланишига йўл қўймайди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган гуруҳ, Худо Сўзи ҳақида соҳта тушунчага эга бўлиб, уни нотўғри таълим беришгача бориши мумкин.

Б. Мувофиқлаштирувчи структура

Гурухлар хизматини бошқариш ва мувофиқлаштириш қай тарзда амалга оширилмасин, концепция ўзгармас бўлиб қолаверади: ўз гурухлари хизматини ривожлантириш ва аъзоларининг руҳий ўсишига интилаётган лидерларга ва уй гурухларига ёрдам бериш ва уларнинг ишини мувофиқлаштиришга ташкилий, структурални ёндашиш бўлиши керак.

Уй гуруҳининг ҳар бир раҳбари “устозга” муҳтождир, ва бундай одам уй гуруҳи хизматининг барча соҳаларида раҳбарга ёрдам беради. Мураббий гуруҳ ҳаракатларини бошқа уй гурухлари иши билан мувофиқлаштириши, зарур ҳолларда таълим ва амалий таклифлар бериши, қўйилган вазифа ва мақсадларнинг бажарилишини кузатиб бориши, лидер ва гуруҳ аъзоларининг билимлари ва руҳий тажрибалари ортишини назорат қилиши керак.

Одатда, уй гурухларини бошқариш структурасида икки хил даражадаги устозлар бўлади. Биринчи даражага бевосита уй гуруҳи раҳбарлари билан ишлайдиган *етакчилар* (мувофиқлаштирувчилар) киради. Иккинчи даражага мураббийлари, яъни *бош кординаторлар* (мувофиқлаштирувчилар) асосан, кординаторлар билан ишлайдилар. Улар ҳам булар ҳам ўз роли ва хизмат вазифаларига эгадирлар.

Келинг, бу икки даражадаги мураббийларнинг ҳар бирининг уй гуруҳи раҳбарлари ва хизматига қандай ёрдам беришини кўриб чиқамиз:

1. Етакчи (биринчи даржадаги)

Кординаторнинг вазифасига асосан уй гуруҳини раҳбарларини йўналтириш ва таълим бериш кириши сабабли, етакчиликка номзод шахс ўзи бир неча муддат бундай гуруҳга раҳбарлик қилиши керак. Уй гуруҳи раҳбарлари уларнинг хизмати мувваффақиятли бўлиши ва ҳосил келтиришини истасалар, мураббий зарурлигини ҳис қиласидилар. Қўйида етакчи уй гуруҳи раҳбарига ёрдам бериши зарур бўлган соҳалар келтирилган:

- Шахсий рухий ўсиши.
- Гурухда юзага келадиган муаммолар.
- Гурухларининг янги лидерларини тайёрлаш.
- Режалаштириш ва режаларни амалга ошириш.
- Хизматнинг амалий қўнималари.
- Кўллаб-қувватлаш ва ибодат.

Етакчи мунтазам равишда уй гуруҳи раҳбарлари билан учрашиб туриши керак. Бундай учрашувлар ҳар ҳафтада ёки ҳар ойда бир марта ўтиши мумкин. Бу вазиятга боғлиқ. Етакчи бу йиғилишларни норасмий учрашувлар тарзида ўtkазиши ёки “лидерлар” уй гуруҳини ташкил этиши мумкин. Бу учрашувлар давомида уй гуруҳи раҳбарлари саволлар берадилар, муаммоларни мухокама қиласидилар, ўзаро тажриба алмашадилар. Етакчи, шунингдек, уй гуруҳи раҳбарлари ва уларнинг оилалари билан шахсий учрашувга алоҳида эътибор бериш керак, тики уларни яхшироқ билиб олсин ҳамда ҳар бирларининг ҳаётида содир бўлаётган ҳодисаларни тушуниб етсин. Ўзаро мулоқот ва сұхбатлар учун норасмий учрашувлар ташкил қилиши керак, масалан, биргаликда тушлик қилиш, лидерни уйига чойга таклиф қилиш ва ҳ.к.

Уй гуруҳи раҳбари хизматининг энг мураккаб соҳаларидан бири – ёрдамчи тайёрлашдир. Кўпчилик янги раҳбарлар учун бўлажак лидерларни тарбиялаш – умуман янги иш, шу сабабли беҳисоб саволлар ва муаммолар туғилади. Етакчи маслаҳат бериши ва ўз амалий тажрибасидан фойдаланиб у ёки бу саволни ҳал қилишнинг энг яхши усулини таклиф этиши мумкин.

Етакчининг вазифасига, шунингдек, хизматнинг мақсад ва режаларини тузишда уй гуруҳи раҳбарларига ёрдам қўрсатиш, ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш киради. Бунга ҳар бир гуруҳнинг “жавобгарлик доирасини” аниқлаш ҳам киради, яъни етакчи уларга қаерда (географик жиҳатдан) хизмат қилишлари ва аҳолининг қайси қатламига хизмат қаратилишини тушунишларига ёрдам беради. Етакчи гуруҳ раҳбарига кўпайиш режасини тузишга ва уни ҳаётда амалга оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ҳар бир гуруҳ етакчиси ўз аъзоларининг руҳий ўсиши, Хушхабар тарқатиш ва бошқа ишлар борасида ўз шахсий режасига эга бўлиши даркор. Бу режаларни гуруҳ раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқиши ва аниқлик киритиш, ҳар бир уй гуруҳининг ўсиши ва муваффақиятли хизмат қилиши учун ниҳоятда мухимдир.

Етакчи, шунингдек, уй гуруҳи раҳбарларига доимий равишда таълим бериши ва уларни самарали хизматта тайёрлашни давом эттириши керак. У лидерларнинг ҳаёти ва хизматида пайдо бўладиган кундалик муаммоларига жавоб бўладиган материални ўргатишга интилиши зарур. Таълим олиш ва ўрганиш натижасида улар ўз муҳтожликларини ҳал қилишнинг амалий усусларини ва турли ҳолатларда қандай ҳаракат қилишни билиб олишлари керак.

Шунингдек, етакчи вақти–вақти билан уй гуруҳи йиғилишларига бориб туриши ҳам жуда фойдали, шу тарзда у гуруҳ ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Ҳар бир хизмат ўзига хос равишда ўтади, аммо етакчи ҳар бир гурухда нечта аъзо борлигини қанча меҳмонлар келганини, йиғилиш қаерда ўтаетганилигини ва ҳар бир лидер олдида ҳозирги вақтда қанча ечилмаган муаммолар борлигини ҳисобга олиб боради.

Етакчи гуруҳ раҳбарлари билан биргаликдаги ибодатга вақт ажратиши, шунингдек, улар тўғрисида ўзининг шахсий ибодати вақтида эслаб туриши керак. У доимо лидерларга ҳам хизматда, ҳам руҳий ўсишда ёрдам бериш имкониятларини излаши керак.

Етакчи ҳар бир лидер билан ишлаш учун қўп куч ва вақт сарф этиши туфайли у 4–5 дан ортиқ гурухга маъсул бўлмаслиги керак.

Г. Бош етакчи (иккинчи даражали)



Бош етакчининг роли оддий етакчининг вазифаларидан шу билан фарқланадики, у гуруҳ раҳбарлари билан бевосита боғлиқ эмас – у, асосан, етакчилар билан ишлайди. Бош етакчи уй гуруҳлари хизмати борасида, гуруҳ раҳбари, шунингдек, етакчи сифатида ҳам катта хизмат тажрибасига эга бўлмоғи керак. У етакчилар хизмати ва руҳий ўсишдаги муаммоларни ечишга ёрдам беради,

шунингдек, уй гурухлари хизматининг умумий йўналишини беради. Бosh етакчи етакчиларга устозлик қилиш вазифасини, ва шунингдек, етакчилар вазифаси бўлмиш — гурух раҳбарларига устозлик қилиш вазифаларини бажаради.

Бош етакчи етакчилар билан мунтазам учрашиб туриши (камидан ойда бир марта) керак. Бу учрашувлар давомида етакчилар ўзларига ҳисобот берадиган уй гуруҳиларининг эришган ютуқлари, камчиликлари ва фаолиятлари ҳақида гапирадилар. Маълумотларни сақлаш ва қайта кўриб чиқиши осонлаштириш мақсадида бош етакчи уй гуруҳилари бўйича ҳисоботнинг маълум бир шаблонини (наъмунасини) тузиши мумкин.

Бош етакчининг муҳим вазифаларидан бири — гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва режалаштириш қандай амалга оширилаётганини кузатиб боришдир. У доимо хизматнинг “кatta суратини” ни эсда саклаши керак, ҳар бир етакчи ўзига ҳисобот берувчи гуруҳларининг умумий хизматдаги ролини яхши тушунишларини кузатиб бориши керак. Масалан, бир шаҳарда уй гурухлари хизмати ўз олдига мақсад қўяди — маълум бир туманда иккита жамоат ташкил этиш. Икки етакчи ҳар бири ўз уй гурухи билан ишлайди, ва шу вақтнинг ўзида учинчи етакчи ўз гуруҳлари билан айнан мана шу туманда йиғилади. Бош етакчининг вазифаси — бошқа етакчиларга ушбу икки жамоатни ташкил қилиш учун барча уй гуруҳилари қандай қилиб биргаликда ишлашлари мумкинлигини ва бу мақсадга эришиш учун нималар қилиш кераклигини тушунишларига ёрдам беришдир.

Қачонки гуруҳларда ёки етакчилар ҳаётида муаммолар туғилса, уларнинг мураббийси (бош етакчи) бу муаммоларни тинглаш, улар ҳақида ибодат қилиш ва маслаҳат бериш учун ҳар доим вақт топиши керак. У мунтазам равишда етакчилар учун шунингдек, гуруҳларида вужудга келган муҳим эҳтиёжлар учун ибодат қилиши лозим.

Баъзи бир уй гуруҳлари хизматлари барча гуруҳлари аъзолари иштирокида анъанавий тарзда (масалан ойда 1 марта) улуғлаш, мулоқот қилиш ва/ёки Муқаддас Китобни биргаликда ўрганиш учун йиғилиб туришни ташкил қилишган. Бундай йиғилишлар баъзан “фестиваллар” ёки “байрамлар” деб аталади. Бундай тадбирларни ташкил этиш бош етакчи зиммасига тушади. Агар жамоатда ҳали бош етакчи бўлмаса, унда бу вазифани етакчилардан бирига юклаш ёки бундай учрашувларни навбатма-навбат ташкил қилиш мумкин.

III. УЙ ГУРУҲЛАРИ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Жамоатдаги уй гуруҳилари ишини бошқариш ва мувофиқлаштириш структурасининг шакли кўпинча уй гуруҳларини жисмоний босқичда ташкил этиш билан белгиланади. Қўйида уй гуруҳлари хизматидан фойдаланиш ва ҳар бир ҳолатда ишлатилиши мумкин бўлган, мувофиқлаштириш структуралари турларининг бир неча наъмуналар келтирилади.

1-мисол: бир неча уй гуруҳларидан анъанавий жамоат ташкил этиш

Бундай вазиятда аввал бир неча гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар ўсиб, кўпайиб борадилар. Уларнинг аъзолари маълум сонга етгач (масалан 50 киши) анъанавий структурали янги жамоат ташкил қилишга қарор қилинади. Унинг йиғилишлари қандайдир катта бинода ўтади, топиниш хизматлари мазкур маданият хусусиятларига мос ҳолда анъанавий тарзда ўтади. Бунда уй гуруҳлари хизматидан Хушхабар тарқатиши, мулоқот, устозлик ва жамоатнинг кейинги ўсишида фойдаланиш давом этади. Шунингдек, яна анъанавий “дастурлар”, яъни якшанба мактаби, аёллар хизмати, якшанба кунлари болалар хизмати кабилар пайдо бўлиши мумкин.

Воқеаларнинг бундай ривожида мувофиқлаштиручи структура жамоатнинг расман ташкил этилишидан анча аввалроқ керак бўлади. Бу мисолда, барча гуруҳларга умумий раҳбарлик қилиш ва лидерларга ўз куч-ҳаркатларини жамоат ташкил этиш учун бирлаштиришларига ёрдам бериш учун, камидан битта етакчи керак бўлади. Яна шу нарса қизиқки, жамоат расман ташкил этилгандан сўнг етакчи уй гуруҳилари учун маъсул бўлган хизматчи ёки оқсоқол деб аталиши мумкин.

2-мисол: бир неча уй гуруҳларидан уй жамоат ташкил қилиш

Уй жамоат анъанавий жамоатдан ўз биноси, якшанба кунлари мунтазам ўтказиладиган топиниш хизматлари йўқлиги, шунингдек, ўз олдига “дастурлар” ишлаб чиқиш ва уларни бажариш мақсадларини қўймаслиги билан фарқ қиласди. У гуруҳларининг ўзида ташкил топган бўлиб, бу гуруҳларнинг ҳар бирида жамоатнинг барча вазифалари (сувга чўмдириш ва нон

синдириш ҳам шулар жумласига киради) амалга оширилади. Мунтазам равища (масалан ойида бир марта) барча гурухлар умумий йиғилишга келадилар. Унинг мақсади — ўзаро қўллаб-қувватлаш, мулоқот, Худони улуғлаш ва Каломдан таълим бериш. Уй гурухлари ҳаракати кенг ривожланган вилоятларда умумий йиғилиш учун кенг заллар, хатто стадионлар зарур бўлади. Бунда барча уй гурухлари ўзларини ягона жамоатнинг бир қисми деб деб ҳисоблайдилар.

Кўп ҳолларда уй жамоатларининг бошқарув ва мувофиқлаштирув структураси содда, иерархик структурага эга бўлади. Ҳар бир беш гурух битта етакчига эга бўлади, ва ҳар беш етакчи устида эса бош етакчи туради. Агар гурухлари сони тез ўсиб борса, устозларнинг яна бир даражаси вужудга келиши мумкин, яъни улар бош етакчилар билан ишлайдилар. Уларни баъзан уй гурухлари хизматининг чўпонлари ёки оқсоқоллари деб атайдилар.

3-мисол: мавжуд бўлган жамоат уй гурухларидан фойдалана бошлайди

Баъзан шундай бўладики, аввалдан мавжуд жамоат уй гурухларидан мулоқот, Хушхабар тарқатиш ва устозлик хизматларида фойдалана бошлайди (“Уй гурухлари” мавзусининг 1-дарсига қаранг). Жамоатнинг мавжуд раҳбарияти жамоат аъзоларининг сони гурух раҳбари этиб тайинлаш мумкин бўлган одамлар сонидан келиб чиқиб, нечта уй гурухлари ташкил қилиш зарур/имкони борлиги ҳақида қарор қабул қилиши керак. Гурухлари ўсиб, кўпайиб бориш билан, жамоат катталаша бошлайди.

Одатда, бошқарув структураси, бундай вазиятда, етакчилар ва бош етакчилардан иборат бўлади. Хизматчилар ва оқсоқоллар етакчилар ролини бажаришлари мумкин ва бунда чўпон — бош етакчи бўлиши мақсадга мувофиқ. Гурухлари ўсиб кўпайиб боргани сайин, бу ролларни катта тажрибага эга бўлиб борган уй гурухи раҳбарлари эгаллайдилар.

4-мисол: бир неча гурухлар ўсади, кўпаяди ва мавжуд жамоатларни “боқади”

Уй гурухлари бевосита янги жамоатлар ташкил қилишлари шарт эмас. Уларнинг хизмати орқали мавжуд жамоатларни, яъни кейинчалик янги “қиз” жамоатларни ташкил қила оладиган жамоатларни мустаҳкамлаш амалда кераклироқ бўлиши мумкин. Уй гурухлари мавжуд жамоатлардан мустақил равища хизматни бошлайдилар. Йиғилишларга янги одамлар кела бошлаши билан, уларни бир вақтнинг ўзида ўша жойдаги маҳаллий жамоатларнинг бирига ҳам боришини рағбатлантириш керак. Кўпинча, бундай пайтда улар ҳам гурухда қоладилар, ҳам жамоат аъзоси бўладилар.

Бундай ёндашувда гурух раҳбарларидан бири етакчи ролини бажариб, жойда мавжуд бўлган жамоатларга яхшироқ ёрдам бериш мақсадида гурухларнинг хизматини ташкиллаштиради. Агар вақти келиб, жамоатлардан бири гурухлардан ўз хизматида фойдаланиш хоҳишини билдиrsa, унда янги бошқарув структурасини яратиши мумкин.

III. ЎЗ УЙ ГУРУХЛАРИ ХИЗМАТИ УЧУН БОШҚАРУВ СТРУКТУРАСИНИ ТАНЛАШ

Бошқариш (мувофиқлаштириш) структурасидаги биз ишлатган хизматчилар номи — “етакчи”, “бош етакчи” — муҳим эмас. Ўзингизнинг аниқ хизматингизда у ёки бу хизматчиларни қандай номлашни ўзингиз танлашингиз мумкин. Энг муҳими — гурухларни бошқариш структурасида етакчилар ва бош етакчилар вазифасини бажарувчи одамларнинг мавжуд бўлиши, зеро бундай одамлар Худо томонидан бу гурухларнинг олдига қўйилган мақсадларга эришиши учун зарурдирлар.

Айнан ким етакчи, ким эса — бош етакчи бўлишини бевосита ўзингизнинг вазият ва шароитларнинг белгилаб беради. Агар янги уй гурухлари мавжуд жамоатдан мустақил равища вужудга келса, гурухлар ўсиб, кўпайиб бориши билан лидерлардан энг тажрибалиси етакчи бўлиши мумкин.

Айтайлик, анъавий жамоатда сиз уй гурухларидан бу жамоатнинг ўсишига қулай шароит яратиш (ва охир-оқибат янги жамоатлар ташкил қилиш) мақсадида фойдаланасиз. Бундай вазиятда сиз донолик ва билим билан сизнинг ходимларнингиздан қайси бири етакчилар ва бош етакчи бўлишини аниқлашингиз керак. Бу одамларнинг ўзлари гурухлари хизматида ва раҳбарлик қилишда қатнашган ва тажрибага эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Анъанавий жамоатда раҳбарлар, одатда, бундай тажрибага эга бўлмайдилар, натижада осонгина муаммолар юзага келиши мумкин. Агар сиз худди шундай вазиятга тушиб қолсангиз, кўп ибодат ва донолик талаб этилади. Агар бошқа илож топилмаса, ва сиз мувофиқлаштирувчи

лидер (етакчи) лавозимига уй гурухлари иши юзасидан тажрибасиз одамларни тайинлашга мажбур бўлсангиз, у ҳолда, ҳеч бўлмаса, уларга бу хизмаатни Муқаддас Руҳнинг бошқаруви остида олиб боришларига имконият бераб, уларни тайёрлаш, руҳлантириш ва хизматга қўйиш бўйича қўлингиздан келган барча ишларни қилинг. Муқаддас Руҳ томонидан бошқариладиган уй гурухлари ҳаракати инсоний нуқтайи назар бўйича ҳақиқатдан “назорат қилишни қийинлаштиради”. Унинг муваффақияти учун имон, итоаткорлик ва Худо фарзандаларининг бутунлай Рabbимизга қулоқ солиши, ўз ҳаётлари, вақтлари, куч ва маҳоратларини бутунлай Худога бағишлиш учун тайёр бўлишлари зарур.

САВОЛЛАР

- Уй гурухлари хизматида қандайдир бошқарув ва мувофиқлаштирувчи структура зарур эканлигини асослаб, тушунтириб беринг. Нима учун гурухларини ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас? Бошқарув структурасининг қандай устунликлари бор?
- Уй гурухининг хизмати қандай ривожланишидан қаътий назар, бу хизматларнинг ҳар бирида бажарилиши керак бўлган маъмурий вазифаларни ўз сўзларингиз билан тасвиrlаб беринг.
- Агар сиз уй гурухлари хизматида иштирок этаётган бўлсангиз ва ҳозирги вақтда ҳеч ким етакчи вазифасини бажармаётган бўлса, ўйлаб кўрингчи, ким уни бажара олади? Сизнинг фикрингизча, уни келгусида ким бажариши мумкин?
- Бош етакчи ва етакчининг вазифалари қандай фарқланади?
- Етакчи ва кузатувчилар (назоратчилар) бир вақтнинг ўзида уй гурухларини ўzlари олиб бора оладиларми?

ТОПШИРИҚ

- “Уй гурухлари: сўнгги қадам” 13 А иловани ўқиб чиқинг. Ибодатингизда ўйлаб кўринг: сизнинг уй гурухларингиз хизматидан Худо нимани истайди? Шундан сўнг, унинг қандайдир бошқарув ва мувофиқлаштирув структурасини режалаштиришни бошланг.
- Ушбу структурани режалаштиришда, у сизнинг хизматингизга мувофиқ келишига ҳаракат қилинг. Етакчи ва бош етакчи лавозимлари учун номларни ўйлаб кўринг. Агар ҳозирги вақтда сизда фақат бир неча уй гурухи бўлса, улар учун ким етакчи вазифасини бажара олади? Муқаддас Руҳнинг қилган ишлари, фаолияти давомида, гурухларингиз ўсиши ва кўпайиши билан, сизнингча, ким келгусида етакчи бўлиши мумкин? Улар қаердан пайдо бўлади, уларга қандай тайёргарлик ва тажриба зарур бўлади? Худо сизнинг гурухингиз учун истаган ўсишни қандай бошқарув структураси йўлга қўя олади? Сиз танлаган хизмат моделига қандай бошқарув структураси кўпроқ мос келади? Ўз режангизда сиз фойдаланадиган ёдашувнинг диаграммасини чизиб беринг, ҳамда сиз танлаган бошқарув ва мувофиқлаштириш структураси унга қандай мос келишини тасвиrlанг.
- Мураббий ёки ўқитувчи билан бошқарув структураси бўйича сиз ишлаб чиқсан режани муҳокама қилинг.

**Уй гурухлар
Илова
2А**

**Уй гурухлари: сўнги
қадам**

I. ХАЛҚЛАРНИНГ НАЖОТ ТОПИШИ

Муқаддас Китобни қанчалик чукурроқ ўргансак, биз Худо бутун ер юзидағи ҳалқлар Уни — ҳақиқий Худони билишини хоҳлашини янада аниқроқ тушуна бошлаймиз. Чиқиш китобининг 19:5,6 оятларида У Мусога Истроил ҳалқига шундай деб айтишни буюради, яъни: “агар сиз Менинг овозимга қулоқ тутсангиз ва Менинг аҳдимга риоя қиласангиз, барча ҳалқлар ичра Менинг танлаганларим бўласиз; зеро бутун ер Менини; сиз эса Менинг Шоҳлигим руҳонийлари ва муқаддас ҳалқим бўласизлар“. Масиҳ келгунга қадар Истроил ҳалқи Худонинг қудрати ва шуҳратидан гувоҳлик бериш учун танлаб олган қуроли эди. Забур 95:2–3 саносида шундай дейилади:

“Худовандни куйлаб, исмига санолар ўқинг
Нажоткорлигини кундан–кунга эълон қилинг!
Шон–шуҳратини ҳалқлар орасида хабарланг,
Мўжизаларини барча элларга билдиринг!”

Исо Масиҳ Ўзининг ер юзига келиши билан қадимги аҳд қонунини бажарди (Рим. 10:4) ва Ўз Жамоатини, умматини барпо этди (Мт. 16:18) ва Ўз шогирдларига “дунёнинг олис ерлада ҳам” Унинг шоҳидлари бўлишни буюрди (Ҳав. 1:8). Шундай килиб, Жамоат — Худонинг бу дунёда барча ҳалқларга Ўз севгиси ва марҳаматини эълон қилишда фойдаланадиган қуроли бўлди.

Хўш, янги жамоатлар ташкил қилиш йўлида бизни ким ҳаракатга келтиради? Нима учун биз кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтишга тайёрмиз? Биз Худога итоат этишни ва бизга Исо Масиҳ томонидан берилган Буюк Топшириқни амалга оширишни истаймиз. Биз биламизки, уй гурухлари ўсиб ва кўпайиб борадиган соғлом жамоатлар ташкил қилишнинг воситаларидан биридир. Биз уй гурухлари хизматларининг деталлари ва тафсилотларини кўп муҳокама қилдик.

Жамоат ташкил қилувчи учун уй гурухлари хизматининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тушуниш ниҳоятда муҳим. Уй гурухлари вазифаларини биз Куддусдаги Янги Аҳд Жамоати ҳаётидаги жуда кўплаб мисолларда кўришимиз мумкин (масалан, Ҳав. 2:42–47). Уй гурухлари – ўша вазифаларни замонавий жамоатларда ва хизматларда амалга оширишнинг воситаларидан биридир.

Шу билан бирга, умумий мақсадни, яъни Худо бизнинг ҳар биримизнинг аниқ хизматимиздан кутаётган нарсаларнинг “катта суратини” ёдда сақлашимиз ҳам жуда муҳим. Хўш, Буюк Топшириқни бажаришда уй гурухларининг роли қандай? Мана шу асосий ва бош мақсадга эришишга янада яқинлашиш учун сизнинг уй гурухингизда (гурухларинингизда) нималар юз бериши керак? Бир неча гурухларни ташкил этиб, уларнинг кўпайишини кузатишнинг ўзи етарлимни, ёки Худо биздан каттaroқ нарсаларни кутадими? Масиҳ томонидан бизга деярли 2000 йил аввал буюрилган ишни амалга оширилишига ёрдам бериш учун уй гурухлари қандай “охирги қадамни” кўйишлари керак?

II. ИМОНДА КЎПАЙИШ

Уй гурухларининг бошқалардан асосий фарқи кўпайишdir. У албатта содир бўлади, агар гурухлар “жонли” бўлса, – бусиз ҳар қандай гурух қотиб қолади ва ўлади. Кўпайиш, уй гурухларида Хушхабар тарқатишга ундейдиган сабаб бўлмаган холда, унинг доимий равища

ва фаол давом этишга имкон беради. Бунинг шарофати билан, янги одамларни ва имонлиларни қабул қилиш учун ҳар доим “жой” топилади.

Уй гурухлари хизматида кўпайишнинг зарурлигини ҳар биримиз тушунамиз ва маъқуллаймиз. Лекин шу билан бирга, биз кўпинча Худонинг кучи ва қудратини ўзимизнинг шахсий имонимиз ва ниятимиз доирасида “чегаралаб” кўймаяпмизми? Биз уй гурухларини, худди уларни Худо кўргандек кўяпмизми? Агар биз ўз хизматимизга Худонинг кўзи билан қарай олганимизда қандай чегараланишларни ва таъқиқлашларини олиб ташлаш мумкин бўларди? Бунда нима ўзгарган бўлар эди? Бу ҳолда ўз уй гурухларимиз ҳиссасининг аҳамиятини қандай тушунар эдик?

Хизматнинг аввалида бошланғич гурухларининг ҳаётини қўллаб-куватлаш, бўлажак лидерларни тайёрлаш ва кўпайиш учун йўналтирилган ишдан бошқа нарсаларни тасаввур этиш қийин. Биз уй гурухлари раҳбарларининг хизматидаги хатолар, қийинчиликлар ва хурсандчиликлар тажрибасидан кўп нарсаларни билиб оламиз. Тез орада биз барча гурухлари уйғунликда, бирлашиб ҳаракат қилишлари зарурлигини, катта мақсадларга эришиш йўлида ҳамкорликнинг зарурлигини тушуниб етамиз. Ва ниҳоя, вақти келиб, биз кўп сонли уй гурухлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи қандайдир ташкилий структура ҳақида ўлашни бошлаймиз.

Ишайё 40:26 оятида шундай дейилади: “Кўзларингизни осмонлар юксаклигига қаратинг, ким уларни бунёд этган? Ким лашкарларни ўз ҳисоби билан олиб чиқади? У уларнинг барини номма–ном чақиради: қудратининг кўплиги ва буюк кучи билан Унга тенг келадиган йўй“. Уй гурухлари хизматини бошқариб, биз ҳам “кўзларимизни осмонлар юксаклигига қаратишимиз” керак. Худодан кўра бошқа бир жойга кўз тиксак, биз фақат ўз кучимизга ишонган бўламиз. Аммо, Худога кўз тиксак, биз Унинг куч ва қудратини, У биз орқали амалга ошириши мумкинлигини англай бошлаймиз.

Агар бизнинг кўзларимиз Худо кўрган нарсаларни кўра олса эди, биз қандай туйғуларни ҳис қилган бўлар эдик. Қувончми? Қўрқувми? Уни ҳам, буни ҳамми? Баъзан имоннинг камлиги Худо бизнинг ҳаётимизда ва хизматимизда амалга ошириши мумкин бўлган имкониятларни чегараламаяптими? Имон бизга буюк режалар тузиш ва буюк ишлар учун курашиш имкониятини беради, қачонки Худо бизни, бизнинг ишимизни қўллаб-куватлашини англаб етсан.

Имон бизнинг чегараланишларимиз ва камчилликларимиз ҳақида қайғурмайди. У бизнинг диққат–эътиборимизни Худонинг мавқеига ва Ўзи хоҳлаган нарсаларни Унинг Ўзи бажара олишга қодир эканлигига қаратади. Имон, бир қараганда эришиб бўлмайдигандек туюладиган мақсадларни кўра билишга имкон беради, ана шундан кейин олдинга қадам ташлаш керак ва Худога, инсон онги учун “имконсиз” бўлган ишда сендан фойдаланишига имкон бериши лозим. Имон – аниқ бир мақсадни ёки вазифани қандай амалга оширишни тўла тушуниш эмас, балки Худо Унга ҳар қандай вазиятда ҳам итоат этишга тайёр бўлган одамларда ва одамлар орқали ҳар қандай вазифани амалга оширишга, ҳар қандай муаммони ҳал қилишга қодир эканлигини тушунишдадир.

Уй гурухлари раҳбарлари ўз гурухларига Муқаддас Руҳнинг кучи билан ва Унинг бошқаруви остида хизмат қилишларига эркинлик беришлари кераклигини биз аввал ҳам гапириб ўткан эдик. Қачонки, катак гурух аъзолари ўз ҳаётларини, вақтларини ва қобилиятларини итоаткорлик билан тўлиқ Худога топширсалар, ана ўшанда Муқаддас Руҳ улар орқали ҳаракат қилиш имконига эга бўлади ва кўплаб ҳосиллар келтиради.

Худога ўзини тўлиқ бўйсундириш — оғир ҳолатларда хизмат қила олиш, қийинчиликларини енгиш, дунё кўйган чегаралар билан ўзини чекламасликка имкон берадиган имонга эга бўлиш демакдир. Биз Худога ана шундай имон бериши учун ибодат қилишимиз керак, токи У Ўзининг буюк мақсадларига эришишда биздан ва бизнинг гурухларимиздан фойдалансин

III. ЖАМОАТЛАР ҲАЛҚЛАР УЧУН

Агар бизнинг хизматимиз мақсадларидан бири — жамоатларда ўсиб борадиган уй гурухлари бўлса, унда қанча гурухлар етарли бўлади? Бир шаҳарда бир неча (10, 50 ёки ҳатто 500) гурухлар пайдо бўлса нима бўлади?

Инжилда шундай дейилади: “Баъзилар ўйлаганидек, Раббимиз берган ваъдасини амалга оширишга иммилламаяпти. Аксинча, у ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамма тавба

қылсин, деб сабр–тоқат билан кутиб турибди” (2Бутр.3:9). Худо юрагининг хохиши ана шундай. Бизнинг юрагимиз хохиши ҳам худди шундай бўлиши керак, токи Исо Масих, ҳақидаги нажот берувчи Хабарни “ҳамма” эшитиш имкониятига эга бўлсин. Бизга шунча гурухлар керакки, улар фақатгина кичик қишлоқ ва овулларда эмас, балки мамлакатнинг катта шаҳар ва марказларида ҳам хизмат қилиш учун етарли бўлсин. Ҳазрати Исо айтганки, имон “тоғларни кўчириши” мумкин (Мт.17:20). Ҳўш, бизнинг имонимиз бутун мамлакатни уй гурухлари билан, яъни имонга келмаганларга Хушхабар етказадиган, имонлиларга таълим берадиган ва Исо Масих ҳақидаги Хушхабарни то У қайтиб келгунигача эълон қилишни давом этадиган гурухлар билан тўла ҳолда кўриш учун етарлими?

Қачонки бизнинг уй гурухларимиз хизмати ўз имонининг камлиги ва узоқни қўра билмаслиги билан чегараланишни бас қилса, У Худо қўлидаги фойдали куролга айланади. Қачонки бизнинг гурухларимиз нафақат яқин келажак ҳақидаги, балки бутун мамлакат жамоатлар билан тўладиган (келажакдаги) вақт ҳақида тасаввурга эга бўлса, ўшанда Худо бу гурухларидан, хатто улар илгари ўйлаб ҳам кўрмаган йўллар билан фойдалана бошлайди

Шундай қилиб, бизнинг гуруҳимиз Буюк Топшириқни бажаришда ҳақиқатдан ҳам иштирок этиши учун биз қўйишимиз керак бўлган “охирги қадам” мана шундан иборат. Бу охирги қадам – ўтиш жараёни бўлиб, биз бунга ҳар бир уй гурухини ва уни раҳбарларини чорлашимиз ва йўналтиришимиз, уларни қўллаб–қувватлашимиз, далда беришимиз ва руҳлантиришимиз керак. Бу жараён гуруҳ лидерига ва аъзоларига ўзларини Худо қўлидаги куроллар сифатида кўришга ёрдам беради, уларни эса Худо Ўз иродасига қўра ишлатади. Бу — янада кенгроқ ва донороқ ниятга эга бўлиш жараёнидир. Бу — гуруҳ раҳбарларини “нигоҳларини осмонга қаратишга” даъават қилиш ва ўз халқларини Худонинг шон–шуҳрати билан тўлган ҳолда кўриш демакдир. Бу — уй гурухларининг ўзида ва улар орқали ушбу мақсадга эришишга йўналтирилган фаол ишлар жараёнидир.

Қачонки бизнинг уй гурухларимиз хизмати қўра оладиган қўзларга ва ўз олдидағи вазифаларнинг катталashiшига мос тарзда ўсиб борадиган имонга эга бўлса, фақат ана ўшанда Муқаддас Рух гурухларимизни буюк ва ажойиб тарзда ишлата олади. Қачонки биз ўз мамлакатимиз ва халқимиз учун ёниб ибодат қилсақ, фақат ана ўшанда Раббимиз гурухларини кўпайтириш, шаҳар, қишлоқ ва мамлакатларда уларни ишлатиши учун Ўз ишини бошлайди.

Уй гурухларимиз хизматидаги охирги қадам – бу оддийгина “**имон қадамлари**дир”. Агар биз Муқаддас Рух гурухларимиздан Буюк Топшириқни амалга оширишда фойдаланишини чиндан ҳам хоҳласак, демак биз бу қадамни албатта қўйишимиз шарт. Биз муваффақиятсизликлардан қўрқмаслигимиз керак. Ҳиндистондаги биринчи миссионерлардан бири бўлган Уильям Кэри шундай деган: “Худо учун буюк ишларга бел боғланг; Худодан буюк ишларни кутинг”.

Куч–кудрат — Худодан; биз Унинг хизматкорлари бўлишимиз керак, ва бу куч–кудрат биз орқали дунёга таралади. Ният — Худодан; бизга фақат кўришни истайдиган қўзлар керак. Топшириқни амалга ошириш — бу ҳам Худодан; биз эса бизнинг бу куч–харакатларимиз Худо Ўзи бажаришга ваъда берган вазифани амалга ошишига олиб келишига ишонмоғимиз керак.

Худо бу “имон қадамини” У билан бирга босишга тайёр бўлган садоқатли хизматкорларни кутмоқда. Ҳўш, сиз улардан бири бўлишга тайёрмисиз?

5 Қисм: Лидерлик

Лидерлик 1 Дарс

Маъсулиятни (вазифани) бўлишиш ва хизматни топшириш

Дарс мақсади:

Ушбу дарс жамоат аъзоларини хизматга тайёрлаш, уларнинг руҳий қобилияtlарига қараб аниқ хизматни топшириш ҳақида гапиради. Бу жамоат ташкил қилиш жараёнининг нафақат муҳим босқичи — бу ҳаракатдаги йўлнинг бурилиш жойидир.

Кутиладиган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:
- Маъсулиятни (жавобгарликни) қандай қилиб бўлишиш кераклигини билиши керак;
 - Жамоатнинг бошқа аъзоларини ҳам хизматга тайёрлашга ва уларнинг кейинги хизматига катта эътибор бериши керак.

Дарс режаси:

- I. Жамоат ташкил қилувчи — бўлажак хизматчиларнинг устози
- II. Жавобгарликни бўлишиш
- III. Хизматни топшириш принциплари
- IV. Янги хизматчилар билан алоқани сақлаш.

СЎЗ БОШИ

Жамоатни ташкил қилишнинг маълум босқичида раҳбар ўзининг мажбуриятларининг (шунингдек, улар учун жавобгарликнинг) бир қисмини янги хизматчиларга топшириши керак. Ишонч одамларнинг руҳини кўтаради ва уларнинг руҳан ўсишлиарига ёрдам беради. Шундай қилиб, жамоатда янги ва янги хизматчилар пайдо бўлади. Одамларнинг руҳий инъомларига қараб уларга хизматни ва жавобгарликни топшириш — жамоат ташкил қилиш жараёнининг муҳим қисмидир. Бундан ташқари, жамоатнинг оддий аъзоларини хизматга тайёрламасдан ва уларнинг хизматисиз жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини вужудга келтириб бўлмайди. Токи, оддий масиҳий (профессионал бўлмаган хизматчи) одамларни Масиҳга самарали тарзда олиб келишга ёрдам берадиган малака ва ниятга эга бўлмас экан, сиз жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини вужудга келтира олмайсиз. Токи жамоатда янги имонлиларни жамоат ҳаётига бирлаштира оладиган ва уларга маҳаллий жамоатнинг бир қисми бўлишиларига ёрдам берадиган етарлича хизматчилар: янги имонга келганларга устозлик қилувчилар, улар ҳақида ғамхўрлик қилувчилар мавжуд бўлмас экан, сиз жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатига умид қиласангиз ҳам бўлади. Фақат “профессионалларнинг” якка ўзлари бунинг уласидан чиқолмайдилар.

I. ЖАМОАТ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИ — БЎЛАЖАК ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ УСТОЗИ

Ташкил қилинаётган жамоатларнинг раҳбарлари бошқа одамларни тайёрлаш ва ривожлантириш орқали ўзларини (ўз хизматларини) “кўпайтирадилар”. Кўпгина лидерлар ўз хизматларини бевосита ўз атрофларида қуришга ҳаракат қилишади. Бироқ, шунга қарамай, Худо бизни бошқаларни тарбиялаш ва тайёрлашга даъват қилади (2Тим. 2:2). Янги жамоатларнинг ўсиши ва ривожланишига қараб, уларнинг раҳбарларининг роли ҳам ўзгаради. Агарда бошида Хушхабар айтиш хизмати энг устивор хизматлардан бири бўлган бўлса, бу мутлақо табиий, чунки жамоатни ташкил қилишнинг энг дастлабки босқичларida хизматга тайёрлаш ва тарбиялаш учун одамларнинг ўзи бўлмаслиги мумкин, лекин кейинроқ — жамоат

ҳаётининг ва ривожининг кейинги босқичларида — бўлажак хизматчиларни тайёрлаш учун катта куч-харакатлар ва эътибор қаратилади. (Эслатиб ўтамиз, бу дегани, жамоат раҳбарлари жамоатнинг мавжудлигининг қандайдир босқичларида шахсан Хушхабар айтишини тўхтатиши керак, дегани эмас — agar шундай бўлса, унинг наъмунаси жамоатнинг ҳаётига ва хизматига жуда катта салбий таъсир кўрсатади). Жамоат ташкил қилувчиларнинг Хушхабар тарқатиш борасидаги олиб борган ишлари ва амалга оширган тадбирлари шарофати билан янада кўпроқ одамлар Масиҳга кела бошлашади ва бу вақтда устозлик хизматига бўлган катта зарурат пайдо бўлади, чунки бу янги имонлилар ўзларининг руҳан ўсишлари учун бошқарувга мухтож бўладилар. Бундан ташқари, уларга керакли билимларни берадиган ва хизматга тайёрлайдиган машғулотлар, дарслар ўтказиш зарур бўлади. Одатга кўра, жамоат ташкил қилиш босқичида, бу машғулотларни жамоат ташкил қилувчининг ўзи олиб боргани маъқул, чунки бу унинг мажбуриятидир (Эфес. 4: 11-12).

Расм 1:1 Жамоат тузувчининг роли



Ҳаворий Павлуснинг мактубларидан бирида, Коринфдаги жамоатни ташкил бўлиши жараёнини тасвиirlаб беришини ўқиганимизда (1Кор. 3:6-10), биз жамоатлар ташкил қилиш вазифасини янада чукурроқ ва яхшироқ тушуна бошлаймиз. Биз биламизки Павлус экди (6 оят) ва пойдевор қўйди, кейинроқ бошқа одам суғорди ва шу пойдевор устига қурди. Ҳеч ким ёлғиз ўзи жамоат ташкил қилиб, уни мустаҳкам қила олмайди — биз хизматдошлармиз (9-оят). Жамоат ташкил қилувчилар ўзгаларнинг руҳий инъомлари ва қобилиятларини ривожлантиришга харакат қилишлари керак, чунки бир ўзимиз ўз вазифамизни амалга ошира олмаймиз. Биз бунинг учун керакли бўлган ҳамма инъомларга, қувватга эга эмасмиз.

Жамоатимиз аъзоларининг ўз руҳий инъомларини аниқлаш ва бу инъомлардан хизматда энг яхши тарзда фойдаланишларига ёрдам бериш ўз ичига — хизмат учун ҳам руҳан етук бўлган жамоат хизматчиларини, ҳам янги имонга келганларни тайёрлашни олади. Янги имкониятларнинг туғилишига қараб, одамларни ўзларининг руҳий инъомлари қараб ҳар доим хизматда иштирок этишларига жалб қилиш керак. Худди дехқон каби, жамоат ташкил қилувчилар экилган уруг ҳақида ғамхўрлик қилишлари ва уни ўсиб униши учун энг яхши шароитни яратиб беришга харакат қилишлари керак.

II. ЖАВОБГАРЛИКНИ БЎЛИШИШ

A. Жавобгарликни бўлишишнинг сабаблари

1. Ҳеч ким барча зарурий инъомларга эга эмас

Жамоат ташкил қилувчи хизматнинг қайси соҳаларида унчалик қобилиятли бўлмаса, ўша соҳалар бўйича жавобгарликни ва мажбуриятларни бўлишиши керак, бунда у мазкур хизмат учун ундан кўра яхшироқ қобилиятга эга бўлган одамларни танлаши керак. Қачонки жамоатда барча хизматларни битта раҳбар олиб борса, бундай хизматнинг ҳосили битта одамнинг имкониятлари билан чегараланиб қолади. Ҳар бир жамоат аъзоси жамоат хизматларига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин ва қачонки одамларга бундай имконият берилса, жамоатнинг таъсири бир неча марта кучаяди.

2. Бўлишиш шахсий қизиқини ҳиссини уйғотади

Жамоат ташкил қилувчи ўз мажбуриятларини ва вазифаларининг бир қисмини бошкеларга юклайди ва бу билан улар ҳам бу хизматга алоқадор эканликларини ва унга нисбатан шахсий қизиқишини ҳис қилишларига имконият яратади. Одатда одамлар, ўzlари яратишда иштирок этган нарсаларга кўпроқ содиқ бўладилар. Бўлишиш (русча таржимада “делегирование”, яъни ваколатни тақсимлаш, маъсулиятин топшириш) уларга шундай имкониятни беради. Дунёнинг баъзи ерларида жамоатлар ташкил қилаётган миссионерлар, токи янги имонга келганлар топиниш хизматини ўzlари, мустақил ўтказишини ўрганмагунларича, бу хизматни мунтазам ўтказмайдилар. Улар буни шундай тушунтиришади: бундай ёндашув одамларда хизматга бўлган шахсий алоқадорлик ва маънфаатдорлик ҳиссини уйғотади.

3. Ҳар бир имонли хизматта даъват этилаган

Ҳар бир имонли Худо ато қилган руҳий инъомга эга. Масиҳга издош бўлган ҳар бир имонлининг мажбуриятларидан бири — бу инъомлардан ва қобилиятлардан Масиҳ Танасига хизмат қилиш учун фойдаланишdir. Афсуски, кўп одамларнинг хизматда иштирок этмасликларининг сабаби, улар бу билан фақат раҳбарлар шуғулланиши керак, деб ҳисоблашларида, ёки бўлмаса уларнинг (раҳбарларнинг) хизматида иштирок этиш учун рухсат беришларини кутишади. Нима бўлганда ҳам, раҳбариётнинг асосий роли одамларни хизматга тайёрлаш ва бу хизматларни уларга юклаш, топширишдан иборатдир.

Б. Қандай бўлишиш керак

1. “Мос” одамни танланг

Одамни танлаш жуда муҳим. Йиғилиш вақтидаги оддий эълонлар камдан кам ҳолларда кўп кўнгиллиларни йиғади. Бироқ, маълум вазифани кимгadir топширишдан аввал ибодат билан, яхшилаб ўйлаб, шундан кейин у одамга шахсан мурожаат қилиш оқилона иш бўлади.

2. Вазифани тушунтиринг

Одамни танлагандан кейин, шахсан унга мурожаат қилинг ва эҳтиёжни баён қилинг. Ундан дарҳол жавоб бермаслигини, аввал таклиф қилинган жавобгарликни қабул қилиш ҳақида ибодат қилишини ва яхшилаб ўйлаб кўришини сўранг. Кўпинча одамлар уддалай олмаслиқдан ҳавфсирашади, лекин хатто бундай вазиятда ҳам вазифанинг қийинчилигини ва муҳимлигини камайтириб кўрсатманг. Гарчи Масиҳ Танасидаги барча вазифалар муҳим бўлса ҳам, кўпчилик одамлар учун анча осон бўлган вазифалар унчалик қизиқ эмас. Одамга топширилаётган вазифанинг муҳимлигини аниқ тарзда тушунтириб беринг, ва у буни (сизнинг фикрингизча) энг яхши тарзд бажара олишини айтинг.

3. Ёрдамлашинг

Сиз томондан мажбуриятлар топширилган одамлар ҳар доим зарурий ресурсларга эга бўлишларини назорат қилинг. Иложи бўлса, хизматни улар билан биргаликда бажаринг; уларга қандайдир ишни мустақил бажаришлари учун топширишдан аввал, буни қандай қилиш кераклигини ўз наъмунангизда кўрсатиб беринг. Агар қўшимча таълим бериш зарурати туғилса, бундай таълим жараёни бизнинг аввалги материалларимизда батафсил баён қилинган (3-Кўлланмада — “Уй гуруҳлари” мавзусининг “Уй гуруҳларининг янги раҳбарларини таёrlаш” дарси ва 4-Кўлланмада “Лидерлик” мавзусининг “Янги раҳбарларни таёrlаш” дарси).

4. Ижодий ёндашувни рағбатлантиринг

Одамга мажбуриятларни юклаб ва хизматни топшириб, шуни ёдингизда тутинг, раҳбар янги хизматчига қаттиқўл муносабатда бўлмаслиги ва қаттиқ назоратда ушламаслиги керак. Унинг ўзи ташаббускорлик намоён қилишига имкон беринг (Мк. 4:28-29). Кўйилган мақсадларга, шахсий, сизнидан фарқ қилувчи йўллар билан эришишига имкон беринг. Хизматнинг мустақил, ижодий имконияти ҳар доим одамларни жалб қиласди. Агар сиз асосий диққат-эътиборни натижаларга олиб борадиган йўлларга эмас, балки натижаларнинг ўзига қаратсангиз, унда ўз жамоатингиздаги одамларнинг улкан ижодий имкониятларини уйғота оласиз.

В. Нимани бўлишиш керак

Айнан қайси мажбуриятларни бошқаларга ишониш кераклиги ҳақида бир қарорга келиш баъзан анча қийин бўлади. Кўпинча хизматда муҳтоjлик пайдо бўлади ва раҳбарият шу ишни бажара оладиган одамни қидиради. Бундай вазиятда янги хизматчига қайси мажбуриятлар топширилиши очиқ-ойдин равshan бўлади. Лекин бошқа вазият ҳам бўлиши мумкин, масалан аниқ бир хизматда муҳтоjлик йўқ, лекин хизмат қилишга тайёр одамлар бор. Бундай вазиятда сиз ҳар бир одам учун иш топшишингиз, янги хизматлар имкониятини кўрсатишишингиз ва уларни ташкил қилишни бошлашишингиз керак. Бу ерда мажбуриятларни бўлишиш имконияти уччалик очиқ аён бўлмаса ҳам, барибир бу жуда муҳим, чунки хизмат қилишга бизнинг ҳар биримиз даъват қилинганмиз.

Кўпчилик раҳбарлар жамоатдаги ҳар бир янги хизматни бажариш бўйича жавобгарликни ва вазифани бевосита мана шу эҳтиёжни кўрган ва бу ҳақда айтган одамга топширишади. Масалан кимdir жамоатда ёшлар хизматини бошлашни таклиф этса, ўйлаб кўринг, балки бу хизматга бошчилик қилишни мана шу одамга таклиф қилиш мумкиндиr. Одатда ва умуман ҳар доим, агар одам маълум бир таклифни киритиб, бу ҳақда етарлича қизиқиш намоён қилса, демак бу одам ўзи таклиф этган ишни ҳаётда амалга ошира олиши мумкин. Ҳазрати Исо бундай ёдашувдан, Унинг шогирдлари одамларнинг овқатга бўлган эҳтиёжларини сезганларида фойдаланган. У маъсулиятни шогирдларига юклаб, шундай деган: “Сиз уларга овқат беринг” (Мк. 6:37).

Қўйида, сиз ўз жамоатингиз йўлининг энг бошида бошқаларга топширишишингиз мумкин бўлган вазифалар рўйхати келтирилган. Бу — фақатгина наъмуналар рўйхати, ва бу рўйхат ўзингизнинг шахсий хизматингиз ҳолатларига қараб кенгайтирилиши мумкин.

- Үй гурухларини бошқариш.
- Ҳамдардлик
- Устозлик
- Хушхабар айтиш
- Мехмондўстлик
- Ваъз айтиш
- Бошқарув бўйича жавобгарликлар (бунга молия, маблағлар, мулк ва ҳ.злар киради)
- Машғулотларни олиб бориш
- Топиниш хизматини олиб бориш.

III. ХИЗМАТНИ ТОПШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Хизматни топшириш ёки бериш ҳар қандай нарсани билдириши мумкин — оддий ишларни топширишдан бошлаб (масалан, ийифилишга келаётган одамларни кутиб олиш) то яқинда ташкил қилинган жамоат чўпонининг бошига қўл қўйиб дуо қилишгача. Қўйида келтирилган принциплар кўпгина мана шундай вазиятларда қўлланилиши мумкин.

А. Ўзаро чукур муносабатларни ривожлантиринг

Яқин ўзаро муносабатлар — бу бошқаларга хизмат қилишнинг табиий йўлидир. Агар одамлар ўргасида маълум бир даражадаги ишонч пайдо бўлган бўлса, у ҳолда хизматни топшириш табиий йўл билан содир бўлади. Ўзаро муносабатлар айниқса хизматни топширишнинг дастлабки босқичларида жуда муҳим — топшириқларнинг ўзи эса кейинги босқичларда катта рол ўйнайди. Мисол учун, ҳазрати Исо Ўз шогирдлари билан биргаликда дунё кезган, ишлаган, овқатланган, хурсандчилик ва ибодат қилган. Бу жараёнларда яқин ўзаро муносабатлар вужудга келган. Кейинроқ эса У мана шу шогирдларига ишонч билан, яъни улар буни бажаришларига ишониб хизматни топширган. Хуллас, улар “У билан эдилар” (Мк. 3:14-15).

Ҳаворий Павлус ҳам салоникаликларга нафақат Худонинг Хушхабарини, балки жонини ҳам беришга тайёр эканини айтади (1Сал. 2:8). Шунингдек у Тимутийни ўз ўғлидек кўриб, шундай деган: “... сен эса менга эргашдинг, таълимотим, турмуш тарзим, мурод мақсадим, имон, севги ва сабр тоқатимдан наъмуна олдинг....” (2Тим. 3:10). (Изоҳ: инглиз тилида — “Менинг ҳамма таълимотимни биласан”, бу оятда ишлатилган грекча сўз шундай маънони боғлайди — “билиш ва тушуниш учун эргашдинг.”) Ҳар бир жамоат ташкил қилувчи

ўз олдига шундай мақсадни қўйиши керак — хизматини топширмоқчи бўлган одамлар билан яқин ўзаро муносабатлар ўрнатиш.

Б. Бўлғуси лидерлар сизнинг ниятингизга эга бўлишларига ишонч ҳосил қилинг

Кўпчилик лидерлар, атрофидагиларнинг барчаси у эга бўлган ниятга эгалар, деб нотўғри ҳособлашади. Бу ўз-ўзидан шундай бўлиши керак деб ҳисоблаш — каттта хатоликдир, хатто бу ният қўп марта гапирилган ва уни бўлажак лидерлар қўп марта такрорлаган бўлсалар ҳам. Улар сиз таклиф этаётган тайёргарликнинг асл маъносини ва муҳимлигини кўрмасликлари мумкин, ва токи улар сизнинг ҳамфиқларингизга айланмас эканлар, ва токи улар сизнинг ниятингизни худди ўзлариникидек қабул қилмас эканлар, токи бу ният уларнинг шахсий ниятларига айланмас экан — уларнинг жони бу иш учун қайғурмайди, улар раҳбарлик юкини кўтариб, олға силжишмайди. Ният сизнинг юрагингизда қандай ёнса, уларнинг юракларида ҳам худди шундай ёниши керак.

В. Янги имонлиларни хизматда иштирок этишга чақиринг

Одамлар тажрибада, амалда ўрганишади. Янги имонлиларга амалий тажриба ортиришлари учун қанча эрта шароит яраатсангиз, улар шунча эрта ўрганишади. Лекин Муқаддас Китоб, одамларни хизматга қўйишда шошма-шошарлик қилиш ҳавфли экани ҳақида огоҳлантиради (1Тим. 5:22), шунинг учун янги имонлиларни хизматга жалб қилишда эҳтиёт бўлиши керак. Кичик ишларда ўзининг ишончлилигини, садоқатини кўрсатмаган одамларга, муҳим вазифаларни топшириш керак эмас.

Янги имонга келганларга ўзларининг руҳий инъомларини аниқлашда ва улардан фойдаланишда ёрдам бериш — устозлик жараёнининг энг муҳим қисмидир. Янги имонлиларни хизматга жалб қилиш шунга ёрдам беради, улар ўз қобилиятларини амалда синаб кўрадилар, яқинларига ёрдам беришлари мумкин ва шу тарзда, аста-секин ўзларининг инъомларини англаб оладилар ва ривожлантирадилар, ва ўз навбатида уларни жамоатнинг фойдаси учун ишлата бошлайдилар. Янги имонлиларни ўзингиз билан бирга касалларни бориб кўришга ёки Хушхабар тарқатиши тадбирларига олиб бориш тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу — хизматга тайёрлашнинг жуда яхши воситасидир.

Г. Хатоликларни кутинг ва уларга тайёр бўлинг

Ўзлари учун янги бўлган вазифаларни бажараётгандаридан одамлар тез-тез хато қилишади. Агарда сиз уларга янги ишни бошлашга ва ўз хатоларидан сабоқ олиб ўрганишларига имкон берсангиз, улар ўзлари учун янги бўлган ишга бел боғлашади. Энди иш бошлаган лидернинг хатоликларига кескин муносабатда бўлиш, уни кейинги ўсишини тўхтатиб қўйиши мумкин. Сиз тарбиялаётган одамлар хато қилсалар, сиз энди уларга ишонмай қўймаслигингизни улар билишлари керак. Мехрибон ва сабрли бўлинг, ҳар бир хатога ўрганиш имконияти сифатида қаранг. Ёдингиздами, шогирдлар жинни қувиб чиқара олмаганларида, ҳазрати Исо уларга ёвуз руҳларни қувиб чиқаришда имоннинг муҳимлиги ҳақида сабоқ беради (Мт.17:19-21). Агар ҳазрати Исо бу пайтда хайр-эҳсон қилиш ёки итоат қилиш ҳақида таълим берганда, бу жуда ҳам самарасиз бўлиши мумкин эди, бу пайда шогирдларнинг қулоқлари бундай таълимга берк эди, чунки уларнинг бутун диққат-эътиборлари бошқа нарсага қаратилган эди-да! Лекин, имоннинг муҳимлиги ҳақидаги сабоқларни шогирдлар диққат билан эшитдилар, чунки улар айни дамда олаётган сабоқлари уларни кейинчалик ҳам хато қилишларидан асранини билишарди.

Д. Худо бошқалар орқали ҳам ҳаракат қилишига ишониш

Худо худди сиз орқали ҳаракат қилганидек, бошқалар орқали ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Ва сиз ўзингиз таълим бераётган одамларга буни тушунтиришингиз керак. Агар одамлар, сиз уларга ишонаётганингизни тушунмасалар, унда улар ҳеч қачон таваккал қиласмайдилар, жавобгарликни ўз зиммаларига олмайдилар, демак, улар ўсмайдилар. Ҳазрати Исо Ўз шогирдларига шунчалик ишонганки, хатто улар У қилган ишлардан ҳам каттароқ

ишлилар қила олишларини айтган (Юх.14:12). Сизнинг шогирдларингиз раҳбарлиги остида хизматнинг ўсишига умид қилинг.

Е. Сизга боғланиб қолишларига йўл қўйманг

“Ўргатинг ва қўйиб юборинг”, токи одамлар сизнинг раҳбарлигинизга боғланиб қолмасинлар. Бунга Павлуснинг хизмати мисол бўлиши мумкин. Одатда, у жамоатлар ташкил қилган шаҳарларда бир неча ойдан ортиқ қолмаган. Павлус уларни қандай қилиб бунчалик тез тарқ этди экан? Чунки, у бундан буён уларга ҳалақит бермаслик учун қачон кетиш кераклигини билган. Унинг бу ерда қолиши (ахир у буюк доҳий, раҳбар, ташкилотчи, устоз бўлган) яхши, кучли руҳий лидерларнинг ривожланишига ва ўсишига қандайдир тўсқинлик қилиши мумкинлигини Павлус англаб етган. Фараз қилиб кўринг, агар у Листрада узоқ муддат қолганида нима бўларди? Агар Павлус у ерда бўлса, ким таълим бериши мумкин эди? Албатта, ҳеч ким (ундан ташқари), чунки у буни бошқалардан яхшироқ қила оларди. Демак, бошқалар ўзларининг таълим бериш қобилиятларини ривожлантириш имкониятидан бенасиб қоладилар. Павлус ҳар бир жойга нисбатан узоқ қолмаган, чунки у одамлар унга боғланиб қолишлари керак эмаслигини, бутун хизматни ўzlари бажаришлари лозимлигини тушунишларини хоҳлаган.

Хўш, буни бизнинг давримизда бизнинг жамоатларимизда қандай амалга ошириш мумкин? Бунда мисол қилиб Европадаги ёш жамоатлардан бирини келтириш мумкин. Бу жамоат ташкил қилиниб, ва хизматни ёш лидерларга топшириш вақти етиб келганда, жамоат раҳбари келаси якшанбада хизматда иштирок этолмаслигини, чунки бошқа шаҳарда ишлари борлигини эълон қиласи. Баъзида у учрашувларни айтайлаб шундай режалаштирас эдик, токи жамоатга кела олмасин. Бу вақтда, яъни у жамоатга кела олмаган пайтларда, хизматни унинг шогирлари ўzlари, мустақил бажарар эдилар ва бу билан тажрибага эга бўлиб, ўса бошладилар. Агар сиз хизматни мана шу айтиб ўтилган тарзда топширишни режалаштирасангиз, унда сизнинг шогирдларингиз ҳаддан ташқари узоқ вақт сизга боғланиб қоладилар.

IV. ЯНГИ ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН АЛОҚАНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ

Гарчи Исо Масиҳ Ўз издошларини жисмонан қолдирсада, У олдиндан Ўзининг Руҳини юборишини ва уларни ёлғиз қолдирмаслигини айтади (Юх.14:16-18). Шу каби, яъни У хизматни топширган шогирдларни бутунлай тарқ этмагани каби, биз ҳам ўз шогирдларимиз билан алоқани сақлашимиз, уларни руҳан қўйлаб-куvvatлашимиз ва хизматга маъсулият билан муносабатда бўлишларига ёрдам беришимиз керак.

Янги лидерлар билан мунтазам учрашиб туриш — мана шуни юракдан мулоқотда бўлиш, хизматчиларнинг самимий ва мустаҳкам ўзаро муносабатларининг маркази дейиш мумкин. Сиз янги “қиз” жамоатнинг асосчиси билан ҳар ойда ёки ҳар ҳафтада учрашиб туришнинг мумкин. Бу учрашувлар вақтида эътиборингизни қўйидагиларга қаратинг:

- айни вақтда шогирдларингиз учун зарур бўлган тажрибалар, билим ва шахсий сифаталарни муҳокама қилинг;
- уларнинг ҳаётида аҳамиятга эга бўлган барча ўзаро муносабатлар ҳақида гаплашинг (оила, хизмат);
- охирги учрашувингиздан кейин бўлиб ўтган воқеаларни муҳокама қилинг;
- бу ниятни рўёбга чиқариша сиз унга қандай ёрдам беришингиз мумкинлигини сўранг.

САВОЛЛАР

- Нима учун ўзгаларга жавобгарлик ва вазифаларни топшириш ва уларни хизматга “қўйиб юбориш” бунчалик муҳим?
- Нима яхшироқ: “ишни бажарадиган одамни” топишми ёки “ҳамма одамалар учун иш” топишми?
- Агар мос келадиган одамни топсангиз, сиз қандай жавобгарликларни унга топширган бўлардингиз ва топшира олардингиз?
- Сизнинг жамоатингизда нечта одам хизматга эга ва бу бўйича жавобгарликларни ўз зиммаларига олишган?

- Имонли қандайдир хизматга жавоб берга олиши учун етарлича руҳан камол топди, деб қачон айтиш мумкин?
- Агар сизнинг ўз жамоатингиз (“она” жамоат) янги хизматларни янги лидерларга топширишни истамаса, нима бўлади?

ТОПШИРИҚ

- Вазифа ва жавобгарликларни топшириш, янги лидерларни тайёрлаш ва уларни хизматга қўйиш борасидаги ўз қобилиятларингизга баҳо беринг. Сиз ўзингиз қилишингиз керак бўлган (ўтган йилдаги), лекин уларни бажаришни бошқаларга топшира олган бешта аниқ вазифани ёзинг. Сиз буни қандай қилиб уддаладингиз, яъни вазифаларни муваффақиятли тарзда бошқаларга топшира олдингиз? Бунда сиз қандай тўсиқларга дуч келдингиз? Ўз хуносаларингизни руҳий кундалигинингизга ёзинг ва уларни ўз устозингиз билан муҳокама қилинг. Бу тўсиқлардан бирини белгиланг ва уни енгиб ўтиш йўлларини аниқланг. Вазифа ва жавобгарликларни муваффақиятли бўлишиш ва янги лидерларга хизмат қилиш имкониятини беришни ўрганиш мақсадида, кейинги уч ой мобайнида шулар устида ишланг.

Лидерлик 2 Дарс

Бошқаларни имон кўзи билан кўриш

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга ўзлари биргаликда ишлаётган одамларни Худога ишониб топширишларига ёрдам беришdir.

Кутилаётган натижалар:

- Муқаддас Рух ҳар бир имонлининг ҳаётида ҳаракат қилишини тушуниши керак;
- Потенциал лидерларнинг “юзига эмас, юрагига қараш” принципини билиши керак;
- Ўзининг лидерлик хизматида Муқаддас Рухга одамлар ҳаётида ҳаракат қилишига ишониши, улар учун Масиҳдаги ишончнинг ҳамда муваффақият ва муваффақиятсизликка Муқаддас Китоб нуқтаий назари билан қарашнинг наъмунаси бўлиши керак.

Дарс режаси:

- Ҳар бир имонли — хизматчими?
- Имонлиларни хизматга тайёрлаш ва жалб қилиш
- Худо бошқаларда ҳам яшаётганлигига ишониш ҳақида мисоллар
- Лидерларнинг олдида турган қийинчиликлар

Илова:

2А “Муқаддас Китобнинг 1 Коринфликларга Мактубини индуктив усул билан ўрганиш”

Ўқитувчиларга тавсиянома:

Дарснинг мавзусини қисқача таништирғандан сўнг ўқувчиларни икки гурӯхга бўлинг. Улардан дарсликнинг охирида берилган саволларни муҳокама қилишларини сўранг. Дарснинг охирида гурӯхларга ўз муҳокамалари натижалари билан ўртоқлашишларига имконият бериш учун вақт ажратинг.

СЎЗ БОШИ

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати вужудга келиши ва ривожланиши учун барча имонлилар — Худонинг фарзандлари — шунга интилишлари керак, ўз мамлакатларидаги ишларнинг аҳволига нисбатан шахсан жавобгар эканлиларини англаб етишлари ва зарурий таълим ва тайёргарликларни олишлари, ва сўнгра уларга аниқ хизматни олиб бориш имконияти берилиши керак. Тарихда масиҳийларнинг “профессионал хизматчилар” ва “оддий келиб кетувчилар”га ажralиши ҳозирги кунда ҳам oddiy имонлиларга жамоатнинг вазифаларини бажаришда иштирок этишларига имконият бермаяпди (қаранг: 1-Кўлланма, “Жамоат” мавзусининг 2-дарси “Жамоатнинг вазифалари”). Мана шунинг оқибатида дунё ҳали ҳам Масиҳга келмаган, хизматчилар эса бутун ишни ёлғиз ўзлари бажаришга уриниб, бутунлай ҳолдан тойишмоқда. Бундан ташқари, жамоатнинг кўпчилик аъзолари ўзларини шунчаки томошабинлар деб ҳис қилишади, жамоатдаги хизматларда уларнинг ҳам жавобгарлик ҳиссалари борлигини англаб етишмайди. Буни билмасдан эса, улар ўз куч-ҳаракатларини бехуда, жамоат учун фойдасиз бўлган ишларга сарфлашмоқда.

Муқаддас Китобнинг, ҳар бир имонли — хизматчи, деган таълимоти қандайдир тарзда йўқотилган. Юмушчилар жойларда мавжуд, лекин уларни ҳеч ким ўргатмайди, уларнинг вазифалари ва жавобгарликлари ҳақида ҳеч ким уларга гапирмайди. Ўз одамларига имон қўзи

билан қарайдиган раҳбар, уларни Худога ишониб топширишга қодирдир, у Худонинг Ўзи одамларнинг юрагида ишлашини ва улар орқали ҳаракат қилишини яхши билади. Имон орқали у Муқаддас Рух билан биргалиқда ҳаракат қиласи, янги ва янги юмушчиларни хизматга тайёрлади, уларни хизматга қўяди, далда беради ва рағбатлантиради.

I. ҲАР БИР ИМОНЛИ — ХИЗМАТЧИМИ?

Ҳар бир имонли — хизматчи ва ҳар бир лидер бўлажак хизматчиларнинг устози эканлигига нисбатан ишонч, ҳаётнинг ва жамоат хизматининг бутун концепциясини қайта кўриб чиқиши талаб қиласи. Шунингдек, у яна Муқаддас Китобнинг Худо ва Унинг ҳар бир масиҳийга нисбатан мақсади ҳақидаги таълимотни яхши билишни талаб қиласи. Жамоатлар ташкил қилувчилар, Худо Ўз ҳалқи орасида ҳаракат қилишига қаттиқ ишонишлари керак. Улар яна Муқаддас Рухга тўлган ҳар бир имонли Худога хизмат қилиш учун чуқур хоҳишига эга эканлигига ҳам ишонишлари керак. Худо ҳар бир имонлига — унинг ёшидан, жамиятдаги мавқеидан ёки жинсидан қатъий назар, хизмат учун маҳсус қобилиятлар берган. Худонинг хоҳиш-иродаси бўйича руҳий хизматларни бажараётган ҳар бир одам ўзида катта қувончни ҳис этади ва бу — бутун жамоат учун катта марҳамат ва барокатdir.

Биз ўзимизни кўпинча нозик, кучсиз, беқорор ва мустаҳкам эмасдек ҳис қиласиз, лекин, Худо бизни бундай деб билмайди. У бизни Масиҳда баркамол ва мукаммал, Жамоатнинг ҳар ишга қодир аъзолари деб билади. У бизга пайғамбар кўзлари билан қараб, охиратда яратадиган буюк ҳалқини кўради. У Гидъённи, ўз душманларидан яшириниб юрганда ҳам “Кучли эркак” деб атаган (Ҳакамлар 6). У Симўнни “Бутрус” деб атаган, ваҳоланки у ўша пайтда ҳечам қоя тош каби мустаҳкам эмаслигини ва тез орада унинг Масиҳдан тонишини, хатто уч марта тонишини билар эди. Биз Худога, имонлиларнинг келажаги ҳақидаги Унинг хоҳиш-иродасини фаҳмлай олишимизни ўргатишига имкон беришимиз керак, тики биз уларнинг тўғри йўлдан ҳаракатланишларини рағбатлантира олайлик.

Шуни тан олишимиз керакки, гарчи кўпчилик масиҳий раҳбарлар бу принципларни очиқчасига тан олишсада, бироқ бунга мос тарзда жуда камчилик раҳбарлар ҳаракат қилишади. Яхши лидерлар Худо уларда яшаганидек ва уларда ҳаракат қилганидек, бошқа одамларда ҳам худди шундай ҳаракат қилишига ва яшашига ишонадилар. Худога бўлган бу ишонч, ўз навбатида уларнинг издошларига ҳам ўтади. Улар ишонч билан: “Сен — Худонинг танлаган хизматчиларидан бирисан. Худо сен орқали буюк ишларни амалга оширади ва мен сен билан бирга бўлишдан ва сенга ёрдам беришдан ўзимни баҳтиёр ҳисоблайман” дейдилар. Бундай муносабат одамларга эркинлик беради. Улар Худога бўлган бутун имон руҳини бошқаларга ҳам берадилар. Ўзларини Раббимизнинг қимматли хизматчилари эканликларини ҳис қилиб, улар хизматда яратувчанлик ва кучли шиддатни, интилишни намоён этадилар. Худонинг Шоҳлигининг вазифасини бажармоқ учун хизматчиларнинг бутун бир армияси ишга бел боғлади, жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ҳақиқий имконият пайдо бўлади.

II. ИМОНЛИЛАРНИ ХИЗМАТГА ТАЙЁРЛАШ ВА ҚЎЙИШ

Инжилда аниқ-равшан тарзда айтилганки, Ўз фарзандларининг ҳар бири учун Худонинг аниқ мақсадлари бор. Худонинг ҳар бир фарзанди ўз вазифасига эга, бизнинг ҳар биримиз Худо учун муҳиммиз. 1Кор.12:14 оятида аниқ гапириладики, Тана кўп узвлардан иборат, уларнинг ҳар бири эса ўз вазифасига эга, ва биз барчамиз — унинг аъзоларимиз. Эфес. 4:11-16 ояларида эса, ҳар бир имонли — хизматчи ва лидерларнинг асосий вазифаси — имонлиларни хизмат иши учун тарбиялаш ва тайёрлаш эканлиги таъкидланади.

Ҳар бир имонли Муқаддас Рухнинг маъбадидир, ҳар бир имонли руҳий инъомларга эга ва хизмат иши учун чорланган. Демак, қачонки унга далда бериб, рағбатлантириб, тайёрлаб ва Худо унга берган вазифани бажариш учун имконият берсалар, бу у учун улкан қувонч ва қониқиши манбайи бўлиб хизмат қиласи. Ҳар бир имонли (айниқса, янги имон келтирган) хизмат қилишини хоҳлади ва агар уни бундай имкониятдан маҳрум этсалар, у руҳан ноетук бўлиб қолади. Худонинг Ўзи одамларни хизматга чорлаб, уларда фаол ҳаракат қилишига раҳбар ишонмоғи керак. Ва ўз навбатида, мана шу ишонч асосида у ўз издошларини тайёрлаши, кўллаб-куватлаши ва хизмат қилишларига имконият бериши керак.

III. ХУДО БОШҚАЛАРДА ҲАМ ЯШАЁТГАНЛИГИГА НИСБАТАН ИШОНЧ ҲАҚИД МИСОЛЛАР

A. Барнабо

Барнабо — биз гапираётган ўша турдаги лидерга Янги Ахддан энг буюк наъмуна бўла олади. У янги имонга келган Шоулда яхши имкониятларни кўрди ва бошқа ҳаворийлар қўрқишганда, уни ҳимоя қилди (Ҳав. 9:26-31). Антиохия руҳий уйғонишни бошидан кечираётганида у ёрдам бериш мақсадида Шоулнинг ёнига келади, чунки имонга келаётган одамлар шунчалик қўп эдики, хатто улар билан ишлашга куч ҳам етмасди. Бунинг самараси эса жамоатнинг янада ўсишига олиб келди. Қачонки Шоул/Павлус раҳбарликни яхши удалай олиши маълум бўлганда, Барнабо раҳбарликни унга бўшатиб беради. Унинг Марк Юҳаннога нисбатан ишончи, бу одамнинг (Марк Юҳаннонинг) хато қилганидан кейин ҳам ўзгармади (Ҳав. 15:36-41). Барнабо хизматдош дўсти Павлус билан дўстлигини, Маркни ҳимоя қилиш учун қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Маркнинг ўсишига қўшилган бу доимий ҳисса ўзини бутунлай оқлади (2Тим. 4:11). Вақти келиб Марк ҳаворий Павлуснинг ҳаворийлик гуруҳининг энг шижаатли ва жасур аъзоларидан бирига айланди ва бир Хушхабарнинг муаллифи бўлди.

Б. Португалиядаги жамоат раҳбари

Миссионер Партугалияда ажойиб жамоат ташкил қилди. Бу жамоат шунчалик ўсиб бордики, натижада бино одамларни сиғдиролмай қолди, шунда бир савол туғилди, нима қилиш керак — янги бино қуриш керакми ёки янги жамоат ташкил қилиш керакми? Узоқ қилинган ибодатга жавобан Худо жамоат раҳбарларига бу жамоатдан марказ сифатида фойдаланиб, бу ҳудудни жамоатлар билан тўлдириш ҳақида ният берди. Лекин муаммо пайдо бўлди — хизматчиларнинг этишмовчилиги. Жамоатда олиб борилган текширувлар шуни кўрсатдики, фаол хизмат билан аъзоларнинг атиги 20% банд эканлар. Бунинг устига, бу хизматчиларнинг барчаси ишга ортиғи билан кўмилган. Мақсадга эришиш учун қолган 80% имонлиларни қандай қилиб тайёrlашни ва хизматга қўйишини ҳал қилиш керак эди.

Руҳий инъомлар ҳақидаги бир неча ваъзлардан сўнг, раҳбарлар жамоатнинг ҳар бир аъзоси билан, уларнинг руҳий интилишлари ва хизмат қилишга хоҳишлари тўғрисида суҳбат ўтказдилар. Раҳбарлар қанчалик ҳайрон бўлишмасин, лекин жамоатнинг барча аъзолари хизматда иштирок этишга хоҳиш билдиридилар. Улар буни олдинроқ қилмаганликларининг асосий сабаблари қуидагилар эди: 1) улар хизмат қилиш учун имкониятни кўришмасди; 2) уларда бу хизматларни бажариш учун тайёргарлик йўқ эди.

Бу суҳбатларнинг асосида раҳбарлар жамоатда катталар учун Инжил мактабини ташкил қилдилар. Тажрибали хизматчилар “янгиларда” хизмат соҳаларининг малакаларини ривожлантириш бўйича индивидуал (бирма-бир) устозликни бошладилар. Якшанба мактабининг ўқитувчилари, болаларга Хушхабар айтuvчилар, топиниш хизмати раҳбарлари, кичик гуруҳлари лидерлари, Хушхабар тарқатувчилар — хуллас ҳамма ўзига шогир олди. Қисқа вақт ичиде янги (“қиз”) жамоат ташкил қилиш учун етарли бўлган янги хизматчилар пайдо бўлди.

Бу тажрибадан қандай руҳий сабоқларни олишимиз мумкин? Ҳар бир имонлида ҳозир бўлган Муқаддас Рух уни ўсишига ва хизмат қилишга ундейди ва ҳар имонлига дунёда хизматни амалга ошириш учун ғайритабии куч-кудрат беради Жамоат ташкил қилувчилар, чўпонлар ва бошқа хизматчилар, ўз жамоатларининг ҳар бир аъзосини Худога ишониб топширишлари керак. Амалда эса бу уларнинг одамларни хизматга тайёrlаш ва рағбатлантиришдаги яратувчанликларида, баҳшидаликларида, мақсадга йўналтирилган ишларида намоён бўлади.

IV. ЛИДЕРЛАРНИНГ ОЛДИДА ТУРГАН ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Ўзи раҳбарлик қилаётган одамларнинг ҳаётида Худонинг ишониш, бу одам табиати учун тескаридир ва бу ҳар қандай лидернинг олдига иккита жиддий тўсикларни қўяди:

A. Кўрқувни енгиш

Одамлар амалий хизматга тайёrlаниб ва уни бажаришгани сари улардан баъзилари лидерга қараганда кўпроқ қобилият ва истъедодни намоён қила бошлайдилар. Шунингдек,

улар лидернинг ниятини янада чуқурроқ тушуна бошлашади ва унга ўзгартеришлар киритишни хоҳлайдилар. Бошқа томондан, хизматда иштирок этаётган янги хизматчилар лидердан кўра ёмонроқ хизмат қилиб, кутилган натижаларни келтирмасликлари мумкин. Бу икки вазият лидернинг ҳавфисирашига олиб келади:

1. Янги хизматчи ўзига топширилган ишни яхши уddyalай олмаслиги ва натижада раҳбар ўз обрў-эътиборини йўқотишдан қўрқиши; ва
2. Янги хизматчи ишни яхши уddyalайди, ва натижада раҳбар назоратни йўқотишидан қўрқиши.

Ўз обрў-хурматини ёки эгаллаган мавқеи учун ташвишланадиган лидер учун обрў-эътиборни (авторитет) ҳам, назоратни йўқотиш ҳам ҳавфлидир. Бу — одамнинг башарий табиатидан келиб чиқадиган тўсиқлардир ва руҳий лидер ҳам ўзининг руҳий ўсиши, ҳам жамоатининг ўсиши учун бу қўрқувларни ҳаётидан бутунлай чиқариб ташлаши керак.

Бу қўрқувларни фақат Худога ишониш орқали енгиш мумкин. Масиҳда ўзини хавфсиз ҳис қилган раҳбар, Худо унинг ҳаётида ҳаракат қилгандек, худду шу тарзда унинг жамоати аъзоларининг ҳаётида ҳам ҳаракат қилишига шак-шубҳасиз ишонади. Шунинг учун агар Худо ўз одамларини хизматга Унинг Ўзи чақирап экан, демак у ҳолда хизматчининг иши ва обрў-эътибори эмас, балки Унинг иши ва Унинг обрў-эътибори хавф остида қолиши мумкин. Хўш лидер нима қилсан? Ахир у ишга жавобгарлик билан ёдашади ва эришиладиган натижалар ҳақида қайғурадику! Аввало хизматчи Худога, У топширган ишга нисбатан ўзининг итоаткор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак: у одамларни тайёрлайди ва хизматга кўяди. Бу ҳолда, у ўз обрў-эътибори ва мавқеий бўйича барча қўркув ва ташвишланишларни Худога бутунлай топшира олади (Флп. 4:6-7; 1Бутр. 5:7).

Биз — масиҳийлармиз ва биз ўзимизнинг шахсий шуҳратимиз ва обрў-эътиборимиз ҳақида эмас, балки Худо бизнинг ҳаётиизда, хизматимизда ва бутун дунёда улуғланиши ҳақида қайғуришимиз керак. Бошқа одамларнинг инъомлари ва истедодларига ҳasad қилиш ўрнига, масиҳий лидерлар Масиҳнинг ишини улардан ҳам кўра узоқроққа етказа оловчи янги хизматчиларни Худо яратा�ётганини кўриб хурсанд бўлишлари керак. Биз юқорида бундай муносабатнинг ажойиб наъмунасини кўрдик — ҳаворий Барнабо. У Антиохияда бўлганда, Павлуснинг қобилияти маҳаллий жамоатга қанчалик катта фойда келтириши мумкинлигини тушуниб етди. У жимгина ўтириб, ҳеч нарса қилмаслиги мумкин эди, лекин Барнабо узоқ саёҳатга Тарсга боради, у ерда Павлусни топади ва уни Антиохияга олиб келади (Ҳав. 11:25-26). Антиохиядаги “ўзига тегишли ҳудуни” ҳимоя қилиш ўрнига, Барнабо таваккал қилиб Павлусни бирга хизмат қилишга унгади. Бизга мълумки, кейинчалик Павлус хизматда Барнабодан кўра каттароқ ном қозонди, унинг хизмати Худони кўп марта улуғланишига ва Осмон Шоҳлигини янада кенгроқ тарқалишига ёрдам берди.

Қўркувлардан озод бўлган лидер, Худо ҳар бир имонлида бутун куч-қудрат билан ҳаракат қилишига, унда ва у орқали буюк ишлар қилишига ишонади. У биладики, бундай ажойиб иш жамоатнинг ҳар бир аъзосида амалга оширилади ва шунинг учун у инсоний нуқтани назар бўйича “ҳавфли” қадамларни қўйишдан қўрқмайди.

Б. Муваффақиятсизликка учраганда нима қилиш керак

Қўркувдан озод бўлган лидер, *муваффақиятсизлик* — ўрганиш ва ўсиш жараёнининг зарурий ташкил қилувчиси эканлигини яхши тушунади. Болалар тарбиясини мисол қилсак: эндини юришни ўрганаётган бола, олдинига албатта бир неча марта ийқилади. Ва бундай ийқилишлар содир бўлганда ота-оналардан бири бориб уни туришига ёрдамлашишади ва уни рағбатлантирувчи сўзлар гапириб, яна юришга унрайди. Ахир ҳеч ким “Сен ийқилдинг! Бу мен учун қандай шармандагарчилик! Энди бошқа юрмайсан!”, деб бақирмайди, тўғрими??

Лидерлар имкони борича ийқилишнинг оғригини камайтиришга ҳаракат қилишлари керак. Шогирд, хатто у хатто қилиб кўйганда ҳам устозининг унга нисбатан муносабати ўзгармаслигини билиши керак. Таңбех бериш ва насиҳат қилиш мумкин, лекин ўзаро муносабатлар бузилмаган ҳолда сақланиб қолинади. Луқо китобининг 10-бобида ҳазрати Исо шогирдларини Унга йўл ҳозирлашлари учун юборади. У шогирдларини, кейинроқ Ўзи бормоқчи бўлган шаҳар ва қишлоқларга жўнатади. Қачонки шогирдлар қайтиб келишганда, Унинг Номига хатто жинлар ҳам бўйсунганини айтиб хурсанд бўлишади. Ҳазрати Исо эса юмшоқлик билан, улар хурсанд бўлишлари керак бўлган нарса бу эмаслигини айтади. Кейинчалик улар жинни қува олмаганларида (Мт. 17) ҳазрати Исо уларнинг имони камлигини

айтиб танбек беради. У шогирдларнинг хатосидан фойдаланиб, уларга руҳий сабоқ беради. Лекин ҳазрати Исонинг уларга бўлган севгиси ҳар қандай вазиятда шубҳасиз эди.

Кўркувдан озод лидер, нафақат муваффақиятли вазиятда, балки муваффақиятсизликда ҳам ўрнак бўлиши керак. У ўзининг хатоларини яшириши керак эмас. Гуноҳ қилганда Муқаддас Китобнинг кўрсатмаларига риоя қилиб, гуноҳини эътироф этиб қайта тикланиши керак. Ўзи очиқ бўлиб, шахсий наъмунасида Худонинг кечириш ва қайта тиклаш иноятини кўрсатади. Агар лидер ўзининг йиқилишларини, хатоларини ёдида сақласа, бошқаларга нисбатан ҳам янада сабр-тоқатли бўлади.

САВОЛЛАР

- Масихга имон келтирганингиздан кейин, ким сизга биринчи бўлиб ишонч билдирган ва қўллаб-қуватлаган? Агар шундай одамлар бўлмаганида, сизнинг ҳозирги кундаги ҳаётингиз қандай бўларди?
- Муқаддас Рух, Ўзининг ҳар бир фарзандларида хизмат қилишга интилиш хоҳишини уйғотиши тўғрими? Агар шундай бўлса, нима деб ўйлайсиз нима учун бизнинг замонамида кўпчилик имонлилар жамоатда “томошабин” бўлиб қолганлар?
- Худо лидерларнинг ҳаётида бўлганидек, бошқаларнинг ҳаётида ҳам яшайди ва ҳаракат қиласи, деган концепция қандай қилиб бизнинг жамоат ташкил қилиш гуруҳимизнинг бошқа аъзоларига, жамоатимиздаги ҳеч қандай хизматларда иштирок этмайдиган одамларга, оиласиз аъзоларига, фарзандларимизга нисбатан муносабатимизга таъсир кўрсатиши мумкин?
- Агар “ҳар имонли — хизматчи ва ҳар бир лидер эса — хизматчиларнинг устози” деган концепция — Худонинг топшириғи ва Жамоатнинг вазифаси бўлса, унда жамоат хизматининг қуйидаги аспектлари қандай бўлиши керак:
 - А) Чўпон ва лидерларнинг хизматнинг асосий йўналиши?
 - Б) Жамоатнинг барча аъзолари учун жамоатда таълим бериш дастурларининг зарурлиги?
 - В) Тажрибали хизматчилар амалга оширадиган иш бўлмиш — янги ишчиларни тайёрлаш?
- Янги имонга келган масихийни қачон хизматга жалб қилиш ва қандай хизматни топшириш мумкин?
- Одамни қайси ёшдан хизматга тайёрлашни бошлаш мумкин?
- Агар бирорта шогирд хизматда муваффақиятсизликка дуч келса, лидернинг унга нисбатан муносабати қандай бўлиши керак? Агар бу вазият маънавий обрўга боғлиқ бўлса-чи? Агар бу вазият унинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ бўлса-чи? Шундан эътиборан унинг учун хизмат қилиш имконияти бутунлай тугаганини билдирадими?

ТОПШИРИҚ

- 12 А Иловадан фойдаланиб, Инжилнинг 1Кор. Мактубини индуктив ўрганинг. Ўқитувчингиз/усотозингизга сиз бу ўрганиш орқли олган билимларингиздан амалий хизматингизда қандай фойдаланмоқчи эканингиз ва фойдаланишнинг амалий натижалари қандай бўлиши ҳақида гапириб беришга тайёр бўлинг.

**Лидерлик
Илова**

2A

**Муқаддас Китобнинг
Кор.га биринчи мактубини
индуктив усулда ўрганиш
*Бошқаларни, худди уларни Худо
кўргандек кўришга ўрганиш***

I. КУЗАТУВ

A. 1Коринфликлар мактубининг қўйидаги оятларини ўқинг. Бу оятларнинг ҳар бирида коринфлик имонлилар ҳақида нималар гапирилганини аниқланг. Ишнинг бир қисми сиз учун қилиб қўйилган.

1:2 Улар Исо Масих орқали муқаддас қилинган ва муқаддасликка чорланган.

1:30 Исо Масих улар учун илоҳий ҳикмат бўлди, Унинг шарофати билан улар солиҳ, муқаддас ва гуноҳдан фориғ бўлдилар.

2:16

3:16

6:11

11:2 Павлус уларни мақтади, чунки улар у топширган таълимотни сақлар, амал қиласар эдилар.

12:7

12:11 Руҳ ҳаммага инъом бераб, Ўзи хоҳлагани бўйича тақсимлайди.

12:13

15:31 Павлус Исо Масихда, улар орқали шуҳратланган.

B. Энди Коринфлик имонлиларнинг муаммолари ва гуноҳкорликлари ҳақида гапираётган оятларнинг мазмунини аниқланг.

1:11 Уларнинг орасида тортишувлар бор эди.

3:1

3:3

4:18

5:1

5:2

6:6 Биродар биродари билан имонсизлар орасида даволашмоқда.

6:8

11:18

11:17-34

II. ШАРХЛАШ

Қўйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Павлус жамоатга қандай мурожаат қилди?
2. Муқаддаслик нима?
3. Муқаддас бўлмоқ нимани англатади?
4. “Масиҳда” – имонлилар ким эканлигини тушуниринг?
5. Матнда ёзилиши бўйича, улар муқаддас эдиларми?
6. Уларнинг муаммолари қандай эди?
7. Уларнинг руҳий характерларини қисқача тушунириб беринг?

8. Коринфликлар жамоатининг ажратиб турувчи муаммоларини ва қай гуноҳга боғлиқлигини қисқача кўрсатинг?
9. Жуда кўп муаммоларга эга бўлган бундай жамоат қандай қилиб Муқаддас деб аталиши мумкин?
10. Коринфликлардаги жамоатда содир бўлган, гуноҳли ишларни билган Павлус қандай қилиб Раббимизда шухратландим деб айтади?

III. АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

1. Сизнинг янги жамоатингиздаги одамлар ҳис қилаётган барча муаммоларни рўйхатини тузинг. Ҳар бир исм ёнига, Масихда у одам кимлигини билдирадиган оятни ёзинг.
2. Павлус ҳамма вазиятларга имон кўзи билан қарасада, муаммоларни эътиборсиз қолдирмади. Агар сизнинг жамоатингизда муҳокама қилиш зарур бўлган саволлар бўлса, Худодан бу муаммоларни ҳам ҳақиқатда, ҳам иноятда ҳал қилинишига ёрдам беришини сўранг.

Лидерлик

З Дарс

Ҳаракатга лидер — хизматчилар зарур

Дарс мақсади:

Лидерликка, бизни ўраб турган дунё учун тўғри ва табиий бўлган нуқтаний назар билан ёндашиш, имонли одам учун нотўғридир. Ушбу дарснинг мақсади — бошқача ёндашувни, яъни бу ёндашув бўйича лидерлик, авваломбор, одамларга хизмат қилишни билдирадиган ёндашувни ва бундай ёндашувнинг жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати матинидаги аҳамиятини муҳокама қилиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:

- Дунёвий лидерлик билан лидер-хизматчи ўртасидаги фарқни билиши керак;
- “Хўжайн” бўлишга эмас, балки лидер-хизматчи бўлишга интилиши керак.

Дарс режаси:

- I. Лидерлик ҳақидаги дунёвий тасаввур
- II. Лидерлик-хизмат қилиш
- III. Амалда рўёбга чиқариш

Илова:

ЗА “Лидер”

СЎЗ БОШИ

Жамоатлар ташкил қилиш бўйича ҳар қандай ҳаракатнинг энг катта эҳтиёжи — лидерлар, яъни Муқаддас Китобнинг лидерлик — хизмат қилишдир, деган таълимотини қабул қилган лидерлардир. Лидер бўлган бундай одамлар, Худо томонидан ва Унинг Каломи орқали чорланганлар. Одамларни Худо айтиётган жойга етаклашларида катта жавобгарлик уларда эканлигини улар тушунадилар ва шунинг учун бор кучларини ишга солиб ўзлари Худога эргашишга ҳаракат қиласидилар. Қачонки жамоатда лидерликка нисбатан дунёвий ёндашувда бўлинса, ёки одамлар Худонинг Каломига эмас, балки ўзларининг “табиий” қобилиятларига таянсалар, у ҳолда ҳаммани ва ҳамма нарсани назорат қилишга уринадиган, ҳукмон ғарби бўлишга интиладиган зўравон лидерлар пайдо бўлади. Агар биз лидерликка нисбатан дунёвий ёндашув, яъни Муқаддас Китоб бўйича бўлмаган ёндашувнинг йўлларини бутунлай бузуб ташламасак, биз Масих Танасининг бутун ресурсларидан, бутун бойлигидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаймиз, Исо Масиҳнинг Хушхабари бизнинг ҳаётимиз мобайнида бутун дунёга етказилишига умид қиласак ҳам бўлади.

Масиҳ бизга бундай раҳбарликнинг наъмунасини қолдирган. Бизнинг лидерлик ҳақидаги тасаввуримиз ва уни ҳаётда қандай амалга ошириш кераклиги ҳақидаги тушунчамиз айнан Унинг наъмунасига асосланиши керак. Исо Масиҳ ёндашувининг марказида одамларга хизмат қилиш турган, Унинг лидерлиги, авваломбор, Ўзини Ўз издошлиарида бутунлай бағишлиашни билдиран.

I. ЛИДЕРЛИК ҲАҚИДА ДУНЁВИЙ ТУШУНЧА

Биз яшаётган дунёда лидерликка нисбатан ҳукмонлик, ҳокимият, хўжайнчилик деб қараш тенденцияси мавжуд. Баъзи одамлар, ҳокимият уларга одамларни бошқарив, уларни ўз иродасига бўйсундириб, уларни ўз ортиларидан эргаштириш ҳуқуқини беради, деб ҳисоблайдилар. Бундай фикрлаш тарзи кўпинча шундай раҳбарлик услугуга олиб келадики,

бунда раҳбар одамлардан бемалол ўз шахсий маънфатлари йўлида фойдаланади, жамият учун эмас, балки ўзига ва ўзининг шахсий мақсадлари учун хизмат қиласди. Сиёсатда, таълим олишда, бизнесда ва ҳ.кз.ларда мана шундай лидерликнинг мисолларини ҳар доим кўрамиз, улар шунчалик кенг тарқалганки, бу худди табиийдек қабул қилинади, ва бу эса биз учун — масиҳийлар учун жуда ҳавфлидир. Ҳавф шундан иборатки, бизда лидерликнинг мана шу услубини қўллаган ҳолда одамларга раҳбарлик қилиш майли пайдо бўлиши мумкин (ундан ҳам ёмони, биз буни ўзимиз сезмаслигимиз мумкин), чунки бу бизга жуда таниш-да, “ҳамма шундай қиласди-ку”, бу дунё учун одатий ҳолат-да.

Лидерлик ҳақидаги дунёвий тасаввур одамларнинг тасаввурларига нисбатан маълум бир сабабларга асосланган, масалан:

- Сиз одамларга топширилган вазифани бажаришларида, уларга ишона олмайсиз.
- Бошқаларга ҳаддан ташқари ортиқ ишониб, уларга сиздан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишларига имкон берасиз.
- Лидернинг ҳокимияти у эгаллаган мавқедан ёки унинг шахсий кучи борлигидан берилган.
- Одамлар сиз улардан хоҳлаган ишни ё улар мукофот олишни хоҳлагани, ёки бўлмаса жазоланишдан қўрқанлари учун қилишади.
- Лидерлар ўз издошлари билан яқин алоқа қиласликлари керак, чунки унинг заифликларини билиб қолишлари мумкин.

Шу айтилган фикрларга қўшиласизми? Ҳа/йўқ, нега?

Кўпчилик лидерлар бу фикрларга қўшилишади ва мана шу шартлардан келиб чиқиб ҳаракат қилишади. Улар буни очиқласига тан олмасликлари мумкин, лекин ичларида ўз вазифаларига (лидерлик вазифасига) шахсий маънфатпарастлик ва ҳукмронлик нуқтаний назаридан қарашади. Мана бу лидерларнинг “ичларида нима деб ўйлашларини” эшитиб кўринг ва уларнинг ҳар бирининг шахсий маънфатпарастлиги (эгоистлиги) нималарда намоён бўлаётганини айтиб беринг.

- Мен нимани қандай қилишни ҳаммадан кўра яхшироқ биламан. Ахир мен ҳаммадан кўра яхшироқ таълим олганман, ўрганганман, кўпроқ тажрибага эгаман ва қўйилган вазифани бошқалардан кўра яхшироқ биламан. Издошларим мендан, яъни лидердан шуни кутишади.
- Лидер бўлганим учун ҳамма ишни ўзим қила олмайман, шунинг учун ҳам менга шогирдлар керак. Лекин нима қилиш керак ва қандай қилиш кераклиги борасидаги уларнинг фикрига мен муҳтој эмасман.
- Яхшиси, мен ўз издошларимнинг фикрини эшитишим керак. Бизнинг замонамиизда бу мода. Лекин, мен бирор бир бошқача йўл ҳақида ҳали эшитмадим. Шунинг учун, мен барибир ўзиминг фикрим бўйича қилишимга тўғри келади.
- Албатта, ҳамма йиғилишларни мен олиб бораман, уларнинг боришини мен назорат қиласман. Шундай экан, кун тартибини ҳам ўзим тузаман ва унинг ҳар бир пунктини мен ўзим синчилаб ўйлаб чиқаман.

II. ЛИДЕРЛИК — ХИЗМАТ

Ҳазрати Исо шогирдларига дунёвий раҳбарликнинг йўли ҳақида гапирган (Мт.20:25-28). Кейин бундай раҳбарликнинг принципларини тушунтириб, Раббимиз шундай деб буюради: “Сизларнинг ораларингизда бундай бўлмасин”, ва шу тарзда улар лидерликнинг бундай ҳукмронлик, зўравонлик қиласувчи усусларини ҳеч қачон қўлламасликларини аниқ қилиб айтган. Унинг издошлари “ҳаммага қул” бўлишлари кераклигини айтган.

A. Хизмат қилиш ва лидерлик биргаликда мавжуд бўлиши мумкин

Бир қарашда “хизмат қилиш” ва “лидерлик” сўзлари қарама-карши маъноларни билдирадигандек туюлади. Хизматкор — бу хўжайин томонидан ёлланган ва хўжайиннинг хоҳиш-иродасини бажарувчи одамdir. Агар хизматкор ўз хизматини сифатсиз бажарса, у ўз ишидан ва яхши хизматчи деган обрўдан маҳрум бўлиши мумкин. *Хизмат қилиш* яқин одамнинг муҳтоҷлигига жавоб бериш, кимгадир итоат этишни ва камтарлик руҳини назарда тутади.

Лидерлик эса, ўз навбатида, ташаббускорликни намоён қилишни назарда тутади. У ўз ичига раҳбарлик, таъсир кўрсатиш ва қарор қабул қилишни ҳам олади, мустақилликни, ижодий фикрлашни талаб қиласди, шунингдек, лидер бошқаларни шундай тарбиялай олиши керакки,

токи улар якка ҳолда ишлагандан кўра, биргаликда ишлаб яхшироқ натижларга эриша олишсин. Лидер қаерга кетаёттанини билади ва одамларни ўз орқасидан эргашишларига руҳлантира олади.

Хўш, бу тушунчалар қандай қилиб бир-бирига қўшилиши мумкин? Бизнинг хизматимизнинг лидерликка тегишли бўлган қисми — лидер “нима” қилаётганини (унинг вазифасини) тасвирлайди, хизматга тегишли бўлган қисми эса — у (лидер) ўзгаларнинг эҳтиёжларига жавоб бериб, буни “қандай” қилаётганини тасвирлайди (яъни, вазифа амалга оширилаётган шакл). Биз худди хизматчилардек раҳбарлик қиласиз. Дунёвий тушунча бўйича, “лидер” бўлгандан кейин, хизматчи бўлиш мутлақо шарт эмас. Лекин бизнинг ишимизда, айниқса янги жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини вужудга келтиришда, бу мутлақо шартдир. Шундай бўлиши керак!

Б. Раҳбарликнинг масиҳийча принциплари ва одамларни хизматга жалб қилиш

- Одамлар Худонинг суратида, яъни илоҳий суратда яратилганлар ва шунинг учун ҳам улар ўз моҳиятларига кўра қимматлидир (Ибт. 1:27-28).
- Ҳар қандай иш Худонинг улуғланиши учун бажарилиши кераклигини тушуниб етишнинг ўзи, одамларни мукаммал ва сифатли ишлашга ундейди (Кол. 3:23).
- Одамлар, хатто уларнинг қарорлари баъзида хато бўлса ҳам, бирор бир жавобгарлик ишониб топширилмаса ва мустақил қарор қабул қилишларига эркинлик берилмаса, руҳан ўсиб, ривожланишмайди.
- Лидерларни Худонинг Ўзи тайинлайди. Ҳокимиятни ҳам унга Ўзи беради (Рим. 13:1).
- Ҳақиқий лидерлар бошқларда, тобе бўлган одамларни эмас, балки дўстларни кўрадилар, улар билан яқин ва самимий алоқа қиласидар (Юх. 15:15).

В. Ҳазрати Исоning наъмунаси

Ўзининг ердаги хизматида ҳазрати Исо бизга лидерлик-хизмат ҳақида таълим берди ва бундай раҳбарликнинг наъмунасини кўрсатиб берди (Юх. 8:28-29). У лидерлик ҳеч қачон ҳудбин (эгоистик) бўлмаслиги кераклигини аниқ тарзда кўрсатиб берди (Мт. 20:25-28; Юх. 13:1-16). Худонинг Ўғли Ўзини шунчалик паст олиб одамларга хизмат қилди ва хатто Ўз издошлари учун жисмоний ўлимга ҳам рози бўлди (Флп. 2:1-11).

Ҳазрати Исо Ўз шогирдларини “дўстларим” деб атаган (Юх. 15:15), Ўзи эса хизмат қилиш учун келганини айтган. Шогирдлар Унга катта ҳурмат ва итоаткорлик билан муносабатда бўлишган. Одатда эса ўзаро муносабатлар тескари тарзда курилади: лидер ҳурмат ва унга итоат қилишларини талаб қиласидар, шогирдлар эса бу вақта дўстга ва хизматкорга муҳтож бўладилар.

Буюк лидер сифатида ҳазрати Исо ҳамма замонлар учун ажойиб ҳаракатни — бутун дунёни қамраб оловчи Ўз Жамоатининг ҳаракатини бошлаб берди. Лекин ҳазрати Исо одамларга хизмат қилиш учун келганини жуда аниқ ва равшан гапирган. Ана энди эса келинг, лидерликнинг дунёвий тушунчаси билан масиҳий лидерликни, яъни Раббимиз бизни даъват қилган лидерликни бир-бирига солиштириб кўрамиз, келинг, бу иккита, бир-биридан анча фарқ қиласидиган ёндашувлардан фойдаланиш орқали эришиладиган натижаларни таққослаб кўрамиз. Инсоният тарихида ҳеч қачон ўша, Исо Масих бошлаб берган ҳаракатга тенглаштириш мумкин бўлган натижага эришилмаган. Буни қарангки, ҳеч қайси ҳукмдор, ҳеч қайси подшоҳ ўзининг бутун ҳарбий кучи ва ҳокимияти билан, Раббимиз асос солган ҳаракат каби ҳаракатни яратса олмаган. У қандай куч-қудрат билан ҳаракат қиласидар, У бирорта бўлса ҳам одамни Ўз издоши бўлишга мажбур қилгандарми? У кимнидир нобуд қиласидарми? Ҳафа қиласидарми? Камситдими? Йўқ, У севар эди ва севги билан хизмат қиласидар: кечирди, шифолади, таълим берди, далда ва мадад берди, озуқа берди ва хатто Ўзини биз учун қурбон қиласидар. Атрофдаги одамларга хизмат қиласидар, ва бу хизматни бизга, Унинг шогирдлари ва издошларига ҳам буюрган. Айнан хизмат қилиш, биз бугун гапираётган ўша ҳаракатга пойдевор қўйди.

Г. Лидерларга кўрсатмалар

Ҳаворий Бутрус ўзининг Биринчи мактубида, жамоат раҳбарларига лидер хизматчилар бўлишлари кераклигини аниқ қилиб гапирган (1Бутр. 5:1-4). У бунга Масиҳнинг чеккан азоб-уқубатларининг гувоҳи сифатида чақиради ва чўпонлардан уларга ишониб топширилган сурувга “хукмронлик қиласликларини” ўтиниб сўрайди, лидерлик ҳақидаги Масиҳнинг таълимотини эслатади (Мт. 20: 25-28).

III. АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

Лидерлик-хизмат — бу раҳбарликка Муқаддас Китоб нуқтаи назари бўйича ёндашишдир. Содда тил билан айтганда **лидер-хизматчи** — ўз издошларининг маънфатларини ва эҳтиёжларини ўзиникидан устун қўяди. Масиҳий лидерлар, биринчи навбатда ва авваломбор, — хизматчилардир. Ўзини катта тутиш, одамларни камситиш ва мажбурлаш ҳеч қачон масиҳий лидернинг таърифини билдириласлиги керак (Мт. 20:25-28; 1Бутр. 5:1-7). Масиҳий лидер — бу “хукмдор” эмас, диктатор эмас (“ҳокимлик қилиш” сўзи, грекча — “арх” негизига эга бўлган бу сўз, Янги Аҳдда масиҳийларнинг ўртасидаги ўзаро муносабатларни тасвирилашда ҳеч қачон ишлатилмаган), балки хизматчи бўлиши керак.

Лидер-хизматчи хос бўлган сифатлар

- У бирликка интилади (Эф. 4:3). Иззатталаблик, мулк ва ҳудудий эгалик ҳақидаги бефойда тортишувлардан узоқ бўлади.
- Ўзгаларнинг эришадиган ютуқлари ва обрў-хурматларидан кўрқмайди. Одамларнинг кучли томонларини қадрлайди ва улардан гуруҳнинг умумий мақсадларига эришишда фойдаланади.
- Ўзгаларга насиҳат ва тарбия беради. Лидер-хизматчи ўзгаларни қўллаб-қувватлаш ва далда бериш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қиласди. Улар эришган ютуқлар унчалик аҳамиятга эга бўлмаса ҳам, улардан қувонади.
- Ишни олдинга силжитишда ташаббускорлик кўрсатади ва бунда камтарин ва ўзгаларнинг фикрини ҳисобга оладиган бўлиб қолади.
- Ўзгалар ҳақида доим яхши гапларни гапиради.
- Ўзи билан бирга раҳбарлик қилувчи лидер-ёрдамчиларнинг гуруҳини яратишга интилади.
- Обрў-эътиборни (лавозимли, шахсий, тажриба, индивидуал, руҳий) тан олади ва улардан оқилона фойдаланади.
- Ўзи эгаллаган мавқенини уни қадрлашлари, ҳурмат-иззат кўрсатишлари учун асос деб ҳисобламайди.
- Ўзи хизмат қилаётганлардан фойдаланиб ўзининг қудрати ошиши учун, руҳан ўсиши учун ўзига қулай бўлиши учун қарор қабул қиласмайди.
- Лидер хизматчининг ўз издошларига нисбатан севгисининг энг номоён бўлиши — уларнинг руҳан ўсишларига ва хизматларини ривожланишига ёрдам беришга интилишидир.
- Бошқаларга янги лидер-хизматчи бўлишларига ёрдам беради, янги, кўпаядиган жамоатлар учун мустаҳкам бошқарув асосини яратади.

ХУЛОСА

Лидер-хизматчи Худонинг иродасини бажаришларида бошқаларга ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. У одамларга “хукмронлик қилишга” ёки улардан ўз маънфатлари йўлида фойдаланишга ва ўзи яхши деб ҳисоблаган ишларни бажаришларига мажбурлашга интилмайди. Аксинча, унинг интилиши — ҳар бир одамга ҳаётнинг ва хизматнинг барча соҳаларида ўсишларига ёрдам беришдан иборат. Лидер-хизматчи ишининг муваффақияти унинг издошлари эришган ютуқлари билан ўлчанади.

Лидер-хизматчи, Худо олдида ўз издошлари билан бир хил эканлигини тушунади. Раҳбарнинг ҳокимияти ўзидан эмас, балки Худодандир, шунинг учун у бу ҳукуқдан ўзи хоҳлагандек фойдаланишга ҳаққи йўқ. У бу ҳокимиятдан, ҳазрати Исо — Ўз издошларига хизмат қилиш учун бундан қандай фойдаланган бўлса, худди шундай фойдаланиши керак.

САВОЛЛАР

- Нима учун лидерларга лидер-хизматчи бўлиш шунчалик қийин?
- Лидер-хизматчининг сифатларига жавоб берадиган жамоат ташкил қилувчини тасвирлаб беринг, ёки лидер-хизматчи (сизнинг фикрингизча) қандай бўлиши керак? Тасвирлаб беринг.

Яхши лидер-хизматчи бўлишингиз учун сиз ўз ҳаётингизда ва хизматингизда нималарни ўзгартиришингиз керак?

ТОПШИРИҚ

Илова ЗА “Лидер”ни ўқинг ва Жамоат ташкил қилиш бўйича Масижнинг хизматкори бўлган хизматчининг ишига ёрдам берадиган барча хизмат ёндашувларини ва йўлларини белгиланг.

Лидерлик Илова ЗА

Лидер

Лидернинг олдида етарли даражада улкан вазифа туради. У дунёни тубдан ўзгартириши керак эди. Лидер интилган ўзгаришлар қандайdir шунчаки ёки вақтинча эмас эди. У бутун қабила ва халқларни қамраб оладиган бутунлай янгича дунёқарашни, ҳётни бутунлай янгича қабул қилишни, янги маданиятни яратишни хоҳларди. Лидер олдида турган вазифа одамзоднинг ниятига сиғмайдиган даражада қийин эди. Бошқа кўп буюк лидерлар бунга уринишган ва уддалай олишмаган эди. Инсоний нуқтаий назар бўйича Лидер Ўз миссиясида мутлақо ёлғиз эди. Ҳеч ким бу миссияни бажаришда қатнашиш хоҳишини билдирамади, бундан ҳам ёмони ҳеч ким буни яхши тушунмас эди. У ниятига эриша олармиカン? У Ўзининг Хабарини етказа олармикин? Ҳётни бутунлай ўзгартиришга одамларни қандай қилиб уйғотмоқчи?

Лидер танлаган усул ажойиб эди. Биз Унинг вазиятида қилиши табиий деб ўйлаган кўп ишларни У қилмади. У жамиятда юқори мавқени эгаллашга интилмади ва армия ҳам тўпламади. У институтларни очмади ва Ўз фалсафасини ташвиқот қилиш учун маъқулланган таълим бериш тизими бўйича семинарлар ўтказмади, Ўз таълимотини одамларнинг миясига қўйиш учун қулай бўлган шароитлардан, иссиқ ва шинам синф хоналаридан фойдаланмади. У Ўз режаларини чиройли тарзда реклама қиласидиган қўлланмалар ва китоблар нашр қилдирамади. Буларнинг барчасининг ўрнига Лидер Ўз атрофига содда ва камтарона шогирдлар гуруҳини тўплади (Мт. 10:2-4; Мк. 3:13-19). Ўзининг бутун вақтини халқнинг катта оломонига бағишлиш ўрнига, У бутун уч йилни бевосит ўзининг яқин шогирдлари билан ўтказди, уларга янги, ўзгартириш йўлларини ўргатди ва бу шогирдлар кейинчалик Унга бошқа кўп ва кўп одамларни ўзгартиришига ёрдам беришларига умид қилди.

12 кишидан иборат гуруҳ — бир қараганда бу умидсиз камтарона бошланишдек туюлиш мумкин. Лекин шунга қарамай У шогирдларини худди Ўз оиласи аъзолари каби севди ва улар орасида Ўз таълимотига тўла муносиб яшади (Мт. 12: 28-49; Мк. 3:32-35). Улар бирга овқатланишар, бирга дам олишар, ишлашар эди, улар орасида ҳеч қанақанги ажralиш ёки тўсиқлар йўқ эди. Лидер ғояларини Ўз издошларининг бевосита кўз ўнгидаги ишга солар эди. Улар бирга қишлоқма-қишлоқ юардилар, бу жойларда эса одамлар Унга жуда кўп муҳтожликлари билан келишарди, ва У одамларга ёрдам берарди. Лидер кўпинча тумонот одамларга ваъз айтар эди (Мк. 4:33). Унинг таълимотини тушуниш учун катта билим ёки чуқур ақл-идрок талаб қилинмас эди, У Ўз таълимотини тушунтириш учун ўша даврдаги ҳётий содда мисоллардан фойдаланаарди. Кўпинча эса У Ўзининг яқин шогирдлари билан хилват, чекка жойларга кетарди ва у ерда уларга алоҳида сабоқ берарди, кейин эса чуқур муҳокамалар бўларди (Мк. 4:34).

Издошлари кўринишидан содик ва тиришқоқ шогирдларга ўхшар эдилар, лекин улардан тўла умид қилиш қийин эди. Улардан баъзилари оддий, оз-моз ўқимишли дехқонлар бўлган; бири — ўша давр одамлари учун энг ёмон касбнинг вакили — собиқ солиқ йиғувчи эди; баъзилари эса — собиқ балиқ овчилари. Энг яхши ҳолатда, улар энг оддий одамлардан ташкил топган гуруҳ эди, улар “жамиятнинг мойли” одамлари эмас эдилар, шунинг учун улардан қандайdir “катта” ишларни кутиш қийин эди. Улардан ҳеч бири жмиятдаги ҳаракатга йўлбошчилик қилиш учун лидерликнинг табиий талантига эга эмас эди. Гарчи Лидер руҳий Хабар келтирган бўлса ҳам, У танлаган одамларларнинг бирортаси ҳам давлатнинг диний раҳнамоларидан эмас эди. Мана шу барча камчиликларга қарамасдан, айнан шу шогирдлар буюк ҳаракатнинг олдида туришга онгли равишда қарор қилишди. Уларнинг кучли тарафи шу эдикни, улар Лидер билан бирга бўлишди ва У буни етарли деб билар эди (Мк. 3:14).

Лидер ажойиб бир камтар одам эди. У Ўзининг она шаҳри тўғрисидаги кесатик гапларга эътибор бермасди (Юҳ. 1:46). У чекка ўлкадан келганлигидан ва дурадгорнинг ўғли бўлганлигидан уялмас эди. У катта ном қозонишга ва шахсий фойда кўришга интилмасди, аксинча, бошқаларга куч бериб Ўзи панада қолишини хоҳлар эди (Мк. 5:41-43; 7:36-37; 8:27-30; 9:7-9; 9:30). Баъзиларнинг фикрича, агарда У озгина расмий бўлганида, агарда У мавжуд бўлган жамият тизимиға киришиб кета олганда, У янада катта фойда келтириши мумкин бўларди. Лекин, Лидер расмий мавқега эга бўлишини хоҳламади. Унга дунёнинг барча салтанати устидан хукмронликни таклиф қилишганда У буни рад этди (Мт. 4:8-10; Юҳ. 6:14-15). Мавжуд бўлган жамиятда ислоҳотлар ўтказиш ўрнига, Лидер мутлақо янги ҳаракатга учқун беришга қарор қилди (Мт. 15:12-14).

Орқага назар солсақ, биз Лидернинг омилкорлигидан шубҳаланишимиз мумкин. У гуноҳкорлар билан дўстлашди (Мк. 2:15-17; Мт. 9:10-13; Лк. 14:26-27). Унинг ваъзлари ва таълимоти кўпинча, Унга ёрдам бера оладиган инсонларни Унга нисбатан қарши қилиб қўяр эди (Мт. 15:12; Лк. 11:45). Баъзи бир исътиисноларни ҳисобга олмасак (Мк. 2:41-43; Мт. 8:3-4). Лидер ўша даврнинг диний раҳнамоларини унчалик қадрламас эди (Мк. 11:15-17). Унинг талаблари жуда юқори эди — Ўз издошларидан “ҳамма нарсани ёки ҳеч нарсани” талаб қиласади (Мт. 5:19-29; 10:37-39; Мк. 10:17-22; Лк. 14:26-27), ва шунинг учун ҳам кўпчилик ундан юз ўтири (Мт. 8:18-22; 10: 34-39).

Лидер урф-одатларни, анъаналарни, уларнинг амалий натижлари нуқтайи назаридан қадрларди. Мисол учун, У “қундалик эҳтиёжлар учун ташвишланиш”, одамларни чинакам муҳим ишлардан чалғитиб, улар учун тузоқ бўлиши мумкин, деб ҳисобларди (Мт. 6:28-34; Лк. 10:41-42). Диний қонунларни У ҳамиша ҳурмат қиласади (Мт. 5:17-18), лекин унга ҳарфма-ҳарф эмас, балки амалий нуқтайи назар билан муносабатда бўларди (Мк. 2:25-27; 7:1-27; 12:29-34; Лк. 6:10; Мт. 15:6). Маъбад Худо тайинламаган ишлар учун ишлатилганини кўриб, У Ўз ғазабига эркинлик беришни мумкин деб ҳисоблади (Мт. 21:12-13). Инсонларга ички озодлик бериш ўрнига, улар учун оғир юқ бўлиб қолган урф-одатлар устидан У кулар эди (Мт. 23; Лк. 11:37-52). Уни одамларнинг қонун-қоидларга мос ҳолда ташқи ўзгаришлари эмас, балки уларнинг “Рух қонунига” мос тарзда ички ўзгаришлари кўпроқ ташвишлантиради (Мт. 15:7-9).

Лидер инсонларни қаттиқ севар эди; Унинг миссияси одамларга хизмат қилишини талаб қиласади. Балки, шунинг учун ҳам У “бошлиқ” деб эсда сақланмагандир. Лидерликни “марtabа”, “мавқе” деб нотўғри тушуниш, кўпчиликка ҳозиргача Уни лидер сифатида қабул қилишларига халақит беради. Уни кўпроқ хизматчи, устоз, шифокор, маслаҳатчи ва одамларга муҳтоҷликларида ёрдам берадиган ва ҳақиқат йўлига бошлайдиган одам деб эсда сақлаб қолишиган. Унинг шахсий кун тартиби кўпинча бошқаларнинг эҳтиёжларини қондиришдан иборат бўларди. У кўпинча вақтини оддий одамлар билан суҳбатлашишга (Юҳ. 3:4), уларга ёрдам беришга, руҳан ва жисмонан шифолашга ва уларга ички озодликка томон йўл кўрсатишга сарфлар эди. Қачонки Унинг атрофига тумонот одам йиғилганида, У Ўз муҳтоҷликларини ўйламасдан, уларнинг муҳтоҷликларини қондириларди (Мт. 14:13-14; 15:32). Болалар бор бўлгани унга ҳалал бермас эди (Мт. 19:13-15; Мк. 10:13-16; Лк. 18:15-16). У ҳар қандай ҷалитишларга, ҳатто Унинг боши устидан кимлардир томни тешишаётгандариди ҳам У хотиржам муносабатда бўларди. У одамларнинг ўртасидаги бефойда ихтилофлар Уни ўз ичига тортишига йўл қўймас эди (Мк. 9:38-41). У учун одамлар шунчалик муҳим эдики, ҳатто У бутун Қонунни ўзаро муносабатлари тўғрисида амрга бирлаштиради (Мт. 23:37-40; Мк. 12:28-31).

У одамларда билимни, бойликни ёки Қонунга мукаммал риоя қилишини эмас (Мк. 10:17-22), балки улардаги имонни кўпроқ қадрлар эди. Умуман, агарда одам Лидерда таассурот қолдиришни хоҳласа, бунинг учун энг яхши восита ўз имонини намоён қилиши эди. Имон, айтиш мумкинки, Унинг одамларга нисбатан ягона ўлчови эди (Мт. 8:7-10; 9:22-29; 15:28; 17:20; 21:21-22; Юҳ. 6:28-29). У доимо одмаларни ишонишга ундар эди (Мк. 5:31-36; Юҳ. 3:15-18) ва кучли имонга эга инсонларни учратганда, У хурсандчилигидан худди “портлагандай” бўлар эди (Лк. 7:9; 8:46-48). Одамлар менсимайдиган бир инсон Унга ишончни кўрсатиб, шу билан атрофдаги одамларга нисбатан ҳурматсизлик қилган бўлса ҳам, лекин Лидер уни қабул қиласади (Мк. 10:46-52; Лк. 7:36-38,50). Ўзи ғайритабии қобилиятларга эга бўлиб, У инсонлар ўз имонсизликлари билан Уни чеклаб қўйишларини кўп марта таъкидлаган (Мт. 13:58; Мк. 6:5-6).

Энг яқин издошларига таълим бериш вақти охирига яқинлашганида, бир қараганда, кўп муаммолар пайдо бўлди. Шогирдлар Унинг сўзларининг маъносини тушуна олмас эдилар (Мк. 8:14-21). Бутун халқ Унинг Ким эканлиги тўғрисида бир фикрга кела оламас эди (Мт. 16:13; Мк. 8:27-30; Лк. 9:18-19). Шуҳрат ва машхурлик Унга ҳамроҳ бўлганида шогирдлари Унинг кетидан боришар эди, лекин У уларнинг ёрдамига энг кўп муҳтоҷ бўлган вақтда шогирдлар Уни ташлаб кетиши (Мт. 26:56, Мк. 14:32-50). Энг яқин одамлардан бири, мушкул пайтда Уни танимайман деб, Ундан тонди (Мт. 26: 69-74; Мк. 14:66-72). Бошқа бир издоши биринчи таклиф қилинган пулга Уни сотди (Мт. 26:14-16) ва кейин ўз жонига қасд қилди (Мт. 27:3-5). Охир-оқибат ҳукумат Лидерни қўлга олди. У қамалди, сўроқ қилинди, ҳукм қилинди ва У жамият учун ҳавфли деб ўлдирилди (Мт. 27: 11 ва ҳок.). Мана сизга дунёни ўзгариши.

Лидернинг бундай ғалати ва кутилмаган тарзда Ўз издошларини тарк этиши, шубҳасиз уларни саросима ва кўркувга солди. Улар Унинг кетишига ўзларини тайёр деб ҳис қилишмас эди. У Ўз ишини эндиғина бошлаганга ўхшар эди. У атрофдагиларга катта таъсир кўрсатди, лекин дунё, Уни рад этиб, қандайдир ўзгариш майлидан узоқ эди. Иш тугамагани сабабли, Лидер, кетаётганида, Ўз издошларига Унинг ишини давом эттиришни топширди (Мт. 28:18-20; Мк. 16:15-20). У Ўз издошларини етарлича тайёрланган ва агар улар Ундан ўргангандарини ишлатишиса, У қилган ишларни (хатто ундан ҳам каттароқ ишларни) қила олишади, деб ҳисобларди (Юх. 14: 12).

Ва ҳақиқатдан ҳам улар Лидернинг ишини давом эттириши. Улар ўзларини буюк имонга ва ниятга эга инсонлар эканликларини намоён қилиши. Улар миссияни берилди ва ажойиб кўтаринкилик билан бажарар эдилар. Буни бажариб, улар бир нарсага ишониши — уларнинг Лидерлари ҳақиқатдан ҳеч қаерга кетмаган, бу фақат қандайдир вақт ичиди шундай туюлди. Бундан ташқари, айнан Унинг руҳан иштирок этиши ўша ўзгаришларда, яъни Унинг Ўзи интилган ўзгаришларда асосий ролни ўйнади. Қачонки улар Унинг Хабарини ҳар бир миллат ва халққа етказганларида, У, Лидер, улар билан бирга эди. Унинг иштирок этиши — бу уларнинг Хабари ва илҳоми бўлган (Юх. 14:19-20).

Ўзларини барibir яхши шогирдлар эканликларини намоён қилган издошлар, Лидер қилган хизмат нусхасидан жуда ҳам четга чиқмадилар. Улар бозор майдонларида, ҳамма тўпланадиган диний марказларда — маъбадларда ва синагогалар оддий инсонлар билан сұхбатлашардилар (гарчи уларнинг ўзлари Худога сажда қилиш хизматини, асосан, хонадонларда олиб борарадилар) (Ҳав. 2:46). Улар ўз ваъзлари бўйича яшашга кўрқмас эдилар, бошқаларни чуқур севар эдилар, худди ўзларидек ҳаракат қиладиган янги издошларни тўплардилар. Одамлар Хабарни қабул қиласидилар, ва маҳаллий жамоалар ташкил топди ва бу жамоларда Лидернинг иштироки улуғланар эди. Лидер каби, бу шогирдлар ва уларнинг жамоалари расмий ҳукуматга ва диний тизимга худди шундай таъсир кўрсатишарди, ва бу ҳукумат ва диний раҳнамолар улар томонидан ҳавфни ҳис қилиши — ва натижада қувғинлар (репрессиялар) бошланди.

Бир неча авлодлар ўтгандан сўнг, шогирдлар Лидерга эргашишнинг “маҳсус доно” усууларини ихтиро қилишни бошлаши. Баъзида эса улар Лидердан қўра кўпроқ “ҳаммага ўхшаб” ҳаракат қилиши ва бу дунёдаги устивор бўлган принципларни қўллай бошладилар. Марказида Лидернинг иштироки бўлган норасмий ҳаракат ўз ўрнини расмий институтлар ва қаттиқўл дастурларга бўшатиб берди. Катта таъсурот уйғотадиган ташкилотлар, катта бинолар ва дастурларнинг “таъсирчан рухи” — Лидернинг ва дастлабки шогирдларнинг оддий йиғилиши ва самимий гувоҳлиги ўрнини эгаллади. Буларнинг ҳаммаси маълум бир даражадаги ҳавфсизликни ва назоратни таъминлади, лекин Лидернинг иштирокига ҳалақит берадиган бўлди, ва У интилган нарсалардан кўпи рад қилинар эди. Вазифаларнинг ўрнига шаклларнинг тайинланиши ва ўрнатилиши оқибатида миссиянинг ҳақиқий таъсири камайиб кетди.

Лидернинг таъсири бизнинг давримизда ҳам давом этмоқда. Унинг издошлари, У ер юзида амалга оширган ишни бажариш бўйича топшириққа эгалар. Дунёни ўзгариши бўйича бугунги кундаги дастурлар ва лойиҳлардан умид қилиш қийин бўлгани учун, Унинг шогирдлари Лидернинг энг биринчи ёндашувини эсларида сақлашлари керак. Унинг асосий ғояси жуда оддий: энг яхши лидер — бу ўзи ишонган нарсасига мос тарзда ҳаёт кечирувчи, ўз издошларини қаттиқ севувчи ва улар учун ўз ҳаётини очувчи одамdir. Ҳаётни ва дунёни ўзгарирувчи Буюк Лидер худди мана шундайдир.

6 Кисм: Оила

Оила

1 Дарс

Оилага ва хизматга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш

Дарс мақсади:

Бу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчининг ўз оиласига ва хизматига нисбатан муносбатини мувозанатда сақлашига таъсир кўрсатадиган саволларни очик-ойдин муҳокама қилиш.

Кутиладиган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўкувчи:
- Оиладаги бирдамлик ва мувозанат — соғлом хизмат учун асос эканлигини тушуниши керак;
 - Ўз оила аъзоларини яхшироқ тушунишга ва уларнинг ҳаётлари қандай қилиб унинг хизматига боғлиқ эканини/таъсир кўрсатишини тушунишга интилиши керак. Ўз оиласида бирдамлик ва мувозанатга эришиши керак.

Дарс режаси:

I.—V. Жамоат ташкил қилувчиларнинг оилавий ҳаётларидан бешта кўриниш

Ўқитувчилар учун маслаҳатлар (тавсиялар):

Бу ердаги мисоллар фақат жамоат ташкил қилувчининг оилавий ҳаётида ва хизматида мувозанат бўлиши кераклигини муҳокама қилишга рағбатлантириш учун берилган. Муҳокама учун агарда улар лидерлик-хизмат, можароларни ҳал қилиш, оилада тўғри қарорлар қабул қилиш, умр йўлдошига муҳаббатини намоён қилиш йўллари, ўзининг ожиз ва кучли тарафлари билан ва ҳамда ўз умр йўлдошининг ожиз ва кучли тарафлари билан кўниши тўғрисида баҳс-мунозаралар учун мавзу бўла олса ўзингизнинг мисолларингиздан ва муаммоларингиздан фойдаланишдан чўчиманг. Бу дарсга тайёрланишда келтирилган турли хил кўринишларни яхшилаб ўқиб чиқинг ва машғулотни сизнинг ўқувчиларингиз учун энг муҳим бўлган саволларни ҳисобга олиб режалаштиринг.

Дарс пайтида сиз қўйидаги кўрсатмалардан фойдаланишингиз мумкин: (Ўз ғояларингиз бўлса, уларни ишлатишга кўрқманг.)

1. Дарснинг бошида кичкина гуруҳларга бўлининг, ва уларнинг ҳар бири келтирилган кўринишларни муҳокама қиласди.
2. Муҳокаманинг натижасига кўра ҳар бир гуруҳ, кўриб чиқсан вазиятида қўлланилиши керак бўлган Муқаддас Китоб принципларини ёзиб чиқиши керак.
3. Дарснинг охирида гуруҳлар қайтадан бирлашади ва олинган натижалари билан бутун синф билан ўртоқлашади.

I САҲНА: ИКРОМ ВА ЛОЛА

Тунги поезднинг вагони билан бирга тебраниб, Икром мазза қилиб уйқуга кетди. Охирги ҳафта жуда қийин эди — конференция беш кун давом этди. Чарчоқларга қарамай, Икром бу ҳафтадан хурсанд эди, чунки бу вақтда у биродарлари, яъни у каби ишлар билан — жамоатлар ташкил қилиш билан шуғулланадиган биродарлари билан мулоқот қилиб кўп нарсаларни билиб олди. Конференсияда ажойиб бир яқдиллик муҳити хукмрон эди. Ҳар бир одам унинг фикрини ва ташвишларини тезда тушунар эди, ахир кўпчилик қатнашчилар жамоат

ташкил қилишдаги бир хил қийинчиликларни бошларидан ўтказишаётган эди-да. Умумий ибодатлар ҳам Худони улуғлаб ва руҳий қувват беруб қудратли тарзда жаранглади.

Уйқуга кетаётганида, Икром кўнглидаги ажойиб тинчлик ва ўз ҳаётида Худонинг борлиги ҳақидаги янгилаган ҳис-туйғу билан роҳатланиб, жамоатлар ташкил этиш бўйича янги режаларни тузиб қўйди. У ўз гуруҳи билан янги фикрларини бўлишиш ва уларни хизматида рўёбга чиқаришни бошлаш учун уйга тезроқ етиб боргиси келарди

Тахминан айнан мана шу вақтда, Икром уйқуга кетаётганида, Лола, эри жўнаётган пайтдан бошланган жуда кўп оиласи “ташвишларнинг” марказида эди. Икром билан ўзининг саккиз ойлик кенжা қизини тебратиб, у ўзини аста-секин ақлдан озаётгандай ҳис қиласи эди. Охирги икки кунда ҳамма учала боласи ҳам шамоллаб қолди, энди эса Комиланинг ҳарорати юқори эди ва у деярли ухламасди. Болаларнинг доимий муаммолари, касалга боғлиқ бошланган тартибсизлик, қаттиқ чарчоқ ва доимий ташвишланишлар уни бутунлай ҳолдан тойдирди.

Лекин касаллик, Икромнинг жўнаш вақтидан бошланган ташвишлардан энг охиргиси эди. Унинг йўқлиги билан боғлиқ бўлган қўшимча ишлар устига, яна музлатгич бузилди ва томдан сув оқиб ўтди, натижада навбатдаги жаладан кейин сув меҳмонхонадаги нарсларнинг бир қисмини бутунлай яроқсиз ҳолга олиб келди.

Бу шаҳарда фақатгина бир неча ой яшаб, Лола ёрдам учун кимга мурожаат қилишини билмас эди, хатто гаплашиш учун бирор кимса йўқ эди. Лола сабрсизлик билан Икромнинг қайтишини кутарди. Унга уй ишларида Икромнинг ёрдами керак эди, бундан ташқари — Лолага, унинг оиласи, дўстларидан узоқ бўлган бу янги жойдаги ҳаётнинг ташвишлари, унинг юраги ва жонига юқ бўлган оғирликлари билан бўлишадиган яқин одам керак эди.

Ниҳоят Икром ва Лола учрашганларида, иккаласи ҳам бир-бирини кўрганидан жуда хурсанд эдилар. Улар ўтган ҳафтадаги воқеалар тўғрисида бир-бирларига гапириб бериш имкониятини сабирсизлик билан пойлашди, лекин Икромнинг эътиборини ва вақтини бунданда кўпроқ шошилинч ишлар тортар эди.

Мұҳокама учун саволлар:

1. Вазиятни енгиллаштириш учун Икром шошилинч нима қилиши керак эди?
2. Уйдаги вазиятни кўриб, Икром қандай муносабатда бўлиши керак эди?
3. Айтингчи, Икром ва Лола суҳбатлашиш учун вақт топишганда, Икром нималарни мұҳокам қилишни хоҳлайди?
4. Лола қайси ғам-ташвишларини ким биландир бўлишини хоҳлар эди?
5. Икромнинг хизмати тез-тез, баъзан ҳафталаб уйидан кетишини талаб этади. Ўз оиласини яна мана шу каби ташвишли аҳволга тушиб қолишидан сақлаш учун Икром нималар қилиши мумкин?
6. У хотинини қандай қўллаб-куватлаши ва хотини унинг хизматининг бир қисми эканини ҳис қилишига ёрдам бериши мумкин?
7. Қандай вазиятларда Икром, Лола учун, ўз ишларини кейинга қолдириши ёки хизмат тартибига ўзгартиришлар киритиши мумкин?

II САҲНА: УМИДА ВА КОМИЛ

Умода хурсанд эди, чунки бу ёш йигит, унинг эри Комил билан суҳбатлашганидан кейин имонга келди. Раббимиз Комилни қудратли тарзда ишлатаётганидан Умода хурсанд эди. Охирги 6 ойнинг ичидаги уларнинг эндинига ташкил этилган жамоати иккитадан ўн бешта оиласида ўсади. Хизмат жуда муваффақиятли тарзда олға силжирди, лекин шунга қарамай Умидани ҳар хил ёқимсиз ўй-фикрлар ва ҳис-туйғулар таъқиб қиласиди. У билан суҳбатлашиш учун вақт топишни Умода кўп марта Комилдан илтимос қилди, лекин хизмат эрининг кўп вақтини олгани учун суҳбатлашишга имконият йўқ эди. Комил деярли ҳар оқшомда уйига қаттиқ чарчаган ҳолда, бунинг устига жуда кеч қайтар эди. Кўпинча у хотини билан суҳбатлашмоқчи эканини, лекин буни дам олгандан кейин, “соғлом” калла билан қилгандаридан яхшироқ эканини айтарди, лекин... хали тонг ёришмасидан ўрнидан туриб, у қандайдир учрашувга, ёки янги имонлилар билан суҳбатлашишга, ёки уй гуруҳларидан бирининг йиғилишини ўтказиши учун уйдан чиқиб кетар эди. Умода асосий ташвишларга яна янги бирининг қўшилганини сезар эди — у эрини хизматидан рашк қилишни бошлади. Жамоатлар

ташкил қилиш Комилнинг бутун кучини ва вақтини олар эди, хатто унинг ҳаётидаги бир вақтлар Умида эгаллаган ўринни ҳам эгаллай бошлади. Умида мутлақо ҳис қилишни хоҳламган туйғуни ҳис қила бошлади. У чин юракдан Комилга ва унинг хизматига ёрдам беришни хоҳлар эди. Чунки бу унинг Худога ва эрига бўлган садоқатини билдирап эди. Лекин у ўзини жуда ёлғиз сезар эди! Ўзининг қийинчиликлари тўғрисида бўлишиш учун ҳеч кимса йўқ эди, ҳеч ким билан маслаҳатлаша оламас эди. Илгари бу шаҳарда жамоат бўлмаган ва яқингача имонлилар ҳам бўлмаган. Энди, масиҳий ҳаётда анча ўсган, янги имонга келган аёллар пайдо бўлди, лекин чўпоннинг хотини сифатида унинг муаммоларини улар тушуна олмас эдилар. Умида Комилнинг хизматида ўзини керакли деб ҳис қилгиси келар эди, лекин ҳалигача у ҳеч қандай хизматга қатнашмас эди ва бу тўғрисида ундан ҳеч ким бирор марта ҳам сўрамаган. Комилнинг бир дақиқага тўхташи ва Умиданинг қалбидаги оғир юк тўғрисида гаплашиши учун Умида нима қилиши керак?

Мұҳокама учун саволлар:

1. Бу ҳикояда Комил Умида билан, ўз хотини ва болаларининг онаси сифатида унинг қийинчиликларини мұҳокама қилгани кўриниб турибдими?
2. Сиз нима деб ўйлайсиз, жамоат ташкил қилиш хизматида қатнашиш учун Комил Умидага ёрдам берганми?
3. Эр сифатида Комилнинг камчилиги нимада?
4. Хотини билан бўладиган мулоқотини яхшилаш учун сиз Комилга қандай амалий маслаҳатни таклиф этишингиз мумкин?
5. Уларнинг оиласи ҳаётидаги “мувозанат” тўғрисида сиз нима дея оласиз?
6. Эф. 5:25-26 оятларини Комил амалда қандай қўллаган?
7. Хотини ҳам хизматда фаол қатнашиши учун Комил нима қилиши керак?

III САҲНА: СОБИР ВА УНИНГ ОИЛАСИ

Ўтган ҳафта Собир учун оғир ҳафта бўлди. Эр ва ота сифатида у қўпол хатоларга йўл кўйди. Ҳозир эса у ўзининг гуноҳкор ҳаракатларини тушуниб етди ва бу гуноҳларини эътироф этиб, тавба қилганидан кейин унинг ҳаёти ниҳоят ижобий тус қабул қила бошлади. Агар бир неча кун олдин кимдир ундан: “Ишларинг қалай?”, деб сўраганда, у жуда ғазабланишини тан олиши керак. Ҳамма иш мана шундай бошланди. Бир куни унинг катта, 18 яшар ўғли Салим, уйда видео кўрарди. У бу фильмни танишларидан олиб келган эди. Собир ҳам хонага кириб, ўғли билан бирга бу фильмни кўра бошлади. Бир неча дақиқадан кейин хонага Собирнинг хотини Шоира кириб келди ва уларга қўшилди. Лекин у тез орада бу фильм масиҳийлар кўриши мумкин бўлмаган фильм эканлигини тушунди. Шоира бу тўғрисида Собирга айтди ва хонадан чиқиб кетди. Собир эса унинг кетидан чиқиб, Салим катта йигит ва у нима кўришини ва нима кўрмаслигини ўзи танлаши мумкин деб тушунтириди. Болалар улар билан яшаганларида, улар нима кўришни, нима ўқиши ёки нима тўғрисида гапиришни ота-оналари белгилашлари керак деб, Шоира эътиroz билдиради. Хотини у билан, айниқса Салимнинг кўз ўнгиди, тортишгани учун Собирнинг жуда жаҳли чиқди. Хотини унга очиқласига қарши бўлгани, оила бошлиғи учун ёқимсиз эди, ва бу нарса уни хижолатга солар ва ҳаяжонлантиради. Шунинг учун у маълум даражада ўч олиш мақсадида, хотинининг фикрига қўшилмасдан, атайлаб, Салимга фильмни охиригача кўришига руҳсат берди.

Шу куни кечқурун, ухлаш олдидан, Шоира яна ўша мавзуни кўтарди, лекин Собир ён беришидан бош тортди. У хотинидан янада кучлироқ ғазабланди, хатто у билан бирга ибодат қилишни ҳам хоҳламади. Эртасига эрталаб, кечаси умуман ухломаган Собир, ўрнидан турди ва ибодат қилмоқчи бўлди. Лекин ҳали ҳам ғазабланётгани учун у Муқаддас Китобни ўқиш учун, ибодат қилиш учун фикрини бир ерга жамлолмас эди. Нонушта пайтида, энди унинг уйида ҳеч қандай истиносиз, ҳеч ким ҳеч қанақа видеофильмларни кўрмайди деб, ҳаммага эълон қилди. Болалар нима бўлаётганини тушунмас эди, лекин отасининг овозидан ва онасининг кўз ёшидан, уларнинг ораларида нимадир бўлганини тушунишди. Бу ҳолатда Собир ўзини жуда ёмон ҳис қilarди. У жамоатда чўпон эди. У янги жамоатни ташкил этишда иштирок эган, одамларга Масиҳнинг севгиси ва масиҳий ҳаётнинг қувончи ҳақида гапирган. Лекин ўз ҳаётида айни дамда қувончни ҳам, севгини ҳам ҳис қилмасди. Лекин гап хатто бунда ҳам эмасди. У хотинининг, оиласида руҳий мухитни яратиш уларнинг бурчи эканлиги ҳақидаги гапи тўғри эканини биларди. Ўз мағурурлиги хатосини тан олишига ҳалақит берар эди. Яна у,

Масиҳ жамоатни севгандай у хотинини севмагани туфайли Каломга бўйсунмаганлигини тушунар эди. У ҳис қилган ғазаб, аслида, ўз танасига қарши бўлган ғазаб эди, чунки у хотини билан бир тан эди. Бу вазиятни тузатишга тўғри келди. Кейинги сафар, бутун оиласи дастурхон атрофида йиғилганида, у нотўғри қилган баъзи бир нарсалар учун кечирим сўради. Ўз оиласидан кечирим сўраганида у жуда самимий эди, унинг кўзларидан ёш оқди. Улар бирга ибодат қилишди ва кейин эса видофильмлар уларнинг оиласида қандай ўрин тутиши кераклиги ҳақида самимий муҳокама бўлди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Салим 18 ёшда, у ҳали жуда ёш эди! Нима учун у ота-онасининг аппаратурасида ножӯя фильмларни кўриш учун ўзини ҳақли деб ўйлади?
2. Собирнинг Шоирага берган жавобига мувофиқ, унга энг муҳим масиҳий фазилатлардан қайси бири етишмайди?
3. Дастурхон атрофидаги вақт бу ёки бошқа бир масалани муҳокама қилиш учун муносиб вақт бўлганми?
4. Нима учун масиҳий эр-хотин ўртасида масиҳий ҳаётнинг руҳий ёки маънавий жиҳатлари бўйича қарама-қарши фикрлар бўлиши мумкин ва керак?
5. Ҳозирги вақтда Собир ва Шоиранинг ўртасидаги ўзаро муносабат ва ҳамфирлик даражаси тўғрисида сиз нима дейишингиз мумкин?
6. Нима учун Собир, Шоира унинг фикрига қўшилмаслигини билдирганда, у хижолат тортди?
7. Келажакда бундай ҳодисалардан қандай қутилиш мумкин?

IV САҲНА: НАЗИРА ВА АКРОМ

Охирги меҳмоннинг орқасидан эшикни ёпиб: “Кўришгунча!”, - деди Назира. Вақт яrim тундан ҳам ўтиб кетган, унинг кучи фақат идиш-товоқларни ювиш учун йиғиб қўйиб, ётадиган жойига ўзини ташлаш учун қолди холос. Унинг эри Акром ҳам ухлаш учун тайёрланаётган эди.

Эртаси куни тонг саҳарда телефон жириングлади. Назира, Акромнинг машғулотларига халақит бермаслик учун, трубкани кўтарди. Уларнинг шаҳрига иш билан келган бир дўстлари (бошқа шаҳарлик) қўнғироқ қиласарди. “Сизларнида тунашим мумкинми?” – деб сўради у. Бу Назира учун яна қўшимча ташвиш эди, лекин у йўқ деб айттолмади.

Охирги яrim ичида, жамоат ташкил қилиш бўйича хизматлари бошлангандан кейин, уларнинг ҳаёти, шубҳасиз, ўзгарди. Назира илгари ўзини бунчалик банд, иши кўп деб ҳис қилмаган эди. Баъзан эса улар эри билан бирга дам оладиган куни уйда қолишгандা, худди бутун шаҳар уларнига келиб кетаётгандек туюларди. Одамлар Муқаддас Китобни гуруҳларида ўрганиш учун, маслаҳат олиш ва учрашиш учун деярли ҳар соатда келишар эди. Назира қарши бўлмас эди: бошқалар, у аллақочон сезган нарсани тушунишар эди — Худо Акромга чўпонлик қалбини берган эди. У ёрдамчи-хотин бўлиши кераклигига ўзини ўзи ишонтирас эди. Лекин, наҳотки, бу одамлар билан сухбатлашишга ва муҳтоҷликларига ёрдам беришга Акромнинг бўш бўлиши кераклиги сабабли, қолган ҳамма вазифаларнинг юки унинг зиммасида бўлиши керак?

Назира ўтган йилдаги ёзни эслади, ўшанда уларни янги жамоатлар ташкил қилиш учун юборишган эди. Чўпон уларни бирга ишлаш ва бир-бирларини тўлдиришга хизмат қилиш жараёни учун чақирган эди. Назиранинг Хушхабар айтиш инъоми жамоатлар ташкил қилиш жараёни учун керакли бўлишини у жуда яхши биларди. Ва шундай ҳам бўлди — жамоатга келган биринчи одамлар, Назира учратган ва Хушхабар айтган одамлар эди. Лекин ҳозир эса у тан олиши керакки, унинг энг севимли иши — одамлар билан Масиҳ ҳақида гаплашишга унинг вақти борган сари кам бўлиб қолмоқда. Ўзгаришлар зарур эди, ва мумкин қадар тезроқ.

Муҳокама учун саволлар:

1. Акром ва Назиранинг ҳаёт тарзи уларнинг ҳаётида мувозанат борлигини намоён этяпдими?
2. Назира ва Акромнинг ичида бир-бирларига айтилмаган, лекин айтишни хоҳлайдиган қандай гаплари бор?

3. Хотини ўзининг руҳий инъомларини ишлатиши учун Акром унга қандай ёрдам берishi мумкин?
4. Эр-хотинлар хизматдаги teng ҳамкорлар бўлиши мумкинми? (Ҳав. 18:24-26; 1Кор. 16:19).

V САҲНА: НАРГИЗА ВА УНИНГ ОИЛАСИ

Отасининг юз кўринишидан Наргиза ниманидир хотүғри қилганини пайқади. Лекин нимани? Балки қайсиdir уй ишини қилишини унугтандир ёки бу — қизининг Масихга эргашишидан норози бўлган отасининг навбатдаги норозилигими? Жамоатлар ташкил қилиш гурӯҳи билан хизматга чиқиш олдидан, у доимо ҳамма уй ишларини синчиклаб бажаришга тиришар эди. Отасининг фикрича, 26 ёшар қиз учун аёллар гурӯхини бошқариш ўрнига, эр қидириш яхшироқ, ва отаси унга бу ҳақида бир неча марта танбех беган.

Айнан бу оқшомда гурӯхнинг йиғилиши жуда яхши ўтди. Унинг хизматдоши Ғофур, ундан, жамоатлар ташкил қилиш ва Масихни таниб билиш тўғрисида аёлларни ўргатишни давом эттиришини илтимос қилди. У Наргизага: “Билмайман, сенсиз биз нима қиласиз. Менинг хотиним уй гурӯхини бошқара олмас эди, чунки бизнинг уйимизда иккита кичкина болаларимиз бор. Бизга сени бергани учун, биз Ундан жуда миннатдормиз”, деди.

Наргизанинг онаси хонага кириб келди ва уни ҳаёлларини бўлди. Онаси шундай деди: “Наргиза, эртага оқшомда сен уйда бўлишинг керак”. У эса жавоб берди: “Ойи, ахир биласизку, эртага оқшомда гурӯхимизнинг йиғилиши бор”. Онаси эса унга кесатиб: “Э-э ҳа. Эсимдан чиқибди. Бу сен учун муҳим одамларку, шундайми?”

Наргиза ўзини қўлга олишга уриниб, хонадан чиқиб кетди. Ўз ота-онасини ҳурмат қилиш кераклигини у билар эди, лекин оғзига келаётган сўзлар ҳурматдан кўра анча бошқача сўзлар эди. У ғазаб билан айбнинг аралашмасини ҳис қилди. Нима учун ота-онасининг танбехларига у ҳар доим шундай жавоб беради? Нима учун улар, қизларига Худо уни чорлаган ишини бажаришига халақит бериш учун, атайлаб бошқа ишларни режалаштириб қўйишиади?

Ҳамма нарсадан кўра у мустақил яшашиб имкониятига эга бўлишни хоҳлар эди, лекин жамоатдаги хизмат туфайли, у фақат ярим кун ишлашиб имконига эга эди. Бундан ташқари ёш эрга тегмаган аёлнинг, ота-онасининг уйида эмас, ёлғиз яшаши ҳалигача ғалати ҳисобланарди.

Баъзида, Наргиза ўзини худди икки оламда яшаётгандек ҳис қиласиди. Жамоатлар ташкил қилиш гурӯхида уни асосий одам деб ҳисоблашиб, мақташар ва ҳурмат қиласади, уйида эса доимо уни камситишади ва унга қул каби муносбатда бўлишади. У қайси оламни кўпроқ яхши кўринишин биларди, лекин, у шунингдек, ҳеч бўлмасан айни вақтда, у оламда ҳам, бу оламда ҳам яшаши кераклигини ҳам тушунарди.

Муҳокама учун саволлар:

1. Муаммонинг сабаби фақатгина Наргизанинг ота-онасими ёки бунда унинг ҳам айби борми? Агар бор бўлса қайсилигини кўрсатинг?
2. Ота-онаси, хатто у ўз вақтини қандай ўтказишига ҳам қарши бўлишса, Наргиза қандай қилиб уларни ҳурмат қилиши мумкин?
3. Агарда Наргиза сиздан маслаҳат сўраганда, сиз нимани таклиф қилган бўлар эдингиз?
4. Агар жамоат ташкил қилиш ишига эрга тегмаган аёл ҳам ёрдам берса, қайси томонларни ҳисобга олиш керак? Гурӯхнинг бошқа аъзолари бунда нималарга нисбатан сезигир бўлишлари керак?

7 Кисм: Ваъз

Ваъз

1 Дарс

Муқаддас Китоб ваъзи I

Ваъзниг асосий фикри ва мақсади

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга Муқаддас Китоб лавҳаларини индуктив ўрганиш асосида ваъзниг режасини тузишларига ва бунда аниқ мавзуга ва мақсадга эга бўлишларига ёрдам бериш.

Кутиладиган натижалар:

- Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:
- Муқаддас Китоб лавҳасини индуктив ўрганиш принципларини тушуниши керак;
 - Муқаддас Китоб лавҳасининг марказий мазмунини топишни ва у асосида мақсаднинг шаклини тузишни билиши керак;
 - Тушунтирувчи ваъзниг асоси бўлиб хизмат қиласидаган Муқаддас Китоб лавҳасининг режасини тузишни билиши керак.

Дарс режаси:

- I. Муқаддас Китоб лавҳаларини индуктив ўрганиш принциплари
- II. Ваъзниг асосий ғояси ва унинг мақсадининг шакли
- III. Муқаддас Китоб лавҳасининг режаси

Ўқитувчилар учун маслаҳатлар:

Бу дарсга тайёрланиш сифатида ўқувчилардан 1-Қўлланмадаги “Муқаддас Китобни ўрганиш усуслари” мавзусининг 3-5 дарсларни тақорорлашни ва кейин Муқаддас Китобни Эф. 5:15-21 оятлари бўйича индуктив ўрганишларини сўранг.

Эслатма: бу вазифа, 4-Қўлланмани ўрганишнинг якуни бўйича бериладиган уй иши таркиби киритилиши керак ёки ўқувчилар 5-Қўлланамани ўрганиш пайтида, Муқаддас Китобни индуктив ўрганишни (Эф.5:15-21) сифатли ўтказишлари учун етарлича вақтга эга бўлиши керак.

СЎЗ БОШИ

Муқаддас Китоб ваъзи — бу Худо ва инсон бажарадиган ишдир. Ваъзда Худо инсонларни Масихда етуклика ва имонга келтириб, уларнинг онгига ва қалбига мурожаат қиласиди, лекин буни У инсоннинг оғзи билан бажаради. Бу жараённинг учта асосий қатнашувчиси бор — Худонинг Каломи, Муқаддас Рух ва ваъзхон. Бу жараёнда ваъзхоннинг жавобгарлиги — у Худонинг хабарини Муқаддас Рухнинг қудратида етказаётганига ишониши керак.

Муқаддас Китоб ваъзининг умумий мақсади — одамларни уларга етказилаётган хабарга ишонишларига ва унга мувофиқ тарзда ҳаракат қилишларига ишонтириш. Бунинг учун ваъзхонга қўйидаги нарсалар керак:

- онгни ишонтириш,
- тасаввурни уйғотиш,
- иродани ҳаракатга келтиришга ундаш,
- вижданга таъсир қилиш,
- ҳис-туйғуларга таъсир қилиш

Муқаддас Китоб лавҳасини индуктив ўрганишга асосланган ваъз, — биз ўзимизнинг фикрларимизни эмас, балки Худонинг ҳақиқатини ваъз қилишимизнинг энг яхши

кафолатидир. Шу тарзда, агар ваъзхон ҳақиқатдан ҳам Муқаддас Китоб ҳақиқатини гапираётганига ишончи комил бўлишини хоҳласа, унинг ваъзи Муқаддас Китобнинг лавҳасини чукур, батафсил, тиришқоқлик ва ибодат билан ўрганишга асосланиши керак.

Эслатма: Муқаддас Китобнинг яхши ваъзининг тайёрланиш принциплари турли вазиятларда қўлланилиши мумкин — жамоатдаги Худога топиниш хизматларида, ёшлар йиғилишида, кичик гурухларида, аёллар гуруҳида, Хушхабар тарқатиш тадбирларида ва бошқ. Уларни масиҳий эркакалар ҳам, масиҳий аёллар ҳам ишлатишлари мумкин.

I. МУҚАДДАС КИТОБ ЛАВҲАЛАРИНИ ИНДУКТИВ ЎРГАНИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ваъзингизнинг мазмуни Муқаддас Китоб лавҳасини индуктив ўрганишга асосланиши керак. Эсингизда бўлсин, биз Муқаддас Китобни индуктив ўрганияпмиз, мақсаддат — муаллифнинг дастлабки фикр-мақсадини кўриш ва тушуниб етиш. Ва биз айнан мана шу фикрларни ваъз қилишимиз керак. Биз ўзимизнинг фикрларимизни эмас, балки Худонинг Сўзини ваъз қилаётганимизга ишончимиз комил бўлиши мумкин, фақатгина агар биз, муаллиф бу оятлар орқали нима демоқчи бўлганини тушунсак ва тушунтириб бера олсак.

Муқаддас Китоб ваъзини тайёрлаш учун зарур бўлган Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш принциплари 1-Қўлланмада, “Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари” бўлимининг З-Бдарсларида баён қилинган. Бу дарсларда кўриб чиқилган кузатув, шарҳлаш ва қўллаш принципларини такорорлаб чиқинг.

II. ВАЪЗНИНГ АСОСИЙ ҒОЯСИ ВА УНИНГ МАҚСАДИННИНГ ШАКЛИ

Нотиқнинг маҳорати тўғрисидаги бутун мулоҳазаларда бир фикр кўриб чиқилди — яхши нотик ўзининг барча маъruzасини битта асосий ғоя атрофига жамлайди. Буни классик реторика ҳам, ва омма олдида сўзга чиқишининг замонивий назариётчилари ҳам ва машҳур ваъзхонлар ҳам тасдиқлайдилар. Инсон онгининг майли — ҳамма нарсада умунийликни ва тартибни излаши сабабли, тингловчилар бизнинг ваъзимизда уни ҳам, буни ҳам топишлари ғоятда муҳимdir.

Ўз ваъзимизни биз битта асосий ғоя атрофида тузамиз ва биз гапираётган барча нарсалар тўғридан-тўғри ёки том маънода ваъзимизнинг асосий ғоясини ва асосий мавзусини қўллаб-куватлаши керак. Шунинг учун, Каломнинг битта асосий ғояга эга лавҳасини танлаш муҳим. Агарда, сиз танлаган лавҳада бир неча ғоялар кузатилган бўлса, демак унданги материаллар битта ваъзга эмас, балки бир нечта ваъз учун етишини билдиради.

A. Асосий ғоя

Асосий ғоя ҳамиша иккита таркибий қисмдан иборат: *мавзу* (муаллиф нима тўғрисида гапиряпти?) ва *тўлдирувчи* (муаллиф предмет ҳақидан нима гапиряпти?). Мавзу, масалан, устозлик, сажда қилиш ёки севги ўз-ўзича ваъз учун етарли эмас. Тўлдирувчи “муаллиф ўзи гапираётган нарса ҳақида бизга нима гапиряпти?” деган саволга жавоб бериб, бизга мавзунинг моҳиятини ва мазмунини очиб беряпти, уни тўлдирапти.

Мисоллар:

- Забур 116: Мавзу — “Раббимизга ҳамду-сано”. Тўлдирувчи — “Унинг бизга берган инояти беҳаддир, абадийдир Худованднинг вафосию ҳақиқати”. Шу тарзда санонинг асосий ғояси, — “*Биз Раббимизга ҳамду-сано айтишимиз керак, чунки Унинг бизга бўлган инояти буюк, ва Унинг ҳақиқати абадий*”.
- Ибронийларга 10:19-25: Мавзу — “Исо Масиҳнинг Қони туфайли Худонинг олдига кириш имконияти”. Тўлдирувчи — “Худога яқинлашайлик, топган умидимизни иккilanмай маҳкам тутайлик, бир-биримизни муҳаббатга хайрли ишларга рағбатлантирайлик”. Асосий ғоя — “Токи Исо Масиҳнинг қони орқали Худонинг олдига кириш имкониятига эга эканмиз, келинг, биз Унга яқинлашайлик, умидимизни маҳкам тутайлик ва бир-биримизни хайрли ишларга рағбатлантирайлик”.
- Эф. 5:15-21: Мавзу — “Рухга тўлиб тошинг”. Тўлдирувчи — “чунки бундай доно кишилар кун кечирадилар ва бу нарса шодлик келтиради”. Асосий ғоя — “Худо биз Рухга тўлиб-тошишимизни хоҳлайди, чунки бу доноликдир ва шодлик булоғи бўлиб хизмат қиласди”.

Машқ: Забур.116 ва Ибр.10:19-25 оятлари бўйича ваъзниг мақсадини шаклини тузинг (қисқа ва лўнда қилиб ифодаланг). Эсингизда бўлсин, ваъз одамларни Худонинг ҳақиқатига ишонтириши ва шунга мос ҳолда ҳаракат қилишни бошлашларига ишонтириши керак.

Б. Ваъзниг мақсади

Муқаддас Китоб муаллифи беришга интилган асосий ғояни тушуниб, сиз ўз ваъзингиз учун пойдевор қўйдингиз. Асосий ғоя, шунингдек, сизга ваъзниг мақсадини шаклини тузишингизда (қисқа ва лўнда қилиб ифодалашга) ҳам ёрдам беради. Эфес. 5:15-21 оятлари бўйича ваъзниг мақсади мана бундай бўлиши мумкин — “Токи тингловчилар Руҳга тўлиб тошишсин, ва шу тарзда доноликда ўсиб ва қувонч ва шодликка эга бўлишсин”.

Машқ: Забур.116 ва Ибр.10:19-25 оятлари бўйича ваъзниг мақсадини шаклини тузинг (қисқа ва лўнда қилиб ифодаланг). Эсингизда бўлсин, ваъз одамларни Худонинг ҳақиқатига ишонтириши ва шунга мос ҳолда ҳаракат қилишни бошлашларига ишонтириши керак.

III. ЛАВҲАНИНГ РЕЖАСИ

Агар асосий ғоя — бу ваъзниг *юраги бўлса*, унда режа — бу унинг скелети. Режа ваъзхонга асосий ғояни очиқ айтиш ва мақсадга эришиш учун, ўз ваъзига хушбичимлик ва тартиб беришига ёрдам беради.

Ваъзниг таркиби, бош ғояни қўллаб-қувватлайдиган асосий пунктлар атрофида тузилади. Кўпинча лавҳани грамматик ўрганишдан кейин унинг режаси аниқ равshan намоён бўлади. Унинг асосий пунктлари бош ғояни баён қиладиган муаллифнинг тезисига мос келади. Режанинг кичик пунктлари эса тезислар орқали баён қилинган қўшимча таъкидларга мувофиқ бўлади. Шу тарзда режа ваъз учун скелет бўлади.

Эф. 5:15-21 оятлари бўйича ваъз режасисининг наъмунаси:

Асосий ғоя: Худо биз Руҳга тўлиб-тошишимизни хоҳлайди, чунки бу доноликdir ва шодлик булоғи бўлиб хизмат қилади.	
I. Доно бўлинг (15-17 оятлар).	Тезис (қисқача мазмуни)
А. Эҳтиётлик билан ҳаракат қилинг (15 оят)	Кичик пунктлар (подпункт)
1) Нодонлар каби эмас	
2) Балки донолар каби	
Б. Фурсатни ғанимат билинглар, чунки биз яшаётган кунлар ёмон (16 оят)	
В. Раббингизнинг иродасини англаб олинглар (17 оят)	
1) Беақл бўлманглар	
2) Унинг иродасини англаб олинглар	
II. Руҳга тўлиб-тошиинглар (18 оят)	
А. Шароб ичиб маст бўлманг.	
Б. Руҳга тўлиб-тошиинглар	
III. Хурсанд бўлинглар (19-21 оятлар)	
А. Раббингизни кўйлаб, ҳамду санолар ўқинглар (19 оят)	
1) Забур хониши билан.	
Кўп санолар кўйлаш учун мўлжалланган	
2) Руҳий мадҳиялар билан.	
Биз Раббимизни сўзлар билан улуғлашимиз керак.	
3) Руҳий қўшиқлар билан.	
Биз нафақат Забур хонишлари кўйлашимиз мумкин, балки Худони улуғлаш учун замондошларимиз ёзган мадҳияларни ҳам кўйлашимиз мумкин.	
4) Чин юракдан кўйланг.	
Б. Шукур қилинг (20 оят)	
1) Ҳар доим	
Миннатдор бўлиш — ақлли қарор.	
Мен миннатдор бўламанми ёки нолийманми — бу ўзимга боғлик,	
2) Ота Худони	

- 3) Ҳамма нарса учун
 4) Раббимиз Исо Масиҳ номидан
 Айнан Унинг Ўзи бизнинг ҳаётимизни Рухда имкониятли қилди.
В. Бўйсунинглар (21оят)
 1) Бир-бирингизга
 2) Масиҳни хурмат қилиб (Худодан қўрқиб)

ХУЛОСА

Худонинг Каломи “жонли ва таъсири”дир (Ибр. 4:12). Муқаддас Китоб ваъзида Худонинг Каломи шундай аниқ етказилиши керакки, токи унинг қудрати тингловчиларни тубдан ўзгартирсин. Ваъзхон катта жавобгарликка эга — у ўз фикрларини эмас, балки Худонинг хабарини баён қилиши керак. Ваъзниг тайёрланишида биринчи қадам — Худонинг Каломини диққат билан ўрганиш, ибодат ва бу ҳақида мулоҳаза қилиш. Ваъзга тайёрланиш, Муқаддас Китоб лавҳасини ўрганиш, албатта олдиндан бошланиши керак.

САВОЛЛАР

- Ўз ҳаёtingизда сиз эшитган яхши ваъзхонларни эсланг. Уларнинг ваъзларининг услубини ва таркибини нима муҳим қиласи, уларга куч беради? Уларнинг ваъзларига нисбатан одамларнинг муносабати қандай эди?
- Нима учун ваъзниг асосида Муқаддас Китобни индуктив ўрганиш бўлиши керак?
- Муқаддас Китоб ваъзининг вазифаси нимадан иборат? Бу вазифа бошқа турли шакллар билан амалга оширилиши мумкинми? Қайсилар билан?

ТОПШИРИҚ

- “Ваъз” мавзунинг З-дарси охирида вазифа берилган — Каломни индуктив ўрганишга асосланиб ваъз ёзиш. Бу вазифани бажаринг.

Ваъз 2 Дарс

Муқаддас Китоб ваъзи II

Кўргазмалар ва қўллашлар

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга, ўз ваъзларида бу ваъзларнинг мақсадига мос келадиган тасвирларни (илюстрацияларни) ва қўллашларни топиш ва улардан фойдаланишларига ёрдам бериш

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материлини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Муқаддас Китоб лавҳаларини яхшироқ тушунтириш учун қулай (мос келадиган) кўргазмаларни топишни билиши керак;
- Муқаддас Китоб лавҳаларини индуктив ўрганиш орқали олган сабоқларни, тингловчиларининг кундалик ҳаётларида қўллай олишни билиши керак;
- Кўргазмалар ва қўллашларни қандай қилиб ваъзга киритишини билиши керак.

Дарс режаси:

- I. Кўргазмалар
- II. Қўллашлар
- III. Эф. 5:15-21 оятлари бўйича ваъзга киритилган тасвирлар ва қўллашлар.

Ўқитувчилар учун маслаҳатлар:

“Кўрсатмали мисоллар” пунктини таҳлил қилиш пайтида фойдаланиш учун бир неча кўрсатмали қўлланмаларни тайёрланг, масалан, бир стакан сут ва совун бўлагини. Ҳамда ўқувчиларга синфга кўз ташлаб, ундаги бор нарсалардан — стул, пол, дераза, эшик, ва ҳок. — кўрсатмали қўлланмалар сифатида фойдаланишни таклиф қилишларини сўранг.

СЎЗ БОШИ

“Ваъз” мавзусининг аввалги дарсида биз Худонинг Каломидаги ҳақиқатларни топиш ва унинг асосида ваъзнинг режасини тузишда Муқаддас Китобни ўрганишнинг индуктив усулидан фойдаланишни ўргандик. Кейинги қадам, бу “синчни” кўргазмалар ва қўллашлар билан тўлдиришдан иборат бўлади. Бунинг мақсади —Худонинг Каломидаги ҳақиқатларни бизнинг кундалик ҳаётимизда пайдо бўладиган вазитларда қўллашдир.

I. КЎРГАЗМАЛАР

Кўргазмаларнинг вазифаси — ваъзда кўтарилган ғояни, таълимотни ва саволларни ёритиши ёки уларни янада тушунарли қилишдан иборат. Улар ваъзнинг ҳар қандай қисмида қўлланиши мумкин — кириш сўзида, асосий қисмида ёки холосасида. Айниқса, сиз мазҳабга урғу беришни ёки қийин лавҳани таҳлил қилишни хоҳласангиз, бу учун улар жуда фойдалидир. Лекин шунга қарамай, шуни ёдда сақлаш муҳимки, кўргазмалардан фойдаланиш тингловчиларга ваъзни тушунишларига ёрдам бериши керак. Уларни шунчаки сизнинг ваъзингизда кўргазмалар бўлиши учун киргизманг.

Бу дарсда биз ваъзда фойдаланиладиган уч хил кўргазмаларни кўриб чиқамиз, яъни: Муқаддас Китоб кўргазмалари, Муқаддас Китобдан бўлмаган кўргазмалар ва кўрсатмали мисоллар.

A. Муқаддас Китоб кўргазмалари

Лавҳада эсга олинган одамларнинг ҳаёти

Мисол — Фил. 2:19-30

Параллел жойлар

Симфония ёрдамида сиз, ўзингиз танлаган мавзу бўйича Муқаддас Китобнинг бошқа лавҳаларини топишингиз ва бу лавҳалар шу мавзуни янада яхшироқ тушунтиришингизга ёрдам бериши мумкин. Бу ерда кўлланадиган принцип — Каломни Калом ёрдамида изоҳлаш.
Муқаддас Китобдаги ҳикоялар.

Кўпгина Эски Аҳд ҳикоялари Янги Аҳдда очиб берилган принципларни тушунтиришга ёрдам беради. Масалан, Юнуснинг ҳаёти, Худо биздан Унга тўлиқ бўйсунишни талаб қилишининг жуда яхши кўргазмаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хариталар.

Кўпинча Муқаддас Китобнинг лавҳасини тушуниши учун, бу ерда ҳикоя қилинган ҳодисалар бўлиб ўтган жойнинг харитасига эга бўлиш жуда фойдали бўлади.

Матндаги маълумотлар

Эфес. 5:15-21 оятларидан бевосита олдинги ва кейинги матнлар бизга Руҳга тўлиб-тошиш концепсиясини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

B. Муқаддас Китобдан бўлмаган кўргазмалар

Хозирги ҳодисалар

Муқаддас Китоб ҳақиқатлари ҳар қандай замон учун тўғридир. Лекин, шунга қарамай кўпинча, агар бу ҳақиқатларни бизнинг замонамида бўлган ҳодисалар тасвирлаб берса, улар янада яхшироқ қабул қилинади. Бундай кўргазмаларни биз газета ва журнallардаги мақолалардан топишимиз мумкин.

Кундалик ҳаётдаги ҳодисалар

Шахсий ҳаётимиздаги ҳодисалар

Шахсан биз билан бўлган ҳодисалар, кўпинча энг кучли кўргазмалардан бўлади. Лекин сиз ўзингизда супермэн сиймосини кўрсатишдан эҳтиёт бўлинг.

Табиат

Атрофида денгиз шиддад билан тўлқинланаётган пайтда, тошнинг устида осойишта ва хотиржам турган балиқчи қушнинг расми, ўз қояси — Раббимиз Исо Масиҳда турган масиҳийни жуда яхши тасвирлайди.

Тарихий муҳит

Эфес. 5 бобида Павлуснинг ташвишини тўлиқ тушунишимиз учун, ўша замонда Эфес шаҳрида хукм сурган ахлоқсиз ҳаёт ҳақида биз билишимиз керак.

B. Кўрсатмали мисоллар

Кўрсатмали мисоллар ўрганиш учун яхши восита бўлиб хизмат қиласи, чунки уларнинг кўлланиши, қачонки маълум ва номаълум ўртасига “кўприк” қўйилганда, янги нарсани ўрганиши осонроқ бўлади, деган принципга асосланади. Олдинига тингловчиларга яхши маълум бўлган ва ўз тажрибаларидан яхши билишадиган обьект кўрсатилиди ва тасвирланади. Кейин бу ва янги концепсия ўзаро таққосланади. Бунда обьект концепсиянинг айнан тасвири бўлиб хизмат қиласи, фақатгина нимада унга ўхшашини эслатиб туради. Шу тарзда, тингловчи янги концепсиянинг қайсиидир жиҳатларини тез ўзлаштиради ва унинг бошқа томонларини ҳам ўрганишга интилади.

Кўрсатмали мисолларнинг афзаллиги шундан иборатки — улар тингловчиларнинг дикқатини сақлашга ёрдам беради. Исо Масиҳ таълим беришда кўрсатмали мисоллардан тез-тез фойдаланарди. Айрим ҳолларда, У қуйидаги кўрсатмали мисоллардан фойдаланган:

- Жисмоний сувдан — ҳаётбахш сувга (Юҳ. 4:7-15), — қудуқ олдиаги аёл
- Ёш боладан — содда имонга (Мт. 19:13-15)
- Беш минг одамни тўйдириш орқали —“Мен ҳаёт нониман” деб (Юҳ. 6)

Кўрсатма мисоллар тўғрисида таклифлар:

- Йўлларнинг харитаси (Юҳ. 14:6)

- Бир пиёла сут (1Бутр. 2:2; Ибр. 5:12-13)
- Совун бўлаги (1Юҳ. 1:9)
- Бир пиёла сув ва нон (Юҳ. 4:6)
- Шам ёки фонар (Юҳ. 8:12)
- Эшик ёки дарвоза (Юҳ. 10: 1-10)
- Кўзининг расми ёки тирик қўзи (Иш. 53:6; Заб. 22)
- Қилич (Ибр. 4:12)
- Кўзгу (Фил. 3:7-11)
- Электр тармоғига уланмаган магнитофон, — руҳий қувват манбайи билан алоқа қилмасак, биз ҳеч нима қилолмаймиз (Юҳ. 15:5).

II. ҚЎЛЛАШЛАР

Қўллашнинг вазифаси — тингловчиларга, улар олган маълумотларни нима қилишлари кераклигини кўрсатиш. Ваъзда ҳар бир қўллаш, аввал тузилган унинг мақсади шаклига аниқ мувофиқ бўлиши керак.

Ваъзда қўллашларни иккита йўл билан ишлатиш мумкин:

1. Қачонки бу ўринли бўлса, қўллаш ҳар бир пунктдан кейин келиши, баъзан эса режанинг кичик пунктидан (подпункти) кейин ҳам келиши мумкин.

2. Ваъзнинг охиридаги қўллаш. Кўпинча ваъзхон ўз ваъзи бўйича хулосалар келтириб, ҳар бир пункт бўйича қўллашларни жамлайди.

Ваъзхон қўллашларга Худо Каломининг абадий ҳақиқатларини вақтнинг маълум даври учун аниқ одамларнинг ҳаётидаги аниқ вазиятларга кўчиради. Бошқача айтганда, бу билан у тингловчиларнинг: “Худонинг Каломидаги бу ҳақиқатлар мен учун бу ерда ва ҳозирги вақтда нимани билдиради? Буни эшишиб, мен нима қилишим керак?”-деган саволларига жавоб беради.

III. ЭФ. 5:15-21 ОЯТЛАРИ БЎЙИЧА ВАЪЗНИНГ РЕЖАСИГА КИРИТИЛГАН КЎРГАЗМАЛАР ВА ҚЎЛЛАШЛАР

Ваъзнинг режасига кўргазмаларни ва қўллашни киритиб, чап томонга маълум белгиларни қўйинглар, масалан, (тас) кўргазмалаш учун ва (қлш) қўллашлар учун. Бу сизга ваъз пайтида уларни аниқ кўришингизга ёрдам беради. Куйида, кўргазмалар ва қўллашлар киритилган, Эфес. 5:15-21 оятлари бўйича ваъз режаси берилган.

Эфес. 5:15-21 оятлари бўйича ваъзнинг кўргазмалар ва қўллашлар киритилган режаси.

Асосий ғоя: Биз Руҳга тўлиб-тошишимизни Худо хоҳлади, чунки бу доноликдир ва шодлик булоғи бўлиб хизмат қиласди.

I. ДОНО БЎЛИНГЛАР (15-17 оятлар) (Тезис)

А. Эҳтиётлик билан ҳаракат қилинг (15оят) (Подпункт)

1) Нодонлар каби эмас

(тсв) Нодонлар қандай кун кечиради? Эф. 5:3-7 кўриб чиқинг.

2. Лекин донолар каби

(тсв) Ўрмонга вертолётдан ва ердан назар ташланг. Худо қандай кўради?

(қлш) Доноликка қандай эга бўлиш мумкин? Ёқ. 1:5 “Худодан сўранг”.

Б. Фурсатни ғанимат билинглар, чунки биз яшаётган кунлар ёмон (16 оят)

(қлш) Мен вақтни ғанимат деб биламанми? Ҳафтада мен ТВга, Инжил ўқишига, ибодатга, гувоҳликка қанча вақт сарфлайман?

В. Худонинг иродасини англаб олиш (17оят)

1) Баекл бўлмаслик.

(тсв) Ўзигагина ишонган ахмоқдир, ақл билан юрадиган эса нажот топади (Ҳикм. 28:26)

2) Унинг иродасини англаб олиш.

(тсв) Мен қандай қилиб Унинг иродасини англаб оламан? Рим. 12:1-2 —фикрингизни янгилаш орқали.

II. РУҲГА ТЎЛИБ-ТОШИНГЛАР (18)

А. Шароб ичиб маст бўлманг.

(тсв) Спиртга тўлган идишни олиб, у инсонни қандай қилиб тўлдиришини ва ўзига бўйсундиришини тушунириб беринг. Масти бўлиш аҳволи.

(қпш) Мени нима бошқаради? Пул, шаҳроний хис, хукумат, ғазаб, ҳаракатларни бошқарадиган ва йўналтирадиган бошқа нарсалар.

Б. Руҳга тўлиб-тошинг.

(қпш) Ҳозирги вақтда такорланаётган ҳаракатни Худонинг бошқарувига бўйсундириш. Гуноҳларга тавба қилиш (1Юх. 1:9) Ҳақиқий шодлик фақат Худода мумкин.

III. ХУРСАНД БЎЛИНГЛАР (19-21 оятлар)

А. Раббингизни куйлаб, ҳамду-санолар ўқинглар (19 оят)

1) Забур хониши билан

Кўпчилик санолар куйлаш учун мўлжалланган.

2) Руҳий мадҳиялар билан

Биз Раббимизни сўзлар билан улуғлашимиз керак.

3) Руҳий қўшиқлар билан

Биз фақатгина Забур хониши билан эмас, шунингдек Худони улуғлаш учун замондошларимиз томонидан ёзилган тантанали қўшиқларни ҳам куйлашимиз мумкин.

4) Чин юрақдан куйланг.

(тсв) Менинг отамнинг мусиқа эшитиш қобилияти йўқ, лекин у куйлади. Лекин Худо қалбнинг куйлашини эшитади ва бу Унга маъқул.

(қпш) Сиз Руҳга тўлганингизни билишингизни хоҳлайсизми? Гапираётган сўзингиз кўпроқ нимага эга — Худога сажда қилиш ва мақтovларгами ёки танқид ва нолишгами?

Б. Шукур қилинг (20)

1) Ҳар доим

Миннатдорлик билан муносабатда бўлиш — бу ақлли қарор. Мен миннатдор бўламанми ёки нолийманми — бу ўзимга боғлиқ.

(тсв) Маргарита вафот этишидан олдин, мен бир куни уни қўллаб-қувватлаш ва руҳан мустаҳкамлаш учун касалхонага, унинг олдига келдим. Лекин, у Худога нисбатан миннатдорчиликка тўлган ўз қалби ибрати билан мени руҳан мустаҳкамлади.

2) Ота Худони

(тсв) Болаларимнинг миннатдор сўзларини эшитишни мен яхши қўраман. Мен ишонаман, бизнинг Осмондаги Отамизга ҳам бу ёқади.

3) Ҳамма нарса учун

(тсв) Рим. 8:28

4) Раббимиз Исо Масих номидан.

Айнан У бизнинг ҳаётимизни Руҳда бўлишга имконият берди.

(қпш) Сиз Руҳга тўлганингизни билишни хоҳлайсизми? Қалбингиз Худога бўлган миннатдорчиликка тўлганми? Сизнинг гапингиз миннатдорли сўзларга тўлганми?

В. Бўйсунинглар.

1) Бир-бирингизга

(тсв) Фил. 2:4; 4:2-3 Эводия ва Синтиха.

2) Масиҳни ҳурматлаб (Худодан қўрқиб)

(тсв) Фил. 2:5-11

(қпш) Масиҳ бизга нисбатан қандай муносабатда бўлса, биз ҳам бир-бирингизга шундай муносабатда бўлишимиз керак. Бизни деб, У Ўзини Ўзи камситди.

ХУЛОСА

Худонинг ҳақиқати вақт билан чекланмаган. Каломга 2000 йил аввал киритилган принциплар ҳозирги вақтда ҳам инсонларнинг ҳаётларига таъсир этмоқда. Афсуски, кўп ваъзлар замонавий инсоннинг муҳтоҷликларига унчалик боғлиқ эмас. Яхши қўргазмалар ва қўллашга чақириқлар тингловчиларга Худо ҳақиқатининг абадий табиатини кўрсатиши ва

Унинг Сўзини очиб бериши мумкин, токи бу ҳақиқатлар инсонларнинг қалбларида қудратли тарзда ҳаракат қила олсин. Ваъзингизни тайёrlашда буларни унутманг.

САВОЛЛАР

- Сизга Муқаддас Китобнинг қайсиdir ҳақиқатини жуда қудратли, кучли тарзда етказган кўргазмалар ва кўрсатмали мисоллар ҳақида ўйланг. Бошқа ўқувчилар билан бу мисоллар тўғрисида ўртоқлашинг.
- Нима учун кўллашлар — кучли, таъсирли ваъзнинг муҳим қисми?

ТОПШИРИҚ

- “Ваъз” мавзунинг З-дарси охирида вазифа берилган — Каломни индуктив ўрганишга асосланиб ваъз ёзиш. Бу вазифани бажаринг.

Ваъз
3 Дарс

Муқаддас Китоб ваъзи III
*Кириш сўзи, хулоса, сўзлаш
маҳорати*

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — ўқувчиларга, уларнинг ваъзларининг кириши сўзини ва хулосасини тайёрлашларида, ҳамда нотиқлик маҳорати малакасини ривожланиришларида ёрдам бериш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Муқаддас Китоб ваъзининг кириш сўзини қандай таёrlашни билиши керак;
- Муқаддас Китоб ваъзининг хулосасини қандай тайёрлашни билиши керак;
- Ўзининг нотиқлик маҳорати малакасини яхшилаши керак.

Дарс режаси:

- I. Ваъзнинг кириш сўзи
- II. Ваъзнинг хулосаси
- III. Тайёр ваъзнинг тўлиқ матни
- IV. Нотиқлик маҳорати

Ўқитувчиларга кўрсатмалар:

Яхши нотиқларнинг яхши фазилатларини муҳокама қилишларини ўқувчиларга таклиф қилинг (уларнинг маданий контекстида).

I. ВАЪЗ УЧУН КИРИШ СЎЗИ

Ваъзнинг иккита энг муҳим қисми бор — бу кириш сўзи ва хулосасидир. Агар сиз кириш сўзида одамларнинг диққатини эгаллаб олмаган бўлсангиз, ўз ваъзингизга нисбатан тингловчиларни қизиқтирумagan бўлсангиз, унда ваъзни сўзлашни давом этиб, сиз фақатгина вақтни беҳудага сарфлаган бўласиз. Жисмонан улар залда бўлишади, лекин фикран эса — сиздан узоқда.

Ваъзнинг кириш сўзи тингловчиларни асосий ғоя ва унинг ривожланиши билан таниширади. Кириш сўзи тингловчиларга ваъзнинг асосий ғоясини АЛБАТТА кўрсатиши керак.

A. Кириш сўзининг вазифаси

1. Тингловчиларнинг диққатини қаратиши.
2. Мавзуни (ваъзда гапириладиган нарсанинг) тингловчиларнинг муҳтожликлари билан боғлаш.

Агар тингловчилар, сизнинг ваъзингиз уларнинг муҳтожликлариiga, уларнинг ҳаётий муаммоларига тегишли бўлмаса, унда сизнинг сўзларингиз уларни камроқ ва камроқ қизиқтиради.

3. Ваъзнинг мазвусини кўрсатиши.

B. Сўз бопининг мумкин бўлган таркиблари

1. Муқаддас Китобдан бўлган ва Муқаддас Китобдан бўлмаган кўргазмалар.

Кўлланманинг кўргазмаларга бағишиланган бўлимини албатта ўқиб чиқинг. Кундалик ҳаётдаги ҳодислар (кўргазма сифатида), шахсий тажрибадан мисоллар, турмушдаги вазиятлар, ҳикоялар (баъзида, хатто кулгули) ҳам айниқса муҳим

2. Ваъзда учрайдиган муҳим ибораларнинг таърифи.

3. Ваъз учун танлаб олинган лавҳанинг тарихий ва Муқаддас Китобдаги контексти.

4. Ваъзнинг мақсадининг шакли.

Кириш сўзида маълум бўлган нарслардан янги нарсаларга ўтишни ривожлантириш ҳам муҳимдир. Айнан шунинг учун асосий ғояга тегишли бўлган кундалик ҳаётдаги воқелар, шахсий тажрибадан ҳикоялар ва ҳ.з.лардан фойдаланиш, мана шундай яхши натижаларни олиб келади.

Кириш сўзини жуда чўзиб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Ярим соатлик ваъзда кириш сўзи ўн дақиқадан ошиқ бўлмаслиги керак (балки беш дақиқа ҳам етарли бўлиши мумкин).

II. ВАЪЗНИНГ ХУЛОСАСИ

Хулосанинг мақсади — шунчаки тугатиш эмас, балки ваъзни якунлаб, у бўйича охири хулосаларни келтиришdir. Хулоса ҳар хил қисмларни ўзаро бирлаштириши ва улар асосий ғояга қай тарзда мувофиқ келишини кўрсатиши керак. Шунингдек, у ҳар бир тингловчига, Худо ундан ҳозиргина эшитган ваъзи бўйича қандай ҳаракатларни кутишини ҳам аниқ кўрсатиб бериши керак.

Ваъзнинг турига қараб, хулоса ҳар хил шаклга эга бўлиши мумкин. Қуйида, хулосага киритилиши мумкин бўлган элементларнинг рўйхати берилган.

1. Асосий пунктларни умумлаштириш.

2. Асосий пунктларни ва асосий ғояни бирлаштирувчи кўргазма.

3. Асосий пунктларни ва асосий ғояни бирлаштирадиган цитата.

4. Савол.

Эф. 5:15-21 оятлари бўйича ваъзни тугатадиган қўйидаги савол бунга мисол бўлиши мумкин: “Энди, нима билан бошлаган бўлсан шу билан тугатишинг рухсат беринг. Рұхга тўлганмисиз? Бу жуда ҳам яхши, бундай дейишингиздан мен жуда хурсандман. Лекин сиз Худони ўз ҳаётингиз билан ҳам улуғляяпсизми? Миннатдорчиликка тўлганмисиз? Бизнинг жамоатимиздаги бошқа биродар-опаларга бўйсунасизми? Агарда буларнинг ҳаммасига “ҳа” деб жавоб бера олсангиз, демак сиз ҳақиқатдан ҳам Рұхга тўлгансиз”.

5. Ибодат.

Ваъзнинг охирида ваъзхон йиғилганларга, Худога ибодат билан мурожаат қилишларини ва Ундан ваъзда очилган ҳақиқатларни кундалик ҳаётларида қўллашларида уларга ёрдам беришини сўрашларини таклиф қилиши мумкин.

6. Аниқ кўрсатмалар ёки ҳаракатга ундаш.

Одамлар уларга очиб берилган ҳақиқатлар бўйича Худо улардан нимани хоҳлашини (хулосадан) аниқ билишсин.

Хулоса аниқ ва қисқа бўлиш керак. У ваъзнинг асосий ғояси, мақсадининг шакли ва асосий пунктлари билан аниқ боғлиқ бўлиши керак. Яна бир марта эслатамиз — бутун ваъз асосий ғоя атрофида тузилиши керак.

Шимолий Американинг яхши ваъзхонларининг биридан унинг муваффақиятининг сири билан бўлишишни сўрашади. У шундай жавоб берди: “Мен одамларга, уларга нима демоқчи эканлигимни тушунтираман, сўнг буни гапираман, ва шундан кейин ҳозиргина айтган гапларимни тушунтираман”. Демак, бу ваъзхон кириш сўзининг, асосий қисмнинг ва хулосанинг вазифаларини яхши билади.

III. ТАЙЁР ВАЪЗНИНГ ТЎЛИҚ БАЁНИ

Эфес. 5:15-21 оятлари бўйича ваъзнинг тўлиқ конспекти (кириш сўзи ва ҳулоса киритилган).

Асосий ғоя: Худо бизнинг Руҳга тўлиб-тошишимизни хоҳлайди, чунки бу донолиқдир ва шодлик булоғи бўлиб хизмат қиласди.

КИРИШ СЎЗИ

Ҳар бир инсон баҳтни қидиради. Кимдир уни шаробда, кимдир пулдан, лавозимдан, дўстлардан, роҳатланишдан топишга интилади. Кўпчилик одамлар мана шуларнинг ҳокимиияти остидадирлар. Лекин сиз-чи? Сиз ҳакиқий баҳтни топдингизми?

Эф. 5:15-21 оятларида Павлус бизларга, ҳакиқий баҳтга фақатгина Муқаддас Руҳга тўлиб-тошган инсон эриша олади деб айтади. Худо бизни Муқаддас Руҳга тўлиб-тошишимизни хоҳлайди, чунки шу тарзда биз доноликка ва шодлик булоғига эга бўламиш.

Контекст:

Тарихий: Эфес, аҳлоқсиз шаҳар, у ерда Диананинг таниқли маъбади, фоҳишаларнинг уяси бор эди.

Муқаддас Китоб контексти: 4 ва 5 боблар гуноҳкор дунёдаги масиҳий ҳаётга бағишлиланган. Нурдаги ҳаёт зулматдаги ҳаётга, донолик нодонликка қарши қўйилади.

I. ДОНО БЎЛИНГЛАР (15-17 оятлар)

А. Эҳтиётлик билан ҳаракат қилинг (15-17 оятлар)

1. Нодонлар каби эмас

(тсв) Нодонлар қандай ҳаёт кечиради? Эф. 5:3-7 оятларга қаранг.

2. Лекин донолар каби

(тсв) Ўрмонга вертолётдан ва ердан назар ташлаш. Худо қандай кўради?

(қш) Доноликка қандай эга бўлиш мумкин? Ёқуб.1:5 “Худодан сўранг”.

Б. Фурсатни ғанимат билинглар, чунки биз яшаётган кунлар ёмон кунлар (16 оят)

(қш) Мен вақтни ғанимат деб биламанми? Ҳафтада мен ТВга, Инжил ўқишга, ибодатга, гувоҳликка қанча вақт сарфлайман?

В. Худонинг иродасини англаш олиш (17 оят)

1. Беақл бўлмаслик.

(тсв) Ўзигагина ишонган ахмоқдир, ақл билан юрадиган эса нажот топади (Хикм. 28:26).

2. Унинг иродасини англаш олиш.

(тсв) Мен қандай қилиб Унинг иродасини англаш оламан? Рим. 12:1-2 — “фикрингизни янгилаш орқали”.

II. РУҲГА ТЎЛИНГЛАР (18 оят)

А. Шароб ичиб маст бўлманг.

(тсв) Спиртли ичимлик идишини олиб, у инсонни қандай қилиб тўлдиришини ва ўзига бўйсундиришини тушунириб беринг. “Маст бўлиш”.

(қш) Мени нима бошқаради? Пул, секс, ҳокимият, ғазаб, ҳаракатларни бошқарадиган ва йўналтирадиган бошқа нарсалар.

Б. Руҳга тўлиб-тошинг.

(қш) Ҳозирги вақтда такрорланаётган ҳаракатни Худонинг бошқарувига бўйсундириш. Гуноҳларга тавба қилиш (1Юҳ. 1:9) Ҳакиқий шодлик фақат Худода мумкин.

III. ХУРСАНД БЎЛИНГЛАР (19-21 оятлар)

А. Раббингизни куйлаб, ҳамду-санолар айтинг (19 оят)

1. Забур хониши билан

Кўп санолар куйлаш учун мўлжалланган.

2. Руҳий мадҳиялар билан

Биз Раббимизни сўзлар билан улуғлашимиз керак.

3. Руҳий қўшиқлар билан

4. Чин юракдан куйланг.

Биз фақатгина Забур хониши билан эмас, шунингдек Худони улуғлаш учун замондошларимиз томонидан ёзилган тантанали қўшиқларни ҳам куйлашимиз мумкин.

(тсв) Менинг отамнинг мусиқа эшитиш қобилияти йўқ, лекин у куйлади. Худо қалбнинг куйлашини эшитади ва бу Унга маъқулдир.

(қпш) Сиз Руҳга тўлганингизни билишингизни хоҳлайсизми? Гапираётган сўзларингиз кўпроқ нимага эга — Худога сажда қилиш ва мақтovларгами ёки танқид ва нолишгами?

Б. Шукур қилинг (20 оят)

1. Ҳар доим

Миннатдорчилик билан муносабатда бўлинг — бу иродали қарор. Мен миннатдор бўламанми ёки нолийманми — бу ўзимга боғлиқ.

(тсв) Маргарита вафот этишидан олдин, мен бир куни уни қўллаб-қувватлаш ва руҳан мустаҳкамлаш учун касалхонага, унинг олдига келдим. Лекин, у Худога нисбатан миннатдорчиликка тўлган ўз қалби ибрати билан мени руҳан мустаҳкамлади.

2. Ота Худони

(тсв) Мен болаларимнинг миннатдор сўзларини эшитишни яхши кўраман. Ва ишонаманки, бу бизнинг Самовий Отамизга ҳам ёқади.

3) Ҳамма нарса учун

(тсв) Рим. 8:28

4) Раббимиз Исо Масих, номидан.

Айнан Унинг Ўзи бизнинг ҳаётимизни Руҳда бўлишини имкониятли қилди.

(қпш) Сиз Руҳга тўлганингизни билишни хоҳлайсизми? Қалбингиз Худога бўлган миннатдорчиликка тўлганми? Сизнинг гапингиз миннатдорли сўзларга тўлганми?

В. Бўйсунинглар.

1) Бир-бирингизга

(тсв) Фил. 2:4; 4:2-3 Эводия ва Синтиха.

2) Масиҳни ҳурматлаб (Худодан қўрқиб)

(тсв) Фил. 2:5-11

(қпш) Масиҳ, бизга нисбатан қандай муносабатда бўлса, биз ҳам бир-биримизга шундай муносабатда бўлишимиз керак. Бизни деб, У Ўзини Ўзи камситди.

ХУЛОСА

Бизнинг дунёмиз, қадимги Эфесга ўхшайди — масиҳийларга қарши, ахлоқсиз жой. Павлус бизларга ҳам ўша маслаҳатларни берган бўлар эди.

- Доно бўлинг.
- Руҳга тўлиб-тошинг.
- Ҳурсанд бўлинг.

Булар бугун ҳам, эртага ва қолган кунларингизда сизлар учун мумкин. Бу йўл тавба қилишдан гуноҳларга иқрор бўлишдан ва бўйсунишдан бошланади.

IV. СЎЗЛАШ МАҲОРАТИ

Нотиқлик маҳоратини ўрганса бўлади. Баъзи одамлар бошиданоқ нотиқлик маҳоратининг маълум бир қобилиятларига эга бўлишади, лекин шунга қарамай, ҳар бир одам, бир неча усулларни ўрганиб, яхши нотиқ бўлиши мумкин. Ваъз — бу омма олдида сўзга чиқишининг алоҳида шаклидир. Бу — Худонинг Каломини оммавий эълон қилишdir. Шунинг учун, ваъзхон ваъзни сўзлаётганда ўзининг кераксиз одат ва қилиқлари ёки етарлича овозга эга бўлмаганлиги билан, одамларнинг дикқатини ваъзниг мазмунидан чалғитмаслиги жуда муҳимдир.

Бу бўлим омма олида сўзга чиқкишда пайдо бўладиган оддий қийинчилклар ва уларни енгib ўтиш йўлларига бағишлиланган. Бу ерда келтирилган маслаҳатлардан фойдаланиб, омма олдида сўзга чиқишига тайёрланишга ва амалиётга етарлича вақт ажратиб, сиз ўз ваъзингизни анча яхшилашингиз мумкин бўлади, ва бу билан сиз жамоатингиздаги одамларга Худонинг

Каломини тушунишда ўсишларига, Худога бўйсунишда ва У билан чуқур муносабат қилишларига ёрдам берасиз.

А. Тингловчилар олдидағи қўркув

1. Маълум даражада бу яхши.

- Бу бизнинг ҳис-туйғуларимизни ўткирлаштиради.
- Қўлимиздан келганча энг яхши тарзда қилишимизга ундаиди.
- Бизни Худога тобе эканимизни англаб етишимизга ундаиди.

2. Қўркувнинг сабаби

- Мувоффақиятсизликдан қўрқиши. Биз қўпинча, қандайдир нодонлик қилиб қўямиз ва бошқалар устимиздан қулади деб, қўрқамиз.
- Ноъмалум қўркув. Кўп сонли одамларнинг олдига чиқишимиз керак, лекин илгари буни ҳеч қачон қилмаганмиз.
- Улар мени яхши қабул қилишармикин?
- Мен айтадиган сўзларимга улар қандай муносабатда бўлишаркин?
- Қўркув — ёмон тайёргарликнинг натижаси.

3. Улар билан қандай курашса бўлади?

Мувоффақиятсизлик олдидағи қўркувни ва номаълум қўрувни фақат ваъздан кейин, қачонки Худо сиз билан ва У сизга ғамхўр эканига ишончингиз комил бўлганидан кейингина бутунлай енгиш мумкин.

Қўркув камайиши мумкин, агар қўйидагиларни ёдимизда тутсак:

- Нимаики қилсак, ҳаммасини Раббимиз учун қилишимиз керак. Биринчи навбатда, одамларнинг мақтovларини эмас, балки Унинг мақуллашини қидиришимиз керак.
- Сиз айтмоқчи бўлган нарсалар жуда муҳим, бу — Худонинг Каломи. Бутун диққат-эътиборингизи ва фикрингизни ваъзингизга қаратинг ва одамлар учун уни эшитиш қанчалик муҳим эканлиги ҳақида ўйланг.
- Яхши тайёрланинг. Нимани гапиришингизни ўзингиз яхши билишингиз керак.

4. Қўркув натижасида пайдо бўлган ҳаяжонни назорат қилиш

Минбарга чиқишдан олдин мушакларингизни бўшатинг, тинчланинг. Иложи борича ҳаяжонингизни босишига ҳаракат қилинг ва диққатингизни бутун танангиз мушакларини бўш ҳолда тутишга қартинг.

- Ўз нафасингизни назорат қилинг.
- Сўзга чиқишдан олдин бир-неча марта чуқур нафас олинг.
- Ваъз пайтида чуқур нафас олишингиз учун, мунтазам тўхталишлар қилинг. Сўзлаётганингизда тез ва шошилиб гапирманг.

Б. Ўз овозига эгалик қилиш

1. Овознинг характеристикалари

Товуш баландлиги

Оҳанг

- Мўътадил овоз оҳангини танланг.
- Ўз овозингизни магнитофонга ёзиб олиб, уни тинглаш ҳам фойдали. Бу сизга овозингизнинг оҳангини бошқаришга ва эҳтиёж бўлса, керакли тўғирлашни киритишга ёрдам беради.

Ургу бериш (Оғиз аъзоларининг ишлари: лабларнинг, тилнинг, товуш найчаларининг...)

- Ундош ва унли товушларни талафуз қилишингиз.
- Омма олдида сўзга чиқишда, яхши артекуляцияни таъминлаш — сўзларни аниқ талафуз қилиш учун оғизни етарчлича катта очиб гапириш керак.

Темп ёки тезлик

- Нутқингиз жуда ҳам секин ва жуда ҳам тез бўлмасин.
- Асабийлик кўпинча нутқни тезлаштиришга мажбур қиласи. Машқ қилинг, уйингизда ваъзни эшилтириб айтинг ва нутқингиз тезлиги устидан ишланг.
- Нутқингизнинг темпи (ёки тезлиги) аудиторияга боғлиқ бўлиши керак. Одамлар сизнинг орқангиздан улгуришлари ва сизни қийинчликсиз тушунишлари керак.

2. Овозни қурол сифатида ишлатиш

Бир оҳангда (монотон) гапирманг. Овознинг оҳанги ўзгарувчан бўлиши керак.

Табиий овоз билан гапиринг. “Ваъзхонлик” ёки оддий ҳаётда ишлатилмайдиган ҳар қандай “профессионал” овоз билан гапирманг.

Гапириш нутқининг қўйидаги хусусиятларидан фойдаланинг.

- Бевосита (режалаштирумандек, содда)
- Енгил.

Овозингизнинг баландлигини, ўз сўзларингизнинг ҳиссиёт тусига ва мазмунли вазифасига мувофиқ ўзгартиринг.

Овозингизнинг тезлиги ва оҳанги ўзгарувчан бўлиши керак.

Мазмунли тўхталишларни, оддий суҳбатларда бўлгандай ижодий ишлатинг.

3. Овозингизни бинонинг аккустикасига (аккустика — уй ичида товушнинг тарқалиши) мослаштиринг

Ҳар бир одам сизни эшига олиши учун, сиз энг узоқда ўтирган одамларга қараб мурожаат қилишингиз керак. Бу айниқса товуш кучайтирадиган аппаратура йўқ бўлганида, муҳимдир. Агар бинонинг аккустик характеристикалари ёмон бўлса, сиз бу ноқулайликни қўйидаги тарзда қисман яхшилашингиз мумкин:

- шошилмай гапиринг;
- фикрларингиз ўртасида тўхталишлар қилиб, уларни қисқа жумлалар билан ифода қилинг;
- сўзларни аниқ ва батафсил гапиринг;
- овозингизнинг оҳанги ўзгарувчан бўлсин;
- сўзларингизни имо-ишоралар билан тушунтириб боринг
- паст овозда гапиринг.

Б. Имо ишорали мулоқот (“тананинг тили”)

1. Кийим (уст-бош)

Биринчи таассурот (таъсир) муҳимдир. Сиз устингизда жуда кўп, ёки жуда кам кийим борлиги ҳақида таассуротни тугдиришни хоҳламайсиз. Сиз одамларнинг диққат-эътиборларини ўзингизга қаратишга хоҳламайсиз, сизнинг мақсадингиз — одамларнинг диққат-эътиборини Худога қаратиш. Аудиториянгиздаги одамлар учун, одатий ва ҳамма учун маъқул бўлган кийимларни кийишга ҳаракат қилинг.

2. Ҳолат (поза)

Сиз гапиришни бошлагунингизгача ва одамлар сизни эшига олишларигача, улар сизни кўрадилар. Сиз қандай қилиб минбарнинг олдига борганингизнинг ўзи сиз тўғрингизда аудиторияга қандайдир таъсурот беради. Қачонки сиз ваъзни айтиш учун чиққанингизда, одамлар учун сизда муҳим бир хабар борлигини ва бу хабар Худодан эканлигини билишларини хоҳлайсиз. Бу жуда муҳим хабар, ҳаммангиз учун муҳим. Шунинг учун ўзингизни муносиб тутинг, бошингиз кўтаришган бўлсин.

Аудиториянинг олдида турганингизда қўлларингиз издан узоқроқ бўлсин ва минбарга ҳам ёпишмасин. Қўлларингизга, сизнинг нутқингизга мувофиқ имо-ишоралар билан энг табиий тарзда ҳаракатланишига имкон беринг. Танангиз қўйидаги ҳолатларда бўлмасин:

- Ҳарбийча ҳолат (поза). Тана ростланган, қўллар орқада. Бу вазият оғирликни ва тангликни билдиради.

- Бўшанг одамнинг ҳолати. Баданнинг бутун оғирлиги битта оёққа кўчирилган, елкалар туширилган. Бу дангасаликни ва қизиқиши камлигини билдиради.
- Руҳоний ҳолати (позаси). Бу поза билан биз кўпинча ўзимизни қандайдир муқаддас қилиб кўрсатишга уринамиз. Бутун тана қаттиқ ростланган, қўллар худди ибодат учун бирлаштириландек ҳолатда.
- Қафасдаги шернинг ҳаракатига ўхшаган ҳолат. Ваъзхон тўхтовсиз, қафасдаги шерга ўхшаб минбар бўйлаб у ёқдан бу ёққа юради.

Сизнинг ҳолатингиз ваъзнинг эмоционал оқимига мос келишига ҳаракат қилинг. Сиз аудитория билан фақатгина овоз билан эмас, бутун тана орқали ҳам гаплашяпсиз. Ўз танангизга овозингизга мос тарзда ҳаракатланишига имкон беринг. Ана шунда улар бирбирига қарама-қарши бўлмайди, балки бир-бирини тўлдиради.

3. Имо-ишоралар

Дўстларимиз билан гаплашаётганимизда, биз бошимиз, елкаларимиз, қўл-оёқларимиз билан имо-ишоар қиласиз, мимикани (юз мушакларининг ҳаракати) ишлатамиз. Бутун тана иштирок этади. Ваъз қилганда ҳам, худди дўстларингиз билан гаплашаётгандай, табиий кўринишингиз керак.

Имо-ишоралар самимий ва табиий бўлиши керак. Имо-ишоралар дўстингиз билан гаплашаётганингизда қандай бўлса, ваъз қилаётганингизда ҳам худди шундай бўлсин.

Хар доим жилмайишнинг кераги йўқ. Баъзан бу қалбаки бўлиб кўринади, масалан, агар ваъзнинг маълум бир қисми тавба қилиш тўғрисида гапирса, юзингизнинг ифодаси ваъзнинг эмоционал оқимига мувофиқ бўлиши керак.

Кўргазмани келтириш. Қандайдир бир одамнинг ҳаётидан кўргазма ёки унинг гапларидан цитата келтириб, ўша шахснинг овоз оҳангини, имо-ишораларини тақлид қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Бошқача айтганда, минбарда туриб Муқаддас Китобдаги кўринишлари ёки кундалик ҳаётдаги воқеаларни кўрсатиб бериш (ўйнаб бериш) ман этилмайди.

Аудитория билан нигоҳий алоқани сақланг. Сиз одамларга нисбатан шахсий қизиқишингизни уларга сездиришингиз керак. Энг яхшиси бунга кўз алоқаси орқали эришилади. Шунингдек, сизнинг сўзларингизга нисбатан тингловчиларнинг муносабатини шубҳасиз билишни хоҳлайсиз. Буни эса сиз фақат уларнинг кўз ифодасидан аниқлашингиз мумкин.

Г. Ифодали ўқиш.

Тингловчиларга Муқаддас Китоб оятларини ўқиб беришдан олдин, сиз ўзингиз бу оятлар нима ҳақида ва нимани ўргатишини яхши тушунишингиз керак. Худо сиз орқали Ўз ҳақиқатини одамларга етказишида Унинг қўлида яхши қурол бўлиш учун, биринчи навбатда сиз ўзингиз бу оятлар муаллифининг фикрини тушунишингиз керак.

Лавҳани (яъни оятларни) камида уч марта ўқинг.

Тиниш белгиларга дикқат қилинг.

Ишлатилган сўзларга аҳамият беринг. Агар баъзи сўзларнинг маъноси сизга тўлиқ тушунарли бўлмаса, унда лугатдан қаранг.

Лавҳанинг асосий мазмунига ва у нимани ўргатаётганига дикқатингизни қаратинг. Шунингдек, унинг ривожланишини ҳам кузатинг.

Муаллиф бу лавҳани гапиришдан кўзлаган мақсадини сиз тушунишингиз керак. Бунинг учун контекстни ўқиб чиқиши мухимдир.

Агар лавҳада одамлар ҳақида эслатилган бўлса, улар қандай тасвирланганига, қандай таърифланганига, улар тўғрисида нималар маълум эканлигига дикқатингизни қаратинг.

Агар лавҳада воқеа тасвирланган бўлса, сизнинг ўқишингиз воқеанинг бошини, ривожланишини, кулминациясини (энг юқори нуқтага кўтарилиш) ва хуносасини ифода этиш керак. Ҳикоянинг эмоционал ривожланишига қараб овозингизни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

Сиз Худонинг Каломини ўқияпсиз, шунинг учун буни ишонч, шижаот ва ғайрат билан қилинг.

САВОЛЛАР

- Сизга таниш бўлган яхши ваъзхон тўғрисида ўйланг. Унинг услубининг қайси томонлари унинг ваъзи бундай муваффақиятли бўлишини таъминлайди? Унинг овозини ва имо-ишора воситаларини қандай ишлатишини тасвирланг.
- Бу дарсдаги қайси иккита ғоя, сизнинг ваъзхонлик маҳоратингизни оширишингизда энг яхши ёрдам беради?

ТОПШИРИҚ

Инжидан Фил. 4:4-9 оятларини индуктив усул ёрдамида ўрганинг. Унинг асосида, қуйидаги қадамлар бўйича ваъз тайёрланг:

- 1 Асосий ғояни аниқланг.
- 2 Ваъз мақсадининг шаклини тузинг
- 3 Лавҳанинг режасини тузинг.
- 4 Кўргазмаларни тайёрланг.
- 5 Ўринли қўллашларни ўйлаб топинг.
- 6 Кириш сўзини тайёрланг.
- 7 Холосани тайёрланг.

Ваъзнинг тайёр матнини ёзиб чиқинг (ёки машинкада ёзинг) ва устозингизга кўрсатинг. Сиз бу режа бўйича ваъз айтганингизда бошқа жамоат ташкил қилувчиларни ёки ўқитувчиларни (хоҳласангиз уларнинг барчасини) қатнашишларини сўранг. Шундан сўнг, сизнинг нотиқлик услубингиз ва ваъзингизнинг мазмуни бўйича уларнинг кузатувларини муҳокама қилинг. Ижобий, ҳамда салбий мулоҳазаларни таҳлил қилиб кўринг ва уларни келажакда ўзингизнинг ваъзхонлик самарангизни оширишда фойдаланинг.

8 Қисм: Ибодат

Ибодат

1 Дарс

Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ибодат

Барча жойда жамоатлар ташкил қилиш ҳақида қандай қилиб ибодат қилиш керак?

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — жамоат ташкил қилувчиларга, жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ибодат қилишни қандай ташкиллаштириш кераклиги ҳақида ғояларни тақдим этиш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Барча жойларда жамоат ташкил қилишда ибодатнинг асосий ролини англаб этиши керак;
- Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ибодатини қандай ташкил қилишни ва бунинг учун одамларни қандай жалб қилишни билиши керак;
- Жамоатларни ташкил қилишнинг шаҳар, минтақавий, миллий ҳаракатлари учун замин яратадиган, ибодат тадбирларида иштирок этиши керак.

Дарс режаси:

- I. Тадқиқот ўтказиш
- II. Ниятни бериш — бу ҳудуд учун Худонинг хоҳиши-иродаси қандай?
- III. Ҳамма жойларда жамоатлар ташкил қилиниши учун ибодат қилишга одамларни тайёрлаш
- IV. Ибодат хизматларининг раҳбарларини қандай топиш мумкин ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатларини қандай ташкил қилиш керак
- V. Ҳамма жойларда жамоатлар ташкил қилиниши учун Муқаддас Китобдан ибодат илтижолари
- VI. Ибодат йиғилишлари

Ўқитувчилар учун маслаҳатлар:

Бу дарсдан, барча жойларда жамоатлар ташкил қилиш ишига хизмат қиласидан ибодатни қандай ташкил қилиш кераклигини муҳокама қилиш учун қўлланма сифатида фойдаланинг. Ўқувчилардан, ҳар қандай ибодат йиғилишларида ёки шаҳар, минтақа учун ибодат қилишда шахсан иштирок этиш бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашишларини сўранг. Ўқувчиларнинг ўз мазҳабларига (шаҳар, жой ва мамлакат учун) мана шундай ибодатларни ташкил қилишига ёрдам бериш учун уларнинг ҳар бири нима қилишлари кераклигини муҳокама қилишлар зарур.

Ўқувчилар билан сизга маълум бўлган ва ҳозирда шаҳарларда, жойларда, мамлакатларда мавжуд бўлган ибодат ҳаракатларига таълуқли ресурслар ва алоқа маълумотлар билан бўлишинг.

СЎЗ БОШИ

Курсимизнинг Иккинчи Кўлланмасининг “Ибодат” мавзусининг 1-дарсида, яъни “Ибодатга даъват” дарсида биз, ҳаворий Павлус ибодатга — Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилишнинг ҳаётий муҳим жиҳати сифатида қарагани ҳақида гаплашган эдик. Биз, жамоатлар ташкил қилиш бўйича ўз хизматимизни қўллаб-қувватловчи ибодатларни ташкил қилишга нисбатан турли хил ёндашувларни муҳокама қилганмиз. Бутун жойларни шаҳарларни ва мамлакатларни қамраб оладиган жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати пайдо

бўлиши ва ривожланиши учун, бевосита Хушхабар тарқатишга ва янги жамоатлар ташкил қилишга йўналтирилган катта миқёсдаги ибодат хизматларини ташкил қилиш керак. Жамоатлар ташкил қилиш ҳаракати учун ибодат стратегияси — ҳали Раббимизнинг Хабари етиб бормаган, мамлакатингизнинг ҳар бир қишлоғига, ҳар бир шаҳарининг атрофига ва ҳар бир одамлар гуруҳига қаратилиши керак.

Ибодат йиғилишларини ташкил қилиш йўллари турли хил бўлиши мумкин. Кореяда жамоатдаги тунги ибодатлар, рўза тутиш ва шаҳарларнинг атрофидаги тепаликларда қилинадиган ибодатлар ва ҳар кунги, тонгда соат 5 да ўтказилган ибодат йиғилишлари анча кенг тарқалган. Америкада имонлилар “миллий ибодат куни” каби, алоҳида ибодат кунларини ташкил қилишади. Бу кунлари одамлар фақат ўз халқлари учун ибодат қилишга бир соат ажратишади. Европада одамлар “Хоч кўтаргандар” (Крестоносец) йўли билан юриб — Англиядан Истамбулгача юришади ва йўл атрофидаги яшовчи одамларнинг Худо билан ярашишлар ва Масих имон келтиришлари учун ибодат қилишади.

Мақсадга йўналтирилган, катта миқёсдаги ибодат тадбирлари маълум тайёргарликни талаб қиласи ва бу тайёргарликларга қуйидаги муҳим элементлар киритилган: тадқиқот ўтказиш керак, Худодан ният олиш керак ва бу ниятни бошқаларга етказиш керак, ибодат ҳаракатининг лидерларини топиб, уларни бирлаштириш керак. Бу дарсда биз, жамоатлар ташкил қилишнинг шаҳар, минтақавий ва миллий ҳаракатлари тўғрисида ибодатни бошлаш учун зарур бўлган жиҳатларини муҳокама қиласиз.

I. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ

Биз биламизки, Худо одамларни Ўзи билан яраштиришни ва Ўз шуҳратини халқларда намоён қилишни хоҳлади, демак Муқаддас Рух кўпчилик одамларнинг қалбига ўз шаҳри, минтақаси ва мамлакати учун ибодат қилиш истагини солган. Катта миқёсдаги ибодатни ташкил этишда қўйиладиган биринчи қадам — бундай хоҳишга эга бўлган одамларни қидиришни бошлашдир. Баъзи мамлакатларда ташкил этилган гуруҳлар мавжуд. Бундай гуруҳлар бўлмаган жойларда эса, сиз шунчаки алоҳида одамларни, яъни Хушхабарни тарқалиши учун ибодат қилиш хизматини бир ўзлари амалга ошираётган одамларни қидириб топишингиз мумкин.

Сиз томондан ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ этиладиган ибодатни ташкил қилиш стратегияси, кўп томондан ўзингиз олиб борган тадқиқот ишларига боғлиқ. Агар сиз мавжуд бўлган ибодат гуруҳларини ва бундай хизматни амалга ошираётган одамларни топсангиз, унда ўз ишингизни, Хушхабар тарқатувчи ва жамоатлар ташкил қилиш хизматлари ва уюшмалар билан алоқа ўрнатишга қаратишингиз мумкин, токи ибодат Хушхабар тарқатишнинг аниқ аспектларга қаратилсин. Бу жуда муҳимдир, чунки кўпчилик ибодат гуруҳлари жамоатлар ташкил этиш ва Хушхабар тарқатиш хизматларида ажralиб қолган, натижада самарали имконият йўқотилмоқда. Сизнинг стратегиянгиз бунда ўз ичига, асосан, хизматларнинг ўзаро алоқада бўлиши ва биргаликда ҳаракат қилишини ташкил этишни киритади. Шунингдек сиз, ибодат гуруҳлари лидерлари билан биргаликдаги ишларни режалаштиришингиз мумкин ва ҳамкорликдаги бу ишлар — ибодат хизматини шаҳрингизнинг, жойингизнинг ва мамлакатингизнинг бошқа худудларида ҳам тарқатишга йўналтирилган бўлади. Вақти-вақти билан бу ибодат гуруҳларини ва уларнинг жамоатларини умумий ибодат тадбирлари учун йиғиши мумкин (ибодат йиғилишлари ёки ибодат конференциялари), бу эса сизнинг стратегиянгизнинг бошқа бир қисми бўлади. Ибодат йиғилишлари (конференциялар) авваломбор, Худога ҳамду-сано айтиш ва сажда қилишга, шунингдек Хушхабарни тарқатишга қаратилган бўлади, улар одатда масиҳийларни бирлаштиришнинг яхши воситасидир, ҳар қандай фарқларига қарамай, биз ҳаммамиз биргаликда ягона Танани ташкил этишимизни англаб этиш орқали бизда улкан қувонч ҳисси пайдо бўлади. Бундай йиғилишлар у ёки бу жойда биргаликдаги ҳаракатларнинг бошланиши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ибодат йиғилишлари мазкур дарснинг олтинчи бўлимида батафсил муҳокама қилинган.

Агар ўтказган тадқиқотингиз жойда ибодат хизматларини йўқлигини ёки камлигини кўрсатса, у ҳолда сизнинг стратегиянгиз Худодан сизга ибодат ҳаракатларининг лидерларини кўрсатишни сўраш ва ниятга эга бўлиш ва бу ниятни бошқаларга етказиш, мақсадга йўналтирилган ибодатни энг биринчи даражада — маҳаллий жамоатлардаги имонлилар ўртасида ташкил қилишдан иборат бўлади.

II. НИЯТНИ БЕРИШ — БУ ХУДУД УЧУН ХУДОНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ ҚАНДАЙ?

Одамлар ўз вақтларини ва кучларини муҳим деб ҳисоблаган ёки бажариш учун чукур хоҳишга эга бўлган ишларга сарфлашади. Барча жойларда жамоатлар ташкил қилиниши учун ибодатни ташкиллаштиришнинг муҳим элементи — бу одамларга, уларнинг шаҳри, минтақаси ва мамлакати учун Худонинг хоҳиш-иродаси бўйича ниятни етказишидир. Худонинг юрагида қандай хоҳиш-истак ёнаётган бўлса, худди мана шу хоҳиш-истак имонлиларнинг юракларида ҳам ёниши керак, — гуноҳкор одамзотни Худо билан яраштириш, уни гуноҳ қуллигидан озод қилиш ва Худо билан одамзоднинг ўртасидаги мулоқотни Исо Масиҳ орқали қайта тиклаш. Худо Ўз ҳалқини, адашган ва ҳалок бўлаётган дунёга ярашиш ҳақидаги Хушхабарини етказадиган элчилар ва даракчилари қилиб танлаган (2Кор. 5:18-20). Ўзларини Худонинг элчилари эканликаларини англаб етиб, масиҳийлар табиий тарзда Худонинг мақсадларини амалга оширишда иштирок этиш хоҳишини ҳис қилишни бошлайдилар.

Ниятни беришнинг бошқа қисми, одамларга уларнинг минтақаси учун “Якуний фикрлаш” тўғрисида тушунча беришдан иборат. Уларнинг шаҳри, минтақаси, мамлакати, у ерда яшовчи одамлар имонга келганидан кейин қандай бўлади (Мт. 28: 19)? Нечта жамоат бўлади? Масиҳийлар у ердаги аҳолининг неча фойизини ташкил қиласи? Шундай кейин “Якуний фикрлаш” ни айни вақтда мавжуд бўлган вазият билан солишириб кўриш керак. *Хозир нечта жамоат бор? Фаол масиҳийлар аҳолининг неча фойизини ташкил қиласи?* Кейин эса вазифани қўйинг: мана шу шаҳарда, жойда, мамлакатда “Якуний фикрлаш” га эришиш учун нечта жамоат ташкил қилиш керак? Қанча одам имонга келиши керак? (қаранг: 2-Кўлланма, “Ният“ мавзунинг “Якуний фикрлаш”— фикрлаш” дарси ва “Жамоат” мавзусининг “Жамоатнинг вазифалари” дарси.)

Ниятни беришнинг учинчи элементи — одамларга, ибодатнинг Хушхабар тарқатишида ва жамоатлар ташкил этишдаги стратегик аҳамиятини кўришларига ёрдам бериш. Қачонки улар Павлуснинг ибодатини, яъни унинг ўзи нима ҳақида ибодат қилганини ва бошқа масиҳийларни ҳам бу ҳақда ибодат қилишга чақирганини тушуниб етсалар, улар Худонинг бу худуд (яъни уларнинг худуди) учун мақсадларига эришишда, уларнинг ибодати қанчалик муҳим эканлиги ҳақидаги ниятга эга бўлишади.

III. БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ УЧУН ИБОДАТ ҚИЛИШГА ОДАМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Ўз шаҳри, жойи ёки мамлакати учун Худонинг хоҳиш-иродаси тўғрисида ниятни олиб, бу ниятга ҳам фикран, ҳам қалбан чўмиб, одамларга Хушхабарни етказишидаги ҳар бир қадам учун ибодатнинг муҳим эканлигини тушуниб етганларидан кейин, бу ҳаракатга ўз ибодатлари билан шахсан қўшилишлари учун имонлиларга ёрдам ва амлий ғоялар керак бўлади. Сиз ёки сиз бирга ишлаётган одамлар, уларга қуидагилар бўйича амалий таълим ва ёрдам беришингиз мумкин:

- Ибодат учликлари.
- Ибодат юришлари.
- Маҳаллий жамоат ташкил этиш бўйича хизматни ибодат билан қўллаб-қувватловчи гурӯхни тузиш.
- Руҳий кураш.
- Миллий ибодат кунлари.
- Ибодат ва рўза.

Бу ёрдамларнинг катта қисми, жамоат ташкил қилишда эгаллаган ўзингизнинг ибодат тажрибаларингизга ва билимларингизга асосланади. Юқорида келтирилган барча мавзулар аввалги дарсларда кўриб чиқилган. Эсингизда бўлсин, ибодат қилишни назарияда эмас, балки унинг моҳиятини англаб етиб, уни амалда ҳис қилиб ўрганиш мумкин. Одамлар ибодат қилгандарни ва Худо билан мулоқотда вақт ўказишлари билан, Унинг Ўзи уларга ўз кучларини ва вақтларини қандай тақсимлашни, бошқа одамларни (уларнинг таъсир доирасидаги) ибодат хизматига жалб қилишнинг янги ижодий йўлларини кўрсатиб беради.

IV. ИБОДАТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РАҲБАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ МУМКИН ВА УЛАРНИНГ БИРГАЛИҚДАГИ ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МУМКИН

Ҳаракат самарали бўлиши учун лидерлар зарур. Тадқиқот ўтказиш ва ниятни бериш вақтида, Худодан, У сизга зарурий ташкилотчилик қобилиятига ва ибодат қилишга алоҳида хоҳиш-истакка эга бўлган одамларни (ҳам эркакларни, ҳам аёлларни) кўрсатишини сўранг. Бундай одамлар ўзлари олган ниятни бошқларга етказа оладилар, ибодат қилувчи янги одамларни тайёрлаб, уларни ўргата оладилар, шунингдек, улар ибодатларни, Худонинг хоҳиш-иродаси (“Якуний фикрлаш”) шаҳарда, миңтақада ва мамлакатда амалга оширилишига бевосита боғлиқ бўлган саволларга йўналтира оладилар. Бундай одамларни мазкур ҳудудда амалга оширилаётган Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш бўйича ишлардан хабардор қилиб туриш керак, ана шунда улар ибодатли қўллаб-қувватлашларни ўз вақтида ташкил қила оладилар. Қуйида ибодат хизматининг лидери эга бўлган баъзи фазилатлар келтирилган ва сиз шуларга қараб, мана шунай одамларни, яъни ибодат хизмати лидерларини қидиришингиз мумкин. Демак, ибодат хизматининг лидери бўла оладиган одам:

- Жамоат раҳбариятига бўйсунадиган ва уларни хурмат қилиши керак. Ўзини, жамоат раҳбарларидан ҳам кўра, муҳимроқ одам деб билмаслиги керак.
- Ибодат йиғилишларида кераксиз ва чалғитадиган ибодатларни четлатиб, асосий мавзудан четга чиқишиларига йўл қўймасдан, бундай йиғилишларни яхши ташкил қилишни ва олиб боришини билиши керак.
- Ўзини Масихга багишлаши ва Инжил ўқиши, мунтазам шахсан ибодат қилиш, мuloқot каби руҳий интизомларга риоя қилишида садоқатли бўлиши керак.
- Одамлар билан яхши ўзаро муносабатларга ва ўз жамоатидаги имонлилар орасида яхши обрў-эътиборга эга бўлиши керак.
- Эмоционал вазмин бўлиши керак. Ибодат хизматининг раҳбари ўзининг ҳис-ҳаяжонларини назорат қила олиши ва уларга ибодатга раҳбарлик қилишига йўл қўймаслиги керак.
- Гийбат қилмаслиги, бошқаларнинг сирларини сақлай билиши керак.
- Барча жойларда жамоатлар ташкил қилиш ниятига эга бўлиши ва бу ниятни тушуниши керак. Бу ниятни бошқаларга бера олиши керак.
- Ибодат гуруҳлари билан Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати ўртасида ахборот алмашинувини мувофиқлаштира олиши керак.

Ибодат хизматининг раҳбарлари ибодат ҳаракатининг турли хил даражаларида ҳаракат қиласидар. Улардан баъзилари ибодат гуруҳларига раҳбарлик қилишади — бу гуруҳ маҳаллий жамоатининг ёки битта райондаги бир неча маҳаллий жамоатларнинг аъзоларидан тузилган гуруҳ бўлиши мумкин. Яна бошқалари, ўз вилоятида ёки маълум бир одамлар гуруҳи орасида Хушхабар тарқатиш ҳаракати учун ибодат қилиш хоҳиши билан бирлашган айрим одамлардан ёки ибодат гуруҳларидан ташкил топган ибодат қилувчилар уюшмаси (занжири) ишини мувофиқлаштириши мумкин. Шунингдек, мазҳаблар раҳбарияти ҳам ибодат хизматининг етакчиларини тайинлаши мумкин, ва бундай одамларнинг, яъни етакчиларнинг вазифаси — мазкур мазҳабдаги жамоатларга ибодат хизматининг стратегиясини ишлаб чиқишида ва уни амалга оширишда ёрдам беришдан иборат бўлади.

Миллий миқёсдаги ибодат хизматларининг раҳбарлари, бутун мамлакатни қамраб олган муаммолар ва муҳтоҷкликлар учун қилинадиган ибодатни мувофиқлаштиради. Шунингдек, улар хукumat, армия ва ҳок.лар ҳақида ибодат қилишнинг ташаббускорлари бўладилар. Улар бутун мамлакатнинг ибодат занжири, яъни уюшмаси олдига аниқ мақсадли ибодатларни қўйишида ва шунингдек, яна турли хил тадбирларни, масалан миллий ибодат кунларини ташкил қилишда иштирок этишлари мумкин. Мамлакат миқёсидаги ибодат хизматларининг раҳбарлари, бутун дунё мамлакатларининг шу каби раҳбарлари билан яқин алоқани сақлашлари керак.

V. БАРЧА ЖОЙДА ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНИШИ УЧУН МУҚАДДАС КИТОБДАН ИБОДАТ ИЛТИЖОЛАРИ

Қуйида, ибодат хизматларининг раҳбарлари ва етакчилари учун стратегик роль ўйнайдиган Муқаддас Китобдан баъзи бир ибодат мавзулари келтирилган. Бу мавзулар ибодат

гурұхларии ва занжирларига янада самарали ва мақсадли раҳбарлик қилиш учун яхши асос бўлиши мумкин.

А. Шахсий муҳтоҗликларингиз ва муаммоларингиз учун ибодат қилинг

Бизнинг гурӯхларимиз, асосан, барча жойларда жамоатлар ташкил бўлиши учун ибодат қилишга чорланган бўлса ҳам, баъзида, дикқат-эътиборимизни ўз қишлоқларимиз, шаҳарларимиз, жойларимизга нисабатан Худонинг хоҳиши-иродасига янада яхшироқ қартишимиз учун, авваломбор ўзимизнинг шахсий муҳтоҷликларимиз ва ташвишларимиздан озод бўлишимиз керак. Фил. 4:6-7 оятларида айтиладики, қачонки биз ибодат ва илтижода бўлиб, ҳар бир ташвишимиз, тилагимизни Худонинг олдидা изҳор қилсак, Худонинг тинчлиги бизнинг қалбларимизни, ўй-фикрларимизни Масихда хотиржам қиласди.

Б. Худонинг Жамоати учун ибодат қилинг

Қачонки биз жамоатнинг муҳтоҷликларини кўрганимизда, шахсан ўзимизни безовта қилаётган нарсалар, ёки бошқа бир қандайдир жиддий нарса ҳақида ибодат қилиш васвасасига йўлиқишимиз мумкин, биз содир бўлаётган нарсаларга ҳукм ёки танқид билан муносабатда бўлиб ибодат қиласми. Лекин, бу яхши эмас, чунки Жамоат — Масиҳнинг Келинидир (Эф. 5:22-32), биз Худога Масих номи билан ибодат қиласми, ҳеч қайси күёв эса ўз севгилиси номига айтилган салбий, танқид сўзларга хайриҳоҳлик билан қарамайди. Жамоат учун ибодат қилишда, биз имонлиларнинг дикқат-эътиборларини куйидаги соҳаларга қартишимиз мумкин:

1: Бирлик

Раббимиз Исо, имонлилар учун ибодат қилганида, Отасидан уларнинг орасида бирлик бўлишини сўраган. У биз Отага ва Унга нисбатан севгида бир бўлишимиз учун ибодат қилиди, ва токи бизнинг бир-биримизга бўлган севгимиз, Ота билан Ўғил орасидаги севги каби бўлиши учун ибодат қилди (Юх. 17:20-23). Бундай ибодат барча жойларда жамоатлар ташкил қилиш ишига ўз ҳиссасини қўшади ва бу ишга ёрдам беради, чунки имонлиларнинг бирлиги орқали дунё Исо Масих тўғрисида билиши мумкин.

2. Исо Масиҳнинг севгиси тўғрисида ибодатлар

Ҳаворий Павлус Филиппидаги жамоат севгида бўлиши учун ибодат қилган, аммо қўр севгида эмас, У идрокли, ҳар қандай билим ва сезгида такомиллашган севги тўғрисида ибодат қилган (Фил. 1:9). Бу ибодат барча жойларда жамоатлар ташкил қилишга ёрдам беради, чунки одамлар, айнан бир-биримизга бўлган муҳаббатимиз орқали, биз Исо Масиҳнинг издошлари эканимизни билишади (Юх. 13:35).

3. Итоаткорлик тўғрисида ибодат

Павлус Эфесдаги жамоат тўғрисида, Худо уларни нимага чорлаганини ва бу уларга қандай буюк умид бераётганини тушунишлари учун ибодат қилган (Эф. 1:18). Бу ибодатнинг барча жойларда жамоатлар ташкил қилиш ишига боғлиқлиги шундаки, қачонки жамоат ўзининг нимага чорланганини тушунса, у қўпайишга интилади ва Хушхабарни бутун дунёга тарқатиш учун тайёр бўлади (Мт. 28:18-20).

В. Худонинг ҳосилини йиғиб-терадиган юмушчилар тўғрисида ибодат қилинг

Бу — Мт. 9:38 оятида айтилган тўғридан-тўғри буйруқдир. Агар Раббимиз Исо бизга нимадир ҳақида ибодат қилишни буюрган бўлса ва биз бу буйруқни бажаришда садоқатли бўлсак, хўш, У ҳам бизнинг бу ибодатларимизга жавоб беришда содик бўладими? Балки, биз юмушчиларга бўлган бундай етишмовчикни ҳис қилишимизнинг сабаби, бу ҳақда кам ибодат қилишимиздадир? Балки биз Раббимизнинг Ўзи буюрган нарсалар ҳақида кам ибодат қилаётгандирмиз? Бу ҳақда ўйлаб кўринг ва кейин ибодат қилинг.

Г. Ўз халқингиз ва дунёдаги бошқа халқлар учун ибодат қилинг

Павлус мажусийларга Хушхабарни вайз қилған, лекин шу билан бирга ўз халқи, Истроил учун Худонинг олдида шафоат қилиши тұғрисида ҳам очық гапирап эди. Рим 10:1 оятида у шундай дейди: “Әй биродарлар, юрагим орзу-армоним ва Худодан ёлворган таваллойим Истроилликларнинг қутилишидир.” Худонинг олдида халқлар учун ибодат қилиб, биз барча жойларда жамоатлар ташкил қилинишига ёрдам берамиз.

Д. Сиёатчилар, ижтимоий ва диний арбоблар учун ибодат қилинг

1Тим. 2:1-5 ояrtlарида масиҳийлар ҳукумат ва бошқа ҳукмдорлар учун ибодат қилишлари кераклиги бўйича аниқ буйруқ берилган.

Е. Жамоатлар ташкил қилувчи миссионерлар учун ибодат қилинг

Павлус ҳаворий-жамоат ташкил қилувчи бўлган. Худо уни нима учун чорлаганини ва бу ишнинг муҳтоҗликларини билиб, у Эфесдаги жамоатдан у учун, Худонинг Каломини кўрқмасдан, керакли ва тўғри сўзлар билан баён этиши учун ибодат қилишларини сўраган (Эф. 6:19-20).

VI. ИБОДАТ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Кўпинча имонлиларда ибодат қилишга чукур ҳоҳиш-истак кучли ибодат йиғилишларида иштирок этишлари вақтида пайдо бўлади, чунки бундай йиғилишлар уларга аввалги тажрибаларидан ҳам, янада баландга кўтарилишларига ёрдам беради. Турли хил жамоатлардан келган, ҳар хил тажрибага эга бўлган, ҳар хил ёшдаги имонлиларнинг катта йиғилишидаги (бундай йиғилишларни, яна конференциялар деб ҳам атайдилар) ибодатлар вақтида имонлилар ўзларини ёлғиз эмасликларини, ажralиб қолмаганликларини, балки Худонинг буюк ҳаракатига тегишли эканликларини англаб этишади. Улар ибодатни қандайдир чарчатадиган машқлар эмас, балки тирик Худо билан мустаҳкам, қувончли, ва тарбиялайдиган муносабат сифатида кўришни бошлайдилар. Ер шарининг барча қитъасида бундай ибодат йиғилишлари жуда кўп маротаба катта миқёсдаги ибодат ҳаракатларини бошлаб берган, масиҳийлар орасидаги бирдамликни мустаҳкамлаган ва Хушхабар тарқатиш, жамоатлар ташкил қилиш хизматига янги куч-кувватлар берган.

Ибодат йиғилишларининг ва конференцияларнинг марказида Муқаддас Китоб бўйича иккита концепция ётади:

- Худога ибодат, токи Унинг Жамоати Раббимиз Исо Масиҳнинг бутун мукаммалигини ва Унинг Ўз Жамоати билан бирга эканлигини намоён қилсин. Бу ерда гап Жамоатнинг уйғониши, янгиланиши ва қайта туғилиши ҳақида кетяпти.
- Худонинг режалари барча халқларда Жамоат орқали тўла-тўқис “бажарилиши” учун ибодат. Бу — Буюк Топшириқнинг бажарилиши, Хушхабарининг бутун дуёнга тарқалиши, маҳаллий жамоатларнинг гувоҳлиги, барча жойларда жамоатлар ташкил қилинишидир.

Ибодат йиғилишлари (конференциялар) битта маҳаллий жамоат томонидан ёки минтақа базасида, яъни бир қанча маҳаллий жамоалар томонидан ташкил қилиниши мумкин, ва бундай йиғилишларнинг диққат-эътибори бирликка ва ҳамкорликдаги меҳнатта қаратилган бўлади. Куйида ибодат йиғилишининг наъмунавий нусхаси келтирилан, ва сиз буни ўзингизнинг хизматингизга бевосита боғлиқ бўлган шарт-шароитлардан келиб чиқиб ўзгартиришингиз мумкин. Муҳими, мунтазам ва биргаликда ибодат қилиши.

Биз баъзи бир элементларни (йиғилиш қисмларини) келтирамиз ва буларни ибодат йиғилишлари ва конференциялар таркибиغا киритишингизни тавсия қиласиз. Йиғилишнинг умумий вақтини 2-3 соатлик қилиб режалаштиринг, бу маълум бир кунинг оқшом пайти ёки тушдан кейинги вақт бўлиши мумкин. Йиғилишнинг ҳар бир қисмига қанча вақт ажратилиши, ҳар бир йиғилишнинг аниқ мақсадларига боғлиқ бўлади. Лекин, шунга қарамай, ҳар бир элемент ибодат йиғилишига (конференцияга) тақдим этилиши жуда муҳим. Бу, йиғилиш мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтишига, кутилмаган узилишлар, кераксиз тўхталишлар бўлмаслигига — хуллас йиғилиш яхши ўтади, деб ишончимиз комил бўлишига ёрдам беради.

А. Мавзуни тингланг:

Бутун йиғилишни (конференцияни) аниқ мавзу атрофида ташкил қилиш фойдали бўлади. Бу ибодат йиғилишига мақсадга қаратилган бўлиб қолишига, ибодатларга эса — аниқ бўлишига ёрдам беради. Масалан, Қозоғистон пойтахтида бўлиб ўтган ибодат конференцияларидан бири ярашиш мавзусига бағищланган эди. Ҳамду-санолар айтиш ва улуғлаш вақтида имонлилар Худони Яраштирувчи сифатида улуғлашган, “*Масиҳ орқали бизни Ўзи билан яраштириди ҳамда одамларни Худо билан яраштириш хизматини бизга берди*”, конференсияда масиҳийлар ҳақида, — “*Масиҳ номидан элчилар*” ва уларга “*яраштириш хизмати*” берилган, деб гапирилди (2Кор. 5:18-20). Ибодат пайтида руслар ҳам қозоқлар ҳам аввал бир-бирини хафа қилгандари учун бир-бирларидан кечирим сўрашди. Бу ибодат конференсияси шахардаги рус ва қозоқ жамоатларининг орасида умумий мақсад ва бирлик руҳи яратилишига ёрдам берди.

Б. Худони улуғлаш

Худога, Унинг садоқади, Унинг Шоҳлиги, Унинг Ўғли — Исо Масиҳ учун... ҳамду-санолар айтинг. Худога айтиладиган ҳамду-санолар ва улуғлашлар Унинг ҳарактерига ва фазилатларига қаратилишига интилинг. Бу вақтдан, руҳий уйғониш ва Хушхабарни бутун дунёга тарқатиш бўйича муҳим масалаларни гапириш учун фойдаланинг. Яхши мадҳиялар ва қўшиқларни танланг ва уларнинг ҳар бири ибодат конференсиясининг асосий мавзусига боғлиқ бўлишига ҳаракат қилинг. Буни ҳар бир қўшиқни куйлашдан олдин бир нечта қисқа жумлаларни айтиш орқали қилиш мумкин, лекин бунда вაъз айтишга киришиб кетмаслик учун эҳтиёт бўлиш керак, шунчаки бошқаларни Худога ҳамду-сано айтишга ва Уни улуғлашга бошланг.

В. Саломлашиш

Ҳаммага салом беринг ва Каломга асосан, Худонинг иродасига ва ҳоҳишига тўғри келиши учун одамлар нима тўғрисида ибодат қилишлари кераклиги тўғрисида қисқача кўрсатма беринг. Мазкур ибодат йиғилишининг дастури Муқаддас Китобда айтилган қайси ваъдага асосан тузилади? Даструрнинг асосий қисмлари ва у қандай шаклда ўтиши ҳақида қисқача айтиб ўтинг. Ҳодисаларнинг мазмунини, ҳар бир қисмнинг ўрнини ва аҳамиятини тушунтиринг. Одамларнинг бир-бирларига нисбатан сезгир бўлишлари — ибодатлар қанчалик узун, қанчалик баланд овозда бўлиши ва ҳок.лар ҳақида ҳам бир нечта таклифларни ва тилакларни айтинг.

Г. Гуноҳларга тавба қилиш ва ички тайёргарлик

Бунда қатнашчилар Худонинг овозини эшитишга тайёр эканликларини ва ўзларининг шафоат ибодатлари билан Жамоатга ва бутун дунёга хизмат қилиш ҳақидаги ҳоҳишлирини эсга олишлари ва бунда мустаҳкамланишлари керак. Гуноҳлар учун тавба қилиш ибодатига вақт ажратинг ва одамларни бундай ибодатга бошланг, токи ҳар бир одам ўзига маълум бўлган гуноҳларни ибодатда Худога айтиб, тавба қилсин ва бу гуноҳлардан фориғ бўлсин. Тавба қилинганда эшиттириб гапириш шарт эмас. Ҳамма ибодатларда Муқаддас Рухга тўлиб тошишларини ва Унинг бошқарувини сўранг. Худдо Ўз Сўзи ёки Муқаддас Рух орқали нималарни гапираётганини эшитиб, бирмунча вақтни сокинликда ўтказинг.

Д. Кичик гуруҳларда ибодат

Қатнашчиларни иккитадан олтитагача кишидан иборат бўлган кичик гуруҳларга бўлинг. Ҳар бир гуруҳ маълум мавзулар бўйича қайсиdir даража — маҳаллий, жой, миллий ёки халқаро даража учун ибодат қилишлари керак. Кичик гуруҳларнинг ибодати учун ажратилган вақтнинг охирида, ибодат ҳаракатининг ўсиши учун қилинадиган умумий ибодат билан якунланг. Худо, ибодат йиғилишининг ҳамма қатнашчиларига ҳар кунги ибодатда муттасил ва саботли бўлиб қолишиларига ёрдам беришини сўраб ибодат қилинг. Ўз шаҳарингизда ҳам ибодат ҳаракати пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ибодат қилинг. Худо мана шундай ибодат йиғилишларини ва конференцияларни бутун мамлакатлардаги жамоатларда ҳам ташкил қилишини сўраб ибодат қилинг.

Е. Кўрсатма қўлланмалардан фойдаланиш

Ибодатнинг мақсадга қаратилишига ва қатнашчилар ибодатнинг мавзуларини тушунишларига ёрдам беришда турли хил ахборот ва маълумотларнинг ишлатилиши ҳам жуда фойдали бўлади. Энг кўп муҳтожикларга эга бўлган соҳаларни ифодалайдиган схемалар ва жадваллар энг яхши кўрсатмали қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маҳаллий жамоатлар мавжуд бўлган, шунингдек биронда ҳам жамоат мавжуд бўлмаган ҳудудларнинг географик харитасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шунингдек, яна ишсизлар, ёлғиз ота-оналар ва ҳоқ.лар даражаси юқори бўлган вилоятларнинг хариталари ҳам ишлатилиши мумкин.

Ж. Тадбир якунида Худога сажда қилиш ва ҳамду-санолар айтиш

Йиғилишни (конференсияни), Худога, Унинг ажойиб ишлари учун сажда қилиш ва ҳамду санолар айтиш билан якунланг. Худога ўзингизни бағишиланг, йиғилишнинг ибодатларига жавоб бўлинг ва шунга муносиб яшанг.

ХУЛОСА

Ибодат ва ибодат йиғилишларини ташкил қилиш — янги ғоя эмас. Биз фақат Худога эргашишни ва Унинг ишларида иштирок этишни хоҳлаймиз. Масиҳийликнинг бошланишидан бери ибодатга, Хушхабар тарқатиш ва жамоатлар ташкил қилишнинг ҳаётий муҳим қисми сифатида қаралган. Ибодат йиғилишларининг қандай даражада бўлишидан қаътий назар — хоҳ у маҳаллий, хоҳ умумشاҳар, минтақавий ёки миллий бўлсин, унинг мақсади — ҳар бир халқ орасида чинакам масиҳий, ўсувчи жамоатлар ташкил қилиниши ва мустаҳкамланишидан иборат бўлиши керак, токи ҳар бир одам Хушхабарни энг тушунарли, содда, унга ва унинг шароитига тўғри келадиган йўл билан эшитиш ва кўриш имкониятига эга бўлсин.

САВОЛЛАР

- Барча жойларда жамоатлар ташкил қилиниши учун ибодатларни уюштириш бўйича шахсан сиз қандай тажрибага эгасиз?
- Сиз ўз мамлакатингизда мавжуд бўлган қандайдир миллий, минтақавий ёки шаҳар бўйича ибодат структуралари ёки ташкилотлари, гуруҳлар ҳақида биласизми?
- Сизнинг ибодат билан қўллаб-кувватлаш гуруҳингиз ва жамоатлар ташкил қилиш хизмати ўртасида маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил қилиниши учун қайси усуллар энг самарали бўлди?
- Машғулот вақтида, сиз, жамоатлар ташкил қилувчи, барча жойларда жамоатлар ташкил қилиш ва бу ҳақда ибодат қилиш ниятини бошқа жамоатларга қай тарзда етказа олишингиз мумкинлигини муҳокама қилинг.
- Сиз қачон бўлса ҳам катта миёсдаги ибодат тадбирларида қатнашганмисиз? Бу сизга қандай таъсир қилди? Шу каби тадбирни сиз ўз шаҳрингизда қандай қилиб ўтказган бўлар эдингиз?
- Сизнинг ҳаётингиздаги ибодатга нисбатан Худонинг хоҳиши-иродаси қандай? Ибодат ҳар бир масиҳий раҳбар учун энг юксак қадрият (приоритет) бўлиши керакми?
- Нима учун ибодат — бизнинг ҳаётимизнинг ва хизматимизнинг энг муҳим ҳаётий қисми эмас?

ТОПШИРИҚ

- Барча жойларда жамоатлар ташкил қилиниши учун ибодатларни ташкиллаштиришнинг турли хил жиҳатларини тақорорланг. Ўз шаҳарингизда, жойингизда ёки мамлакатингизда бундай ибодатни ташкил қилинишида ёрдам бериш учун, сиз нима қилишингиз кераклиги бўйича аниқ қарорлар қабул қилинг.

**Ибодат
2,3 Дарслар**

Ибодат семинари

Дарс мақсади:

Ушбу дарснинг мақсади — Худонинг марҳамати ва садоқати учун Уни улуғлаш.

Кутиладиган натижалар:

Дарснинг материалини ўрганиб, ҳар бир ўқувчи:

- Мазкур ўқув жараёни вақтида Худодан олган барака ва марҳаматларидан баъзиларини эслаб, руҳан тетиклашиши керак;
- Ҳамма нарсани, хатто ҳаётида ва хизматида энг муҳим ва энг қимматли бўлган нарсаларни ҳам Худога топшириш учун тайёр бўлиши керак;
- Ушбу бешта қўлланманинг ҳаммасини ўрганиб бўлганидан кейин, бир-бирларига доимо ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида, жамоат ташкил қилувчиларнинг мунтазам мулоқотларини ташкил қилишга ҳаракат қилиши керак (ёки бундай мулоқотларни ташкил қилишда иштирок этиши керак).

Дарс режаси:

- I. Худонинг садоқати учун Унга ҳамду сано мадхияларини айтиш
- II. Худонинг барокатлари ҳақида бир-бирига эслатиш
- III. Янги жамоатлар ташкил қилишнинг тўхтовсиз иши ҳақида ибодат
- IV. Худога сажда қилиб ва ҳамду санолар куйлаб, Унинг барокатлари ва марҳамати учун миннатдорчилик билдиринг

Ўқитувчилар учун кўрсатмалар:

Бу икки соатлик семинар “Ибодат” мавзусининг дарсларидан кейин ўтиши ва ўқув жараёнини тугатиши керак. Уни синчилаб режалаштиринг, токи бу вақт Худонинг марҳамати, қўллаб-қувватлаши ва шодлик вақти бўлсин. Уч-тўрта одамдан, уларнинг жамоат ташкил қилиш хизматларида Худо берган марҳаматлари ва барокатлари тўғрисида гапириб беришларини сўранг. Шундан сўнг, ўқувчилар кўпчилик билан бўлишиш имкониятига эга бўлишлари учун, уларни кичи гуруҳларга бўлинг. Охирида умумий сажда қилиш ва ҳамду-санолар айтиш учун яна йиғилинг.

Ҳали Хушхабар айтилмаган халқларнинг рўйхатини ва мамлакатларнинг харитасини тайёрланг.

Эслатма: ушбу ибодат семинарининг мавзусига Забурнинг 66 саноси жуда мос келади.

I. ХУДОНИНГ САДОҚАТИ УЧУН УНГА ҲАМДУ – САНО МАДХИЯЛАРИНИ КУЙЛАШ

Худога миннатдорчилик билдиринг, Унинг садоқати учун:

- ўқувчиларга,
- уларнинг оиласарига,
- уларнинг хизматларида,
- халқингизга.

II. ХУДОНИНГ МАРҲАМАТЛАРИ ҲАҚИДА БИР-БИРИГА ЭСЛАТИШ

А. Мамлакатингиздаги Жамоатга нисбатан

- Сизнинг мамлакатингизга Хушхабарни олиб келган биринчи миссионерлар учун Худога раҳматлар айтинг.
- Хушхабарни қабул қилган биринчи одамларнинг юракларини тайёрлагани учун Худога раҳматлар айтинг.
- Мамлакатингизда имон учун ҳалок бўлган масиҳийлар учун Худога раҳматлар айтинг.
- Дунёнинг бошқа жойларидан хизмат қилиш учун сизнинг мамлакатингизга юборилган миссионерлар учун Худога раҳматлар айтинг.
- Бутун тарих давомида Худо Ўз Жамоатини асррагани ва ҳимоя қилгани учун Унга раҳматлар айтинг.

Б. Жамоатлар ташкил қилиш бўйича сизнинг хизматингизга нисбатан

- Худо жамоатлар ташкил қилиш хизматларини қандай марҳаматлагани ёки мазкур ўкув жараёнида Худо нималарни ўргатгани тўғрисида уч-тўрт одамдан бутун гуруҳнинг олдида гапириб беришларини сўранг.
- Ҳар бир киши, ким хоҳласа, кичик гуруҳларида Худо унинг хизматини қандай марҳаматлагани тўғрисида гапириб берсин.

III. ЯНГИ ЖАМОАТЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ТЎХТОВСИЗ ИШИ УЧУН ИБОДАТ

Ўкувчилардан, бир-бирининг хизматлари учун кичик гуруҳларда ибодат қилишларини сўранг. Жамоатларни ташкил қилувчилар ишлаётган жойларда, шаҳарларда Осмон Шоҳлиги ёйилиши учун ибодат қилинг. Хушхабар ваъз қилиниши учун эркинлик ва жасорат берилиши учун ибодат қилинг.

Яна умумий гуруҳга бирлашиб, ўз мамлакатингиз ҳалқи учун биргаликда ибодат қилинг. Худодан Унинг Шоҳлиги янада кентайиши ва тарқалишини, Унинг Шоҳлиги жамиятнинг ҳамма қатламларига етиб боришини сўраб ибодат қилинг. Хушхабар, ҳали уни эшитмаган аҳолининг қатламларига, ҳалқларга ва гуруҳларга етиб бориши учун ибодат қилинг. Бу муҳтожикларни янада ойдинроқ қилиш учун, ҳали Хушхабар ваъз қилинмаган аҳоли гуруҳларининг рўйхатидан ва мамлакатларнинг харитасидан фойдаланинг.

IV. ХУДОНИНГ ЭЗГУЛИГИ УЧУН УНГА САЖДА ҚИЛИШ ВА ҲАМДУ-САНО КУЙЛАШ ОРҚАДИ МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРИНГ

Эслатма: Йиғилишнинг охирида жамоат ташкил қилувчиларнинг мунтазам мулоқотларини ташкил қилишнинг режасини ишлаб чиқишингиз мумкин, ва бу учрашувлар минтақавий даражада ҳар ойда, ҳар кварталда ва ҳок.да ўтиши мумкин. Бундай учрашувларда биргаликда ибодат қилинади, тажриба алмашинади ва жамоат ташкил қилувчиларга таълим бериш давом эттирилади ва қўллаб-қувватланади.